



УДК 301.085:15:371,95(045)

Нилуфар АБДИНАЗАРОВА,
Қариш давлат университети
психология кафедраси ўқитувчиси

Псих.ф.ф.д Ф.Чориев тақризи асосида

МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДА БОЛАЛАРНИНГ МЕХРИБОНЛИК УЙИГА ТУШИШ САБАБЛАРИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мақолада мамлакатимиз миқёсида болаларнинг Меҳрибонлик уйига тушиш сабабларининг ижтимоий-психологик таҳлили келтириб ўтилган ва уларни оила муҳитига қайтариш бўйича бир қанча тавсиялар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: Етим, шахсий ҳудуд, деинституционализация, ижтимоий мавқеи, ноқобил оила, ижтимоий психология, адаптация, психопрофилактика.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНЫХ ПРИЧИН ПОПАДАНИЯ ДЕТЕЙ В ДЕТСКИЕ ДОМА НА ТЕРРИТОРИИ НАШЕЙ СТРАНЫ.

Аннотация

В статье проведен социально-психологический анализ причин попадания детей в детский дом в масштабах нашей страны и дан ряд рекомендаций по возвращению их в семейную среду.

Ключевые слова: Сирота, личная территория, деинституционализация, социальное положение, несемейность, социальная психология, адаптация, психопрофилактика.

SOCIO-PSYCHOLOGICAL ANALYSIS OF THE REASONS FOR BEING SENT AN ORPHANAGE IN THE TERRITORY OF OUR COUNTRY.

Annotation

In the article, a socio-psychological analysis of the causes of children's falls into the orphanage has been carried out on the scale of our country and several recommendations have been made to return them to the family environment.

Keywords: Orphan, personal territory, deinstitutionalization, social position, non-family, social psychology, adaptation, psychoprophylaxis.

Хар қандай инсон Меҳрибонлик уйига борганида, болаларнинг кўзларида қалб нолаеси, оғриқ ва умидсизликни англайди. Тўғри, давлат меҳрибонлик уйларида уларнинг фаровон яшашлари учун барча шароитларни яратмоқда. Аммо ҳеч бир тарбиячи ҳеч қачон меҳрибон ота-оналарнинг муҳаббати ва меҳри ўрнини боса олмайди. Болаларнинг ўзининг “шахсий ҳудуди”, шахсий алоқалари йўқ. Баъзан улар қўллаб-қувватлашга, ҳамдардикка муҳтож бўлишади. Эҳтимол, улар шунчаки ким биландир гаплашишни ёки маслаҳат олишни исташар. Бу жараёндаги ўзига хос тўсиқлар, уларни руҳий тушқинликка олиб келади ва шахсий фазилятларининг намоён қилиш имконидан маҳрум қилади. Одатда, бундай болалар ижтимоий муҳитга мослашиш жараёнида ота-онаси мавжуд бўлган болаларга нисбатан секинроқ кечади.

Бола оилада, меҳрибон инсонлари қуршовида яшаши ва алоҳида парваришда ўсиши керак. Фақат шундагина у бахтли ва баркамол инсон бўлиб улғайиш учун замин яратилади.

Шунинг учун фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар деинституционализация жараёнига, етимликнинг олдини олиш (профилактикаси)га бефарқ бўлмасликлари ва бу жараёнда иштирок этишлари, агар боланинг меҳрибонлик уйига тушиш эҳтимоли бўлса, давлат идораларига нотинч ва оғир аҳволдаги оилаларни аниқлашда ёрдам беришлари жуда муҳимдир. Сабаблар талайгина бўлиши мумкин ва мутахассислар бу вазиятда боланинг манфаатлари қанчалик ҳимоя қилинишини, оилага ёрдам беришнинг имкони бор-йўқлигини ўрганиб, керакли ишларни амалга

оширишлари керак. Балки вазиятни ота-оналарни иш билан таъминлаш орқали яхшилаш мумкиндир.

Ўзбекистонда қабул қилинган деинституционализация бўйича ҳаракатлар режаси оилаларни қўллаб-қувватлаш хизматларини яратиш, болалар ва оилаларнинг ажралишини олдини олиш учун асосдир [1;2].

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ота-она қарамоғисиз қолган болалар ижтимоий мавқеининг икки тушунчаси мавжуд: Етим бола – ота-онаси вафот этган ёки суд қарорига мувофиқ вафот этган деб тан олинган бола ҳисобланади (ЎЗР ФҚ нинг 36-37-моддалари). Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола – ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно [3].

Ҳукуматнинг 2022 йил 17 январдаги 26-сон қарорига мувофиқ, Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Меҳр дафтари” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар туман (шаҳар) ҳокими қарори асосида “Меҳр дафтари”га киритилади ва ундан чиқарилади. Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганларни қўллаб қувватлаш мақсадида “Меҳр дафтари” тизими жорий қилинди. Болалар ушбу дафтарга туман ёки шаҳар ҳокими қарори асосида киритилади ва ундан 25 ёшга тўлганда чиқарилади. Бунда дафтардан чиқарилаётган шахсларнинг бандлиги таъминланган ва уй-жойи мавжуд бўлиши шарт.

Шу билан бир қаторда Меҳрибонлик уйларида бир йил муддатга оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида муҳтож оила фарзандлари, кўп болали оила фарзандлари, ёлғиз ота-оналарнинг фарзандлари қабул қилинади. Болаларнинг Меҳрибонлик уйига келиб тушишдан олдинги турмуш тарзини ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилояти Меҳрибонлик уйларида бирида 87 нафар тарбияланувчиларнинг ҳужжатлари атрофлича ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, болаларнинг Меҳрибонлик уйига келиб тушишлари бир эмас, балки бир неча сабаблар, хусусан, кўпчилик ҳолатларда оилада ноқобил психологик муҳитнинг мавжудлиги, боланинг меъёрий яшаши учун шароит йўқлиги ёки унинг келгусидаги ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган омилларнинг мавжудлиги кабиларга боғлиқ.

Ҳужжатлар таҳлили якунида Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг муассасага келиб тушишининг асосий сабабларини белгиладик ва уларни алоҳида тоифаларга ажратдик:

(1-жадвал)



Қуйидаги ижтимоий-психологик таҳлил натижалари ҳамда психологик кузатувлар шуни кўрсатадики, меҳрибонлик уйига олиб келинган болаларнинг аксарияти психологик салбий муҳитда ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бу турдаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини “Ижтимоий етим” мавқеига киритилувчи болаларнинг ижтимоий вазиятлари келтирилган:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган, бироқ ғайриижтимоий турмуш тарзини олиб борувчи оила фарзандлари 32% ни ташкил қилди. Келгусида бу болаларнинг ижтимоий мавқеини аниқлаштириш бўйича ўрганиш ишлари олиб борилиши зарур, чунки, оила аъзоларининг муайян реабилитацион чоралар натижасида ҳулқи ўзгариши ёки ўзгармаганлигини аниқлаштириш натижасида миллий қонунчилик меъёрларида белгиланган фуқаролик ишлари бўйича чоралар кўрилиши лозим;

топиб олинган ёки ташлаб кетилган болалар 13% ни ташкил қилди. Ушбу турдаги ҳолатларни олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ушбу турдаги жиноятлар учун мўлжалланган меъёрий ҳужжатлар ижросини тақомиллаштириш;

ўз фарзанди тарбиясидан воз кечган ота-оналарнинг болалари 12% ташкил этди. Ушбу турдаги ҳулқида, ахлоқида ҳамда руҳиятида оғишишлар мавжуд бўлган ота-оналар билан психологик хизматни йўлга қўйиш орқали улар руҳиятини соғломлаштириш;

ота-оналари жазони ўташ жойларида бўлганларнинг фарзандлари 8% ни ташкил қилди. Кўпгина ҳолларда ота-оналарнинг жазони ўташ муддатлари тугаган тақдирларида ҳам ўз фарзандларини Меҳрибонлик уйидан олиб кетиш истагидан биров йироқда бўладилар. Бундай оқибатларнинг олдини олиш

• етим болалар;
• тарбиядан воз кечилганлар;
• ижтимоий мослашмаган, ноқобил оила (ахлоқсиз ва ғайриижтимоий ҳулқ-атвори сабабли ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёки чекланган) фарзандлари;

• ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилмаган, аммо спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи ота-оналарнинг фарзандлари;

• ота-онаси жазони ўташ муассасаларида (бу болаларнинг ота-онаси бугунги кунда озодликка чиққан бўлиши ҳам мумкин, бироқ, кўп ҳолларда озодликка чиққан ота-оналар фарзандларини Меҳрибонлик уйларида қайтиб олишмайди);

• ногиронликка эга бўлган ота-оналарнинг фарзандлари;

• ёрдамга муҳтож оилалар фарзандлари;

• ота-оналари меҳнат эмигранциясида;

• ота-оналар тўғрисида маълумот йўқ.

Статистик таҳлил натижалари гистограмма тарзида яққол кўринади:

мақсадида Меҳрибонлик уйи ижтимоий иш ходими тарбияланувчиларнинг жазони ўташ муассасасидаги ота-онаси билан меҳр ришталари узилмаслигини олдини олиш мақсадида албатта қонун доирасида, имкон қадар алоқада (масалан, хат ёзишиш орқали) бўлиб туришига ёрдам бериши лозим. Ота-онанинг жазони ўташ муассасаларидан озод бўлиши муддати тугаш арафасида ва кейинроқ ўз фарзандларини қайтариб олишларига амалий ёрдам кўрсатиши лозим;

ногиронлиги мавжуд бўлган оилаларнинг фарзандлари 2% ни ташкил қилди.

Тарбияланувчилар орасида ота-оналари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ бўлган болалар ҳам бўлиб, улар 4% ни ташкил этади. Ушбу вазиятда мазкур болаларнинг ижтимоий мавқеи аниқлаштирилмаган бўлгани учун уларни “ижтимоий етим” болалар қаторига қўша олмаيمиз. Боланинг келгусидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда қийинчиликлар юзага келмаслиги учун муассаса ижтимоий иш ходими ва тегишли ваколатли органлар масъуллари боланинг ота-онаси ҳақидаги маълумотни топиш ва боланинг вазиятини аниқлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга ошириши лозим. Агарда ота-онанинг қаердалиги маълум бўлмаса, у тақдирда уларнинг бедарак йўқолганлиги ёки вафот этганлиги фактини эълон қилиш бўйича даъволарнинг илгари сурилиши ҳақиқатда ҳам ота-она қарамоғисиз қолган бола учун белгиланган давлат имтиёзлари ва ҳуқуқларга эга бўлиш бўйича ишларни амалга ошириш зарурдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича ҳулоса қилиш мумкинки, Меҳрибонлик уйларида ота-онаси мавжуд, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда ҳар хил ижтимоий сабабларга кўра тушиб қолаётган болаларни ўз оилаларига қайтаришда барча мутасадди

ташкilotларнинг биргаликдаги фаолиятини жорий этиш лозим.

Хулосадан келиб чиқиб қуйидаги тавсияларни бериб ўтишни лозим топдик:

-хукумат фармон ва қарорлари бўйича ҳаракатлар режаси оилаларни қўллаб-қувватлаш хизматларини яратиш ва ажралишишлар олдини олиш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар меҳрибонлик уйига тушиш эҳтимолини олди олиш учун асосдир.

-бола ривожланиши учун табиий муҳит сифатида қаралиши керак бўлган оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида асосий мақсад – бу иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва маъмурий чоралар орқали боланинг оилада, ва оилавий муҳитда яшаш ва вояга етиш ҳуқуқини таъминлаш.

-ушбу болаларни оилага қайтариш ишлари бевосита шу оила, ота-она ва боланинг яқин

қариндошлари билан биргаликда амалга оширилиши керак. Оиланинг моддий аҳволини яхшилаш, иш билан таъминлаш, уларга маънавий ва бошқа масалаларда қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиши лозим.

-шуни ҳам унутмаслик лозимки, кўп ҳолларда бундай оилаларда боқимандалик кайфияти шаклланиб, ҳаётдаги кундалик муаммоларини ҳал қилиб беришда уларнинг атрофдагилари жонқуярлик кўрсатиши лозим, деган тушунча пайдо бўлади. Шунинг учун оилага ёрдам бериш билан бирга уларда муаммоларни мустақил тарзда ҳал этиш кўникмаларини ҳам психологик ривожлантириб бориш зарур.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [ПҚ-4185-сонли](#) Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” [824-сонли](#) Қарори.
3. Ўзбекистон республикаси “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни, 3-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги 739-сонли “Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллари билан қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.



УДК:303:311 (575.1)

Сардорбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси катта ўқитувчиси, PhD
E-mail:asardorbek85@mail.ru

ЎзМУ профессори, и.ф.д. Алиқориев Н.С тақризи асосида

SOCIOLOGICAL ANALYSIS OF EMPLOYMENT ISSUES IN THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE NEW UZBEKISTAN

Abstract

The development of the social, economic, political and cultural spheres of society depends on the satisfaction of the material and spiritual needs of people, while the main place is played by labor and its social distribution. Today, developed countries, including our country, are increasing employment, paying special attention to the prevention of unemployment and the development of socio-economic sectors, the study and conduct of scientific research in the framework of sociological studies of the mutual relationship of the labor market to the labor supply and the socio-cultural development of employment population. Particular attention is paid to the development of a sociological analysis of the impact on the labor market by providing employment and reducing unemployment.

This article examines a sociological analysis of youth employment issues in the development strategy of the new Uzbekistan and consistent reforms aimed at increasing the employment of the population, especially youth in our country.

Key words: Labor, employment, employment, need, social mechanism, labor market, employment, unemployment, social protection.

СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ВОПРОСОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ ЛЮДЕЙ В СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

Развитие социальной, экономической, политической и культурной сфер общества зависит от удовлетворения материальных и духовных потребностей людей, при этом основное место играет труд и его социальное распределение. Сегодня развитые страны, в том числе и наша страна, повышают занятость населения, уделяя особое внимание вопросам профилактики безработицы и развития социально-экономических отраслей, изучения и проведения научных исследований в рамках социологических исследований взаимного отношения рынка труда к трудовому предложению и социально-культурному развитию занятости населения. Особое внимание уделяется к разработке социологического анализа влияния на рынок труда путем обеспечения занятости и сокращения безработицы.

В данной статье исследован социологический анализ вопросов обеспечения занятости молодежи в стратегии развития нового Узбекистана и последовательные реформы, направленные на повышение занятости населения, особенно молодежи в нашей стране.

Ключевые слова: Труд, занятость, занятость, потребность, социальный механизм, рынок труда, занятость, безработица, социальная защита.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Бугунги кунда ривожланган давлатлар шу жумладан, мамлакатимиз ҳам аҳоли бандлигини ошириш, ишсизликни олдини олиш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожлантириш, аҳоли бандлигининг меҳнат тақлифига ва ижтимоий-иқтисодий ўсишга таъсири ва бандликка меҳнат бозорининг ўзаро таъсирини социологик тадқиқотлар асосида ўрганиш ҳамда илмий изланишлар олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу мақолада Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларининг социологик таҳлили ҳамда мамлакатимизда аҳоли айниқса ёшлар бандлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Меҳнат, бандлик, аҳолини иш билан таъминлаш, эҳтиёж, ижтимоий механизм, меҳнат бозори, аҳоли бандлиги, ишсизлик, ижтимоий ҳимоя.

Қириш. Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва қафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадр

учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгиланиши, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижа-сида “Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган етгита устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, адолат ва қонун устуворлиги-халқчил давлат қуриш, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, сифатли таълим-тарбия, маънавий ва маърифий соҳалардаги ислохотлар, Қуролли

Кучларимиз қудратини янада ошириш, аҳоли бандлигини ошириш сингари муҳим масалаларни қамраб олган. Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва ишсиз фуқароларни давлат ҳисобидан малакали касб-хунарга ўқитиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, эҳтиёжманд аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш орқали 2026 йилгача камбағалликни икки баробар қисқартириш масалари муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолини иш билан таъминлаш ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда ҳам долзарб муаммо сифатида намоён бўлмоқда. Чунки ижтимоий зиддиятларни авж олиши, маиший муаммоларнинг долзарблашуви ишсизлик билан боғлиқ мавзу ҳисобланадики, бунга Евроиттифокқа аъзо давлатларни мисол келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикасини “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги[1] қонунининг 5-моддасида “Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари” алоҳида белгилаб қўйилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси 35 271 276 кишини ташкил этди[2] (1 -расм).



1-расм Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони

2022 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистондаги меҳнат ресурслари сони 19 миллион 345 минг кишини ташкил этди. Мамлакатда 1 миллион 441,8 минг киши ишга муҳтож бўлиб, ишсизлик даражаси 9,6 фоизга етди. Ёшлар орасида ишсизлик даражаси 15,1 фоизни, аёллар орасида эса 13,3 фоизни ташкил этди[3].

2022 йил 1 январь ҳолатида мамлакатдаги меҳнат ресурслари сони 19 миллион 345 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 фоизга ёки 202,6 минг кишига ошган. Иқтисодий тармоқларида банд бўлганлар сони 13 миллион 538,9 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоизга (299,3 минг кишига) ошган.

Шунингдек, расмий секторда банд аҳоли сони 6 миллион 196,3 минг кишини ташкил қилган. Бу 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга ёки 314,8 минг кишига ўсишни аңлатади. Норасмий секторда банд бўлганлар сони 5 миллион 885,5 минг кишини ташкил этиб, 2021 йилнинг 1 октябрь ҳолатига нисбатан 1 фоиз ёки 58,4 минг кишига камайган. Ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1 миллион 441,8 минг кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайган бўлса, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 0,2 фоизга ортган, 16–30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси — **15,1 фоиз**, аёллар орасида ишсизлик даражаси эса — **13,3 фоиз** бўлди.



1-расм Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 2022 йил



2-расм Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 2021 йил



3-расм Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 2021 йил

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига 879,5 минг нафар фуқаро иш топишга ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мурожаат қилган фуқароларнинг 393,8 минг нафари иш билан таъминланган. Қуйидаги расмлар орқали мамлакатимизда ишсизлик даражасини йиллар кесимида таҳлил қилишимиз мумкин (2,3,4-расмлар).

Қуйидаги диаграмма орқали эса мамлакатимиз ишсизлик даражаси динамикасини ўзгариш ҳолатини таҳлил қилиш мумкин (1-диаграмма).

2022 йилнинг 1 январь ҳолатида республикада иқтисодий нофаол аҳоли 4 миллион 364,2 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоизга ёки 19,8 минг кишига ортиши кузатилган.



1-диаграмма. Ишсизлик даражасининг ўзгариши динамикаси

Бундан ташқари, 98,8 минг нафар ишсизларга 87,1 млрд сўм ишсизлик нафақаси тайинланган ва тўлаб берилган. 2021 йил давомида 37,3 минг ишсизлар ҳамда «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари»га киритилган ишсизларга 83,1 млрд сўм субсидия маблағлари ажратилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлил. Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмларини ишлаб чиқиш мавзуси долзарб илмий социологик ва илмий иқтисодий мазмунга эга. Давлатни равнақи аҳолининг бандлиги билан, аниқроғи иш билан таъминланганлигига боғлиқ бўлиб, меҳнатнинг натижасида моддий ва маънавий ноз-неъматлар бунёд этилади. Дунёнинг ривожланган давлатларининг тарихига назар солсак, ҳар бир мамлакат иш ва бандлик масаласига доир ўз назарий-методологик ёндашувини, қонунчилигини яратган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам мазкур масаланинг назарий-методологик асоси яратилган бўлиб, мамлакатимизда қабул қилинган Қонун

ва Давлат дастурларининг аксарият қисми аҳолининг бандлигини оширишга қаратилгандир. Бу мавзу хорижий олимлардан P.Thompson [4], B. Claussen [5], R.Kegan [6], M.Friedman [7], M.Granovetter, R. Swedberg [8] кабиларнинг ишларида ўрганилган бўлиб, муаллифлар Биохевиризм таълимоти асосида (S – R) меҳнат билан шуғулланиш, иш жойларини ташкил этиш масалалар анализини амалга оширган. Бандлик муаммоларини ўрганиш, истикболлини белгилаш услублари ва афзалликлари, бандлиқнинг давлат тараққиётидаги роли ҳамда аҳамиятини классик иқтисодиёт соҳасидаги машҳур олимлар А.Оукен, А.Смит, К.Макконелл, Д.Рикардо, А.Маршалл, И.Фишер, Д.Кейнс асарларида [9] сабаб ва оқибат алоқадорлигини инобатга олган ҳолда кенг ёритилган. Эркин бозор ислохотлари шароитида аҳолини иш билан таъминлашни ошириш, истикболлари, турмуш даражасини яхшилашнинг ҳам назарий ҳам амалий муаммоларини МДХ давлатларининг машҳур иқтисодиёт соҳасининг етук олимлари М.Долишний, Н.Волгин, Б.Генкин,

Ю.Одегов, Л.Дегтярь, Л.Костин, И.Маслова [10] ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимиз олимлардан Қ.Абдурахмонов, Р.Убайдуллаева, Ш.Зайнитдинов, Б.Муртазаев, Н.Тўхлиев, Х.Абулқосимов, Д.Рахимова, О.Ата-Мирзаев[11] кабилар томонидан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жиҳатдан тадқиқ этилган.


Аҳолини иш билан таъминлаш масаласи динамик мазмун касб этиб, уни бир нечта босқичларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу мавзу мамлакатимизда, истиқлолга қадар даврда ва истиқлол даврида алоҳида ўрганиб келинмоқда. Аммо унинг социологик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмаганлиги, алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатиб ўтамин. Бандлик назариясини эволюцион шаклланиш босқичлари асосан қуйидаги иқтисод ва социология соҳа фанининг олимлари томонидан назарий таълимот мактабларига бўлиб ўрганилган.

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот мақсади ижтимоий тараққиётни таъминлашнинг назарий методологик концепцияларга таянган ҳолда аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмини

ўрганишдан иборат. Ҳамда Давлат тузилмалари, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий бошқарув органларининг ўзаро муносабати, ҳаракати ва фаолиятида бандликни ошириш йўлида олиб борилаётган фаолияти мажмуавий таҳлил этилиб, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган ҳулоса ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Аҳоли бандлигини ошириш мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар асосида таркибий ўзгариши ва уни статистик боғлиқликларини таҳлили ижобий натижани изохлайди. Таҳлил натижаларига кўра, республикада 2030 йилга келиб, аҳоли сони 2021 йилга нисбатан 20,7% ёки 7017,9 минг кишига, меҳнат ресурслари 21,9% ёки 4192,1 минг кишига, иш билан банд аҳоли 16% ёки 2125,5 кишига ошиши ва норасмий меҳнат билан бандлар улуши 20%га тушиши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар истиқболлаштириш даврида банд аҳолининг йилига ўртача 1,15%дан ошиши ва кенг қамровли комплекс тадбирларни амалга ошириш натижасида норасмий меҳнат билан бандлар сонининг йилига ўртача 5%га камайиши натижасида рўй беради (2-диаграмма).


Ўзбекистонда норасмий меҳнат билан бандликнинг 2021-2030 йиллардаги мақсадли прогноз параметрлари (минг киши) 2-диаграмма.



Таҳлил натижаларига кўра, республикада 2030 йилга келиб, аҳоли сони 2021 йилга нисбатан 20,7% ёки 7017,9 минг кишига, меҳнат ресурслари 21,9% ёки 4192,1 минг кишига, иш билан банд аҳоли 16% ёки 2125,5 кишига ошиши ва норасмий меҳнат билан бандлар улуши 20%га тушиши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар истиқболлаштириш даврида банд аҳолининг йилига ўртача 1,15%дан ошиши ва кенг қамровли комплекс

тадбирларни амалга ошириш натижасида норасмий меҳнат билан бандлар сонининг йилига ўртача 5%га камайиши натижасида рўй беради (2-диаграмма).

Бандликни паст даражадаги таъминланганлик даражаси Наманган вилоятида 2,1%, Сирдарё вилоятида 2,6%ни ва Навоий вилоятида 3,2%ни ташкил қилади (4-расм).



4-расм. Ўзбекистон Республикасида банд аҳоли сонининг ҳудудлар кесимида фойшлардаги салмоғи.

Таҳлил ва натижалар. Таҳлил ва натижалар доирасида белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий вазифалар бажарилган:

- аҳоли бандлигини ретроспектив ҳолатини вақт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ва даврнинг умумий контексти асосида аҳолини ишсизлар қисмида мавжуд

бўлган ижтимоий мотивларни бандлик структуралари билан алоқадорлиги социодинамик таҳлил этилди;

- бандликка мойилликни ижтимоий-маданий омиллари аниқланиб, уни даражасини оширишда бандликни таъминлаш структураларининг тутган роли белгиланиб, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий каби институтларнинг роли белгиланди;

• аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва уларни ўрганишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишнинг аналитик-социологик усули ишлаб чиқилди ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва реал муаммолари тадқиқ этилиб, ресурслардан манзилли фойдаланишнинг устуворлиги назарий жиҳатдан белгилаб олинди;

• республика миқёсида аҳоли бандлигининг ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, бу борадаги мавжуд ташкилий, техник, бошқарув ва ресурсларга тааллуқли бўлган муаммолар белгиланиб,

уларни бартараф этишда функционал ва институционал ёндашувларнинг афзалликлари миллий манфаатларни ҳимоясини амалга ошириш нуқтаи назари асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, яхши ниятлар билан марра жуда баланд олинапти. Одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар янада қизғин ва жадал тус оляпти. Янги, демократик жамиятни барпо этиш, келажак пойдеворини куриш, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиздан қатъиятли ва ташаббускор бўлишни, янгича фикр юритиш, янгича ишлашни талаб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида (янги таҳрири) Қонуни. 01.05.1998 й.
2. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/14/population/>
3. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/08/unemployment/>
4. Thompson P. The Nature of Work: An Introduction to Debates on the eLabour Process. L., 1989.-P.125
5. Claussen B. Health and re-employment in a two year follow up or long term unemployed // Epidemiol. Community Health. 1993. V. 47 (1).
6. Kegan R. In over our heads: The mental demands of modern life. Cambridge, MA: Harvard University Press, 1994
7. Friedman M. Money and Economic Development/ M.Friedman// 1973. №4. – P.70. Оцифровано 2011.
8. Granovetter M., Swedberg R.(eds.). The Sociology of Economic Life. Boulder, Oxford, 1992.-P.56.
9. Абдуллаев С.У. “Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари” социология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2021 йил 15-Б.
10. Абдуллаев С.У. “Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари” социология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2021 йил 15-Б.
11. Абдуллаев С.У. “Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари” социология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2021 йил 15-Б.



UO'K: 377.6.035.2

Mahfuza ARIPIJANOVA,
PIKHTBPKQTMOI mustaqil izlanuvchisi
E-mail: aripjanova83@mail.ru

BuxMTI professori, ped.f.d. Z.Sh.To'xtayeva tahriri ostida

THE ESSENCE OF FORMING COMMUNICATIVE COMPETENCIES OF STUDENTS IN INSTITUTIONS OF PROFESSIONAL EDUCATION

Abstract

The article discusses the concept of competence, the essence of communicative competence, scientific ideas of scientists about communicative competence, as well as the importance of the formation of communicative competencies of students studying in of professional education institutions.

Key words: Professional education, competence, communicative competence, interaction, communication.

В ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ ВАЖНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ КОММУНИКАТИВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ СТУДЕНТОВ

Аннотация

В статье рассматриваются понятие компетенции, сущность коммуникативной компетенции, научные представления ученых о коммуникативной компетенции, а также важность формирования коммуникативных компетенций студентов, обучающихся в сфере легкой промышленности в учреждениях профессионального образования.

Ключевые слова: Профессиональное образование, компетентность, коммуникативная компетентность, взаимодействие, общение.

PROFESSIONAL TA'LIM MUASSASALARIDA O'QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV KOMPETENTSIYALARINI SHAKLLANTIRISHNING MOHIYATI

Аннотасија

Ushbu maqolada kompetentsiya, kompetentlik tushunchalari, kommunikativ kompetentsiyaning mazmun-mohiyati, olimlarning kommunikativ kompetentsiya xususidagi ilmiy g'oyalari, shuningdek professional ta'lim muassasalarida yengil sanoat yo'nalishi bo'yicha tahsil olayotgan o'quvchilarda kommunikativ kompetentsiyani shakllantirishning ahamiyati yoritib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Professional ta'lim, kompetensiya, kommunikativ kompetensiya, o'zaro hamkorlik, muloqot.

Kirish. Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasida professional ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, mustaqil fikrlaydigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ilg'or ta'lim texnologiyalariga asoslangan holda ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida bir qator amaliy tadbirlar amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 6 sentyabrda qabul qilingan PF-5812-son "Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmonida professional ta'lim muassasalari uchun bir qator vazifalar belgilangan bo'lib, ularning barchasi ta'lim samaradorligini oshirish va sohalar bo'yicha o'z dunyoqarashiga ega bo'lgan yetuk mutaxassislarni tayyorlashga qaratilgan[1].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. Professional ta'lim muassasasi – bu Respublikamizning turli sohalar uchun kichik mutaxassislarni tayyorlab beruvchi dargoh hisoblanadi. Bizga ma'lumki professional ta'lim muassasi o'quv dasturlari ham nazariya bilan ishlab chiqarish ta'limini ta'minlaydi. Bugungi kunda O'zbekistonda turli yo'nalishlarda bir qator ishlab chiqarish korxonalari faoliyat yuritayotgan bo'lib, ushbu korxonalar ichida tikuv-trikotaj buyumlari ishlab chiqaruvchi korxonalar soni katta foizni tashkil qiladi. Ushbu korxonalarda faoliyat yuritadigan kichik mutaxassislarga o'z sohasini chuqur o'zlashtirgan bo'lishlari bilan birgalikda yangi texnika va texnologiyalardan foydalana olishlari, sohaga oid yangiliklardan muntazam ravishda xabardor bo'lib borishlari, xorijiy tillarni o'zlashtirgan bo'lishlari, jamoada o'z o'millarini topishlari, ular bilan muloqotga kirishishlari uchun esa bir qator kompetentsiyalarga ega bo'lishlari talab qilinadi.

Professional muassasalarida maxsus fanlarini o'zlashtirish jarayoni murakkab bo'lib, ushbu fanlar quyidagi qobiliyatlarni rivojlantirishga qaratilgan:

1. O'quvchilarning bilim faolligi va kasbiy mahoratini oshirish;
2. O'quv va kognitiv faoliyatni rag'batlantirish;
3. Kasbiy faoliyatga tayyorlikni shakllantirish;
4. O'rganilayotgan axborotni optimallashtirish;
5. Olingan bilim va ko'nikmalarni amaliyotda qo'llay olish;
6. Jamoada faoliyat yuritish[2].

Professional ta'lim muassasasini bitirib, yangi ishga borgan kichik mutaxassis kasbiga oid bilim va ko'nikmalarni yetarli darajada o'zlashtirgan bo'lsada, ish joyiga ko'nikishi uzoq vaqt davom etadi; shuning uchun o'quvchilarga nafaqat bilim berish, balki ularning kasbiy kompetentsiyalarini shakllantirish lozim bo'ladi.


Professional ta'limning yengil sanoat yo'nalishida tahsil olayotgan o'quvchilar kelajakda tikuvchilik ishlab chiqarish korxonalarida rahbar, konstruktor-texnolog lavozimlarida faoliyat yuritadilar. Ularning jamoada o'z o'rnlariga ega bo'lishlari uchun bir qator kompetentsiyalarni o'zlashtirgan bo'lishlari lozim. Masalan, ishlab chiqarish korxonalarida faoliyat yuritish, xodimlar bilan o'zaro munosabatlarga kirishish, ularni rahbar sifatida boshqarish, hamkasblarga o'z fikrini to'g'ri bayon qila olish, tasavvurlaridagi voqelikni tushuntirib bera olishlari uchun kommunikativ kompetentsiyaga ega bo'lishlari muhim sanaladi.

Kompetentsiya – bu mavjud bilim, ko'nikma va malakalarni kundalik faoliyatda qo'llay olish qobiliyati bo'lib,

uning bir nechta turlari mavjud. Inson o'z hayotida o'z o'rnini egallashi, ya'ni shaxsiy, ijtimoiy, kasbiy munosabatlarga kirishishi, hayotda o'z sohasi bo'yicha yetuk mutaxassis bo'lishi uchun bir qator kompetentsiyalarga ega bo'lishi lozim (1-rasm).

“Kompetentsiya” atamalarining psixologik pedagogik mohiyati, shu bilan birga kompetent yondashuv masalalari E.F.Zeer, I.A.Zimmaya, V.I.Baydenko, V.A.Kalney,

A.P.Tryapitsina, Yu.G.Tatur, A.V.Xutorskiy, S.E.Shishov, N.A.Muslimov, S.Yu.Maxmudov, S.Sh.Sharipov, A.R.Xodjabaev, B.A.Nazarova, kasbiy kompetentlikni rivojlantirish masalalari B.M.Bim-Bad, B.S.Gershunskiy, A.S.Zapesotskiy, B.T.Lixachev, N.D.Nikandrov, A.M.Novikov, V.D.Shadrikov kabi olimlar tomonidan ishlab chiqilgan.



1-rasm. Kompetentsiya tushunchasi va uning turlari

Kommunikativ kompetentlikni shakllantirish masalalari G.Grushevitskaya, O.A.Demina, M.K.Kabardov, V.Ya.Kikot', N.Yu.Pavlova, Ye.M. Kuz'mina va boshqa MDH olimlari tomonidan tadqiq qilingan. Mutaxassislar tayyorlashda kommunikativ kompetentsiya umumiy kasbiy kompetentsiyalar ichida ahamiyatli ekanligi T.P.Abakirova, B.G. Anan'eva, V.M.Berezina, Ye.V.Bondarevskaya, V.Bulgakova, N.A.Dmitrieva va boshqalar, kommunikativ kompetentlikni shakllantirish jarayonining mexanizmlari G.M.Andreeva, Yu.K.Babanskiy, A.A.Bodaleva, U.X.Mingboevning ilmiy tadqiqotlarida o'rganilgan.

Mazkur tadqiqotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, o'quvchilarda kompetentsiya turlarini, shu jumladan kommunikativ kompetentsiyani rivojlantirish alohida ahamiyat kasb etadi. Professional ta'lim muassasalarining yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi (tikuv buyumlari) mutaxassisligida tahsil olayotgan o'quvchilarning kommunikativ kompetentsiyalarini shakllantirish orqali ularni kelajakda yetuk mutaxassis bo'lib yetishishlariga erishish mumkin. Buning uchun bir qator ilmiy izlanishlar olib borish taqozo etiladi.

Kommunikativ kompetentsiya – bu o'zaro muloqotga kirisha olishni, muloqotda muomala madaniyatiga amal qilishni, ijtimoiy moslashuvchanlikni, hamkorlikda jamoada samarali ishlay olish layoqatlarini shakllantirishni nazarda tutadi.

Kommunikativ kompetentsiya tushunchasiga olimlar tomonidan turlicha ta'riflar berilgan.

“Kommunikativ kompetentsiya” tushunchasini birinchi bo'lib A.A.Bodalev qo'llagan bo'lib, unda insonning ichki resurslari (bilim va ko'nikmalar) mavjud bo'lganda boshqa odamlar bilan samarali aloqalarni o'rnatish va saqlay olish qobiliyati sifatida talqin qilingan [3].

L.Petrovskaya kommunikativ kompetentsiya deganda insonlar bilan zarur aloqalarni o'rnatish va ularni qo'llab quvvatlash qobiliyatini nazarda tutadi.

Yu.N.Emelaynova kommunikativ kompetentsiyani aloqa o'rnatish qobiliyati sifatida belgilaydi, ya'ni, insonning shaxsiy fazilatlaridan kelib chiqib aloqa o'rnatish, hamda suhbatdoshining kommunikativ qobiliyatini hisobga olgan holda muloqotga kirishish lozim deb ta'kidlaydi.

E.Rudenskiy kommunikativ kompetentsiyani shaxsning ichki resurslari tizimi sifatida ta'riflaydi, bu esa insonning shaxslararo munosabat o'rnatish, hamda ular bilan keng doiradagi samarali harakatlarni amalga oshirish uchun zarur deb hisoblaydi.

V.N.Kunitsina kommunikativ kompetentsiyani oddiygina “muloqotdagi muvaffaqiyat” deb ta'riflaydi [4].

Yu.M.Jukovning fikriga ko'ra kommunikativ kompetentsiya – bu shaxsning psixologik xarakteristikasi bo'lib, u odamlar bilan muloqotda yoki odamlar bilan kerakli aloqalarni o'rnatish va saqlab turish qobiliyatida namoyon bo'ladi [5].

S.A.Ezova kommunikativ kompetentsiya odamning bilim, ko'nikma va shaxsiy fazilatlarini qo'llash qobiliyati deb hisoblaydi [6].

Ye.M.Kuzmina kommunikativ kompetentsiya – bu bitiruvchi talabalarning kasbiy kompetentsiyasini eng muhim tarkibiy qismi bo'lib, u samarali muloqotga imkon beradi va kasbiy faoliyatda yordam beradi, deb ta'riflaydi. kompetentsiyaning

K.V.Fadeeva – kommunikativ kompetentsiya kasbiy muhim tarkibiy qismi bo'lib, u ishlab chiqarish muammolarini hal qilishda muvaffaqiyatli mulovotni ta'minlaydigan integratsiyalashgan shaxsiy resurs sifatida tavsiflaydi. U universitetda maxsus yaratilgan sharoitda shaxsiy rivojlanish va o'z-o'zini rivojlantirish jarayonida shakllanishi mumkin deb hisoblaydi [7].

Tadqiqot metodologiyasi. Ijtimoiy turdagi kasblarda kommunikativ kompetentsiyaning ahamiyati katta, chunki aloqa kasbiy faoliyatning asosiy vositalaridan biri hisoblanadi. Kommunikativ kompetentsiya o'z sohasini to'liq o'zlashtirish


jarayonida, ishlab chiqarish amaliyotlarini o'tash davrida, jamoa a'zolari, o'qituvchilar bilan muloqot o'rnatish jarayonida rivojlanadi. Tajribalar shuni ko'rsatadiki, har bir boshlanayotgan ish faoliyatida hamkorlik aloqalari to'g'ri yo'lga qo'yilishi jarayonni oson rivojlanishiga asos bo'ladi. Bunda shaxsning muloqatga kirisha olis qobiliyati asosiy rol o'ynaydi.

Muloqot — odamlar o'rtasida birgalikdagi faoliyat ehtiyojlaridan kelib chiqadigan bog'lanishlar rivojlanishining ko'p qirrali jarayonidir. Muloqot (munosabat) birgalikda faoliyat ko'rsatuvchilar o'rtasida axborot ayirboshlashni o'z ichiga oladi. Bunda munosabatning kommunikativ jihati hisobga olinadi.

Muloqot shaxslararo munosabatlarning shunday ko'rinishidirki, unda odamlar bir-birlari bilan o'zaro aloqaga kirishadilar va o'zaro axborot almashadilar. Muloqotga kirishish shaxsning ruhiy holati, dunyoqarashi, xarakteri, qobiliyati, nutq boyligi kabi sifatlarga bog'liq hisoblanadi.

Muloqot tashqi ijobiy ta'sirlar, namunalar asosida o'zini-o'zi tuzatish, qayta tarbiyalash, shaxsiy imkoniyatini ro'yobga chiqarish uchun puxta zamin hozirlaydi, komillik sari yetaklaydi [8].

Tahlil va natijalar. Bo'lajak kichik mutaxassislardan muhandislik va boshqaruv qarorlarini ta'minlash uchun texnik, texnologik va boshqa turdagi ma'lumotlarni tayyorlash va qayta ishlash; ishlab chiqarishning birlamchi bo'g'inlari faoliyatini boshqarish; yordamchi muhandislik va ilmiy yordamchi ish sohalari; eng murakkab, zamonaviy texnik va texnologik tizimlar va ularni boshqarish samaradorligini ta'minlash kabi bilim, ko'nikma va malakalarini o'zlashtirishlari talab qilinadi. Bundan tashqari, ishlab chiqarish jarayonida sohaga oid formula, atama va tushunchalar borki, ularni o'z vaqtida va o'rinda qo'llay olish mutaxassis fikrini to'liq bayon etishida asosiy rol o'ynaydi. Bunga erishish uchun esa ularda kommunikativ kompetensiyani shakllantirish muhim hisoblanadi.



2-rasm. Kommunikativ kompetensiya tushunchasining mazmuni

Professional ta'limda tahsil olayotgan o'quvchilarning kommunikativ kompetensiyalarini shakllantirish uchun ulardan quyidagi ko'nikmalarni o'zlashtirishlari tavsiya etiladi (2-rasm).

Bular:

- suhbatdoshini qobiliyatiga qarab o'zaro aloqa o'rnatish;
- aloqa davrida muloqot qoidalariqa rioya qilish;
- o'z fikrini bildira olish va uni himoya qilish;
- turli vaziyatlarda o'z hissiyotlarini boshqara olish;

- o'zgalar fikrini hurmat qilish va ularni tinglay olish;
- jamoaviy hamkorlikda ishlay olish;
- muloqot jarayonini to'g'ri tugatish va x.k.

Xulosa va takliflar. Yuqorida keltirib o'tilgan ko'nikmalarning barchasi o'quvchilarni, ya'ni bo'lajak kichik mutaxassislarni kelajakda o'z faoliyatlarini tashkil qilishlari, mustaqil ravishda ish boshqarishlari, ilmiy tadqiqot ishlari amalga oshirishlari, jamoada o'z o'rnlariga ega bo'lishlarida poydevor bo'lib xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони
2. Горькаева Е. Ю. Характеристика специальных дисциплин и их роль в профессиональном образовании / Е. Ю. Горькаева. — Теория и практика образования в современном мире : материалы VI Междунар. науч. конф. — Санкт-Петербург : Заневская площадь, 2014. — С. 293-295
3. Бодалев А.А. Психологическое общение — М., Изд-во “Институт практической психологии”, Воронеж: Н.П.О, “Модек”, 1996 — 256 с.
4. Куница В.Н.. Межличностное общение: Учебник для вузов. — СПб.: Питер. 2001. -544 с
5. Жуков Ю.М.и др. Диагностика и развитие компетентности в общении — М., 1991.-96 с.
6. Эзова С.А.. Коммуникативная компетенция // Научный и технические библиотеки. -2008. -№4
7. Фадеева К.В.. “Формирование профессиональной коммуникативной компетентности студентов технического вуза” дисс.кандидата педагогических наук: 13.00.08 — Теория и методика профессионального образования. Чебоксары. 2010. Стр. 256
8. Maxsudova M.A. “Muloqot psixologiyasi”. O'quv qo'llanma. — Toshkent: Turon-Iqbol, 2006. — 119 b.



Dilnoza AXMEDOVA,
Navoiy DPI tayanch doktoranti
E-mail: dlnaxmed@gmail.com

Pedagogika fanlari doktori, professor R.B.Adizov-taqrizi asosida

IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF THE CREDIT MODULE SYSTEM INDEPENDENT TEACHING OF STUDENTS' THE METHODOLOGICAL THE CURRENT STATE OF SUPPLY AND ITS PROBLEMS

Annotation

This article is an independent study of students in the credit-module system the main forms of Organization of their receipt, request in the credit-module system types of independent work, the essence of independent Education, student the content of independent work outside the audience and the audience is scientific and methodical given the basis terms. At the same time, independent education of students the fact that their study was conducted by foreign and Uzbek scientists and the connection was different special, based on theories, sessions, positions, directions recommendations mentioned herein.

Keywords: Independent Education, credit module system, didactics, independent work, educational problems, creativity, individual action, didactic categories, method.

KREDIT SOVREMENNOE SOSTOYANIE ORGANIZATSIONNOGA OBUCHENIYA STUDENTOV V VYSSHIK UCHEBNIX ZAVEDENIYAX MODUL'NOY SISTEMY I YEGO PROBLEMY

Annotatsiya

V dannoy stat'e nauchno-metodicheski obosnovany osnovnyye formy organizatsii samostoyatel'nogo obucheniya studentov vkreditno-modul'noy sisteme vidy samostoyatel'nogo raboty studentov v kreditno-modul'noy sisteme, sushnost samostoyatel'nogo obucheniya, sodержanie auditornoy i vneauditornoy samostoyatel'noy raboty studentov. V to je vremya, studenty poluchayut samostoyatel'noe obosnovanie, katoroe izuchaetsya zarubiznyimi i uzbekskimi uchenyimi, a takje razlichnyye teorii, privedeny spetsial'nyye rekomendatsii, osnovannyye na podxodax, pozitsiyax, napravleniyax.

Klyuchevyye slova: samoobrazovanie, kreditno-modul'naya sistema, didaktika, tvorcheskaya rabota, obrazovatelnyye problemy, kreativnost', individual'nost, dyatel'nost, didakticheskie kategorii, metod.

OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA KREDIT MODUL TIZIMIDA TALABALARNING MUSTAQIL O'QISHINI TASHKIL ETISHNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI

Annotatsiya

Ushbu maqolada kredit-modul tizimida talabalarining mustaqil o'qishini tashkil etishning asosiy shakllari, kredit-modul tizimida talabalarining mustaqil ishlari turlari, mustaqil ta'limning mohiyati, talabalarining auditoriya va auditoriyadan tashqari mustaqil ta'limning didaktik imkoniyatlari asoslab berilgan. Shuningdek, talabalarining mustaqil ta'limini tashkil etishda xorij tajribasi hamda o'zbek olimlari tomonidan o'rganilganligi va ularning yondashuvlari, pozitsiyalari, yo'nalishlari xususida fikr bayon etilgan.

Kalit so'zlar: mustaqil ta'lim olish, kredit modul tizimi, didaktika, mustaqil ish, ta'lim muammolari, kreativlik, didaktik kategoriyalar, metod.

Kirish. Dunyo ta'lim makoniga oliy ta'lim tizimining integratsiya jarayonini kiritish maqsadida 1997 yilda ta'lim tizimining Lissabon konvensiyasi va 1999 yilda Bolonya deklaratsiyasi qabul qilindi. Bolonya deklaratsiyasining asosiy maqsadi Oliy ta'limda Yevropa kredit tizimi (ECTS- European Credit Transfer system) sinov birligini qo'llash hamda bu ta'limning chet ellarda tan olinishiga erishishdan iborat. Jumladan, oliy ta'lim muassasalarini kredit-modul tizimiga o'tkazish, xalqaro andazalarga mos ravishda raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlash mamlakat iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishi omillaridan biri sifatida belgilandi.

Oliy ta'lim muassasalarida bu vazifalarni amalga oshirishga bosqichma-bosqich o'tish rejalashtirilgan. Oliy o'quv yurtidagi o'quv jarayoni nafaqat ta'limning asosiy mazmuni va kasbiy faoliyatga amaliy tayyorgarlik bo'yicha ma'ruzalar, seminarlar va laboratoriya mashg'ulotlarini, balki mustaqil ishlarni ham o'z ichiga oladi. Kasbiy tayyorgarlik, albatta, muntazam ravishda mustaqil ishlashni nazarda tutadi. Shuning uchun, Davlat ta'lim standartlarida mustaqil ishlash asosiy, fundamental ta'lim olishning asosiy shartlaridan biri ekanligi ta'kidlangan.

Boloniya Deklaratsiyaning eng muhim jihatlaridan biri oliy ta'lim muassasalarining «kredit tizimi»dan foydalanish. ECTS European Credit Transfer System, ya'ni «Yevropa baholash kreditlari tizimi»ni anglatadi. Oliy ta'lim tizimida kredit tizimidan foydalanish ko'pgina qulayliklarni yaratadi. Masalan: oliy ta'limga moliyaviy mablag'larini ajratishda, o'quv-shartnoma baholarini aniqlashda, o'quv dasturlari va rejalarini, darslar jadvalini tuzishda, talabalar bilimini baholash va stipendiyalar belgilashda afzalliklarga ega. Ta'limning Kredit tizimiga o'tish bozor iqtisodiyoti davri talabi bo'lgan ta'limning erkinligini ta'minlashda muhim bo'lgan o'qituvchi va talaba faoliyatini baholash, ularni o'quv yuklamalari hajmini aniqlashda foydalanish imkoniyatlari katta[3].

ECTS – talabalarga ham katta afzalliklar beradi. Talabalarining xorijda olgan akademik bilimlarini dunyoning turli mamlakatlarida tan olinishini kafolatlaydi, boshqa oliy ta'lim muassasalarida ma'lum fanlar bo'yicha o'qishni davom ettirish imkoniyatini, xorijiy oliy ta'lim muassasalarida o'qishni davom ettirish va tugatish imkoniyatini beradi.

ECTS – oliy ta'lim muassasalariga ham katta afzalliklar beradi. Masalan, ma'lum bir mutaxassislik olish uchun zarur o'quv jarayoni haqidagi axborotlarni aniq aks ettiruvchi o'quv rejalarni o'xshashligi – yagonaligini ta'minlaydi, mutaxassislik darajasini tan olinishini ta'minlash maqsadida talabani qabul qiluvchi va jo'natuvchi oliy o'quv yurtlaridagi dasturlarning mazmunini oldindan kelishib olish imkonini beradi, ta'lim natijalari, talabani o'quv yuklamalarini va fanlarning rejalari tarkibini aniq aks ettiradi, talabani ta'lim olishi bilan bog'liq hamma masalalarini hal etishdagi javobgarligini va mustaqilligini saqlash imkoniyatini beradi.

-Mavzuga oid adabiyotlar tahlili (Literature review). Mustaqil o'qish didaktika kategoriyasi sifatida o'nlab va hatto yuzlab yillar davomida didaktiklar tomonidan ko'rib chiqilgan va ko'rib chiqilmoqda. Mustaqil o'qishni samarali tashkil etish va uning tashkiliy-uslubiy ta'minotini takomillashtirish bo'yicha ilmiy tadqiqotlarni M. Monten, T. Mor, T. Campanella, Ya.A.Komenskiy, J.J.Russo, I.G.Pestalotsi, A.Desterverglar boshlagan bo'lsa, so'ngi yillar ichida M.G.Garunov, B.N.Esipov, V.A. Kozakov, I.Y.Lerner, M.I. Maxmutov, N.A. Polovnikova, P.I.Pidkasistiy, A.A. Abduqodirov, M.M. Aripov, U.Sh. Begimqulov, F.M. Zokirova, Q.T. Olimov, N.I. Tayloqov, U.Y. Yo'ldoshev, A. Sattorov, M.A.Aripov va boshqa olimlar tomonidan rivojlantirildi. Mamlakatimiz pedagog olimlaridan N.Sayidahmedov, P.T.Magzumov, A.R.Xodjaboyev, R.Mavlonova, U.N.Nishonaliyev, E.T.Choriyev, N.A.Muslimov, O.A.Qo'ysinov va boshqalar o'z tadqiqotlarida o'quvchilar mustaqil o'qishning tashkiliy va metodik asoslari borasida fikr yuritganlar. Mustaqil o'qishni tashkil qilishni pedagogik muammo sifatida T.R.Niyazmetova, R.Saidova, A.I.Axmedov, B.M.Turdibayeva, N.A.Muslimov, O.Q.Tolipov, S.Sh.Sharipov, Z.Nishonova, J.Tolipova, N.Xalilov, S.Matchanov, T.Niyazmetovalarning ilmiy ishlarida tadqiqot qilingan. Biroq ushbu muammoga bag'ishlangan adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, "Mustaqil ish" tushunchasining mohiyati to'g'risida hanuzgacha bir fikrga kelinmagan va uning mohiyati to'g'risida hozirgacha yakdil fikr mavjud emas. Mustaqil o'qish tushunchasini mohiyatini ochib berishda turli yondoshuvlar mavjud. Jumladan, Mustaqil o'qish o'qitish metodi (A.G.Kovalev, A.I.Bushliy, I.V.Kuzmin, I.Y.Lerner) [5], o'qitishni qabul qilish (R.B.Sroda, T.P.Gerosimova, V.A.Korenskaya, A.V.Usova), talabalar faoliyatini tashkil etish shakli (B.P.Esipov, V.A.Shchenev) [6], o'quv vositasi va o'quv va ilmiy bilish shakli sifatida belgilangan (P.I.Pidkasistiy, E.L.Belkin) [7], L.V.Golish va D.M.Fayzullayevlar o'zining olib borgan ilmiy tadqiqot ishlarida ta'lim oluvchilar tomonidan mustaqil ishini bajarishda ularning faoliyati tizimida ko'rsatilgan har bir elementlarni muvaffaqiyatli rejalashtirish, tashkillashtirish, monitoring va baholash zarur ekanligini asoslab berishgan. [7].

- Tadqiqot metodologiyasi (Research Methodology). Oliy ta'lim muassasalarida Kredit modul tizimida auditoriya hamda mustaqil ta'lim olish soatlari bir-biridan tubdan farq qiladi. Sababi, avvalgi ta'lim tizimida auditoriya soati 60% ni, mustaqil ta'lim soati esa 40% ni tashkil etar edi. Ammo Kredit modul tizimi joriy etilishi natijasi auditoriya soatlari avvalgidan ancha qisqardi. Ushbu holat teskarisiga tus oldi. Auditoriya soatlari 40%, Mustaqil ta'lim soatlari esa o'quv yuklamasidagi soatlarning 60%ni tashkil etadi. Bu ham ta'lim sifatini oshirish uchun qaratilgan asosiy tadbirlardan biri hisoblanadi. Shu bilan birgalikda Respublikamiz olimlari tomonidan mustaqil o'qish hamda uni tashkil etish yuzasidan bir qancha ilmiy izlanishlar olib borilmoqda va natijada quyidagi fikrlarga kelinmoqda. Jumladan, U.Sh.Begimqulov, R.X.Jo'rayevlarning fikriga ko'ra, mustaqil ta'limni tashkil etishda elektron resurslardan foydalanish tartibi har bir talabaning individual xususiyatlarini

inobatga olgan holda belgilanadi. Talabalarining mustaqil o'qish faoliyati kompyuter texnologiyasi: elektron o'quv-metodik resurslar, integrallashgan elektron lug'at-ma'lumotlar, elektron interfaol metodlar hamda laboratoriya va tabiiy eksperimentlarni modelallashtirish tizimidan tashkil topadi deganlar [8]. R.J.Ishmuhammedov, A.A. Abduqodirov, A. Pardayevlarning ta'kidlashicha, ta'limning bugungi vazifasi talabalarni kun sayin oshib borayotgan axborot ta'lim muhitiga o'rgatishdan iboratdir. Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil o'qish hamda ta'lim olish sharoitini va imkoniyatini yaratib bermoq zarur [9]. K.Z.Abedov tomonidan respublikamizning oliy ta'lim muassasalarida talabalarining mustaqil o'qishini zamon talablari asosida takomillashtirish bo'yicha kafedralar oldida turgan asosiy vazifalar belgilab berilgan. I.A.Danilov o'qituvchining vazifasi bilan belgilanadigan va uning bevosita yordamisiz olingan bilim, qobiliyat va ko'nikmalarga asoslangan holda talabalar tomonidan maksimal kuch bilan bajariladigan barcha ta'lim faoliyatini mustaqil ta'lim olish deb ataydi. R.B.Sroda talabalarining mustaqil o'qishini "ular o'zlarining maksimal faolligi, tashabbuskorligini ko'rsatadigan faoliyat" deb tushuntiradi [10]. Yuqoridagi fikrlarni inobatga olib, talabalarining mustaqil o'qish jarayonida foydalanadigan mustaqil ta'lim olishi tushunchasiga biz quyidagicha ta'rif beramiz. Shunday qilib, talabalarining mustaqil o'qishlari bu- ularning ma'lum soha yoki fan yuzasidan o'qituvchining bevosita yoki bilvosida aralashuviz amalga oshiriladigan mustaqil izlanishi, mustaqil fikrlashi hamda soha yuzasidan mustaqil ravishda bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lish jarayonidir. Talabalar ongli ravishda o'z vazifalarini, maqsadlarini belgilashlari, o'z ishlarini rejalashtirishlari lozim. Ushbu ta'rifdan shu xulosa kelib chiqadiki, o'quv materiallarni o'zlashtirish darajasi, tegishli kompetensiyalarning shakllanishi, ko'p hollarda o'quv jarayonini qanday tashkil etilganligiga, qaysi interfaol metod va vositalar asosida talabalarni mustaqil o'qishga jalb etishga bog'liq bo'ladi.

Mustaqil o'qishning mohiyati quyidagilar bilan ifodalanadi;

- talabalarining faoliyati maxsus tashkil etilganligining mavjudligi;
- faoliyat natijasining mavjudligi;
- o'quv jarayoni texnologiyasining mavjudligi bilan belgilanadi.

Ushbu parametrlar mustaqil ta'lim olishda talabani bilish va ijodiy faoliyatini rivojlantirishga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyasi asosida maxsus tashkil etilgan tizimli o'quv faoliyati sifatida aniqlash imkoniyatini beradi.

- Tahlil va natijalar (Analysis and results). Didaktikada mustaqil o'qitish mohiyati boshqalarning yordamisiz insonning turli manbalardan axborotlarni olish qobiliyati bilan aniqlanadi. Mustaqil bilish harakatisiz insonda hech qanday obraz shakllanmaydi. Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, hozirgi kunda pedagogik jarayonda mustaqil ta'lim olish uchun foydalaniladigan mustaqil ish turlari nihoyatda xilma-xildir. Aksariyat didaktiklar va uslubchilar mustaqil o'qishni taqlid qilish, o'quv mashg'ulotlari, mashqlar, ijodiy xarakterdagi asarlar va h.k.z. kabi ish turlarini ta'kidlab, mustaqillik darajasi bo'yicha tasniflaydilar, ularning tabiati oldida bilim manbai tomonidan belgilanadi yoki mustaqil ishning didaktik maqsadi - yangi bilim olish uchun bilim, ko'nikma va malakalarni mustahkamlash va sinash uchun xizmat qiladi deb hisoblashadi. Xususan, V.A.Dobromislov talabalarining o'qish jarayonida foydalanadigan mustaqil ishlarining quyidagi:

- 1) faktlarni kuzatish va kuzatilayotgan narsalarni bayon qilish;
- 2) hodisalar orasidagi taqqoslash va aloqani o'rnatish orqali;

3) voqea-hodisani, ba'zi bir nuqtai nazardan eng muhim bo'lgan hodisani ta'kidlash orqali;

4) bir qator hodisalarda tipiklikni aniqlash, xulosalarni umumlashtirish va asoslash kabi turlarini misol qilib keltiradi [11].

Mustaqil o'qish jarayonida talabalarining tashkilotchilik qobiliyatlarini rivojlantirish muammo sifatida qaralganligi sababli, 2020-yil 23-sentabrda tasdiqlangan yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunida ham "Mustaqil ta'lim olish yakka tartibda amalga oshiriladi hamda ta'lim oluvchilarni kasbiy, intellektual, ma'naviy va madaniy rivojlantirishga xizmat qiladi"[2] deb belgilab qo'yilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarorida: "Har bir oliy ta'lim muassasasi jahonning yetakchi ilmiy ta'lim muassasalari bilan yaqin hamkorlik aloqalarini o'rnatishi, o'quv jarayoniga xalqaro ta'lim standartlariga asoslangan ilg'or pedagogik texnologiyalar, o'quv dasturlari va o'quv-uslubiy materiallarini keng joriy qilishi, o'quv-pedagogik faoliyatda master-klasslar o'tkazishga, malaka oshirish kurslariga xorijiy hamkor ta'lim muassasalaridan yuqori malakali o'qituvchilar va olimlarni faol jalb qilishi kabilar ta'kidlanib o'tilganligi alohida ahamiyat kasb etadi [3]. Shunday ekan oliy ta'lim

muassasalarida talabalarining mustaqil ta'lim olishlari uchun shart-sharoitlar yaratish, o'qituvchilarning barcha yangiliklardan xabardor bo'lishini ta'minlash, semestr davomida ma'lum fan yuzasidan bilimlarni muammoli ta'lim metodlaridan, kasuslardan foydalanib dars mashg'ulotlarini olib borilishi yuqori natija beradi deb hisoblayman.

-Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations). Har qanday jamiyatda bo'lganidek, Respublikamizning taraqqiyotida bozor iqtisodiyoti sharoitida raqobatbardosh malakali mutaxassislarini tayyorlash asosiy muammo hisoblanadi. Mutaxassis kadrlar tayyorlash, uning sifat va samaradorligini oshirish borasida ham so'ngi yillarda keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, tayyorlanayotgan kadrlarning mustaqilligi, ijodkorligi, tadbirkorligi, faolligi kabi xislatlarni tarkib toptirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Buning uchun oliy ta'lim muassasalarini kredit modul tizimiga o'tkazish hamda unda talabalarni mustaqil o'qishga o'rgatish va mustaqil ta'lim berishning eng so'ngi, zamonaviy usullaridan foydalanish, talabalarga to'g'ri motivatsiya hamda ustanovkalarni berish, dunyodagi nufuzli Top-500talik va Top-1000talikka kirgan oliy ta'lim muassasalarining ilg'or tajribalaridan foydalanib saboq berish yuqori natijalarga olib keladi desak mubolag'a bo'lmaydi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-sonli Farmoni asosida "O'zbekiston Respublikasi Oliy Ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni <https://lex.uz/>
2. 2 O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni. O'RQ-637-son 23.09.2020. <https://lex.uz/>
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida" . O'zbekiston Respublikasi qonunchilik bazasi. -T., 2017. -S.39. <https://lex.uz/>
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2017-yil 20-apreldagi PQ-2909-sonli Qarori. <https://lex.uz/>
5. Ochilov M. "O'qitish usuli-pedagogik texnologiyaning asosiy komponenti" // "Xalq ta'limi" 1999-y, 6-son 32-35 betlar
6. Imomnazarov M, Eshmuhammedova M, "Milliy manaviyatimiz asoslari: (Oliy o'quv yurtlari uchun ma'ruza matnlari)"/ Tahrir hay'ati: H.S.Karomatov, N.Ibrohimov va b.; - T.: «Toshkent islom universiteti», 2001. -432 bet.
7. Pidkasistiy P.I. Pedagogika. Uchebnoy posobi / . - M.: Vysshie obrazovaniye 2006. - 432 b.
8. Begimqulov U.Sh, Jo'rayev P.X. va b. "Pedagogik ta'limni axborotlashtirish: nazariya va amaliyot" Monografiya, Fan. Toshkent 2011. - 232bet.
9. Ishmuhammedov R.J., Abduqodirov A.A., Pardayev. A "Ta'limda innovatsion texnologiyalar (ta'lim muassasalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar).-T.: Istod, 2008. -180bet.
10. Abidov K.Z. "Ta'limda kompetentli yondashuvni joriy etish asosida talabalarining mustaqil ishi tizimini yangilash bo'yicha kafedra oldida turgan asosiy vazifalar". // "Fan va texnologiyalar taraqqiyoti" jurnali. 2017. №1. 123-127 bet.
11. Hayitova I.I. "Talabalarining mustaqil ishlari: turlari, shakllari, baholash mezonlari". Monografiya "Buxoro Nashr". 2021. 72 bet.



УДК 152.2.371-044.3(045)

Хафиза БЕКМУРОДОВА,
Қарши давлат университетининг
Педагогика институти ўқитувчиси

Ўзму доцентни Ў.Тилавов тақризи асосида

ЎСМИРЛАРДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТ МОТИВИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада ўсмирларнинг касб танлашига таъсир этувчи асосий омиллар ва ўсмирларнинг йўналганлиги аниқланган. Тадқиқотнинг диагностик босқичи натижаларига асосан, ўсмирлар касб танлаш омиллари ва йўналганлигини шакллантиришга қаратилган психологик ривожлантирувчи амалиёт ташкил этилган.

Калит сўзлар: Ўсмир, касб, фаолият, эҳтиёж, йўналганлик, мотив, омил, эмоционал, эмоционал, ҳамжиҳатлик.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ФОРМИРОВАНИЕ МОТИВАЦИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У ПОДРОСТКОВ.

Аннотация

В данной статье выявлены основные факторы, влияющие на выбор профессии подростками и ориентацию подростков. По результатам диагностического этапа исследования была создана практика психосоциального развития, направленная на формирование факторов и ориентации выбора профессии подростками.

Ключевые слова: Подросток, профессия, деятельность, потребность, ориентация, мотивация, фактор, эмоциональный, эмоциональный, гармония.

FACTORS AFFECTING THE FORMATION OF MOTIVATION OF PROFESSIONAL ACTIVITY IN ADOLESCENTS.

Annotation

In this article, the main factors affecting the career choice of adolescents and the orientation of adolescents are identified. Based on the results of the diagnostic phase of the study, a psychosocial developmental practice was established aimed at shaping the factors and orientation of the profession selection of adolescents.

Keywords: Adolescent, profession, activity, need, orientation, motivation, factor, emotional, emotional, harmony.

Кириш. Касбий фаолиятни танлаш ва танланган касб йўналиши бўйича таълим олиш ҳамда танланган касб бўйича етук мутахассис бўлиб етиш ўсмирлар олдидида долзарб вазифадир. Шу сабабли касбни танлаш жараёнида адашмаслик, ўзининг кизиқиш ва интилишлари ҳамда маълум бир касбга хос бўлган барча хусусиятларни тўлиқ англаган ҳолда касбни танлаш талаб этилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўсмирлик даврида касбий фаолиятни танлаш муаммоси ҳорижий ва юртимиз олимлари томонидан кенг доирада ўрганилган. А. Маслоу фаолиятга интилиш ва эришиш мотивациясини ўзини актуаллаштириш эҳтиёжи билан тушунтирган [1]. Е.А. Борисова тадқиқотида юқори синф ўқувчиларида ўзини актуаллаштириш (атрибутив мотивация) мотивацияси юқори бўлиши келтирилган [6]. О.Рафаяс ўсмирлар ўз таълим ўналишини танлашда асосан ўзларига ва ўз кузатишларига таянишини айтган [2]. R.Adamoniene, R.Ciutiene тадқиқотда ўсмирларнинг касбий йўналишини танлашига таъсир этувчи асосий омиллар оила таъсири ва кутилган натижага эришиш мақсади келтирилган [3]. Е.П. Ильин касбий фаолиятни танлаш жараёнини мойиллик билан тушунтирган [4]. Касбга йўналиштириш тизимини К.К.Платонов учбурчак шаклидаги схема қўринишида акс эттириб, касб томонидан инсонга қўйиладиган билимлар талаби ва касбга нисбатан бозор талабини кўрсатади [5].

Н.Х. Хойлигитова тадқиқотида ўқувчиларнинг касб танлашига таъсир этувчи эмоционал экспансивлик,

ҳамжиҳатлик, гуруҳ аъзоларининг ўрни, бир-бирини қўллаб-қувватлаши, оиланинг нуфузи, ота-онанинг касбга кизиқтириш лаёқати каби омиллар ёритилган [7]. Г.О. Очилова тадқиқотида ёшларда тадбиркорлик фаолиятига установка шаклланиши оила муҳитининг ўрни ёритилган [8]. У.Б. Султонов тадқиқотида ҳарбий хизматчи касбий мотивнинг шаклланишига мослашувчанлик, сабр-бардошлилик, ижтимоий фаоллик етакчи психологик хусусиятлар эканлиги аниқланган [9].

Тадқиқот методологияси. Ўсмирлик даврида касбий фаолиятни танлаш борасида А. Маслоу шахс фаолиятига мотивация берувчи беш босқичли эҳтиёжлар иерархияси таълимоти [1], Е.А. Климов касб танлашга таъсир этувчи 8 та асосий омиллари [10], Е.П. Ильин касбий фаолиятни танлаш жараёнига мойиллик таълимоти [4] тадқиқотнинг методологияси ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотда тажриба гуруҳида (ТГ) 224 нафар, назорат гуруҳида (НГ) 163 нафар, жами 387 нафар ўсмир ёшидаги мактаб ўқувчилари иштирок этган. Тадқиқотнинг диагностик босқичида ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган анкета сўровномаси қўлланилди. (1-жадвал).

1-жадвал

Ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи омиллар
n=387 / ТГ n=224/ НГ n=163

№	Омиллар	ТГ	%	НГ	%	жами	%
1	Шахсий қарор	21	9,4	18	11,0	39	10,1
2	Моддий ҳолат	47	21,0	36	22,1	83	21,4

3	Оилавий қадрият	29	12,9	16	9,8	45	11,6
4	ота-она фикри	36	16,1	29	17,8	65	16,8
5	Дўстлар	19	8,5	15	9,2	34	8,8
6	Орзудаги шахс	27	12,1	17	10,4	44	11,4
7	педагог ёки масъуллар	21	9,4	16	9,8	37	9,6
8	Бошқа сабаблар	24	10,7	16	9,8	40	10,3
	жами	224		163		387	

Жадвалда келтирилган, ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи асосий ижтимоий-психологик омиллар натижаси қуйидаги таҳлилга эга:

- моддий ҳолат - 21,4%: ТГда - 21,0%; НГда - 22,1%;
- ота-она фикри - 16,8%: ТГда - 16,1%; НГда - 17,8%;
- оилавий қадрият - 11,6%: ТГда - 12,9%; НГда - 9,8%;

Анкета сўровномаси ёрдамида олинган натижага асосан ўсмирларда касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар кўрсаткичига кўра моддий ҳолат, ота-она

фикрива оилавий қадрият кетма-кетлигидан иборат бўлган.

Ўсмирлар шахси йўналганлигини аниқлаш мақсадида иштирокчилар “Шахси йўналганлигини аниқлаш” (Б.Бас) методикаси қўлланилди. Ушбу методикада шахснинг ўзига, муносабатга ва ишга йўналганлик соҳалари ажратилган бўлиб, диагностика натижасида иштирокчиларнинг асосий йўналганлик соҳаси аниқланди. (2-жадвал)

2-жадвал

Ўсмирлар шахси йўналганлиги соҳалари
n=387 / ТГ n=224/ НГ n=163

Йўналганлик соҳалари	ТГ	%	НГ	%	М	%
Ўзига йўналганлик	35,4	43,7	37,3	46,0	36,4	44,9
Муносабатга йўналганлик	29,3	36,2	24,8	30,6	27,1	33,4
Ишга йўналганлик	16,3	20,1	18,9	23,3	17,6	21,7

Ўсмирлар шахси йўналганлиги соҳаларини аниқлаш бўйича олиб борилган диагностик натижалар таҳлили:

- ўзига йўналганлик: ТГда 43,7% ; НГда 46,0%; М44,9 %;
- муносабатга йўналганлик: ТГда 36,2 % ; НГда 30,6 %; М 33,4 %;
- ишга йўналганлик: ТГда 20,1 % ; НГда 23,3 %; М 21,7 %;

ТГ ва НГ иштирокчиларининг натижаларига асосан ўсмирлик даврида ёшларда ўзига йўналганлик юқори эканлиги аниқланган. Ўсмирлик давридаги ёшлар касб танлаш жараёнида ўз фикридан кўра кўпроқ ташки таъсирларга таяниши, йўналганлик нуқтаи назардан касбий фаолиятга эмас ўзига йўналганлик юқорилиги аниқланган. Ўсмирлар касбий фаолиятни тўлиқ англамаган, келажакда маълум бир касбни эгаллаб етук мутахассис бўлиши лозимлигини ҳис этмаганлиги намён бўлган.


Диагностик натижалар асосида ТГ иштирокчилари билан касбий фаолиятни тўлиқ англаш ва ўз касбини ўзи танлашга кўмак беришга қаратилган психологик ривожлантирувчи дастур асосида ривожлантириш амалиёт олиб борилди. Ривожлантириш амалиёт самарадорлигини аниқлаш мақсадида иштирокчиларнинг касб танлашига таъсир этувчи омиллар ва йўналганлиги қайта диагностика қилинди. Диагностика натижасида иштирокчиларнинг тажрибадан олинган ва кейинги натижалар динамикаси ва ишончлилиги аниқланди. Диагностика жараёнида ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш анкета сўровномаси (3-жадвал) ва “Шахси йўналганлигини аниқлаш” (Б.Бас) методикаси (4-жадвал) қўлланилди.

3-жадвал

Ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи омиллар динамикаси
n=387 / ТГ n=224/ НГ n=163 (G-мезон бўйича)

ТГ/ НГ	шахсий қарор	моддий ҳолат	оилавий қадрият	ота-она фикри	дўстлар	орзудаги шахс	педагог ёки масъуллар	бошқа сабаблар
ТГ	124	24	18	23	8	5	11	11
%	55,4	10,7	8,0	10,3	3,6	2,2	4,9	4,9
p	0,01							
НГ	17	38	15	28	13	17	18	17
%	10,4	23,3	9,2	17,2	8,0	10,4	11,0	10,4
p	0,05							

Жадвалда келтирилган ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи асосий омиллар динамикаси 1-расмда диаграмма кўринишида келтирилган.



1-расм. Ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи омиллар динамикаси

Ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи асосий ижтимоий-психологик омиллар кўрсаткичи динамикаси куйидаги таҳлилга эга:

- шахсий қарор: ТГда - 55,4%; НГда - 10,4%;
- моддий ҳолат: ТГда - 10,7%; НГда - 23,3%;
- ота-она фикри: ТГда - 10,3%; НГда - 17,2%;

Анкета сўровномаси ёрдамида тажрибадан кейин олинган кўрсаткич динамикасига асосан касб танлашга

таъсир этувчи асосий омиллар ТГда шахсий қарор, моддий ҳолат ва ота-она фикри; НГда моддий ҳолат, ота-она фикри ва шахсий қарор каби кетма-кетликдан иборат бўлган.


Ўсмирлар шахси йўналганлиги соҳалари динамикаси

n=387 / ТГ n=224/ НГ n=163 (t-студент мезони бўйича)

Йўналганлик соҳалари	Т	%	t	Н	%	t
Ўзига йўналганлик	5,3	18,9	79**	5,8	44,2	,48
Муносабатга йўналганлик	3,9	29,5	64**	5,4	31,4	,96*
Ишга йўналганлик	1,8	51,6	91**	9,8	24,4	,73

Изох: *p≤0,05; **p≤0,01;

Жадвалда келтирилган ўсмирлар шахси йўналганлиги соҳалари динамикаси 2-расмда диаграмма кўринишида келтирилган.



2-расм. Ўсмирлар шахси йўналганлиги соҳалари динамикаси

Ўсмирлар шахси йўналганлиги соҳаларини аниқлаш бўйича олиб борилган диагностик натижалар кўрсаткичи динамикаси таҳлили:

- ўзига йўналганлик: ТГда 15,3 %; НГда 35,8 %;
- муносабатга йўналганлик: ТГда 23,9 %; НГда 25,4 %;

%;

- ишга йўналганлик: ТГда 41,8 %; НГда 19,8 %;

Иштирокчиларнинг тажрибадан кейинги натижаларига асосан ТГда ишга йўналганлик, НГда эса ўзига йўналганлик юқори эканлиги аниқланган.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот давомида ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи омиллар ҳамда ўсмирлар шахсининг йўналганлиги аниқланди. Ўсмирлар касб танлашига шахсий қарор омили аҳамиятини ошириш ва ишга йўналганликни шакллантиришга қаратилган психологик ривожлантириш амалиёти ташкил этилди.

- тадқиқотда ўсмирлар касб танлашига таъсир этувчи омилларни анкета сўровнома ёрдамида аниқлаш ва шахсий қарор омилини ошириш ўсмирларнинг ўз касбий фаолиятини ўзлари англаган ҳолда танлаш имконини беради;

- ўсмирлар шахси йўналганлигини тадқиқотда аниқлаш ҳамда ишга йўналганликни шакллантириш ўсмирларнинг касбий фаолиятга интилишини ошириш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

- Schultz D., Schultz S. Theories of personality. 8th edition. USA 2005. 550 p.
- Rafajac O. Analysis of Youth Professional Orientation in the Republic of Croatia Zbornik Veleučilišta u Rijeci, Vol. 7 (2019), No. 1, pp. 163-183
- Adamoniene R., Ciutiene R. Problems and possibilities of youth integration to labour market. Journal of Economics and management: 2010. 15, pp. 343-349
- Ильин Е.П. Работа и личность. Трудоголизм, перфекционизм, лень. - СПб.: Питер, 2011.-224 с.
- Леонтьева Т.Г. Проблемы выбора профессии и профессионального становления личности // Инновационные образовательные стратегии в системе среднего и высшего образования. Сборник статей Республиканской научно-практической конференции-семинара Минск, 31 марта 2020 г. 57-60 с.
- Борисова Е.А. Я-концепция как фактор выбора профессии старшеклассниками общеобразовательных школ: авторефер. дисс. канд. психол. наук.: 19.00.07. - СПб, 2013.
- Холйигитова Н.Х. Ўқувчилардаги касб мотивлари барқарорлигига гуруҳий жиқлиқнинг таъсири. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссер. автореф.: 19.00.05. - Тошкент – 2019
- Очилова Г.О. Ёшлардаги тадбиркорлик мотивациясига оилавий бизнес таъсирининг гендер хусусиятлари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссер. автореф.: 19.00.05. - Тошкент – 2020

-
9. Султонов У.Б. Ҳарбий хизматга қабул қилишда касбий мотивларнинг психологик омиллари. Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссер.автореф.: 19.00.01. - Тошкент – 2021
 10. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения: учеб. пособие – М.: «Академия», 2004. – 304 с.



Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: erkinbek_02@mail.ru
ТерДУ профессори, ф-м.ф.д. М.Кодиров тақризи асосида

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО БОГЛИҚЛИК САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

Мазкур мақолада физика фанини ўқитишда математика, геометрия, кимё фанларининг ўрни ва ушбу фанлар билан ўзаро алоқадорликнинг йўлга қўйилишини таълим самарадорлигига таъсири тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Илм-фан, инновация, таълим сифати, аниқ ва табиий фанлар, ўқитиш методикаси, кизиқиш, қобилият, билим, салоҳият, фанлараро алоқадорлик, физика, математика, кимё, геометрия.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ СВЯЗИ В ПРЕПОДАВАНИИ ФИЗИКИ

Аннотация

В данной статье рассматривается роль математики, геометрии, химии в обучении физике и влияние взаимодействия с этими предметами на эффективность обучения.

Ключевые слова: Наука, инновации, качество образования, точные и естественные науки, методы обучения, интересы, способности, знания, потенциал, междисциплинарные связи, физика, математика, химия, геометрия.

EFFECTIVENESS OF INTERDISCIPLINARY CONNECTION IN TEACHING PHYSICS

Annotation

In this article, the role of mathematics, geometry, chemistry in the teaching of physics and the impact of interaction with these subjects on the effectiveness of education is discussed.

Keywords: Science, innovation, quality of education, exact and natural sciences, teaching methods, interests, abilities, knowledge, potential, interdisciplinary connections, physics, mathematics, chemistry, geometry.

Кириш. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг кенг жамоатчилик, таълим мутасаддилари, олим-академиклар, ўқитувчи-мураббийлар, иктидорли ўқувчи ва талабалар билан учрашувларида, байрам танталарида, йил якунлари бўйича Олий Мажлисга йўллаган мурожаатларида бош масала сифатида илм-фан, инновация, таълим сифати, замонавий кадрлар тайёрлаш масалалари бош мавзу сифатида ўртага ташланиши ва бу муаммоларнинг ечимлари тўғрисида бўлиши одатий ҳолга айланди.

Фан-техника тараққиёти, инсоннинг муносиб яшаши, унинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришда нафақат аниқ ва табиий фанларнинг, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам ўз ўрни бор. Табиий фанлар ичида физика фани ва таълими техника ва технологияларнинг асосини, ядросини ташкил этиши билан ҳам алоҳида аҳамиятлидир [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бутун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликларнинг мазмуни ва сифати қониқарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари асосан ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолмоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун, хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий ўқув йили давомида уни илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш лозим.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида дарслик ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет

эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш тизими мавжуд эмас. Мактаб дарсликларини яратиш ва чоп этишни тартибга солиш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда” [2].

Олий таълимнинг вазифаси ёшларни муайян касбга ўргатиш орқали тегишли диплом бериб, катта ҳаётга – моддий ва маънавий бойликлар яратишга жараёнига киритади. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўтган даврларда олий таълим муассасаларининг аксарият битирувчилари корхона ва ташкилотларга ишга кириб, моддий бойликлар ишлаб чиқариш жараёнида ўз ўрниларини топиша олмадилар. Кўпчилик дипломли ёшлар ишларини нолдан бошлашди, аниқроғи ОТМларида олмаган амалий билимларнинг етишмаслиги, назарияни амалиётга қўллай олмалиги туфайли бир неча йил иш, касб ўрганишга мажбур бўлмоқдалар. Албатта, бу ўринда ОТМларнинг ўқув-амалий жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришдаги камчилик ва хатоларини эътироф этиш билан бирга умумтаълим мактабларида ўқувчи-ёшларни ўқитиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни ҳам айтмасдан илож йўқ.

Бошланғич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг кизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш орқали уларни касб танлашга йўналтириш ишларидаги мавжуд муаммолар, ўқитувчиларнинг замонавий билим ва малакаларининг талаб даражасида эмаслиги, хорижий таълим тизими ва ундаги илғор технологиялардан фойдалана олмашлик охир-оқибатда кадрларимизни меҳнат бозорида кадрсизланишига олиб келди.

Давлат раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ўринли эътироф этганидек, “Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўрамыз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб,

машинасозлик, электротехника, IT, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди” [3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ўқувчиларни физик билимларни эгаллашларида мослашувчанлик, мойиллик, эркин фикрлаш, янги ғояларни муҳокамага чиқариш каби хусусиятлар тўлалигича шаклланимаган. Ўқитувчи таълим жараёнида ҳам дирижёр, ҳам архитектор, ҳам билимларни берувчи ва яратувчи шахс-генератор ҳисобланади. Яна бир муҳим масала-яхши физик мутахассис (иктидорли ўқувчи-талаба)ни тайёрлашда физика курсидан ташқари математика, информатика, астрономия, кимё-биология, география, мантик фанлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли, вақти-вақти билан ушбу фан ўқитувчилари ҳар бир иқтидорли ўқувчининг билими, ижодий ютуқлари, кучли ва кучсиз томонларини муҳокама этишлари, ва ўқитиш жараёнида бу ҳолатларни инобатга олишлари лозим бўлади.

Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, шунингдек халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд [4].

Демак, физика фани ўқув предметини ўқитиш методикасининг муҳим элементи сифатида ўқувчи ёшларда физика фанига бўлган қизиқиш (мотивация)ни шакллантириш бўлиши керак. Бунга эришишнинг энг ишончли йўли – физика таълими (нафақат физика) фаолиятида амалиёт (тадқиқот) элементларини уйғунлашган ҳолда (органик) киритиш, ўқувчиларни қизиқтирадиган (жозибадор) физикавий билимлар асосида ечиладиган муаммоларни, атрофимиздаги ҳодисаларни тушунишда имконият берадиган эксперимент (кўргазмали қурол ва видеонамойиш)лардан фойдаланиш ҳисобланади [5].

Таълимнинг глобаллашуви, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларнинг жорий этилаётгани таълим муассасаларида таълим сифатининг ошишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, ҳар қандай технология таълимнинг янги мазмунини шакллантирувчи тамойилларга асосланади. Замонавий таълим жараёнининг фаол субъектлари ўқитувчи ва ўқувчилар бўлиб, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари шундан иборатки, маълум мавзу бўйича назарий ва амалий билимларни чуқур ўзлаштириш имконини беради [6].

Тадқиқот методологияси. Ҳозирги пайтда физика фанининг ўрни бўлмаган бирорта фанни учратиш мушкул. Ҳатто кейинги пайтларда нафақат табиий фанлар, балки ижтимоий-гуманитар туркумидаги фанлар ҳам бевосита физика билан ўзаро интеграциялашмоқда.

Юқорида санаб ўтилган салбий ҳолатларни бартараф этишда физика фанини бошқа фанлар билан ҳамоханг тарзда ўтилиши ўқувчи (талаба)ларни ушбу фанга бўлган қизиқишларини уйғонишига, таълим сифатини оширишга ҳамда ўқувчи (талаба)ларни яхши билим олишида ижобий натижаларга эришиш учун хизмат қилади.

Физика фанини ўқитишда фанлараро алоқадорлиқнинг йўлга қўйилиши, ўқувчи (талаба)ларни дунёқарашининг шаклланишида, ўқув-тарбиявий жараёнини такомиллаштириш ва уни оптимал ташкил қилишда алоҳида аҳамият касб этади, шу билан бирга ўқувчи билимини оширади, уларнинг мантикий фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиради, мавзунини

ўзлаштиришда вақтни тежайди, ўқувчи билимини бойитади, мустақил ишлаш қўникмаларини шакллантиради [7].

Физика фанини ўқитишда фанлараро боғлиқликни қўллаш ўқувчи фаолиятини илмий бошқариш ва таълим натижасини баҳолаш мақсадида ўқитишнинг ривожлантириш модели шакллантирилади, бу эса, ўз навбатида, ўқув мақсадларининг оқилона такрорланиши, таълим воситалари, таълим натижаларининг ривожланиш шакллари ёритилиши масалаларини оидинлаштириш имкониятларини беради.

Физика ўқитувчиси ўқувчиларга бошқа фанлардан аввалдан маълум бўлган билимларга таянган ҳолда физика курсидаги фанлараро боғлиқлик кўп ҳолларда аввалдан маълум бўлган билимлардан фойдаланиладиган фанлараро алоқадорликка киради.

Амалда фанлараро алоқадорлиқнинг қуйидаги турлари мавжуд: аввалдан маълум бўлган билимлардан фойдаланиладиган фанлараро алоқадорлик; ҳамоханг (параллел равишда) фанлараро алоқадорлик; истиқболли фанлараро алоқадорлик [7].

Аввалдан маълум бўлган билимлардан фойдаланиладиган фанлараро алоқадорлик физика курси мавзуларини ўрганишда математика, геометрия, кимё, биология, одам анатомияси, табиатшунослик, география каби фанлардан олинган аввалги билимлардан фойдаланиш, шу билан бирга физика курсининг бошқа бўлимлари (механика, молекуляр физика, оптика, атом ва ядро физикаси)да олинган билимлардан фойдаланишда, ҳамоханг (параллел равишда) фанлараро алоқадорлик физика курсида ўтиладиган тушунчалар параллел равишда бошқа фанларда ҳам, масалан, вектор тушунчаси физика ва геометрияда, товуш тушунчаси физика курсида ва эшитиш органлари одам анатомияси фанида ҳамоханг равишда, истиқболли фанлараро алоқадорлик эса физика курсида мавзунинг ўтилиш вақти бошқа фанлардан олдинга кетганда қўлланилади, масалан, атом тузилиши тўғрисидаги тушунчалар кимё фанидан олдин ўтилади, бу ҳолда кимё фани ўқитувчиси мазкур мавзунини тушунтиришда ўқувчиларнинг физикадан атом тузилиши тўғрисида олган билимларига таянади.

Фанлараро алоқадорлиқни қўллаган ҳолда дарс машғулотларини олиб борганда бошқа фанлардан олинган маълумот ҳажми, имкон қадар катта бўлмаслиги керак. Ўқитувчи дарсга тайёрланаётганда бошқа фандан қўлланилиши режалаштирилган маълумотни содда, оддий, ўқувчи осон тушунадиган маълумотлар асосида танлаши мақсадга мувофиқдир. Керакли маълумотлардан ўқитувчи дарс жараёнида ўз ўрнида фойдаланиши учун таркатма материалларидан фойдаланиш тавсия этилади: мазкур мавзуга тааллуқли маълумот қайси дарсликда берилганлиги; маълумотлар параллел фанда қачон ўзлаштирилганлиги; ёндош фандаги маълумотнинг қисқача баёни ёзиб олинishi; маълумотни физика фанида фойдаланишда қайси методни қўллаш мақсадга мувофиқлиги.

Дарс жараёнида фанлараро алоқадорлиқнинг қуйидаги усуллари ишлатилади: бошқа фанлардан топшириқ бериш, кейинги дарсларда ўтиладиган мавзу бўйича ёндош фандан ишлатиладиган маълумотларни топиш уйга вазифа қилиб берилади, вазифа аниқ бўлиши-ўқувчининг қайси дарсликдан айнаган қайси мавзунини ва қандай маълумотларни тайёрлаши изохлаб берилади.

Таҳлил ва натижалар. Биз ушбу мақоламизда электростатика мисолида фанлараро алоқадорлиқни қараб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий

бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган намунавий фан дастури асосида физика фани чуқурлаштириб ўтиладиган академик лицейлар учун намунавий ўқув дастур ишлаб чиқилган [8].

Мазкур ўқув дастурни тузишда умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфини тугатган ўқувчилар умумий физика курсининг барча бўлимларидан, чунончи, механика, молекулар физика ва термодинамика, электр, оптика, атом ва ядро физикасидан олган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлишлари ҳамда таълим муассасасининг ўқув режаси соатлар ҳажми, уларнинг маълумотлар қабул қилиш имкониятлари ҳам инобатга олинган.

Дастурда лаборатория ишлари учун ажратилган мавзулар асосий ва қўшимчага ажратилган. Таълим муассасаси имкониятидан келиб чиқиб танлаш ихтиёрий равишда амалга оширилиши мумкин.

Ўқув дастури жами 540 соатга мўлжалланган бўлиб, шундан механика бўлимига 138 соат, молекулар физика ва термодинамика асослари бўлимига 78 соат, электродинамика бўлимига 180 соат, оптика, атом ва ядро физикаси, элементар зарралар физикаси ва такрорлаш курси учун 144 соат ажратилган.

Ўқув дастурга мувофиқ III семестрда электродинамика асослари учун умумий 180 соат, жумладан, электростатика бўлими учун 28 соат ажратилган. Қуйида электростатика бўлими бўйича баъзи мавзуларни ўқишда бошқа фанлардан боғлиқликни келтирдик.

Электр заряди, заряднинг икки тури, элементар заряд; Электр заряднинг сақланиш қонуни; Жисмларнинг электрланиши; Электр зарядларининг ўзаро таъсири; Электростатик майдонда ўтказгичлар; Ўтказгич ичидаги электр майдон; Электростатик майдонда диэлектриклар; Диэлектрик сингдирувчанлик; Сегнетоэлектриклар ва пьезоэлектрикларнинг қўлланилиши мавзулари Кимё фанининг Модданинг тузилиши; Кристаллар мавзулари ҳамда Ўтказгичларнинг хусусиятлари мавзулари билан ўзаро боғлиқ.

Кулон қонуни; Заряд бирликлари; Электр доимийси; Электроскоп ва электрометрлар, уларнинг ишлаш принципи; Электр майдонида нуктавий зарядларни қўчиришда бажарилган иш; Потенциал; Потенциаллар айирмаси; Электр майдонидаги нуктавий заряднинг потенциал энергияси ва унинг ўзгариши билан иш орасидаги боғланиш мавзулари Физика фанининг Бутун олам тортилиши қонуни; Молекулалар орасида ўзаро таъсир кучи; Тортилиш майдонида бажарилган иш мавзулари билан ўзаро боғлиқ.

Электр майдон; Электр майдон кучланганлиги; Кучланганлик (куч) чизиклари ва уларни ўтказиш қоидалари; Синаш заряди ҳақида тушунча; Нуктавий заряднинг электр майдон кучланганлиги; Майдонларнинг суперпозиция принципи; Электр майдонини график равишда тасвирлаш; Бир жинсли электр майдон; Электр майдон индукция оқими; Остраградский-Гаусс теоремаси; Бир жинсли зарядланган чексиз текисликнинг электр майдон кучланганлиги; Иккита ҳар хил ишорали зарядланган чексиз текисликларнинг электр майдони; Бир жинсли зарядланган шар ва сферанинг электр майдони; Потенциаллар айирмаси ва кучланганлик орасидаги боғланиш; Нуктавий зарядларнинг ўзаро таъсир потенциал энергияси; Нуктавий заряд, зарядланган шар ва сферанинг электр майдон потенциали; Эквипотенциал сиртлар мавзулари Геометрия фанининг Векторлар устида амаллар ва Шаклларнинг юзаларини билиш мавзулари билан ўзаро боғлиқ.

Физика фанини ўқитишда фанлараро алоқадорлик курснинг ўқув дастури, режаси, мавзунинг мазмуни ва ҳажми, малака талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Масалан, физикаий ҳодиса ва жараёнларни ифодаловчи формулаларни математикасиз тасаввур этиб бўлмайди, ёки электростатикада электр зарядининг табиатини тушуниш учун кимё фанидаги моддаларнинг тузилишига мурожаат қилмасдан бўлмайди.

Физика дарсларида бошқа фанлар дарсликларида фойдаланилган ҳолда фанлараро алоқадорлик тавсифидаги бир нечта масалани ечиш, ўқитувчи дарсда бошқа фанлардан ёндош фикрларни эслатиши ва мавзуга боғлаши, худди шу мавзу ёки унга яқин мавзунини эслатиш ва таққослаш йўли билан ўтилган мавзунини мустақамлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва тақлифлар. Таъкидлаш жоизки, ҳамма ҳам физик бўлмайди, бўлиши ҳам шарт эмас. Бироқ, физика фанининг ҳар бир киши ҳаётида қандайдир даражада зарур бўлиши – табиий ҳол. Мухандис ва техникларнинг амалий фаолияти, қолаверса, малакали иш тажриба ортириш учун, физика фани зарур эканлиги шубҳасиз. Шу сабабли ҳам физика фани мактаб курсининг муҳим ўқув фани сифатида, фан-техника тараққиёти, фанни ривожланиши, жамиятимизнинг моддий-техник таъминоти негизини яратишга доир самарали изланишлар учун юқори даражада зарур ҳисобланади.

Физика фанини ўқитишда фанлараро бўғлиқ тарзда ўтилиши талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини оширишдаги самарадорлигини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032 сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, 2020 йил 30 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон қарори.
5. Қодиров М.Қ., Хушвақтов Х.А., Воҳидов Э.Р., Қайюмов А.О. “Физика фанини ўқитишда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича баъзи мулоҳазалар” СамДУ Илмий ахборотномаси 2021 йил, 6-сон, 132-141 бетлар.
6. Ниёзов Қ.А. Компетентиявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида генетикадан масала ва машқларни ўзига хос усуллар ёрдамида ечиш методикаси. Замонавий таълим, 2017 й, 12-сон. 71-77-б.
7. Атоева Г. “Электромagnetизм бўлимини ўқитишнинг даврийлик технологияси асосида такомиллаштириш (Академик лицейлар мисолида)”. Пед. фан. бўйича PhD. дисс. – Т.: ЎЗМУ, 2018. – 141 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил 26 февралдаги 1-сон мажлис баёни билан маъқулланган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 110-сон буйруғи билан тасдиқланган намунавий фан дастури.



УДК:323.1(575.1)

Ойбек FAHIEB,
Ўзбекистон Миллий университети мустақил тадқиқотчиси
E-mail: oybekq@yahoo.com

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент У.Бўтаев тақризи асосида.

THE ROLE OF A NEW GENERATION OF SPECIALISTS IN THE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN: COMPARATIVE ANALYSIS OF NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

Abstract

This article is a comparative analysis of the problems faced by specialists in the formation of the foundations of national statehood, the process of reforms to address public policy in the formation of a new system of specialists in public administration of independent Uzbekistan.

Keywords: Independence, state, society, administration, leading experts, new generation, mental center, institute, soft power, brand.

РОЛЬ ЭКСПЕРТОВ НОВОГО ПОКОЛЕНИЯ В РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО И ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА

Аннотация

Данная статья представляет собой сравнительный анализ проблем, стоящих перед экспертами при формировании основ национальной государственности, процессе реформирования государственной политики при формировании новой системы специалистов государственного управления независимого Узбекистана.

Ключевые слова: Независимость, государство, общество, администрация, ведущие специалисты, новое поколение, ментальный центр, институт, мягкая сила, бренд.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЯНГИ АВЛОД МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мазкур мақолада Мустақил Ўзбекистоннинг давлат бошқарувида янги мутахассислар тизимининг шаклланиши муаммоларини ўрганиш миллий давлатчилик асосларини шаклланиш жараёнида мутахассислар олдида турган муаммолар, уларнинг ечими борасида давлат сиёсатининг ечими борасидаги ислохотлар жараёни қиёсий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Мустақиллик, давлат, жамият, маъмурий, раҳбар мутахассислар, янги авлод, ақлий марказ, институт, юмшоқ куч, бренд.

Қириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат бошқаруви тизимини ислох қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур стратегияда Давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган туб ўзгариш ва ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, аввало, бозор иқтисодиёти шароитида мустаҳкам билимга эга, Ўзбекистоннинг бугунги ташқи ва ички сиёсатида йўналишларни тушунадиган, таҳлил эта оладиган ёш ва ташаббускор мутахассисларга бўлган талаб ортмоқда. Бунга сабаб нима? Мустақил Ўзбекистон давлати учун ўтган 30 йил мобайнида давлатчиликни шаклланиши билан бирга, янги авлод мутахассислари ҳам шаклланидими? Агар шаклланиш бўлса, бугун янгиланаётган Ўзбекистон учун – янги авлод мутахассисларига эҳтиёж нимага туғилди? қабил саволларга мазкур таҳлилларимизда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақилликка эришиши давлат бошқарувида раҳбар ва бошқарув мутахассислари янги тизими шаклланишига имкон берди. Бу "...юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган сиёсатни изчил давом эттириш ва қўзланган мақсадларимизга етиш, тараққий топган демократик

давлатлар қаторидан жой олиш" [1], шунингдек, "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг қўламли вазифаларни ҳал этишга қодир", "Ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган" [2] мутахассисларни тайёрлаш ҳақида сўз кетаётганлигини аниқлатади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов истиқлолнинг дастлабки йилларида алоҳида таъкидлаганидек, "Ислохотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири, авваламбор, мутахассисларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлиги, юртпарварлигига ва фидойилигига боғлиқдир" [3] деган ҳаётий фалсафа билан қарай бошлади.

Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш учун раҳбар ва бошқарув мутахассисларининг янги авлодини босқичма-босқич шакллантириб бориш вазифаси ўтиш даврининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бу муаммони ҳал этилиш учун:

Биринчидан, мустақиллик ва янги бозор муносабатларини тушунадиган тайёр раҳбар мутахассисларнинг йўқлиги;

Иккинчидан, мавжуд раҳбар ва бошқарув мутахассислари учун янгича тафаккурнинг зарурлиги;

Учинчидан, мутахассисларнинг янги тизими раҳбар ва бошқарув мутахассислари тайёрлаш, уларни миллий ғоя асосида сиёсий, бошқарув билан боғлиқ

сиёсий тафаккурини шакллантириш каби жиҳатларини ҳисобга олишни тақозо этар эди.

Нима учун? Чунки, Ўзбекистонда ўша собиқ тоталитар тизим даврида амал қилиб келган «совет партия мактаби»нинг раҳбар ва бошқарув мутахассисларини тайёрлаш тизимига барҳам берилмаганлиги эди. Шу сабабли ҳам, мустақиллик туфайли Ўзбекистонда ягона коммунистик ғоя ақидаларидан ҳоли бўлган, ўзимизга хос ва мос, миллий ҳамда демократик ривожланиш тамойиллари ва талабларига жавоб берадиган, раҳбар ва бошқарув мутахассислар янги тизимнинг асосларига ўтилганлиги давлатимиз миллий манфаатларини асосий ютуғи бўлди. Мутахассислар тайёрлашнинг синфий-партиявий, мафкурарий тамойиллари ўрнида янги инсоний манфаатлар, эркинлик устуворлиги жорий этилди. Бу ҳол раҳбар ва бошқарув мутахассисларида янгича сиёсий тафаккурни шакллантирилишга олиб келди. Натижада, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас», деган қоида белгилаб қўйилди. Бу билан мамлакатда раҳбар ва бошқарув мутахассисларининг янги тизимини шакллантириш янгича сиёсий устуни қўйилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда Мустақил Ўзбекистон тараққиётида мутахассислар тизимини шаклланиш босқичларини қуйидаги даврларга бўламиз:

Биринчи босқич: "...ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш" билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр эканлиги;

Иккинчи босқич, 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодий-саноатий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этган давр бўлди". Бу янгиланишлар ўтиш даври давлат бошқаруви раҳбар ва бошқарув мутахассисларининг сиёсий тафаккуридаги ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир.

Учинчи босқич, 2010 йилдан 2016 йилларни ўз ичига олади. Мазкур давр мамлакатимизда давлат бошқарувини ислох этиш, давлат бошқарувини номарказлаштириш ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш даври бўлди. Бу даврларнинг ҳарбири ўзига хос ислохотлари билан ўзаро узвий боғлиқ ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли соҳаларни ривожлантириш учун 1000 га яқин хорижий олимлар ва экспертларни жалб этишга талаб бор. Бу ҳақда президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18-декабрь куни ўтказилган замонавий мутахассисларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилишда баёнот қилди: "Ҳозирги тизимли ўзгаришлар жараёнида аксарият мутахассисларнинг бунга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва қўникмаси замон талабига жавоб бермаслиги аён бўлиб қолди. Масалан, хорижда докторантура ва магистратурада ўқитиш, малака ошириш ва стажировкани ташкил қилиш бўйича дастлабки эҳтиёж 3,5 мингдан ортиқ. Юртимизда халқаро илмий ва амалий тажриба эга 600 нафардан зиёд ватандошларимизга эҳтиёж мавжуд. 1000 га яқин хорижий олимлар ва экспертларни жалб этишга талаб бор.

Яъни, бугун кечиктириб бўлмайдиган, оддий илмий ва илмий-педагогик мутахассисларга бўлган эҳтиёж 5 мингдан зиёдни ташкил этади. Агар ишлаб чиқаришдаги талаб ҳам инобатга олинса бу рақам камида 50-100 бараварга ошади", - деб таъкидлайди. Кези келганда америкалик давлат ва ҳарбий арбоб Жорж Маршаллнинг: "Манфаатларни аниқлаб олмаган давлат ўз халқига қарши ишлайди" [4], - деган фикрларни эслаш фойдадан ҳоли эмас. Инсонни буюк яратувчанлик салоҳияти бевосита олам бутунлигини асрашга хизмат қилар экан, бу унинг табиат, жамият ва инсон ўртасидаги барқарорлик муносабатини боғлаб туради. Миллатлар ва барча динлар, конфессиялар тенг ҳуқуқлидир [5]. Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илгор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол мутахассисларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди [6]. Хуллас, ёшларимиз эркин, ҳоҳлаган касб қўникмалардан амалда кенг фойдаланган ҳолда меҳнат бандлиги билан таъминланмоқда.

Тадқиқотчи Джим Коллинз ўзининг "Яхшиликдан буюкликка қадар" китобида қуйидагиларни ёзади: "Буюк компанияларнинг раҳбарлари қайта ташкил этиш жараёнини ўз жамоасига керакли инсонларни олиш ва кераксиз инсонлардан қутилишдан бошлаган. Асосий ғоя барча нарсаларни мутахассислар ҳал қилади ва "нима" деган сўздан "ким" деган сўз мухимроқдир. Чунки мутахассислар бу стратегия, бу ташкилий тузилма, бу тактика. Компаниялар бугунги кунда янги сифат босқичга ўтиш учун ўз асосларини яратиши зарур. Менинг фикримча бу саволнинг фундаментал жавоби мутахассислар масаласи ҳисобланади [7]. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, давлат мутахассислар сиёсатини изчил йўлга қўйиши, шу жумладан, унинг асосий элементларидан бирини ташкил этувчи ротация институтини самарали қўллаши – мутахассислар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, уларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш борасидаги умумжаҳон тенденцияларини таҳлил қилиш ва бу борада тегишли таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [8].

Юқорида айтилган миллий манфаатларни ички ва ташқи сиёсатда таъминлайдиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси ташкил этилгани бежиз эмас. Чунки, мамлакат учун, "бизга миқдор эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Илмий асосланган тажриба асосида мутахассислар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир, деди давлатимиз раҳбари" [9].

Таҳлил ва натижалар. Ривожланган дунё давлатлари учун мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш масаласини объектив шарт-шароитлар асосида ўрганиш, таҳлил этиш улкан аҳамиятга эгадир. Шу сабабли бўлса керак, бу вазифаларни планетар миқёсда "аклий марказлар/институтлар" бажариб келади. "XX асрнинг 90-йилларида биргина Вашингтонда юзга яқин таҳлилий марказлар мавжуд бўлган" [10]. 2000 йилдан сўнг, умуман, дунёда таҳлилий фаолиятга эҳтиёжнинг ўсиши кузатилади. Бунга мисол тариқасида таҳлил марказларининг умумий сони 4,5 мингга етганлигини [11], 2009 йилнинг охирига келиб эса уларнинг сони 5,5 минг тани ташкил этганидан ҳам кўришимиз мумкин [12].

XX асрда инсон мавжудлигининг экзистенциал муаммоси фалсафанинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Европа постклассик фалсафасининг йирик вакиллари (М.Хайдеггер, К.Ясперс, Ж.-П.Сартр) ёлғизлик, қўрқув, соғинч каби кечинма ва ҳис-туйғуларни таҳлил қилишдан кейин олган илмий натижалари замонавий фалсафа ва маданият доирасида кенг шов-шувга сабаб бўлди ва шу билан бирга уларнинг ривожланиш жараёнига улкан таъсир кўрсатди. XX аср экзистенциализмининг фалсафий тушунчаларининг моҳияти уларнинг назарий асосларидан олдин шаклланди. Инсон маънавиятининг юксак вазифалари ҳақидаги экзистенциалистик ғоялар инсон мавжудлигининг яқсон бўлиши, шахс ички дунёсининг ижтимоий мавке Европа файласуф – экзистенциалистларининг йўналишига айланди.

Етук экзистенциалистлар қаторида тадқиқотчилар С.Кьеркегор, Ф.Ницше ва Ф.М.Достоевский каби алломаларни киритишади. Мазкур файласуфларнинг кўпчилик мавзулари ва экзистенциал сабаблари экзистенциализмда ҳар хил нуктаи назардан ўрганилмоқда. Кўпчилик олимлар уларни XX асрнинг ижтимоий шароитлари ва ғоялари билан узвий боғлиқ деб ҳисоблашади. Бу ижтимоий шароитларга биринчи ва иккинчи жаҳон уруши, инқилобий ҳаракатлар замонавий цивилизациянинг фалокатли ҳодисалари қиради. Экзистенциалист фалсафаси одам тушиб қолган ҳаётини вазиятларини ўзида акс эттиради (турли шакллардаги бегоналашув, мавжудликнинг фалокати, онг кризиси, одамнинг антологик ёлғизлиги).

Экзистенциализм муаммосининг доирасига абсурд, қўрқув, ёлғизлик каби тушунчалар қиради. Одамнинг бегоналашуви ва ўз-ўзидан бегоналашуви

муаммолари бўйича Европа экзистенциалистларининг қарашлари бу муаммонинг янги қирраларини очиб берди ва шу билан бегоналашув тушунчасини тарих ва инсон мавжудлигининг ўлчови сифатида қараб, бегоналашув муаммосини қайта кўриб чиқишни тақазо қилди.

Экзистенциализм кўп жиҳатдан замонавий дунёда одамнинг яққаланиши ва ёлғизланиши муаммосини фалсафий концепция ва адабиётларда кўп жиҳатдан пессимистларча англади ва акс эттирди. Бунда шахс тузулмасидаги «ўз мавжудлиги», «ўзлиги», инсонни бегоналашув ва тубанлашувига, руҳий ҳалокатига олиб боради. Бу ерда А.Камюнинг «Бегона», Ж.-П.Сартрнинг «Чанқок» асарларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ж.-П.Сартр қаҳрамонларида ўзининг фалсафий ғояларини акс эттириб, фалсафа насри кенглигида антологик вазифаларни амалга оширади. Ўзининг «Чанқок» романида Сартр тимталанган онг динамикаси бегоналашган одам руҳиятида дунёни реал акс этилишининг йўқолиши, роман қаҳрамонининг ёлғизликдан шакли ўзгарган ташки дунёсининг субъективлашиш жараёни каби ғояларни ривожлантиради.

А.Камю ва М.Хайдеггер фикрига кўра, ҳар қандай мавжудлик асл мавжудлик деб ҳисобланмайди: эркинликка дучор бўлган одам танлашни ўзи амалга оширади ва у учун тўлиқ жавобгарликни ўз бўйнига олади. Маънавиятли шахс ҳеч қачон ғараз ниятдаги кучлар таъсирига тушиб қолмайди. М.Хайдеггер фикрига кўра, индивид томонидан маънавиятсиз мавжудликни ва одамлар ичида тубанлашишни танлаш уни омма одами сифатидаги ижтимоий мавкени шакллантиради. Бу одам Х. Ортега-и-Гассет фикрича, ўзининг чуқур мавжудлигидан ташқи яшаш шароитларига осон мослашиш учун воз кечган инсондир.

Маънавий бегоналашув тушунчаси ҳақиқий бўлмаган мавжудликни, маънавий жиҳатдан эса инсоннинг ривожланиши ва мустаҳкамланишини аниқ қарама-қаршилигини акс эттиради. Маънавий бегоналашувни маънавият соҳасида ва фақат маънавият орқали енгил бўлмайди. Маънавий бегоналашувни енгилда авваламбор, ахлоқий жиҳатдан юксалишга эришиш лозим. Ҳаёт, маънавият ва ахлоқ антиномияси, масалалари турли фалсафий анъаналарга кўра рационал – мантикий воситалар билан енгиллиши мумкин эмас. Шу ўринда айтиш мумкин, «Антиномия шундаки, - деб таъкидлайди Ницше, - биз ахлоққа ишонганимиз учун, биз мавжудликни қоралаймиз» [6]. Лекин шунини айтиш лозимки, бугунги кунда содир бўлаётган маънавий ҳамда ахлоқий ўзгаришларни қоралишининг асл сабаби, биз ахлоққа ишонишимиз билан бирга, балки ахлоқсизликнинг кенг ёйилишидир. Ахлоқ инсон томонидан тарихий анлангани маънавий ва ижтимоий бирлиkdir. Руссо, Гоббс, Гегел, Фейербах, Марксларнинг (мумтоз) интерпретациясини таҳлил қилиб Е.В.Рязанов шундай ёзади: «Бегоналашув енгил мумкин бўлган ҳолат сифатида фикрланади: уни хоҳиш билан енгил мумкин ёки бу бўлиши керак бўлгани учун содир бўлади. Бошқача қилиб айтганда, «бегоналашмаган ҳолат»нинг объектив мукамаллигининг намоён бўлиш имкони мавжуддир. Бегоналикни енгил ҳаракати (хоҳиш) ҳолатининг ўзида жойлашган бу ҳаракатни амалга оширилиши йўқотилган ва олдиндан берилган уйғунликка олиб келиши керак» [7]. Дарҳақиқат, бегоналашув ҳолатини енгил мумкин, бунинг учун бегоналашувни келтириб чиқарган объектив ва субъектив омиллари тўла ўрганиб, ундан кейин уни енгил чора – тадбирлари амалга оширилади. Инсон экзистенциализмида нима қилиш, қилмасликни ўзи танлаб амалга оширади. «Экзистенциализм атамаси илк бор файласуф ва драматург Габриел Марселнинг «Мавжудлик

ва объективлик» (1925) асарида қўлланган. Инсон мавжудлигининг муайянлашган киёфаси, унинг бу дунёдаги ўрни, Худога бўлган муносабати. Экзистенциализмнинг мазмуни – мавжудлиқнинг устиворлигидир (инсон мавжудлигини ўзи шакллантиради ва нима қилиш, қилмасликни ўзи танлаб, мавжудлигига маъно киритади). Экзистенциализм ёлғиз, эгоист шахснинг абсурд дунёсига мансублигини тасдиқлайди. Экзистенциализм учун шахс тарихдан юқори» [8]. Инсоннинг мавжудлиқда ёлғизликка интилиб, унда худбинлиқнинг кучайиши маънавий бегоналашувнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Экзистенция, файласуфларнинг талқинига кўра, ниҳоятда мураккаб, сирли бегоналик, кўркув, хавотир сингари ҳодисалар билан тўлиб тошган мавжудлиқдир. Бу мавжудлиқ инсоннинг асл моҳияти билан чиқишмайди. Зотан, инсон ўзининг валинеъмати бўлмиш табиатдан, бир вақтлар ўзи яшаб келган муҳитдан – яъни, ҳайвонот ва наботот олаmidан бегоналашган. Мазкур ҳодиса кейинги даврларда шу қадар миқёсли даражага етдики, энди инсон нафақат бошқа инсонлардан, ҳатто ўзидан ҳам бегоналашиб бормоқда, у ўз ақли яратган нарсалар дунёси сиқуви остида яшаб, кенглигини йўқотди, ўз касбининг жонли мурватига айланди, қалби устидан ҳукмрон бўлган одам эндиликда манфаатни устивор ҳисоблайдиган ақлнинг қули бўлиб қолди [9]. Албатта, инсон бугунги кунга келиб, кўркув, ваҳима билан манфаатини устун қўйиши орқали маънавий бегоналашув ҳолатини юзага келтирмоқда. Буюк файласуфи, диншунос ва ёзувчи С. Кьеркигор (1813-1855) биринчилардан бўлиб онг ости ҳолати инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини тадқиқ этди. У ўз асарлари орқали кўркув, хавотир, умидсизлик, нотинчлик каби негатив ҳолатлар инсон маънавий ҳаётига қатта таъсир ўтказишлигини ёритиб берган. Маънавий ҳаётга салбий таъсир ўтказадиган ушбу ҳолатлар маънавий бегоналашувни келтириб чиқаради. Шахс маънавий бегоналашув ҳолатига тушмаслиги учун у ўзини ва ўзлигини англай олмади керак. Ўзини ва ўзлигини йўқотган инсон маънавий бегоналашга инсондир.

Инсон бу ҳаётда ўзлигини тўла англай олишлиги мумкинми? – деган савол қизиқтиради. Бунга файласуфларимиз «ҳа» - дея жавоб беришган, лекин бунинг учун тўрт мақомни босиб ўтиш кераклигини айтишган. Булар: хайрли сўз, хайрли иш, хайрли хулқ, маърифат. Айнан манна шу ҳислатлар инсонда мужассам бўлса, у ўзини англайди ва маънавий бегоналашув содир бўлишига асос қолмайди. Маънавий юксалсагина инсон маънавий бегоналашувни енгади, бунинг учун инсон ўзини унутиб, ўзлигига эришиши лозим. Азизиддин Насафий ушбу ҳолатни қуйидагича образли ҳолатда чиройли қилиб ифодалаган: «Бирида ўлмаган одам иккинчисига тугилмайди. Ҳордиқни истасанг – ишда ўлгин, Худони истасанг – ўзингда ўлгин. Ўз ишингда

ўлолмасанг, ҳордиқни излама, ўзингда ўлолмасанг, Худони излама». Бунда асосий мақсад «Худони излаш бўлмаслиги керак, чунки Худо ҳамма ерда мавжуддир ва уни излашнинг ҳожати йўқ. Борлиқнинг вужуди – Ундан ... бутун борлиқ унинг ўзидир» [10].

Кўркув инсонни ёлғизликка маҳкум қилади ва бунинг натижасида бегоналашув ҳолати юзага келади. Бу ҳолат Камюни «Вабо» асарида зўр маҳорат билан ифодаб берилган. Бу асарида у шуни ёрқин ифодалайдики, «Ташлаб кетилганлик ва маҳкумлик ҳисси оломонни ва ҳар бир инсонни қамраб олади. Халқ – шаклсиз ва ҳаракатсиз тўда, айро инсонлар йиғиндиси, ёлғизлар оломони. Эгоизм авжига чиқди: бахтсизлик ҳамма фақат ўзини ўйлайди» [11]. Инсон фақат ўзини ўйлашлиги натижасида у нафақат атрофидагиларга, балки ўзига ҳам бахтсизлик келтиради ва бу бахтсизлик оқибатида бегоналашув содир бўлади. Камю бу орқали умумэгоцентризмни исботлайди. «Ҳар ким ёлғизликда яшайди ва ёлғиз ўлади. Бунинг ўзгартириб бўлмайди, бу маҳкумлик – абадий. Кўркув охириги инсоний алоқаларни узади ва абадий ёлғизликни – ҳар кимни ҳамма томонидан ташлаб кетилганлигини исботлайди. Вабо эса ҳукмронлик қилиб, ўлимни такомиллаштиради ва ҳаётни мавжудликка олиб келди. Ахлоқсизлик ва ишончсизлик вабонинг қуроли» [12]. Вабо бегоналашувнинг кўчма шакли сифатида ишлатилганда, шу нарса маълум бўладики, ахлоқсизлиқнинг кенг ёйилиши ва инсон қалбида ишонч туйғусининг йўқолиши маънавийни издан чиқариб, маънавий бегоналашувга сабаб бўлади.

Хулоса ва тақлифлар. Инсоният мавжуд экан эгулик ва ёвузлик ҳар доим қарама-қарши куч сифатида ҳаракатда бўлади, улар эса инсоният фаолияти орқали кириб келади ва натижада ахлоқий бегоналашув пайдо бўладики, бу ўз навбатида маънавий бегоналашган инсон мавжудлигини юзага чиқаради. Бу нафақат эгуликдан бегоналашиш балки эгуликнинг аниқ шаклларида бегоналашишни ҳам юзага чиқаради. Инсон бегоналашувни муаммоси бу биринчи навбатда инсоннинг мавжудлиқ яъни экзистенциал ҳолатда ўрганиш муаммоси бўлиб у – субъектив ва объектив оламдаги қарама-қаршилиқлар муаммосидир. Бу қарама-қаршилиқларни, ушбу муаммоларни енгишда шахс эҳтиёжларини реаллаштириш ва аниқ белгилаб олиш лозим бўлади. Ахлоқий бегоналашув ҳолатининг асосида маънавий бегоналашув ҳодисаси келиб чиқади. Бунинг учун ахлоқсизликни келтириб чиқарувчи омиллар ва воситаларни аниқлаб, шахс маънавийни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Инсон ўзини бегоналашувдан асраши учун, у энг аввало ўзини ахлоқий томондан тўла намоён қилиши, ўзининг ахлоқий характери аниқ ва мустаҳкам хусусиятларини топа олиши, шу билан бирга ҳаётнинг тақдорланмас эканлигини англаб етмоғи лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Бореев Ю. Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон. Эгамбердиева Д, Назарова Ш таржимаси. Жаҳон адабиёти. 2011. 173-бет.
2. Мысливченко А.Г. Человек как предмет философского познания. М., Мысль. 1972. С. 74.
3. Тугаринов В.П. О ценностях жизни и культуры. Л., 1960. 125 стр.
4. Бердяев Н. Мухаббат метафизикаси. «Инсоний қуллик ва эркинлик». Абдуҳамид Пардаев таржимаси. Жаҳон адабиёти. 2010. № 1. 154-бет.
5. Бердяев Н. Мухаббат меҳвари. Абдуҳамид Пардаев таржимаси. Жаҳон адабиёти. 2011. № 6. 172-бет.
6. Ницше Ф. Воля к власти. Собр. Соч. –М., 1995. 36 стр.
7. Лекции по религиозоведению. –М: Изд-во Московск. Ун-та, 1998. 115 стр.
8. Бореев Ю. Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон. Эгамбердиева Д, Назарова Ш таржимаси. Жаҳон адабиёти. 2011. 173-бет.
9. Экзистенциализм ва шарқ фалсафаси. Абдулла Шер. 2011. № 10. 126-127-бетлар.
10. Азизиддин Насафий. Зубдат ул – ҳақойик. Н.Комилов таржимаси, -Тошкент: Камалак, 1995. 52-53-бетлар.

-
11. Бореев Ю. Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон. Эгамбердиева Д, Назарова Ш таржимаси. Жаҳон адабиёти. 2011. № 5. 177- б.
 12. Ю.Бореев. Экзистенциализм: абсурд дунёсида ёлғиз инсон. Эгамбердиева Д, Назарова Ш таржимаси. Жаҳон адабиёти. 2011. № 5. 177- б.



УДК 372.853, 53.082.1

Gulbanbegim JAMOLOVA,
Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
Qarshi filiali Telekommunikatsiya injiniringi kafedrasida assistenti
E-mail: gulbanbegimjamolova@gmail.com

Nukus DPI Pedagogika fanlari doktori (DSc), professor G.E. Karlibayevataqrizi asosida

FIELD-EFFECT TRANSISTOR AND BIPOLAR TRANSISTORS OPERATION STATUS STUDY THROUGH MULTISIM PROGRAM

Abstract

2N5078 field-effect transistor and BC107BP bipolar transistors operation status study. The operating conditions of these transistors were realistically analyzed in the Multisim program, and their operating conditions were analyzed, as well as their simulation states. The results of our field-effect transistor are mathematically derived, and the results of our bipolar transistor are obtained directly from the multisim program and included in the article. The signal status is also checked directly by an oscilloscope.

Keywords: Field-effect transistor, bipolar transistor, multisim, characteristic, graph, collector, emitter, R C chain, frequency.

ИССЛЕДОВАНИЕ СОСТОЯНИЯ РАБОТЫ ПОЛЕВЫХ И БЕПОЛЯРНЫХ ТРАНЗИСТОРОВ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ MULTISIM

Аннотация

Исследование состояния работы полевого транзистора 2N5078 и биполярного транзистора BC107BP. Условия работы этих транзисторов были реально проанализированы в программе Multisim, и были проанализированы их условия работы, а также их состояния моделирования. Результаты нашего полевого транзистора получены математически, а результаты нашего биполярного транзистора получены непосредственно из программы multisim и включены в статью. Состояние сигнала также проверяется непосредственно осциллографом.

Ключевые слова: Полевой транзистор, биполярный транзистор, мультисим, характеристика, график, коллектор, эмиттер, RC-цепочка, частота.

MAYDONIY HAMDA BIPOLYAR TRANZISTORLARNING ISHLASH HOLATINI MULTISIM DASTURI ORQALI O'RGANISH

Annotatsiya

2N5078 rusumli maydoniy hamda, BC107BP rusumli bipolar tranzistorlarning ishlash holatini o'rganish. Ushbu tranzistorlarni ishlash holatini real ravishda Multisim dasturida tuzib uning ishlash holati tahlil qilingan va ularning simulyatsiya holati ham keltirib o'tilgan. Maydoniy tranzistorimizning natijalari matematik usulda, bipolar tranzistorimizning natijalari esa to'g'ridan to'g'ri multisim orqali olinib maqolaga kiritilgan. Shuningdek otsilograf qurilmasi orqali to'g'ridan-to'g'ri tekshirilib signalning holati ham keltirilgan.

Kalit so'zlar: Maydoniy tranzistor, bipolar tranzistor, multisim, xarakteristika, grafik, kollektor, emmitter, R C zanjir, chastota.

Kirish: Bipolyar tranzistorning aktiv rejimda ishlashi. UB ulanish sxemasida aktiv rejimda ishlayotgan n-p-n tuzilmali diffuziyali qotishmali bipolar tranzistorni o'zgarish tokda ishlashini qo'rib chiqamiz. Bipolyar tranzistorning normal ishlashining asosiy talabi bo'lib baza sohasining yetarlicha kichik kengligi W hisoblanadi; bu vaqtda

$W < L$ sharti albatta bajarilishi kerak (L -bazadagi asosiy bo'lmagan zaryad tashuvchilarning diffuziya uzunligi).

Elektrod toklari asosiy zaryad tashuvchilarning kristall hajmidagi elektr maydon ta'sirida dreyf harakatlanishiga asoslangan uch elektrodli, kuchlanish bilan boshqariladigan yarimo'tkazgich asbob maydoniy tranzistor (MT) deyiladi.


Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Elektronika sohasida tranzistorlar ko'p tahlil qilingan va o'rganilgan

mavzu hisoblanadi hususan xorijiy adabiyotlar bilan birgan o'zimizning o'zbek olimlar tomonidan ham ko'p marotaba o'rganilgan. Elektronika va sxemalarning bugungi kundagi yutuqlari radiotexnika taraqqiyoti, tranzistorlar, uzatuvchi televizion trubkalar yaratilishi bilan uzviy bog'liq. Tranzistorning kuchli legirlangan chekka sohasi (n^+ - soha) emitter deb ataladi va u zaryad tashuvchilarni baza deb ataluvchi o'rta sohaga (p - soha) injeksiyalaydi. Keyingi chekka soha (n - soha) kollektor deb ataladi. U emitterga nisbatan kuchsizroq legirlangan bo'lib, zaryad tashuvchilarni baza sohasidan ekstraksiyalash uchun xizmat qiladi. Emitter va baza oralig'idagi o'tish emitter o'tish, kollektor va baza oralig'idagi o'tish esa -kollektor o'tish deb ataladi


Tadqiqot metodologiyasi: 2N5078 Maydoniy tranzistorining texnik xarakteristikalar:

Parametrlar	Qiymatlari
Transistor turi	JFET
Kanali	N


Maksimal belgilangan stok-istok kuchlanishi (U_{ds})	30V
Maksimal belgilangan zatvor-istok kuchlanishi (U_{gs})	30V
Maksimal belgilangan doimiy stok toki (I_d)	0.04 A
Kollektor quvvatining tarqalishi (P_d)	0.4Wt
Kanal maksimal temperaturasi (T_j)	200 °C
Tranzistor ochilishida stok-istok qarshiligi (R_{ds})	150 Ohm
Korpusi	TO-72



1-rasm. Umumiy istok ulanish sxemasidagi maydoniy tranzistorning uzatish va chiqish xarakteristikalar oilasini o'lchash prinsipial sxemasi



2-rasm. 1-rasmda keltirilgan sxemani Multisimda tuzilgan holati hamda 2N5078 rusumli maydoniy



tranzistorni dasturda olingan holati.

3-rasm. Umumiy istok ulanish sxemasidagi maydoniy tranzistorning uzatishva chiqish xarakteristikalar oilasini o'lchash prinsipial sxemasi Multisim dasturiy muhitida Multimeterning hisoblash holati

Tadqiqot natijalari: UI ulanish sxemasidagi MT uzatish va chiqish xarakteristikalar oilasini o'chash:



1 – jadval.

U_{si}, V		0	0,5	1	1,5	2	2,5	3	3,5	4
$U_{zi}=0V$	I_c, mA	0	0,665	1,327	1,985	2,639	3,289	3,935	4,577	5,213
$U_{zi}=-0,5V$		0	0,646	1,287	1,923	2,554	3,179	3,797	4,408	5,01
$U_{zi}=-1V$		0	0,622	1,237	1,844	2,443	3,032	3,61	4,176	4,727
$U_{zi}=-1,5V$		0	0,59	1,17	1,737	2,29	2,826	3,341	3,829	4,284

Uzi=-2V	0	0,547	1,076	1,583	2,062	2,503	2,891	3,195	3,335
Uzi=-2,5V	0	0,485	0,934	1,334	1,66	1,846	1,857	1,863	1,87

Usi, V		5	6	7	8	9	10	11	12
Uzi=0V	Ic, mA	6,468	7,696	8,892	10,04	11,14	12,15	13,03	13,63
Uzi=-0,5V		6,187	7,315	8,377	9,339	10,12	10,43	10,5	10,56
Uzi=-1V		5,772	6,707	7,431	7,638	7,686	7,735	7,783	7,833
Uzi=-1,5V		5,029	5,267	5,301	5,335	5,369	5,404	5,437	5,471
Uzi=-2V		3,357	3,379	3,4	3,422	3,443	3,466	3,489	3,51
Uzi=-2,5V		1,882	1,894	1,906	1,918	1,93	1,942	1,956	1,968

Olingan natijalarga ishlov berish: 1-jadval asosida olingan o'lchash natijalari asosida uzatish xarakteristikasi oilasi (ya'ni $U_{SI}=\text{const}$ bo'lganda, $I_S=f(U_{ZI})$) va chiqish xarakteristikalar oilasi (ya'ni $U_{ZI}=\text{const}$ bo'lganda, $I_S=f(U_{SI})$) bog'liklik grafiklar chiziladi.



4-rasm. Xarakteristika tikligini hisoblashdan foydalanib tuzilgan grafik

$$\Delta U_{ZI} = U_{ZI.max} - U_{ZI.min}; \quad \Delta U_{SI} = U_{SI.max} - U_{SI.min} = 12 - 0,5 = 11,5V$$

$$U_{SI} = 2V \quad \text{bo'lganda,} \quad \Delta I_S = I_{S.max} - I_{S.min} = 2,554 - 1,287 = 1,267mA$$

$$\Delta U_{ZI} = U_{ZI.max} - U_{ZI.min} = -0,5 + 1$$

$$S = \frac{\Delta I_S}{\Delta U_{ZI}} = \frac{(1,158 \cdot 10^{-3})}{1} = 0,0011$$

$$R = \frac{\Delta U_{SI}}{\Delta I_S} = \frac{1}{1,267 \cdot 10^{-3}} = 789,26 \, \Omega$$

– Ichki (differensial) qarshilikni hisoblash:

$$U = \text{const bo'lganda, } R = \Delta U_{SI};$$

$$U_{ZI} = -0,5V \text{ bo'lganda,}$$

BC107BP rusumli tranzistorlarning asosiy parametrlari.


BC107BP rusumli tranzistor npn yuqori chastotali bipolyar tranzistorlar oilasiga mansub.

Tuzilishi - n-p-n


• Kollektor-emitter kuchlanishi, maksimal: 45 V

- Kollektor-baza kuchlanishi, maksimal: 50 V
- Emitent bazasi kuchlanishi, maksimal: 6 V
- Kollektor toki, 0,1 A
- Kollektorning sarflangan quvvati: 0,3 Vt.

- Transistor oqimining koeffitsenti(hfe): 200 dan 450 gacha
- Joriy uzatish nisbatining kesish chastotasi: 150 MGts
- Korpusi: TO-18




5-rasm. Bipolyar tranzistordan foydalanib RC zanjirli kuchaytirgichni tuzilgan sxemasi




6-rasm. Ossilloqrafda signalning holati.


7-rasm. Kuchaytirgichimizni simulyatsiya jarayonini kuzatish uchun ossilloqrafni keyingi oyoqchalarini ulanishi.




8-rasm. Ossilloqrafda 2-signalni farqlash un boshqa rangga o'tkazilgan holati.




8-rasm. Ossillografda 2-signalni ko'rinish holati.




9-rasm. Simulyatsiya jarayonini tekshirish un zanjirni nomlanishi



10-rasm. Analiz va simulyatsiya jarayonining sozlanishi.



11-rasm. Signaling grafagi.



11-rasm. Grafikning ko'rinish holatlari.

X--Trace 1::[db(V(7))]	Y--Trace 1::[db(V(7))]	X--Trace 1::[db(V(7))]	Y--Trace 1::[db(V(7))]
------------------------	------------------------	------------------------	------------------------

O'zMU xabarlari	Вестник НУУз	АСТА NUUZ	FALSAFA	1/4 2022
5,011872336	1,274310309	1000	63,92550086	
6,309573445	2,58863821	1258,925412	64,87724871	
7,943282347	3,85006468	1584,893192	65,53718436	
10	5,208905783	1995,262315	65,98140432	
12,58925412	6,80243262	2511,886432	66,27404236	
15,84893192	8,735351768	3162,27766	66,46393915	
19,95262315	11,06229211	3981,071706	66,58588691	
25,11886432	13,78197209	5011,872336	66,66360357	
31,6227766	16,84797254	6309,573445	66,71279052	
39,81071706	20,18995695	7943,282347	66,74362764	
50,11872336	23,73382882	10000	66,76259474	
63,09573445	27,41367601	12589,25412	66,77371523	
79,43282347	31,17521766	15848,93192	66,77936181	
100	34,97378189	19952,62315	66,78074377	
125,8925412	38,76971202	25118,86432	66,77815943	
158,4893192	42,52288146	31622,7766	66,77106059	
199,5262315	46,18716974	39810,71706	66,75794276	
251,1886432	49,7057589	50118,72336	66,73604527	
316,227766	53,00892478	63095,73445	66,70081785	
398,1071706	56,01711682	79432,82347	66,64509114	
501,1872336	58,65203063	100000	66,55789505	
630,9573445	60,85490765	125892,5412	66,42294341	
794,3282347	62,60474334			

2-jadval. Multisimda x va y o'qlaridagi qiymatlar.

Xulosa. Ushbu maqolada tranzistorlarning ishlash holati o'rganildi, berilgan xarakteristikalar Multisim dasturidan foydalanib isbotlandi va tahlil qilindi. Maydoniy va bipolyar tranzistorlarning tuzilishi o'rganildi va ularning bog'lanishi keltirib o'tildi. Ayni paytda ushbu tadqiqot oliy ta'lim talabalari uchun ko'rsatma vazifasini o'tashi mumkin:

Elektronika va sxemalar fanidan maydoniy va bipolyar tranzistorlar bo'yicha laboratoriya mavjud bo'lib bajarilish ketma-ketligi to'liq Multisim dasturi orqali o'rganilgan va natijalarni qanday olish usullari keltirib o'tilgan. Xulosamizda o'rganilgan rusumdagi tranzistorlar xarakteristikasi bilan deyarli bir xil ekanligi isbotlandi.

ADABIYOTLAR

1. Jamolova G.M. Elektronika va sxemalar o'quv qo'llanma laboratoriya uchun 2022-yil [40-44].
2. Jamolova G.M, Jalolova P.M, Qurbonov M. Elektronika va sxemalar o'quv qo'llanma 2022-yil. [90- 110]
3. Elektronika X.K.Aripov, A.M.Abdullayev, N.B.Alimova, X.X.Bustanov, Y.V.Obyedkov, SH.T.Toshmatov O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti t o sh k en t-2012.



УДК 37; 371; 57;

Маишура ИСАБАЕВА,

Қўқон Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси, (PhD)

E-mail: mashxuraisabaeva1978@mail.com

Дилноза КАРИМОВА,

Қўқон Давлат педагогика институти магистранти

E-mail: mashxuraisabaeva1978@mail.com

ФарДУ катта ўқитувчиси, н.ф.ф.д. З.Х.Сиддиқов тақризи асосида

DIDACTIC CONTENT OF PREPARATION OF FUTURE BIOLOGY TEACHERS FOR PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL ACTIVITY

Annotation

Determining the content and level of improvement of the structural and functional model of methodological training of future biology teachers by substantiating the main directions of methodological training of students of pedagogical universities to work in schools of different profiles provides pedagogical opportunities to prepare them for professional and pedagogical activities. According to the research of pedagogical scientists, an unconventional form of lesson-concept, which ensures the effectiveness of problem-modular and goal-oriented approaches in the application of innovative technologies in the structure of professional competence in future teachers, has been developed and revealed its functional capabilities. In our study, the improvement of innovative technologies of professional and pedagogical activity of future biology teachers, the achievement of a positive result through an emotional-value relationship is described as a type of activity.

Keywords. Methodical training of future teachers, structural and functional model, educational concept, integrative knowledge, teaching technologies and design, innovative methods, teaching aids, professional activity of students.

ДИДАКТИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ БИОЛОГИИ К ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация

Определение содержания и уровня совершенствования структурно-функциональной модели методической подготовки будущих учителей биологии путем обоснования основных направлений методической подготовки студентов педагогических вузов к работе в школах разного профиля обеспечивает педагогические возможности подготовки их к профессионально-педагогической деятельности. виды деятельности. По исследованиям ученых-педагогов разработана и выявлена нетрадиционная форма урока-концепции, обеспечивающая эффективность проблемно-модульного и целевого подходов в применении инновационных технологий в структуре профессиональной компетентности будущих учителей. его функциональные возможности. В нашем исследовании совершенствование инновационных технологий профессионально-педагогической деятельности будущих учителей биологии, достижение положительного результата через эмоционально-ценностные отношения характеризуется как вид деятельности.

Ключевые слова. Методическая подготовка будущих учителей, структурно-функциональная модель, образовательная концепция, интегративные знания, педагогические технологии и проектирование, инновационные методы, средства обучения, профессиональная деятельность студентов.

БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК МАЗМУНИ

Аннотация

Педагогик олий ўқув юртлири талабаларини турли профилларда мактабларда ишлашга методик тайёрлашнинг асосий йўналишларини асослаш орқали бўлажак биология ўқитувчисини методик тайёрлашнинг таркибий ва функционал моделини такомиллаштиришнинг мазмуни ва даражаларини аниқлаш уларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик имкониятларини беради. Педагог олимларнинг тадқиқотларида кўра бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлик тузилмасида инновацион технологияларни қўллашда муаммолар-модулли ва масалли ёндашувларнинг самардорлигини таъминлайдиган ноанъанавий шакл машғулот-концептти ишлаб чиқилган ва фанлар мазмунида функционал имкониятлари очиқ берилган. Бизнинг тадқиқотимизда бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий – педагогик фаолиятининг инновацион технологияларини такомиллаштириш, ҳиссий-кадриятли муносабати орқали ижобий натижага эришиши фаолият тури сифатида тавсифланади.

Калит сўзлар. Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёрлаш, таркибий ва функционал модели, таълим концепцияси, интегратив билимлар, ўқитиш технологиялари ва лойиҳалаш, инновацион методлар, таълимий воситалар, талабаларнинг касбий билиш фаолияти.

Кириш. Республикаимизнинг таълим соҳасида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш, соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, таълимга

рақамли технологияларни жорий этиш, педагогик ва техник билимларни мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш асосий максатлардан этиб белгиланган. Жамиятимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида таълим тизимини тубдан ислох қилиш, ривожланган

демократик давлатлар даражасидаги талабаларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳонда таълим тизимини технологиялаштириш назарияси ва амалиётини такомиллаштириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг методик таъминотини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот ишлари мазмунида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий – педагогик ва ижтимоий фаолиятларида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш мақсадида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаган ҳолда мамлакат келажаги йўлидаги масъулиятни ўз зиммасига олиш каби лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълимни йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу вазифаларни самарали амалга оширишда бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятини ривожлантириш бугунги кунда педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб, мазкур жараён компетенциявий ёндашувларни очиб беришдан иборатдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бўлажак педагогнинг касбий фаолиятга тайёрлашнинг муаммоли-модулли ва мақсадли ёндашувлар интеграциялашган технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, педагогик-психологик шарт-шароитлари ва тамойилларини Ш.С.Шарипов томонидан тавсифлаб ўтилган [1], Р.Г.Исаянов [2], Н.А.Муслимовларнинг илмий ишларида ўқув жараёни ва бўлажак ўқитувчининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш муаммолари [3], Р.Ахлиддинов, У.И.Иноятлов, Э.А.Сейтхалилов, Ш.С.Шарипов, Э.Р.Юзликмасева тадқиқотларида республикамизда таълим муассасаларини бошариш моделларини яратиш ва жорий қилиш масалалари ўрганилган [4,5], М.М.Уразова бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш педагогнинг касбий компетентлиги тузилмасида лойиҳалаштириш фаолиятининг янги билимни лойиҳа кўринишида индивидуал маъсуллашга йўналтирадиган оригинал фикрлаш салоҳияти ривожланганлигини очиб берадиган рефлексия ва педагогнинг мустақиллигини тавсифловчи ижодий даражалари аниқланди [6]. Бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлашда ҳар томонлама ривожланган, ўзига, бошқа инсонга, жамиятга, ижодкор, ташаббускор ва тадбиркор каби хусусиятларнинг ривожланиши, ўқув-тарбия жараёни тўғри бошқара олишига ва ўқувчилар билан ўрната оладиган муоамала ва муносабатларига яъни коммуникатив қобилиятига боғлиқ. Касбий тайёргарлик эса – бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлигини белгилайди [7]. Ўқитувчи учун таълим жараёни ўқувчиларнинг фаолияти билан узвий боғланган ва мазкур жараёни таҳлил қиладиган, умумлаштириб, тегишли ҳолларда ўзгартиришлар киритиладиган иш жараёни, касбий педагогик фаолияти саналади. Олий таълим муассасалари талабаларини реал ҳаётий ва касбий вазиятларда мулоқот кўникмалари ва қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларда жамиятимизнинг ижтимоий-коммуникатив соҳаси учун шахсий ва ижтимоий масъуллик ҳиссида тарбиялашнинг педагогик имкониятлари аниқланган [8]. Мазкур имкониятлар бўлажак ўқитувчиларнинг касбий фаолиятга кириши олишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Замонавий педагогик-психологик тадқиқотларда таъкидланадики, коммуникатив компетентлик асосий компетенциялар гуруҳига кириб, касбий, ижтимоий, ижтимоий ва шахслараро фаолиятнинг муҳим ва ажралмас омили сифатида намоён бўлади ва шахснинг

муваффақияти ҳамда рақобатбардошлигини кўп жиҳатдан белгилайди [9]. Ўқитувчининг касбий фаолияти мулоқот маданиятини ривожланганлигида акс этади.

Тадқиқот методологияси. Талабаларнинг касбий – педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммоси кенг ўрганилган бўлиб, улар турлича касбий фаолиятга тайёрлашга оид назариялар, концепциялар, инновацион ёндашувлар, фаолият механизмларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Педагогик таълим назариясида "фаолият" тушунчаси билан узвий боғланган ва фаолиятнинг тахминий вариантларини яратиш ҳамда унинг натижаларини ташхислашдан иборат. Фаолият шахс томонидан кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши саналиб, инсоннинг қобилияти ва ёши у томонидан ташкил этилаётган фаолият моҳиятига кўра белгиланади. Талабаларнинг касбий педагогик фаолияти – шахс фаолиятида доимий давом этувчи серкирраликни ўзида намоён этувчи, педагогик уддабуронлиги, ўқувчилар онгининг тараққий этиб боришини истиқболли равишда режалаштира олиши, ўқув мақсадларини тўлақонли ёрита олиш методикасини билиши ва таълим-тарбия ишларига тайёрланиш тизимини режалаштира олишга бўлган лаёқатига айтилади.

Педагогика Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик фаолиятга тайёрлашда "Биология ўқитиш методикаси", "Биология ўқитиш технологиялари ва лойиҳа", "Педагогик назарияси" "Педагогик маҳорат" фанлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фанларни ўқитишда талабаларда касбий ўқув билиш фаолиятни ривожлантириш, биологик таълим мазмуни ва тузилмаси, замонавий ёндашувлар асосида биологик таълим мазмунини янгилаш имкониятлари билан таништиради. Ушбу биология фан асослари билан боғлиқ бўлган ўқув, жараёнлар, принциплар ва қонуниятларни билиш ўқитувчиға мактаб биология курси билан боғлиқ ўқув-тарбиявий жараёнларни замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш имконини беради. Бу эса биология ўқув фанларининг мазмуни, унинг ўқитиш шакллари, методлари, воситаларини ўзаро боғлиқ ҳолда жорий этишнинг мақсад қилиб, биологик ўқув фанлар бўйича чуқур атрофлича билим бериш, уларнинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида камол топишига кўмак берувчи инновацион таълим технологиясидан унумли фойдаланишни талаб этади.

Бўлажак биология ўқитувчиларини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг педагогик имкониятини берувчи қуйидаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир:

ўқувчиларнинг ўқитиш ва тарбиялаш, камолга етказишда ўқув фанининг ўрнини аниқлаш;

ўқувчиларнинг ёшига мос равишда ўқув фанларининг мазмуни, ундаги мавзуларнинг ўрганиш изчиллигини белгилаш;

биологик ўқув фанларининг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда, ўқитишнинг коллобратив таълим технологиялари асосида ташкиллаш йўллари аниқлаш ва ўқитишнинг лойиҳа шакллари ишлаб чиқиш;

биологик билим, кўникма ва малакаларини таркиб топтиришда қўллаш учун зарур бўлган фан мазмунига оид жиҳозларни аниқлаш;

биология хонаси тирик бурчак, тажриба ер майдонини ташкил этиш, табиий, тасвирий, динамик, аудио, видео воситаларни белгилаш;

биология ўқув фани билан алоқадор бўлган таълим-тарбиявий жараёнда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш

технологияларидан (витаген, саломатликни сақлаш таълими, саломатлик маданиятини ривожлантириш ва рефлексив таълим технологияларидан) унумли фойдаланишдан иборатдир.

Тахлил ва натижалар. Касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак педагогларни интегратив таълим асосида ўқитувчилик фаолиятига тайёрлашни такомиллаштириш, узлуксиз таълимда коммуникацион технологияларидан фойдаланиш, бу борадаги муаммоларни ечиш У.Ш.Бегимқулов, Р.Х.Джурасев, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, Ф.М.Закирова, М.Х.Лутфиллаев, Н.И.Тайлаков ва бошқаларнинг, таълимда педагогик билимлар ва технологиялар, уларнинг илмий асослари, олимлардан А.Азизходжаева, Р.Ахлиддинов, Ж.Толипова ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида муайян даражада тадқиқ қилинган.

Хусусан, педагогик инновациялар муаллиф томонидан таълим ва тарбия жараёнида аввал маълум бўлмаган, қайд қилинмаган ҳолат ёки натижага олиб боровчи педагогик ҳодисанинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмунни эканлиги таъкидланади. Н.А.Морева, В.А.Сластенин инновацияни янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланишга қаратилган мақсадга мувофиқ, йўналтирилган жараёни мажмуи деб билади. Муаллифнинг фикрига кўра ҳар қандай инновация янги воситалар ёрдамида ижтимоий субъектларнинг эҳтиёжини қондириш ва интилишларини рағбатлантириш мақсадини кўзлайди [10].

Олий таълим муассасаларида инновацион жараёнларни ташкил этишда ўзига хос ёндашувлар кузатилади. Улар:

1. Инновацион педагогик ёндашув – мазкур жараёнда педагоглар педагогик инновациялар, уларнинг турлари, яратилиши, амалиётга татбиқ этилиши, замонавий ёндашувларга асосланган педагогик инновациялар ва уларни ўрганиш, маҳаллий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда амалиётда улардан фойдаланишга доир билим, кўникма, малакаларни изчил ўзлаштирадilar, ўз фаолиятларида педагогик инновацияларни фаол қўллаш борасидаги тажрибаларни ўзлаштирадilar.

2. Яқка тартибда ишлашга оид ёндашув - педагоглар ўзларининг индивидуал имкониятлари, қобилиятлари, тажрибаларига таянган ҳола педагогик инновацияларни қўллашда муайян изчилликка эришадilar. Мазкур вазиятда ўқувчилар билан ишлашда психологик ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Уларни ички кечинмаларини ҳис этиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишга ҳамда ўқувчининг билиш фаолиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини яратишнинг методик имкониятини беради.

3. Инсонпарварлик ёндашуви – бу эса педагогик жараёнда инновацияларни қўллашда таълим олувчиларнинг имкониятлари, хоҳиш-истаклари, кизиқишлари, билим, кўникма ва малакалари даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқлигини ёритишга хизмат қилади. Ўқувчиларнинг билим олиш, тарбиялаш учун қулай психологик муҳит яратиш, ҳар бир ўқувчини ўз имконияти даражасида ижодий қобилиятларини ўстиришга имкон яратади [11].

4. Ижодий ёндашув - унга кўра ҳар бир педагог фаолиятини ўрганилаётган мавзу, ўқув материалнинг моҳияти, шунингдек, ўз имкониятлари, салоҳияти, маҳорати, иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда таълим ва тарбия жараёнларини ижодий ишланмалар асосида интеллектуал ҳис этишга асос бўлади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий педагогик фаолиятга тайёрлашнинг самарали методларини танлаш ва амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ривожлантиришда компетенциявий ёндашув асосида биологик таълим мазмуни ва структураси, замонавий муаммолар, ёндошувлар асосида биологик таълим мазмунини янгилаш имкониятлари билан таништирилади. Биология ўқитувчисини инновацион фаолиятини ўзига хос хусусиятлари, даражалари, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари, ўқувчиларга тавофуқлаб индивидуал ёндашиш каби масалалари муҳим аҳамиятга эгадир. Инновацион муҳит шароитида биология дарслари, лаборатория ва амалий машғулот, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, ўқувчиларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши, мустақил ва ижодий, танқидий-тахлилий фикр юритиш, турли педагогик вазиятларни таҳлил қилиш ва улардан чиқишнинг муқобил вариантини танлаш, илғор тажрибаларни ўзлаштириш ва амалиётга қўллаш, инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш учун зарур бўлган малакаларига эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятини ривожлантириш муаммоси хорижий ҳамда республика педагогикасида кенг ўрганилган тадқиқ қилинган бўлиб, улар турлича назариялар, концепциялар, ёндашишлар, позициялар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Шунингдек, биология ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетенцлиги инновацион технологиялар асосида ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларда педагогик салоҳиятини оширишга замин яратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шарипов Ш.С. Педагогические условия формирования изобразительского творчества студентов (На примере факультетов Труда и профессионального образования): Автореф. дис.... канд. пед. наук. – Ташкент: 2000.
2. Исянов Р.Г. Кластерный подход в формировании модульной компетентности преподавателей высших образовательных учреждений. Ташкент: ТГПУ, 2014. 69 с.
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис. автореф. Тошкент: ТДПУ, 2007. 47 б.
4. Юзикаева Э.Р. Теория и практика подготовки учителя к диагностической деятельности: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2012. – 42 с.
5. Қурбонов Ш.Е., Сейтхалилов Е.А., Иноятов У.И., Юзикаева Е.Р., Шарипов Ш.С. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури: «Ислом Каримов модели» - Ўзбекистон мустақиллигининг юксак ютуғи ва натижаси./ Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2013. – 234 б.]
6. Уразова М.М. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси 2014й.
7. Ходжаев Б.Х. Умумий педагогика. Дарслик.: «Sano-standart» nashriyoti, Т.,-2017й.,- 416 бет.

8. Нурманов Абдиназар Ташбаевич. Талабаларни самарали мулоқот технологияси ва техникасига тайёрлашнинг педагогик имкониятлари (аудиториядан ташқари машғулотлар мисолида). – Т.: – 2017. – 86.
9. Митина Л.М. Психология труда и профессионального развития учителя.-М.:Академия, 2014. —320 с.
10. Морева Н.А., Мурева М.В. Касбий фаолият технологияси. Педагогик мутахассислик талабаларини янги талаблар асосида тайёрлашнинг асосий йўналишлари. Москва давлат таълим ва фан университети факултетининг 2005 йилдаги илмий-тадқиқот ишлари натижалари тўғрисидаги конференция тезислари, Владикавказ, 2006. С. 129-131 - М., 2005. -430.
11. Исабаева М.М. Биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи қўникмаларини таркиб топтириш тизими. П.ф.ф.д (PhD) диссертация. –Т. -2020й. 134б. -33б.



УДК: 37.012

Рустам ЙЎЛДОШЕВ,
Қариш давлат университети таянч докторанти.
E-mail: finaedition2@mail.ru;

Доцент, н.ф.д. Шахло Нуриллаева тақризи асосида

ДИНАМИК МОДЕЛНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТАМОЙИЛ ВА ЁНДАШУВЛАР ТАВСИФИ

Аннотация

Мазкур мақолада магистрлар тайёрлаш тизимининг динамик моделини ишлаб чиқиш учун дастлабки назарий-методик ҳолатларини асослаш, тизимни моделлаштиришнинг услубий ёндашувлари мажмуасини ташкил этилишига доир тажрибалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тамойил, синергетик, таълим, магистр, касб, индивидуал, тадқиқот, динамика, модел.

ОПИСАНИЕ ПРИНЦИПОВ И ПОДХОДОВ, ИСПОЛЗУЕМЫХ ПРИ РАЗРАБОТКЕ ДИНАМИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ

Аннотация

В статье анализируется опыт создания комплекса методологических подходов к моделированию системы, обосновывается исходные теоретико-методические условия разработки динамической модели системы подготовки магистров.

Ключевые слова: Принцип, синергетик, образование, магистр, профессия, личность, исследование, динамика, модель.

DESCRIPTION OF THE PRINCIPLES AND APPROACHES USED IN THE DEVELOPMENT OF A DYNAMIC MODEL

Annotation

This article analyzes the experience of establishing a set of methodological approaches to modeling the system, substantiating the initial theoretical and methodological conditions for the development of a dynamic model of the system of training masters.

Key words: Principle, synergetic, education, master, profession, personality, research, dynamics, model.

Қириш. Магистрлар тайёрлаш тизимининг динамик моделини ишлаб чиқиш учун дастлабки назарий-методик ҳолатларини асослаш, энг аввало, тизимни моделлаштиришнинг услубий ёндашувлари мажмуасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Магистрларни тайёрлаш жараёнининг мураккаблиги ва кўп қирралилигини ҳисобга олиб, уни асослаш ва ишлаб чиқишда интегратив ёндашувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир [204]. Хусусан, моделлаштирилаётган тизимнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тизимли, компетентликка асосланган, шахсга йўналтирилган ва синергетик ёндашувларни интеграциялаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мураккаб объектларни ўрганишда тизимли ёндашув қўлланилади, бунда магистрлар тайёрлаш тизими ҳам ана шу объектлар сирасига киради. Мазкур ёндашув тизимнинг компонентлари ўртасидаги муносабатларни ошкор этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Унинг асосида қуйидаги тамойиллар ётади:

яхлитлилик тамойили - бутун тизим ичида ҳар бир элементнинг боғлиқлигини акс эттиради;
таркибланиш тамойили - тизим элементларининг муайян ташкилий тузилма доирасида жойлашгани ва уларнинг муносабатларини таҳлил қилишни белгилайди;
иерархиклик тамойили - объектни уч жиҳатини: мушакил тизим, юқори даражадаги тизимнинг элементларидан бири ва қуйи даражадаги тизимларни ўз ичига олган тизим сифатида кўриб чиқишни назарда тутди;
тарихийлик тамойили - тизимни ривожланиш динамикасида кўриб чиқиш зарурлигини акс

эттиради ва олдинги тажрибаларни ўрганишни талаб қилади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тамойилларга асосланган ҳолда, магистратура олий таълимнинг элементи ва турли компонентлардан иборат бўлган доимий ўзгариб турадиган динамик тизим сифатида кўриб чиқиш лозим. Педагогик нуқтаи назардан уларнинг орасида: мақсад, мазмун, технологик ва ташхислаш компонентлари асосий ҳисобланади. Ушбу тизимни моделлаштиришда магистрантлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун унинг барча қисмларининг ўзаро муносиблигига ва уларнинг ўзаро таъсирларини келишилганлигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Сўнгги вақтларда бошланғич таълим дидактикасида таълим фаолияти натижаларини компетенциялар орқали кўриб чиқиш ғоялари илғари сурилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. Бу эса магистрлар тайёрлашни моделлаштирилишини компетенцияларга асосланган ёндашув асосида кўриб чиқишни намоён этади.

Таҳлил ва натижалар. Бутунги кунга келиб, билимлар инсонлардан инсонларга ўтказилмасдан, балки шахсий-аҳамиятли фаолият жараёнида ўзлаштирилиши лозимлиги яққол маълум бўлиб қолди.

Маълумки, кўникма ва малакаларни шакллантирмай туриб, билимлардан фойдаланиб бўлмади ва уларсиз магистрантни келажакдаги касбий фаолиятига тайёрлаш муаммосини еча олмаيمиз. Таълимнинг мақсади - нафақат билим ва кўникмалар, балки талабаларни замонавий жамият ҳаётига тайёрлаш учун керак бўладиган шахсий аниқ сифатларни, таянч компетенцияларни шакллантириш ҳамдир. Компетентли

ёндашув таълим натижасига эътибор қаратади ва натижа ўрганилган маълумотларнинг миқдори эмас, балки инсоннинг турли вазиятларда ҳаракат қила олиш қобилиятидир. Бу ёндашув асосий эътиборни педагог ва таълим мазмунини талабага ва таълимнинг қутилаётган натижаларига қаратилиши билан боғлиқ [6]. Компетентли ёндашувнинг мақсади - таълимнинг замонавий эҳтиёж ва қадриятларга мувофиқлигини, шунингдек, унинг келажак ҳақидаги ғояларини акс эттирувчи хусусият ва тавсифларига мос таълим сифатини таъминлашдан иборатдир [7]. Компетентли ёндашувни қўллаш натижасида биз касбий фаолиятга ва унга тайёрлик даражасини белгилай оладиган, аниқ компетенциялар шаклланиш билан битирувчиларга эга бўламиз [5].

Педагогнинг касбий фаолиятида энг кўп талаб қилинадиган ҳолат тадқиқотчилик компетенцияси бўлиб, уни шакллантиришга олий таълимнинг иккинчи босқичида – магистратурада ва ундан кейин докторантурада катта эътибор берилади. Тадқиқотчилик компетенцияси тушунчаси тадқиқот фаолияти тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Магистратура битирувчисида илмий-тадқиқот фаолиятининг муваффақияти: мавжудлигини таъминлайди:

1) тадқиқотчилик фаолиятига мотивация – қизиқувчанлик, ижодий ёндашувга қизиқиш, янгиликка интилиш, бажарган ишининг юқори баҳоланишига эришиш, ижодий фаолиятнинг аҳамиятлилиги, қомиллик сари интилиш ва шу қабили;

2) тафаккурнинг креативлиги - ғояларни илгари суриш, бир хил муаммони ҳал қилишда ёндашувларнинг вариативлиги, мулоҳаза юритишнинг мустақиллиги, танқидий фикрлашнинг мавжудлиги, мустақил таҳлил қила олиш қобилияти ва шу қабили;

3) тадқиқотчилик фаолиятини олиб боришга тайёрлик – тадқиқотчилик фаолияти методологиясига ҳамда педагогик тадқиқотларнинг мажмуавий методикасига эга бўлиш, таҳсил беришнинг муаллифлик методикаларини ярата олиш қўникмаларига, тажрибасинов ишларни режалаштириш ва ўткази олиш, тадқиқотчилик фаолиятида инновацион тажрибалардан фойдалана олиш ва шу қабиларга эга бўлиш [8].

Магистратура битирувчиларининг илмий-тадқиқот фаолиятига тайёрлигини таъминловчи илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш самарадорлигининг муваффақияти - кўп жиҳатдан таҳсил жараёнида шахсга йўналтирилган таълим тамойилларини жорий этиш билан белгиланади. Бу ҳар бир шахснинг ўз кадр-қимматини, индивидуаллигини, ўзига хослигини тан олиш, унинг ноёб субъектив тажрибага эга бўлган индивид сифатида ривожланишига асосланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашувнинг моҳияти ўзаро боғлиқ иккита томонни:

– педагогнинг таълим олувчилар билан ўзаро муносабатларининг индивидуал таълим моделини яратишга йўналтирилганлиги;

– таълим олувчининг таълим жараёнининг субъектив сифатида тан олиш ва унинг шахсий фазилатлари ҳамда тажрибасига мос равишда таҳсил жараёнини тузиш.

Бундан ташқари, шахсга йўналтирилган таълимдан фойдаланиш педагогик жараёнда фаол ва муаммоли таълим методларидан фойдаланишни назарда тутди. Бу талабани ўқув фаолиятига максимал даражада жалб этиш имконини беради, бу эса магистратура босқичида жуда муҳимдир. Магистрант муаммоли вазиятларда ўзининг тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантирган ҳолда ечимларни мустақил излашга ўрганиши лозим.

Магистрлар тайёрлаш тизимини моделлаштириш бўйича кўриб чиқилган ёндашувлар синергетик ёндашув билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Педагогик синергетика назариясига кўра, кўриб чиқилаётган педагогик тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этувчи тамойиллари, қонуниятлари ва ҳар қандай ўз-ўзини ташкил этувчи тизими - очиқлилиги, ночизиқлилиги ва мувозанатсизлиги билан тавсифланади [9].

Магистрларни тайёрлаш тизими очиқ, ночизиқли ва мувозанатсиз бўлиши лозим, фақат шу ҳолдагина у нафақат самарали бўлади, балки ривожланувчи ҳам бўлади. Магистрларни тайёрлаш тизимининг очиқлиги кўп жиҳатдан унинг инновационлигига, ўзгарувчан ахборот-таълим маконига тезда мослаша олишига, замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш ва ривожлантириш қобилиятларига боғлиқ. Муқобил стратегиялар билан индивидуал таълим йўналишларини амалга ошириш педагогик жараёнининг чизиқли бўлмаслигини назарда тутди. Меҳнат бозори ва умуман мамлакат иқтисодиётининг доимий ўзгариб турадиган шароитлари, иш берувчиларнинг ва фан даражаси талаблари магистрлар тайёрлаш тизимини мувозанатсиз ҳолатга олиб келмоқда.

Синергетик ёндашув тамойилларига мувофиқ моделни куриш бир неча босқичда кетма-кетлик тарзида амалга ошади. Дастлаб, кейинги таълим стратегияларидан бирини танлашни ўз ичига олган бифуркация нукталари аниқланади, кейинги босқич педагогик жараёни ва барқарор ривожланишни ҳамда магистр учун касбий қўникмаларни таркиблантиришни ўз ичига олади. Навбатдаги босқичда, маълум бир тартиблилик асосида янги номуносивибликларни яратиш, шундан сўнг таълим олувчиларга таълим траекторияларини ўзгартириш имкониятини бериш керак. Шундай қилиб, магистрларни тайёрлаш жараёни қарор қабул қилиш ҳолатлари билан ажралиб туради.

Магистрлар тайёрлаш тизимининг синергетик самараси шундан иборатки, унинг аниқ ва мантиқий тизимда жойлашган барча компонентларининг йиғиндисига кўпроқ натижа беради.

Бошланғич таълим магистрларини тайёрлаш тизимининг динамик моделини яратишда объектнинг хусусиятларига қўйиладиган асосий дидактик талабларни акс эттирувчи маълум тамойилларга амал қилиш керак, улар: тизимlilik, вариативlilik, башорат қилиш, мослашувчанlilik, илмийlilik, интегративlilik, табақаланувчанlilik, изчилlilik ва шу қаби тамойиллар бўлиши мумкин.

1. Тизимlilik тамойили – динамик моделни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи элементларининг ягона тизими сифатида тақдим этилишида ифодаланади. Элементлардан бирининг ҳолати ёки функцияларининг ўзгариши бутун тизимнинг ўзгаришига олиб келади. Янги элементни қиритишда ёки мавжудларидан бирини чиқариб ташлашда, барча мумкин бўлган оқибат ва таъсирларни таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш лозим.

2. Вариативlilik тамойили – моделда турли ривожланиш вариантлари мавжудлигини назарда тутди, улар эса моделнинг ночизиқлилигини ва динамиклигини таъминлайди.

3. Башорат қилиш тамойили – моделнинг аниқ бир натижага мўлжалли олинчилигини аниқлайди, тадқиқотимизда бу магистрларни тайёрлашда таянч омил сифатида тадқиқотчилик компетентлигини шакллантириш ҳисобланади.

4. Мослашувчанlilik тамойили – магистрларни тайёрлаш тизимининг динамик модели шундай қурилиши керакки, унда таълим дастури мазмунига ҳам, таълим мақсадлари ва технологияларига ҳам тезда ўзгартиришлар қиритиш имконияти бўлиши лозим.

5. Илмийлик тамойили – тахсил жараёнида моделни барча элементлари юқори илмий даражада, инновацион технологиялар ва воситалардан фойдаланишга йўналтирилади.

6. Интегративлик тамойили – компонентлар ўртасидаги зарур муносабатларни танлашга таъсир қилувчи тизимни ташкил этувчи омилнинг мавжудлигидир. Бошланғич таълим мутахассислигидан магистрларни тайёрлаш тизимининг динамик моделини яратишда, интеграция ягона таълим муҳитини яратиш учун ҳам қўлланилади, унинг доирасида талаба шахсига доимий ва ҳар томонлама таълимий таъсир кўрсатиш учун шароитлар яратилади.

7. Табақалаштирилган таълим тамойили – модел ичида ўхшаш хусусиятларга эга бўлган, аммо

ўзгарувчан шароитларда фаолият олиб боришга қодир бўлган микромоделларни ажратиш кўрсатиш имконияти.

8. Изчиллилик тамойили – бошланғич таълим мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрлаш тизимини динамик моделининг элементлари мантикий таркибий тузилма асосида қурилиши керак, бунда уларнинг ҳар бири ўзининг тажрибаси ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олдинги атжрибаларга таянади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, тақдим этилган методик ёндашувларнинг интеграциялашуви, шунингдек, бошланғич таълим магистрларини тайёрлаш тизимининг динамик моделини ишлаб чиқиш тамойилларини ҳисобга олиш, унинг самарадорлигини оширади ва уни лойиҳалаштиришни назарий-методик асосини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Андреев В. И. Педагогика: Учебный курс для творческого саморазвития. Казань: Центр инновац. технологий, 2003. 608 с.
2. Руссо Ж. Ж. Педагогические сочинения: в 2 т. М.: Педагогика, 1981. Т. 1. 653 с.
3. Nurullaeva Sh., Aslanova O., Yuldashev S., Boymatova M. Modeling the Professional Training of Future Teachers. *Psychology and education* (2021) 58(2): 1411-1418.
4. Нуруллаева Ш. Замонавий уқитувчи маҳхорати ва ижодкорлиги муаммолари. “Халқ таълими”. №3. 2021 й. 6-9-б.
5. Нуруллаева Ш., Бойматова М. Замонавий уқитувчи моделида таълим жараёни ташкилотчиси сифатидаги вазибалар. «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў» №3. Нукус — 2019. 119-123-б.
6. Khalilovna, O. N., Lutfullayevna, B. L., Kosimovich, N. U., & Yusupovna, R. M. (2020). Historical studies in the pedagogical training and ways to improve vocational training. *Journal of Critical Reviews*, 7(3), 274-277.
7. Khalilovna, O. N., Axmatjanovna, M. M., Kosimovich, N. U., & Botirovna, K. V. (2020). Main core and meaning of shaping professional faith. *Journal of Critical Reviews*, 7(2), 242-245.
8. Нуруллаева, Ш. У. (2014). Технологии формирования профессиональных навыков у будущих преподавателей. In *Подготовка профессиональных управленческих кадров: опыт, проблемы, инновационные образовательные технологии* (pp. 60-64).
9. Nurullayeva, S. U. (2017). Emotional stability as one of the professional qualities of teachers. *Наука и мир*, 2(7), 64-65.
10. Nurullayeva, S. H. "Pedagogical cooperation in higher education." *Современное музыкальное образование: традиции и инновации*. 2016.



УДК: 1:316(09)(575.1)

Йўлдош КАРИМОВ,

Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси

E-mail: yuldos777@mail.ru

ГулДУ доценти С.Исмоилов тақризи асосида

THE ROLE OF HISTORICAL FILMS IN FORMING HISTORICAL THINKING

Abstrakt

The article discusses the influence of historical films on the formation of our people's national historical thinking, which is one of the most popular types of art, cinema. The breadth of the audience for historical films has an important advantage in terms of reaching different segments of the population. The role and importance of historical films in the formation of historical thinking, the need to create national historical films, and its possibilities are discussed. Opinions were expressed on the work carried out in this area in our country, the tasks and tasks to be solved.

Key words: Historical thinking, historical film, patriotism, historical figures and heroes, historical reality, national films, historical consciousness, identity.

РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКИХ ФИЛЬМОВ В ФОРМИРОВАНИИ ИСТОРИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ

Аннотация

В статье рассматривается влияние исторических фильмов на формирование у нашего народа национального исторического мышления, которое является одним из самых массовых видов искусства, кино. Широта аудитории исторических фильмов имеет важное преимущество с точки зрения охвата различных слоев населения. Обсуждены роль и значение исторических фильмов в формировании исторического мышления, необходимость создания национальных исторических фильмов, его возможности. Были высказаны мнения о работе, проводимой в этой области в нашей стране, задачах и проблемах, которые предстоит решить.

Ключевые слова: Историческое мышление, исторический фильм, патриотизм, исторические личности и герои, историческая действительность, национальные фильмы, историческое сознание, идентичность.

ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Мақолада санъатнинг энг оммавийлашган тури кино санъатининг бир йўналиши бўлган тарихий фильмларнинг халқимизда миллий тарихий тафаккурни шакллантиришга таъсири масаласи муҳкама қилинган. Тарихий фильм аудиториясининг кенглиги, аҳоли турли қатламларини камраб олиш жиҳатидан муҳим устунликка эга. Тарихий тафаккурни шакллантиришда тарихий фильмларнинг ўрни, аҳамияти, миллий тарихий фильмлар яратиш зарурияти, унинг имкониятлари ҳақида баҳс юритилган. Бу соҳада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, олдинда турган вазифалар ва муоммолар ҳақида фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Тарихий тафаккур, тарихий фильм, ватанпарварлик, тарихий шахс ва қаҳрамонлар, тарихий воқеалик, миллий фильмлар, тарихий онг, ўзликни англаш.

Кириш. Ўзбекистон кейинги олти йилда ўзгаришлар даврини бошдан кечирди. Бу жараёнлар жадал ислохотлар асосида шиддат билан босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жамиятнинг барча соҳаларида Ҳаракатлар стратегияси ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида ислохотлар изчил амалга оширилиб ўзининг дастлабки меъдаларини бера бошлади[1]. Бундан халқ ҳам жамият ҳам манфаат кўраётганини одамлар ўзининг кундалик ҳаётида сезмоқда. Жамиятдаги ўзгаришлар одамлар онгини, тафаккурини ҳам ўзгартираётгани бор ҳақиқат. Халқ ўзининг илдири – тарихини билиши жамият эртаси, тараққиёти учун жуда муҳим омил ҳисобланади. Чунки тарихни билиш орқали инсон ўзлигини англайди, жамиятдаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланади, бефарқлик ва лоқайдлик каби иллатлардан узоқлашади.

Жамиятда жадал ислохотлар кетаётган шароитда тарихий тафаккурга бўлган эҳтиёж ортади. Сабаби ислохотларнинг самараси одамларнинг ижтимоий онги билан боғлиқ. Бунда эса тарихий онг ва тарихий тафаккур етакчилик қилади. “Ўтмишни билмаслик беихтиёр бугунни тушунмасликка олиб келади, худди шундай

бугунни тасаввур қилмаслик ўтмишни тушунишга бўлган уринишни йўққа чиқаради”[2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 19 январда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари”га бағишланган видеоселектор йиғилишида – “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур” – деб таъкидлади [3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Тарихий тафаккурни шакллантиришнинг аҳамияти катта бўлганига қарамадан у ҳар доим ҳам илмий тадқиқот предметига айланавермаган. Тарихий онг ва тарихий тафаккур муаммолари хорижда асосан немис, француз, инглиз ва америкалик тадқиқотчиларнинг ижтимоий-фалсафий тадқиқотларида ўз аксини топган. Француз файласуфи Р.Ароннинг “Тарихий онгнинг ўлчами” китоби XX асрнинг 40-50 йилларида Европа зиёлилари диққат марказида тарихий билишнинг методологияси муаммоси

юзага келганда ва Францияда маънавий муҳитни шаклланишида муҳим роль ўйнади [4].

Мавзу юзасидан хорижда ҳам тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, уларга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин. С.П.Бычковнинг мақоласида Тарихий тафаккурнинг элементларини шакллантириш жараёнида кино томошабига кучли таъсир қилувчи, илмий тарихга рақобатчи эканлиги, шунингдек, тарихий фильмнинг асосий жиҳатлари, киноматографияда тарихий жараёни ишончли акс эттириш муаммолари кўриб чиқилган [5]. N.Hodson ва S.Ramaekersнинг тадқиқотида тарбия бўлиши инсон фаолиятининг “ота-она тарбияси” ҳақидаги фикрга одатдагидан четда қолиб кетган жиҳатлар ҳақида, шунингдек учта фильм асосида далиллар келтирилиб, таълим фалсафасидан фойдаланган ҳолда кейинги босқич ёндашувларини тақдим этадилар [6]. P.Decoster ва N.Vansieleghem тадқиқотида кино орқали таълим бериш, “ўйламаслик орқали фикрлаш” машини сифатида талқин этилади. Фильмнинг таълимдаги аҳамияти масалаларига эътибор қаратилган [7]. Америкалик олим С.Хантингтоннинг “Биз ким?” номли асарида тарихий онг муаммоси миллий-маданий ўзига хосликини шакллантириш муаммосининг муҳим қисми сифатида қараб чиқилади [8].

Мамлакатимизда ҳам мавзу юзасидан тадқиқотлар олиб борилган, хусусан, М.Пирматовнинг “Ўзбек киносида тарихий мавзу талқини” номли мақоласида ўзбек киносида тарихий мавзу ва унинг бугунги кунда ёшлар тарбиясида тутган ўрни бекиёс эканлиги қайд этилади. Шунингдек, бу борада эришилаётган ютуқлар ва келгусида амалга ошириш зарур булган муаммолар хусусида тўхталиб ўтилади [9]. Э.Юсупов, М.Хайруллаев, С.Шермухамедов, Й.Жумабоев, С.Отамуродов, Қ.Назаров, Б.Тўйчиев, Р.Раҳмонов, З.Ғафуров, Н.Комилов, С.Мамашокиров, В.Алимасов, Н.Жўраев асарларида ўтмиш аждодларимиз маънавий мероси, маданияти ва тарихи масалаларига, миллий ўзликини англаш ва миллий қадриятлар, тарихий онгнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрнига эътибор қаратилган [10].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни олиб боришда тарихийлик, мантикийлик, тизимлик, қиёсийлик, кузатиш, индукция ва дедукция каби усуллар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Халқ ўзининг илдизи – тарихини билиши жамият эртаси, тараққиёти учун жуда муҳим омил ҳисобланади. Чунки тарихни билиш орқали инсон ўзлигини англайди, жамиятдаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланади, бефарқлик ва лоқайдлик каби иллатлардан узоқлашади.

Аҳолида тарихий тафаккурни шакллантиришда тарихий фильмларнинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур. Мамлакатимизда тарихий фильмлар яратиш масаласида ривожланган мамлакатлардан анча орқада қолганмиз. Бугунги кунда тарихий фильмлар ва сериалларга бўлган эҳтиёж, асосан хориж киноижодкорларининг маҳсулотлари ҳисобига қондирилмоқда. Сўнгги йилларда, айниқса, Жанубий Корея ва Туркия киноижодкорлари томонидан яратилган тарихий сериаллар томошабинларга ҳавола этилмоқда. Масалан, Жанубий Корея киноижодкорларининг “Жумонг”, “Сўнгги қиролича”, “Сарой жавоҳири”, Туркиялик киноижодкорларнинг “Эртуғрул”, “Муштам юз йил”, “Косем” каби сериаллари ўзбек телетомошабинлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Тарихий фильм аудиториясининг кенглиги, аҳоли турли қатламларини қамраб олиш жиҳатидан муҳим устунликка эга. Фильм воқеаларига сингдирилган ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик ғоялари ўзига хос тарбия ва ибрат намунаси ҳисобланади. Тарихий

фильм томошабинни ўша давр руҳи, ҳолати ва муҳитини идрок этишини осонлаштиради. Томошабин қаҳрамонлар ҳаёти билан бирга яшайди, фикрлайди, изтироб чекади, бу унга самарали таъсир кўрсатади. Энг муҳими томошабин тарих ҳақида билимга эга бўлади, тарихий давр воқеаларини идрок этади. Томошабинда тарихий воқеаларга муносабат шаклланади ёки бир сўз билан айтганда тарихий тафаккур ҳодисаси юз беради.

Шунингдек, аждодлар ҳаёти, қаҳрамонликлари бугунги кун кишинида ўтмиш аждодлар билан фахрланиш ҳиссини уйғотади, бу эса авлодларда аждодларга муносиб бўлиш, улардек яшашга интилиш туйғусини шакллантиради.

Факат хорижий тарихий фильмларни томоша қилиш, ўша миллат тарихига, урф-одат ва қадриятларига мойилликини келтириб чиқаради. Бу ўз-ўзидан миллий бирлик, ватанпарварлик каби ғояларга акс таъсир кўрсатади. Масалан, Кореянинг тарихий фильмларини кўп томоша қилиш, ўша фильм қаҳрамонларига тақлид қилиш ҳолатларини кўпайтирди. “Жумонг” фильми намойиш этилган даврда болалар ўзларини фильм қаҳрамонлари номи билан аташ, камон ва ёғоч қиличлар билан турли ўйинлар ўйнаш ҳолатлари ошди.

Тарих инсоннинг ахлоқий дунёқаршига ҳам таъсир этади. Тарих орқали дахлдорлик ҳисси уйғонади. Аждодлар ҳаёти, турмуши, хўжалиги, дунёқарши, қолдирган мероси бизнинг тасаввуримизда жонланади. Бунда тарихий фильмларнинг ўрни ниҳоятда катта. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида болалиги кечган авлод Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашга бағишланган фильмларни кўриб улғайди. У даврда бундай фильмлар кўп намойиш қилинар эди. Бу мавзу уларнинг ўйинларига ҳам кўчиб ўтган эди. Ўғил болалар ўйинларининг аксариятини уруш билан боғлиқ кўринишлар ташкил этар эди. Бу ҳам ўша давр тарғиботи билан боғлиқ.

Тарихий фильм ёшларнинг тарихий давр ҳақидаги тасаввурларини кенгайтишига ҳамда ўз юрти тарихини ўрганишига муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Албатта, яхши фильм учун яхши сценарий, актёр, ва моливий таъминот муҳим ҳисобланади. Бугун мамлакатимиз катта ислохотлар даврида яшайпти. Иқтисодиётимизнинг турли соҳалари ҳам йилдан йилга ривожланиб бораёпти. Бу эса келгусида мазкур соҳанинг ҳам тараққийсига хизмат қилади. Унинг дастлабки қадамлари ташлангани ҳам қувонарли ҳолат. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 24 июлдаги миллий киносаноатни ривожлантиришга оид қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз [11].

Юртимизнинг шонли тарихи ва тарихий сиймолари бор бўлиб узоқ йиллар давомида улар кино иждодкорлар эътиборидан четда бўлиб келди. Бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Агар номма ном санасак қанча тарихий қаҳрамонларимиз ва мавзуларимиз бор: Беруний, Ибн Сино, Форбий, Ал Бухорий, Ат Термизий, Нажмиддин Кубро, Аз Замахшарий, Баҳовуддин Нақшбанд, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Алишер Навоий, Темирийлар салтанати, Сарбадорлар, Шайбонийхон, Бобур мирзо, Хонликлар даври, Нодирабегим, Муҳаммад Раҳимхон II ҳ.к. XIX-XX аср тарихимизнинг воқеалари яна бир қанча фильмларга мавзу бўлгулик воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради.

2017 йилдан бошлаб соҳани ривожлантиришга жиддий эътибор берилди бошланганлиги ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади. Ўзбек киноижодкорлари тарихий мавзуларда ўзларини синаб кўра бошлади. “Ислохўжа”, “Элпарвар”, “Қўқон шамоли”, XX аср жадидлар ҳаётининг мураккабликларини акс эттирган “Ибрат”, “Абдулла

Авлоний” каби тарихий фильмлар экран юзини кўрди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даври воқеаларини акс эттирган “Илҳақ” фильми ҳам яхши кутиб олинди. Туркия киноижодкорлари билан ҳамкорликда Жалолиддин Мангубердига бағишланган “Мендирман Жалолидин” фильмининг суратга олингани олқишга сазовор.

Тарихий фильм воқеаларининг тарихий воқелик, тарихий ҳақиқатга яқинлиги ҳам муҳим ҳисобланади. Энг муҳими тарихий фильм сценарийси тарихий воқеликдан узоқлаб кетмаслиги, бадийий тўқима образ ва воқеалар тарихий ҳақиқатни кучайтиришга хизмат қилиши лозим.

Тарихий тафаккурни шакллантириш мактабгача таълим муассасаларида ҳам яхши йўлга қўйилиши лозим. Мультфильм ва эртақлар, уларнинг персонажлари болаларда дастлабки тарихий тафаккур уруғини экади. Мультфильм қахрамонларининг миллий бўлиши бунда жуда муҳим. Масалан, “Алпомиш” достони асосида ишланган мультфильм анимацияси зерикарли. Уни қайта ишлаш керак. Масалан, “Сенми шошмай тур”, “Қирол шер”, “Том ва жерри”, Пушкиннинг ёки Андерсон эртақлари асосида хорижда ишланган эртақ мультфильмлар жуда қизикарли ва анимацияси жонли чиккан. Бизда ҳам яхши мультфильмлар ишлаш, уларни сифатини ошириш зарур. Хусусан, тарихий мавзудаги “Широк” ҳақидаги мультфильмнинг анимацияси ҳам яхши ишланмаган. Бугунги кунда соҳадаги камчиликларни бартараф этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тарихий қахрамонлар ҳақидаги афсона, ривоят ва ҳикоялардан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, Широқ, Тумарис ҳақидаги ҳикоялар, ўзбек халқ эртақларидаги халқимизнинг миллий урф-одат ва қадриятларини сингдириш миллий менталитетнинг шаклланишига хизмат қилади. Бу ёшдаги болаларда тарихий тафаккурни шакллантиришда мультфильмларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бунда миллий қахрамонлар қиёфасини яратиш, тарихимизнинг муҳим воқеа ва ҳодисаларини экранлаштириш ёш болаларда дастлабки тарихий тасаввурларни илк куртакларини шакллантиради.

Бугун болаларимиз “Болажон” телеканали орқали намойиш қилинаётган лексин аксарияти Ғарб ижодкорлари томонидан тайёрланган мультфильмларни томоша қилиб улғайишяпти. Болалар учун тайёрланаётган ўйинчоқлар ҳам ранг-баранг. Бу албатта, бола онги ва тафаккури шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Миллий ўйинчоқлар яратилаяпти, аммо, бу талаб даражасида эмас. Ўйинчоқларнинг дизайни, унга ёпиштирилган расмлар аксариятида “Ўргимчак одам”, “Бэтмен” каби фильмлар ва Ғарб мультфильмларининг қахрамонлари акс этган. Ўйинчоқларда миллий қахрамонлар, тарихий сиймолар, қахрамонлар тасвирини ифодалаш орқали ўқувчилар онгига таъсир этиш ўзига хос аҳамиятга эга. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига дастур асосида болалар дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатадиган тарихий ва миллий қадриятлар мавзусидаги

ўйинлар, мультфильмлар, кўшиқлар тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Болалар учун миллий ўйинлар ва қадриятлар руҳи сингдирилган дастурлар ишлаб чиқиш лозим. Болада чаққонлик, сабр-тоқат, ақлий фикрлашни рағбатлантиришга қаратилган машғулотлар уларнинг камолга етишига ижобий таъсир қилади. Шу маънода тарихий маълумотлардан унумли фойдаланилса, ватанпарварлик туйғуси шаклланишининг дастлабки қадамлари ёки пойдевори қўйилади.

Ёшларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг асосий бугини умумтаълим мактаблари ҳисобланади. Бошланғич синфлар учун бу масалада ўзига хос ёндашув талаб этилади. Тарихий афсона ва ривоятлар бола онгига тарихий тафаккурни шакллантиришда муҳим ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларида ўқитилаётган тарих дарсларининг савиясини, ўқитувчиларнинг салоҳиятини ошириш зарур. Тарих куруқ рақамлар ва оддий воқеалар баёни бўлиб қолмаслиги муҳим. Тарихий воқеа-ҳодисалар ҳиссиёт ва туйғулар билан омухталаштирилганда унинг болаларга таъсири бир неча баробар ошади. Бунинг учун ўқув методик марказлар томонидан тарих фани мавзуларига мос бадийий ва ҳужжатли фильмлар танлаб олиниб улардан дарсада ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилиб тавсия этилса яхши самара беради. Бу даврда боланинг онгига сепилган ватанга муҳаббат уруғи униб чиқиб келгусида катта ишларга, бунёдкорликларга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Хуллас, тарихий фильмларнинг тарихий тафаккурни шакллантиришдаги ўрни қуйидагиларда намён бўлади:

-тарихий фильм аудиторияси кенглиги билан 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кенг оммани қамраб олади ва тарғиботнинг катта имкониятига эга. Тарихий фильм халқимиз ўтмишини, аجدодларимиз ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради, тарғиб қилишга қулай восита бўлиб. алоҳида жой, вақт талаб қилмайди ва доимий ҳамда мунтазам ишлайди;

-яхши тарихий фильм одамлар онгига кучли таъсир кўрсатади тарихий тафаккурини бойитади;

- тарих дарсларида ва дарсдан ташқари машғулотлар, тўғарақларда тарихий бадийий ва ҳужжатли фильмлар материалларидан фойдаланилиб муҳокама қилинса ўқувчиларнинг тарихий тафаккурини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, мактаб ўқувчилари учун тайёрланган дафтарлар муқовасида маълум миқдорда тарихий сиймолар, тарихий қахрамонлар, тарихий ҳодисалар, меъморий иншоотлар акс этган тасвирлар билан безатилиши ҳам болаларнинг (онг ости) шуурига тарихий тасаввурни воситаларсиз сингдиришга хизмат қилади.

Зеро, биз тарихнинг маҳсулимиз, тарих инсонга ўзини топишда, оламни англашида ўтмиш ва келажак орилигидаги мавжудлигини изоҳлашга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон ва 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, Тошкент. www.lex.uz
2. Блок Марк. Апология истории или ремесло историка. М.:Наука.1973. -стр.27.
3. Мирзиёев Ш. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2021 йил 19 январь.
4. Арон Р. Избранное: измерение исторического сознания. -М.: 2004.-С.528.

5. Бычков С.П. Особенности исторического фильма: взгляд с точки зрения исторической науки. Вестник Омского университета, 2003. № 4.-С.55-58.
6. Hodson N, Ramaekers S. The Educational Force of Film: Presentations of Upbringing. Philosophical Presentations of Raising Cheldren 2019.-Sprenger. Pp.27-48.
7. Decoster, P., Vansieleghem N. Cinema education as an exercise in 'thinking through not-thinking'. Educational Philosophy and Theory, (46-2014), 792–804.
8. Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности /С.Хантингтон; Пер. с англ. А.Башкирова. -М.: ООО Транзиткнига, 2004.-С. 635.
9. Пирматов М. Ўзбек киносида тарихий мавзу талқини. ЎзДСМИ хабарлари – 2019 /З(11) -27-31 бетлар
10. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б.; Юсупов Э. Инсон камолининг маънавий асослари - Т.: Университет, 1998.-Б.; Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлокий фикрлар тараққиёти тарихидан. -Т.: Ўқитувчи-Зиё ношир, 1997.-Б.; Раҳмонов Р., Ғафуров З. Мустақиллик ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши. - Т.: Ўзбекистон, 1999.-Б.; Мамашокиров С. Тарихий тафаккур мезони. //Тафаккур. 1999. № 4,- Б. 9.; Жўраев Н. Тарих фалсафаси. – Т.: Шарқ, 1999-Б.; Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари -Т.: Маънавият.2008.-Б. ва б.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарори. www.lex.uz



Ойбек КАЙУМОВ,
ЎзМУ Жиззах филиали “Компьютер илмлари ва дастурлаштириш”
кафедраси мудири
E-mail: oybekuzonlined3@gmail.com

Жиззах политехника институти профессори, н.ф.д Ж.Ҳамидов тақризи асосида

CREATION OF INTERACTIVE INTELLECTUAL ELECTRONIC EDUCATION RESOURCE WITH ARTIFICIAL INTELLIGENCE

Annotation

The purpose of this study is to improve the quality of education through the creation of an interactive intellectual e-learning resource in the training of specialists in higher education and the widespread use of artificial intelligence in the process of informatization of education based on information and communication technologies. Research methods include the practical analysis of practical and independent learning tasks in relation to the student's abilities, the solution of the problem by dividing it into n lower-level problem sections and combining the parts.

Keywords: E-pedagogy, e-learning, creative competence, AI, artificial intelligence, task differentiation, task integration.

СОЗДАНИЕ ИНТЕРАКТИВНОГО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ЭЛЕКТРОННОГО ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО РЕСУРСА С ИСКУССТВЕННЫМ ИНТЕЛЛЕКТОМ

Аннотация

Целью данного исследования является повышение качества образования за счет создания интерактивного интеллектуального электронного учебного ресурса при подготовке специалистов высшей школы и широкого использования искусственного интеллекта в процессе информатизации образования на информационно-коммуникационной основе. Методы исследования включают практический анализ практических и самостоятельных учебных задач по отношению к возможностям учащегося, решение задачи путем ее разделения на n проблемных участков более низкого уровня и объединения частей.

Ключевые слова: Электронная педагогика, электронное обучение, творческая компетентность, AI, искусственный интеллект, дифференциация задач, интеграция задач.

ИНТЕРАКТИВ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСИНИ СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЁРДАМИДА ЯРАТИШ

Аннотация

Ушбу тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнида интерактив интеллектуал электрон таълим ресурси яратилиш ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида таълимнинг ахборотлашуви жараёнларига сунъий интеллектни кенг татбиқ этиш орқали таълим сифатини ошириш. Тадқиқот методлари амалий машғулот ва мустақил таълим топшириқларни талаба қобилиятига нисбатан интеллектуал таҳлил қилиб, n та қуйи даражадаги масала бўлакларига ажратиб бажартириш ва бўлақларни бирлаштириш орқали масаланинг ечимини ҳал қилиш назарда тутилган.

Калит сўзлар: Электрон педагогика, e-learning, ижодий компетенсия, AI, сунъий интеллект, топшириқларни дифференциаллаш, топшириқларни интеграллаш.

Кириш. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида жамиятнинг ахборотлашуви жараёнларига сунъий интеллектни кенг татбиқ этиш орқали юқори натижаларга эришмоқда. Сунъий интеллект – бу бизнинг ижтимоий муносабатларимизнинг барча жиҳатларини ўзгартиришга қодир бўлган жадал ривожланаётган технологик соҳа. Таълим соҳасида сунъий интеллект янги ўқитиш ва ўрганиш эчимларини ишлаб чиқаришни бошлади, улар ҳозир турли контекстларда синондан ўтказилмоқда. AI илғор инфратузилмалар ва ривожланаётган инноваторларни талаб қилади. Рақамли ва ижтимоий тафовутни камайтириш учун имкон қадар тезроқ ҳал қилиш учун сунъий интеллект устувор вазифа бўлиши керак. Таълим сифатини рақамли технологиялар асосида доимий такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Олий таълим муассасаларида мутахассис кадрларни тайёрлаш жараёнига интерактив интеллектуал дастурий воситалар, масофавий таълим шаклларини кенг татбиқ этиш, очик таълим ресурслари, аралаш таълим

(online/offline) технологияларини ривожлантиришда интеллектуал электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. AI ни таълимга жорий этиш ва талабаларни сунъий интеллект асосидаги контекстларни тайёрлаш имкониятлари кўриб чиқилади. 1956 йилги Dartmut конференциясида сунъий интеллект (AI) соҳаси ҳақидаги фикрлар юритилган. Яқин тарихдаги бир нечта технологик ишланмалар AI нинг ривожланишига олиб келди. AI қарийб 60 йилдан бери мавжуд бўлса-да, сўнгги йиллардаги кескин ўзгаришлар ("катта сакраш" деб аталади) туфайли маълумотларнинг кўплиги (катта маълумотлар), иқтисодий фойдаланиш имкониятини таъминлаганлиги сабабли у яқин вақтгача ишлатилмаётган технология бўлиб қолди. Булути хисоблаш ва Machine Learning соҳасидаги ютуқлар орқали AI нинг ривожланиши кўзга ташланди. Ўн йилликнинг иккита асосий технологияси бўлган сунъий интеллект ва Big Data каби атамалар ҳамда машинани ўрганиш, ўрганиш аналитикаси ва бошқа тушунчалар биргаликда кўп ишлатиладиган технологиялар сифатида

қўлланилаёпти. Шунингдек керакки, бу атамалар баъзан мақолаларда бир-бирининг ўрнида қўлланиб, чалкашликларни келтириб чиқаради. Бундай чалкашликларга йўл қўймаслик учун ушбу мақолада, бу тушунчаларнинг фарқлари ва улар қандай биргаликда ишлатилари аниқланган. AI нинг бир нечта классик таърифлари турли адабиётлардан, жумладан Makkarti (2006), Zhong (2006), ITU (2018) томонидан берилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу илмий методни, бизнинг тадқиқотимиз учун қўллашнинг долзарблиги шундан иборатки, модел назария ва воқеълик ўртасидаги бўғин ролда иштирок этиш мумкин. Бундан ташқари моделни олдиндан яратиш концептуал ғояларни кўргазмалар шаклда тақдим этиш ва ресурсни яратиш жараёни барча иштирокчиларининг (ўқитувчилар, мутахассислар, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар) ўзаро бир-бирини тушунишларига ёрдам беради. Моделлаштириш эса педагогик лойиҳалашнинг энг муҳим босқичи бўлиб, унда нима бўлиши керак бўлса, шу ҳақида энг қисқа тафсилотни аниқлаш фаолияти тушунилади.

Интерактив электрон таълим ресурс моделини ишлаб чиқишда ўқитиш мақсади ва таълим тамойиллари, таълимга ёндашув каби таянч тушунчаларга таянилади.

Алгоритмик тиллар ва дастурлашга оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш бўйича фаолият методикада белгиланган мақсадларга эришишга йўналтирилган бўлиши керак. Таълим воситалари (уларнинг қаторига бизнинг тадқиқотимизда кўриб чиқилаётган электрон таълим ресурс ҳам қиради) таълим олувчи (талаба) бажарадиган барча ҳаракатлар “Алгоритмик тиллар ва дастурлаш” ўқув курсини ўқитишда кўзда тутилган мақсадга эришишга ёрдам берадиган тарзда конструкцияланиши керак.

Билимларга асосланган замонавий жамиятда, таълимнинг мақсади бўлиб ўқишга ўргатиш кўникмаси каби, таянч компетенцияни таъминловчи таълим олувчиларнинг умуммаданий, шахсий ва билиш ривожланиши ҳисобланади. Айнан мана шу кўникма инсонга бутун умр давомида мустақил таълим олиш компетенцияларни янгилаш ва такомиллаштириш, малакасини ошириш ёки фаолият турини ўзгартириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, ахборот оқимида мўлжал олиб билиш, керакли индивидуал таълим траекториясини танлаб олиш ва йўлга қўйиш кўникмаси билан боғлиқ [4].


Ҳар бир талаба учун шахсийлаштирилган таълим жараёни ташкил этилади. Ўқув ҳаракатларнинг асосий концепсияси бўлиб, билим кўникма ва малакаларни таълим олувчиларнинг мақсадга йўналтирилган мос ҳаракатлари кўринишлари ҳосиласи сифатида кўриб чиқиладиган тизимли-фаолиятли ёндашув ҳисобланади. Шахсийлаштирилган таълим жараёнида билим кўникмасини эгаллаш таълим олувчилар томонидан ўқув фаолияти компонентларини (мотивлари, мақсадлари,

вазифалари, шунингдек материал билан бажарилиши керак бўлган ҳаракат ва операциялар) ўзлаштиришга асосланади. Электрон таълим ресурслари ёрдамида таълим олувчида шакллантирилиши мумкин бўлган шахсийлаштирилган ўқув ҳаракатларга эътиборни қаратимиз. Электрон таълим Ресурсларидан регулятив ва когнитив шахсийлаштирилган ўқув ҳаракатларни шакллантириш учун самарали фойдаланиши мумкин. Регулятив шахсийлаштирилган ўқув ҳаракатларга мақсад қўйиш, режалаштириш, башоратлаш, назорат, тузатиш, баҳолаш ва ўз ўзини тўғирлаш қиради [2].

Когнитив шахсийлаштирилган ўқув ҳаракати, билиш мақсадларни ажратиш ва шакллантириш, керакли ахборотни излаш ва ажратиш, аниқ шариоитлардан келиб чиққан ҳолда масалаларни ҳал қилишнинг энг самарали усуллари танлаш, ҳаракатларнинг услуб ва шариоитларининг рефлексияси, фаолият жараёни ва натижаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш, муаммони қўйиш ва шакллантириш, муаммоларни ҳал қилишда фаолият алгоритмларини мустақил яратишни ўз ичига олган шахсийлаштирилган таълим ҳаракатларни ўз ичига олади [5].

Электрон таълим ресурс билан ишлаш орқали таълим олувчилар юқорида келтирилган шахсийлаштирилган ўқув ҳаракатларни ҳам ўзлаштирадилар. Масалан, ўқиш ресурс ўқиш мақсадида мос маълумотларни топиш ва ажратишга, шунингдек шариоитга қараб муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали усуллари танлашга ёрдам беради. Бундан кўриниб турибдики қаралаётган ўқитишнинг электрон воситасидан фойдаланиб машқ қилиш натижаси бўлиб ҳисобланади. Ижодий масалаларни ҳал қилиш учун алгоритмлар яратиш имконияти таълим олувчиларда намунавий топшириқ типларига мос танланган алгоритмлар тўпламини ўзлаштирилганларидан кейин пайдо бўлади [1]. Шахсий (ўзини ўзи аниқлаш, ахлоқий-этик мўлжал олиш) ва коммуникатив шахсийлаштирилган ўқув ҳаракатларини (ўқув ҳамкорлигини режалаштириш, масалаларни қўйиш, зиддиятларни ҳал қилиш, ўз фикрларини ифодалаш кўникмаси) шакллантириш билан, мустақил иш (Ресурс ёрдамида) улушини ошириш ҳисобига тежадиган вақт ҳисобига ўқитувчи ва таълим олувчининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириш мақсадида мувофиқдир [2].


Электрон таълим ресурс таълим олувчиларнинг мустақил ишини рағбатлантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади, чунки уларга зарур бўлган материалларни нафақат тақдим этади, балки улар билан интерактив режимда зарур иш усуллари эгаллашга ёрдам беради. Электрон таълим ресурс ҳар бир таълим олувчи томонидан йўл қўйиладиган типик хатоларни аниқлаш ва ушбу хатолар йўл қўйилган топшириқ типларини бажаришнинг энг оптимал ва самарали усуллари эгаллашга ёрдам берадиган тарзда ишлаб чиқилган [3].



1-расм.Топшириқни бўлақларга ажратиш ва натижаларни йиғ‘иш жараёни.

Бунда берилган топшириқни таълим олувчининг бажара олишига қараб, н та бўлақларга ажратилади ва бажарилган бўлақлар йиғ'илади. Ўқитиш тамойиллари – бу бошланғич қоидалар бўлиб, улар биргаликда ўқув жараёни ва унинг таркибий қисмларига бўлган талабларни яъни, мақсадлар, вазифалар, методлар, воситалар, ташкилий шакллар, ўқитиш жараёни белгилайди.

Янги авлод таълим воситалари сифатида электрон таълим ресурс моделини ишлаб чиқиш асосий дидактик, психологик ва ўқитишнинг шахсий методологик тамойилларига, шунингдек электрон педагогика тамойилларига асосланади [1].



2-расм.Топшириқларни бўлақларга ажратиш, натижани жамлаш алгоритми.

Бундан ташқари, электрон таълим ресурс таркибига киритилган қизиқарли ва долзарб ахборотни ўз ичига олган фан бўйича ўқув материаллари таълим олувчининг мотивациясини қўллаб-қуватлайди. Ресурснинг ўқув материалларини тез ва катта моддий харажатсиз янгилаш ва тузатиш имконияти, таълим олувчига таклиф этиладиган топшириқ материаллари доим долзарб бўлишини кафолатлайди. ресурснинг электрон шакли, унинг расмийлаштирилиши, мултимедиа маълумот мавжудлиги, замонавий шахснинг тараққиёт фан ва техника ютуқлари ҳақидаги тасаввурларига мослиги, исталган қулай вақтда ва қулай жойда фойдаланиш, шунингдек босма шаклдаги ўқув материалларини харид қилиб олишни тежаш имконини беради.

Таҳлил ва натижалар. Тажриба-синов ишларини олиб боришда олинган натижалар самарадорлигини аниқлаш мақсадида талабаларга касбий билим ва кўникмаларини баҳолашда олий таълим муассасаларида назорат гуруҳларида эришилган натижалар бир-бири билан таққосланди. Назорат гуруҳларида ўқитиш жараёни амалдаги анъанавий ўқитиш асосида амалга оширилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида биз таклиф этган электрон таълим ресурсдан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш асосида ўтказилди. Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба бошида ва тажриба охирида

олинган натижалар мунтазам таҳлил этиб борилди ва улар бир-бирига қиёсланиб, хулоса қилинди. Тажриба-синов гуруҳида электрон таълим ресурсларидан қўллашнинг самарадорлиги назарий асосланиб, амалий жиҳатдан исботлаб берилди.

Биз таклиф этган “Алгоритмик тиллар ва дастурлаш” умумкасбий фани бўйича ўқитиш жараёнини электрон таълим ресурслари асосида ташкил этиш натижасида ўқитишда таълим самарадорлигининг ошишини кузатдик.

Тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижаларининг объективлигини таъминлаш учун ҳар бир ўқув йилида босқичма-босқич иккитадан параллел гуруҳ тажриба-синов ва назорат гуруҳи этиб белгиланди. Назорат гуруҳларида таълим жараёни амалдаги ўқитиш методикасига биноан амалга оширилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида биз таклиф этган “Алгоритмик тиллар вадстурлаш” умумкасбий фани бўйича ўқитиш жараёнини моделлаштириш дастурларидан фойдаланиб ўқитиш асосида амалга оширилди.

Тажриба-синов гуруҳларининг натижалари мунтазам таҳлил этилди ва бир-бирига қиёсланиб, хулоса чиқарилди. Зарур бўлган ҳолларда бу жараёнда бевосита иштирок этувчи ўқитувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар атрофлича муҳокама этилиб борилди.

№	Талаба сони	Биринчи кадамда бажарган талабалар	Топширикни бўлаклар натижасида	Кўрсатма ёрдамида бажарганлар	Топширикни умуман бажара олмаганлар
1	28	5	18	4	1
2	27	7	15	3	2
3	29	6	19	4	0
4	28	9	12	6	1
5	26	6	17	3	0
6	27	3	20	3	1
7	17	8	6	1	2
8	16	2	8	5	1
	198	46	115	29	8
		23,2 %	58 %	14,6	4,2 %

1-жадвал. Талабаларни топшириклари бажариш кўрсаткичлари.

Талабаларни топшириклари биринчи кадамда тушунишлари бир мунча қийин ҳисобланади. Таҷрибада жами 198 нафар 1-курс талабалари иштирок этди. Жадвалимизда кўрсатилганидек биринчи кадамда бажарган талабалар жами 46 тани яни 23,2 % ни ташкил этади. Бу дегани талабалар анъанавий дарсда кўпи билан 30 % талаба ўзлаштириши мумкин. Мустақил ўрганиш орқали бу кўрсаткични оширишимиз мумкин бўлади. Ҳар бир талаба билан алоҳида шуғулланишнинг имкони бўлмайди. Бу масаланинг эчими электрон таълим ресурслари орқали камровни оширишимиз мумкин бўлади. Топширикни бўлаклар натижасида 115 нафар талаба топширикни бажара олди. Шунда топширик бажарган талабалар 161 нафарга етди. Бу 81,2 % ни ташкил этади.

Хулоса ва тақлифлар. Ушбу интерактив интеллектуал электрон таълим ресурси сунъий

интеллекта асосланган бўлиб, талаба токи ўрганмагунча кейинги топшириққа ўтмайди. Топширик даражасини пасайтириб бўлакларга ажратиб бўлакларни тақдим этаверади. Ҳар бир бўлак ишланганда унинг натижасини сақлаб, параллел бўлакни ишлашга имкон беради. Параллел бўлаклар натижалари олингандан сўнг яхлит топширик қайта тақдим этилади ва натижа олинади. Бундай жараён кўп вақт талаб этиши мумкин, лекин автоматик тарзда н та талаба параллел ишлаши мумкин. Шу боис вақт ва самарадорлик юқори бўлади. Дарс жараёнида талаба аудиторияда савол беришига имкон бўлмаслиги мумкин, лекин электрон таълим ресурсидан қайта қайта сўраши ва ўрганиши мумкин. Муаммога бағишланган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, инсонда ижодкорликни шакллантириш тарбиянинг вазифаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Туракулов О.Х., Савурбаев А., Эшанкулов Б. С. Территориально распределённая информационно-образовательная среда и методы оценки её электронно-образовательной ресурсной базы. Сборник научных статей по итогам работы Международного научного форума. Москва 2019. 124-131 с.
2. Туракулов О.Х. Ахборотлаштирилган таълим муҳитида таълимни бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: Фан ва технология, 2010. 120-126 б.
3. Каюмов О.А., Efficiency of Using Smart Technologies in Teaching Technical Sciences in Higher Educational Institutions. Middle european scientific bulletin. Volume 17, October 2021, PaGES 133-137.
4. Позилова Ш., Мирсалиева М., Каюмов О. International Conference on Education and Training Technologies. Development of professional creativity of professional teachers in professional courses on the basis of e-pedagogy principle. 2022 Macau, China.
5. Ахатов А.Р., Каюмов О.А., Улугмуродов Ш.А. Scientific and theoretical basis of development and introduction of innovative methods in inclusive education. Научные журналы «Универсум» Москва 2021. 46-49 с.



Савлабек КИСТАУБАЕВ,

Жиззах давлат педагогика институтини доценти, Фалсафа доктори (PhD),

skistauboyev@mail.ru

Фалсафа фанлари доктори, профессор Бахти Очилова тақризи асосида.

THE MANIFESTATION OF THE TRADITIONS ASSOCIATED WITH NATURE IN THE FORM OF VALUE

Abstract

This article discusses scientific pseudonyms about traditions and rituals related to nature. The main purpose of the article is to fully reveal the importance and place of our traditions in our daily life. Our ancestors elevated nature-related rituals to the level of value. Even this circumstance has found a noticeable expression in our religion.

Key word: customs, values, national, universal, natural, social values, sacred customs, Navruz, Angan, Mehrjon, Sada, Flower holidays, Darvishona, Tea momo, Grape festival, Melon festival, Yas-yusun, Gap-gashtak, Snow letter .

ПРОЯВЛЕНИЕ ТРАДИЦИЙ СВЯЗАННЫХ С ПРИРОДОЙ В ФОРМЕ ЦЕННОСТИ.

Аннотация

В этой статье рассматриваются научные псевдонимы о традициях и ритуалах, связанных с природой. Основная цель статьи - в полной мере раскрыть важность и место наших традиций в нашей повседневной жизни. Наши предки возвели ритуалы, связанные с природой, на уровень ценности. Даже это обстоятельство нашло заметное выражение в нашей религии.

Ключевые слова: Ритуалы, ценности, национальные, общечеловеческие, природные, социальные ценности, сакральные традиции, Навруз, Анган, Мехржон, Сада, Фестивали цветов, Дарвишона, Чай момо, Виноградная вечеринка, Дынная вечеринка, Яс-юсун, Гап-гаштак, Снежное письмо.

ТАБИАТ БИЛАН БОҒЛИҚ УДУМЛАРНИНГ ҚАДРИЯТ ШАКЛИДА НАМОЁН БЎЛИШИ.

Аннотация.

Ушбу мақолада табиат билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар ҳақида илмий-таҳлилий мулоҳазалар ёритилган. Мақоладан асосий кўзланган мақсад урф-одатларимизнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти ва ўрнини тўлақонли очиб беришдан иборат. Ота-боболаримиз табиат билан боғлиқ маросимларни қадрият даражасига кўтарганлар. Хатто бу ҳолат динимизда ҳам ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Расм-русум, қадрият, миллий, умуминсоний, табиий, ижтимоий қадриятлар, табаррук удумлар, Наврўз, Анган, Мехржон, Сада Гул байрамлари, Дарвишона, Чой момо, Узум сайли, Қовун сайли, Яс-юсун, Гап-гаштак, Қор хат.

Кириш. Кишилиқ жамияти шаклланишдан буён одамларни табиатга унинг гўзаллигига муносабатидаги ҳар қандай қараш ва ёндашувлар, табиатнинг сиру асрорларини билишга инсоннинг фаол таъсири даврлар ўтиши билан сараланиб ундаги табиатни улуғлашга доир фикрлар, қарашлар, расм-русум ҳамда тамойиллар вақт ўтиши билан ўзига хос қадрият даражасига кўтарилиб борган. Инсоният ривожланиши сўнгга эл-элат, миллатнинг шаклланиши билан бу удумлар миллий, умуминсоний, табиий, ижтимоий қадриятлар даражасида туркумлашиб, инсон дунёқараши, интилишлари, табиат ва унинг неъматларига нисбатан масъулиятли муносабатининг шаклланишига туртки берган. Ана шу жараёнлар ва табиий омиллар халқимизнинг табиатга нисбатан муносабатини ўзида намоён этган бебаҳо қадриятларида ҳам ўз ифодасини топган. Қадимдан ҳозиргача мерос бўлиб келаётган халқимизнинг табаррук удумлари – ер ва сувни, олов ва ҳавони эъзозлаш, бир сўз билан айтганда, табиатни, унинг барча унсурларини қадрлаш, уларга эҳтиром сақлаш, уларнинг ҳар заррасини кўз қорачиғидек эҳтиёт қилиш каби ҳолатларнинг мавжуд бўлиши қадрли ва эътиборга молик бўлган хусусиятдир. Афсуски, глобализациянинг тез суъратлар билан ривожланиб бориши ижобий ҳодисалар билан бирга салбий жараёнларни ҳам келтириб чиқармоқда, яъни миллий қадриятларимиз, маросим ва урф-одатларимизнинг яшаб қолишига хавф туғдира бошлади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев сўзи билан айтганда, «оммавий маданият» каби хавф-хатарлар кучайиб,

одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда»[1].

Инсонларнинг табиатга деган ижобий муносабати ва улар ўртасидаги ўзаро уйғунлиқ бизгача етиб келган қадимий манбаларимизда ҳам илоҳий қадрият сифатида улуғланган. Бунга мисол тариқасида “Авесто” китобида келтирилган табиатга муносабатнинг икки жиҳатини кўрсатишимиз мумкин. Биринчисида – табиат унсурлари муқаддаслаштирилган, иккинчисида эса инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатлари улуғланган. Масалан, Ардвисурага бағишланган бешинчи яштида сув улуғланади, унинг дон ундирилиши, чорва ташналигини қондириш, инсон бойлигига барака келтириб, мулкни кўпайтириши, ўлкаларни гуллаб яшнатиши тилга олинади. Бундай теран фикрлар ва ғоялар ўша кезлардаёқ экологик дунёқарашни бойитишга хизмат қилган қадрият сифатида шарафланган.

“Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, - деб қайд этади биринчи президентимиз И.А.Каримов, - уларда ифода этилган инсон ва табиат тўғрисидаги теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам хайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз... Авестода борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги кўп нарсани англатади”[2].

Табиат билан чамбарчас боғлиқ бўлган анъаналар ва байрамлар исломгача ҳам бўлган жумладан, баҳорги

“Наврўз”, ёзги “Анган”, кузги “Меҳржон”, кишки “Сада” кабилар йилнинг тўрт фаслларидаги табиий эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган. Наврўз ва куз байрамлари (“Меҳржон”, “Нимсада”) табиатдаги қувончли ўзгаришлардан баҳраманд бўлишга асосланган бўлса, ёздаги “Анган” ва кишдаги “Сада” табиатда вужудга келган ноқулайликни, унинг ўзида мавжуд бўлган сув, олов орқали қулайлаштиришга интилган[3].

Шу билан бирга асрлар силсиласида авлоддан авлодга ўтиб келган бизнинг ҳаётимиздан мустақкам ўрин олган байрам сифатида қадриятга айланган “Тул байрамлари”, “Дарвишона”, “Чой момо”, кузги “Узум сайли”, “Ковун сайли”, кишки “Яс-юсун”, “Гап-гаштак”, “Қор хат”, “Қурилтой” каби маросим ва байрамлар, деҳқонлар ҳаёти, турмуши, мавсумий меҳнат жараёнида ва маънавий оламида чуқур из қолдирган самарали одатлар бўлиб, улар ҳар бир шахсда табиатга эҳтиромли бўлиш, экологик билимларини бойитиш, табиат неъматларини асраш, йил фаслларида табиатда рўй берадиган жозибодорлик ва чиройлиликдан завқланиш, меҳнатсеварликни қадрлаш ва инсонийликни улуғлашга хизмат қилган.

Олимларнинг фикрича, одамларнинг кайфияти табиатда бўладиган йил фасллари алмашиб туриши билан узаро алоқадор экан. Айниқса ёшариш фасли кўклам келиб гул мавсумини бошланишида кайфияти чоғ бўлмаган киши бўлмаса керак. Бундай вақтларда азиз одамларини яқин орада йўқотган кишилар учун гул мавсуми хотираларни қайта эсга солиб юборади. Мотамли кишиларнинг кўнгли ўқсийди. Шу аснода уларнинг яқин қариндошлари, синашга қўшнилари ҳеч бир тақаллуфсиз кўнгил сўрагани эшикдан бирин-кетин кириб келади. Бу маърака марҳум ёки марҳуманинг гули-гул маросими дейилади. Ўзбек халқи азалдан гулни севиб эъзозлаб келган, меҳнат аҳлининг гул ўстириши, уни дид билан парвариш қилиши, ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру дўстларга тақдим этиш одатлари маълум. Таниқли этнограф Н.П.Остроумов “Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобчининг, ҳатто гадойнинг ҳам қулоғига гул тақиши, дўпписи тагига гул қистириши учун гул ахтаришини кўриб ҳайратда қолдим”[4] деб ёзганида ҳам миллатимизни нафосатга, табиат гўзаллигига нақадар ихлосманд бўлганлигини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Бизнинг аجدодларимиз табиат гўзаллиги, гуллар, дарахтларга ўзгача меҳр, илоҳий бир қадрият сифатида қараган. Айниқса тоғ салобати бўлган арчага алоҳида меҳр билан қараган. У тоғ кўрки. Ривоят қилишларича, обихаёт, яъни тириклик сувини яратган Лукмони Ҳаким, уни ичишга кўнгли бўлмай, идишдаги сувни ёш арча тагига тўккан эмиш. Арча дарахтининг узоқ яшаш ва доим ям-яшил бўлиб туришига сабаб ана шундан эмиш. Ҳозир ҳам ҳатто икки минг ёшга кирган арчалар учрайди. Бундай арчалар Александр Македонский юришидан олдин ҳам мавжуд бўлган. Академик А.Асқаровнинг текширишларига кўра бронза даврларида аёлларнинг мунчокларида, уй-рўзгор буюмларида арча сурати тасвирланган. Бу абадий ҳаёт, доимий яшариш рамзи сифатида талқин қилинган. Тоғда шундай арча борки, тоғликлар уни “Чўпон арча” дейишади. Бундай арчалар ниҳоят эъзозланади. Тоғликлар фикрича, ўрмондаги ҳар қайси арча бир қудук билан тенг, у кишда қорни, ёзда намни сақлайди[5]. Айни пайтда мевали дарахтга ўзига хос меҳр ва риск-рўз манбаи сифатида қараш халқимизнинг ҳаётбахш унутилмас маросим ва қадриятлари ҳисобланади.

Хусусан, тут дарахти ва мевасини қадрлашга бағишланган “Тут сайли” шулар жумласидандир. Аммо бу сайл ҳамма жойда ўтказиладиган умумхалқ байрами эмас.

У асосан қатта тутзорлар бор ҳудудларда ўтказиладиган ноёб ва антиқа тадбирдир. Бу сайлни ўтказишни барча жойда бирдай амал қилинадиган қатъий анъаналари мавжуд эмас. Кишиларнинг ўз боғи ҳовлисидаги тутни териб ейиши оддий одат бўлса, теварак атрофдаги тутзорларга оммавий чиқиш “Тут сайли” ҳисобланган. Бундан келиб чиқиб шартли равишда “Тут сайли” икки хил тарзда ўтказилган дейиш мумкин.

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар ичида кам учрайдиганларидан бири “қум сайли”дир. Бу ўзига хос анъанани республикамизнинг шифобахш қумлари мавжуд бўлган жойлар, жумладан Фарғона вилоятининг Бувайда, Бўстонбува қишлоғида, Андижон вилоятининг Хўжабод, Қувватмурод қишлоғи ўрамини, Олтинкўл тумани “Сегизакум” қишлоғида, Хоразмнинг баъзи жойларида учратиш мумкин. Бу жойларда “Қум сайли” қадимдан мавжуд бўлиб, анъанага айланиб кетган ва йилнинг 20 августидан 10-15 сентябрга қадар давом этиб, кишиларнинг шифо топиши ва шундан сўнг мазмунли дам олиши ғоят фойдалидир.

Шунингдек, биринчи ёққан қор ҳам кишида ажиб туйғуларни, хотираларни қайта уйғотади. Бунда ҳам азодор хонадонларга яқин кишилари йўқлов билан кириб келади, вафот этган кишининг хотираси учун қорёғди маросими ўтказилади. Яқин ва азиз одамларидан жудо бўлиб, бошларига мусибат тушган инсонлар гул ва қорёғди удумларимиз нақадар зарур одатларимиздан эканини ўз таналарида туйган бўлиши турган гап[6].

Биринчи ёққан қор муносабати билан кишиларни бир-бирига қорхат ёзиб ютиш ёки уни топширишда қўлга тушиб қолиб ютқишларнинг, қорхат зиёфатларининг ўзгача завқ бўлиши билан бир қаторда ёш авлодни экологик дунёқарашида ана шундай табиат билан боғлиқ қадриятларга ихлосмандлик руҳини қамол топтиришга ҳам имкон беради. Айтишларича Жомий ва Навоий боболаримиз ҳам илк бор қор ёққан кунларда аввало бир-бирларига шеърӣ қорхат йўллар эканлар. Бугунги кунда ҳам маҳаллаларимизда қорхат ёзишлар, қорхат зиёфатлари бўлиб туради. Лекин бу азалий халқимиз учун табарруқ бўлган қадрият ва маросимларимиз оила ҳамда маҳаллалардаги қатта авлод вакиллари оналар ва боболаримиздан сўнг, шунингдек глобал жараёнларнинг шиддатли таъсири туфайли йилдан-йилга қамайиб ва йўқолиб бораётганлиги аниқ бўла бошлади. Глобаллашувнинг шиддатли таъсири ва зиддиятлари, иқтисодий, айниқса дунёқараш ва маънавий соҳасида кўпроқ амоён бўлмоқда. Бугун оламда маданий, маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг йўқолиб бориши, маданий ранг-барангнинг тобора заифлашиб бораётгани бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан биридир.

Зеро, “Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий қучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий қучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодиға, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётӣ миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустақкам иродаги эға бўлмаса, ҳар турли мафкуранинг босимиға, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйикларига бардош бериши амримаҳол”[7].

Шу сабабли тобора шиддатли тус олаётган глобаллашув жараёнлари шароитида миллий ўзлиқни сақлашда жуда ҳам зарур бўлган, табиат билан боғлиқ маросим ва анъаналарни сақлаган ҳолда, дунёдаги кишилар билан тенг ҳуқуқлилик асосида эркин рақобатлаша оладиган, мустақил фикри, онгли фуқаролик позициясига эға барқамол шахсни тарбиялаш бизнинг мақсадимиз бўлиши зарур. «...Бундай муаммоларни фақат

маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин»[8]. Бу ҳаракатларимиз мустақиллик ва миллий ўзлигимизни барқарор бўлиб янада мустаҳкамланишига, фуқароларимизнинг миллий ҳамда умуминсоний

қадриятларнинг мазмун моҳиятини теран англаган тарзда атроф-муҳит ва жамиятга шахсий жавобгарлик шу билан бирга масъулият туйғуси билан ёндашишига олиб келади. Шу руҳда тарбия топган ёшларимизнинг табиатга бўлган муносабати кескин ўзгарган бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. 505-б.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008, -Б. 31-32.
3. Усмон Қорабоев Миллий маросимлар тикланиши, ривожланиши ва замонавий муаммолари. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. Т., 2004, Б-58
4. Сарти Тошкент, 1990, С-36
5. Жавлиев Т. Анъаналар-ҳаёт сабоғи. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, Б-17-19.
6. Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи. Тошкент, “Маънавият”, 2007, Б-22-23.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т., Ўзбекистон, 1998, Б-58-59
8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017.570-б.



Shokhida KOCHKAROVA,
-teacher Department of Applied Sciences №2
Uzbek State University of World Languages
E-mail: shoxida_kuchkarova@gmail.com

Based on the review of Candidate of Philological Sciences, docent R.G.Karimov

TIL O'RGANISHNING PSIXOLOGIK PRINSIPLARI YOSH TALABALAR UCHUN

Аннотация

Maqolada psixologiyaning asosiy tamoyillari va maxsus ta'limning jiddiy muammolari ko'rib chiqiladi, bu bolalarning maktab muhitida juda muhim rol o'ynaydigan, shuningdek, tipik shakllarda nazoratsiz va beixtiyor nutq va harakatlar sifatida namoyon bo'lishi mumkin bo'lgan xatti-harakatlarning turli shakllarini ifodalaydi.

Kalit so'zlar: DEHB; Disleksiya; Til o'rganish; Imlo kamchiliklari; O'z-o'zini tartibga solish.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ИЗУЧЕНИЯ ЯЗЫКА ДЛЯ МОЛОДЫХ УЧАЩИХСЯ

Аннотация

В статье рассматриваются основные положения психологии и серьезные проблемы специального образования, которые играют очень важную роль в школьной среде этих детей, а также различные формы поведенческих нарушений, которые в типичных формах могут проявляться в виде неконтролируемой и непроизвольной речи и движений.

Ключевые слова: СДВГ; дислексия; Изучение языка; нарушения правописания; Саморегулирование.

PSYCHOLOGICAL PRINCIPLES OF LANGUAGE LEARNING FOR YOUNG LEARNERS

Abstract

The article discusses main principles of psychology and serious problem in special education that play very important role in school environment of these children represent also various forms of behavioral disorders that in typical forms may manifest as uncontrolled and involuntary speech and movements.

Key words: ADHD; Dyslexia; Learning language; Spelling deficits; Self-regulation.

Introduction. Current findings also indicate that these spelling difficulties most likely are related to attentional and self-regulatory problems, even in children with ADHD and dyslexia may have different neurocognitive mechanisms (Kroese et al., 2000; Re & Cornoldi, 2013). In general context, Ehri (1986, 1995) proposed a stage theory of reading and writing development which suggests qualitatively different stages of learning to spell that is mainly based on visual and morphological information that may be disturbed from various reasons. Well known model for learning of reading and writing developed also Frith (1985), who proposed that associative learning of a particular graphic configuration in which children discover phonemes may lead to errors due to incorrect association between a grapheme and the corresponding phoneme [2].

Methodology. Psychological Principles of Teaching is made effective by taking into account the psychology of the child. These [principles](#) are made by keeping in mind the abilities, aptitudes, capacities and potentialities of the learner. They are formulated from the student's point of view only. They would always generate interest in the child for learning. The desire to learn not only makes his learning more effective and easier but it also helps him to retain the subject matter in mind for a longer time.

These principles include every psychological method which will help to improve the learning of the child. We can see principle of feedback and reinforcement is based on the laws of learning where reinforcement has lot of importance. Further psychology has told that in a group child will always learn better; thus the principle of utilizing group dynamics has been framed. Similarly, Psychology has always laid emphasis on rest and, recreation.

In many cases these deficits are developmentally influenced and may be specifically linked to increased fatigue

and decreased attention that may lead to manifestation of cognitive tiredness or exhaustion and various forms primary reflex behavior related to involuntary movements. In addition these children with ADHD and dyslexia are highly sensitive to various psychosocial stressors that make school environment highly specific with respect to relaxed atmosphere in the classroom. In addition these children need a high level of acceptance and special learning regimes as for time schedules and classroom arrangement which is inconsistent with majority of traditional forms of teaching and learning in the classroom. These specific regimes of teaching and learning in children with ADHD and dyslexia, although they have certain general rules, need to be specifically applied to various learning disciplines and in teaching and learning language the main focus is on non stressful environment and communicative atmosphere of acceptance.

According to recent findings spelling and reading errors occur in both dyslexia and ADHD and may have different forms due to specific deficits in phonology and orthographic representation in the case of dyslexia and to attentional control in the case of ADHD (Re & Cornoldi, 2013). All these problems in children with ADHD and dyslexia typically occur in learning native language but have also specific consequences for learning additional/foreign language and methods of special education may differ also with respect to specific qualities of various languages. In the case of learning English as major international language it is specifically influenced by frequent differences in written and spoken form of words that need alternative methods of special education different from usually applied forms of teaching and learning. In this context, main focus of this work is to review research findings that were focused on special forms of learning language especially with focus on learning English as additional/foreign language.

Basic principles of learning language. According to recent findings there is a controversy regarding most effective way of learning language as additional (or foreign) language which is mainly based on unclear criteria how to define learning outcome and what is optimal goal of limited time in a classroom (Gipps, 1994; Cameron and Bygate, 1997; Brady & Shinohara, 2000). The term "additional language" is used to replace the more commonly used term "foreign language" to take into account that term foreign may be misleading due to its association "as being outside and having no relation, or not belonging" (Gika, 1996, p. 14). Therefore the term additional language learning is likely more appropriate designation because it acknowledges that nonnative users also need to "own" it and incorporate into their social and cultural identity which mainly is important in the case learning English as an international language (Widdowson, 1994). This "redefinition" in current transcultural conditions also suggests that learning additional language needs to respect basic individual needs instead of artificial "objective criteria" what should be learned and defined as learning outcome.

In this context, main principles that seem to be useful to take into account are based on learning model of "transculturation" (Crystal, 1997; Zamel, 1997; Brady & Shinohara, 2000; Haneda & Wells, 2012). This model enables to define basic stages of learning that occur in classroom community with main purpose to develop them in a practical sense of using language outside the classroom which is based on respect to individual "culture" of communication. The transcultural model of additional language has its main purpose in individuation of learning which means self-actualization of learning and connecting of learned content with subjective experience and inner-directed world view (Zamel, 1997; Brady & Shinohara, 2000). In agreement with this model of transculturation also other authors maintain that norms and standards for teaching and learning need to be more locally context sensitive, which in the case of English is especially important (Bowers, 1986; Kachru, 1992, 1996; Kramsch & Sullivan, 1996; Nayar, 1997; Haneda & Wells, 2008, 2010).

Teaching is a triple process which involves the interaction of the teacher, the taught and the subject matter. For this, co-operation between the teacher and the taught is a must. Now the' conception of teaching-learning has changed. It is no longer a process of teaching only. The emphasis has now shifted from the teacher to the learner. The important thing is to see whether the learner co-operates, whether his interest is there. The teacher's job is to motivate the learner by creating different methods and techniques of his interest. Motivation, therefore, is of supreme importance, i low to motivate the learners is the pertinent issue.

In general, this concept of study of additional language is based on the principles of transculturation and individuation which needs substantial re-evaluation of traditionally used principles of learning and teaching that were mainly based on information acquisition and memorizing without clear purpose, goal and context. In contrast to classical principles of learning additional language for example Haneda and Wells (2008, 2010) proposed that classroom discourse plays an important social role as a semiotic mediator of knowledge construction with respect to curriculum content. In this concept the content mainly is focused on autonomous and interdependent decision making and acquisition of knowledge and skills, which in practice means to concentrate the in-class communication to out-of-class activities with emphasis on knowledge of uses of the language, and personal application of language use.

Conclusion. Above referred and other cognitive deficits which usually occur in children without other learning disabilities implicate that many of them have high intelligence and specific talent for various disciplines. Serious problem in special education that play very important role in school environment of these children represent various forms of behavioral disorders that in typical forms mainly manifest as uncontrolled and involuntary speech and movements. In many cases these deficits are developmentally influenced and may be specifically linked to increased fatigue and decreased attention that may lead to manifestation of cognitive tiredness or exhaustion and various forms primary reflex behavior related to involuntary movements.

REFERENCES

1. Asher, J. (1996). *Learning Another Language Through Actions* (5th ed.). Los Gatos, CA: Sky Oaks Productions.
2. Cameron, L., & Bygate, M. (1997). Key issues in assessing progression in English as an additional language. In C. Leung & C. Cable (Eds.), *English as an Additional Language: Changing Perspectives* (pp. 40 - 52). Watford, Herts: NALDIC.
3. Germano, E., Gagliano, A., Curatolo, P. (2010). Comorbidity of ADHD and dyslexia. *Developmental Neuropsychology*, 35, 475-93.
4. Kramsch, C. & Sullivan, P. (1996). Appropriate pedagogy. *ELT Journal*, 50, 199-211.



УДК: 340.13

Раушана КУРБАНИЯЗОВА,
ТТА Урганч филиали катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)
E-mail: r.kurbaniyazova@mail.ru

ЎзМУ доценти О.Мусаев тақризи остида

LEGAL MENTALITY AND REFORM OF SOCIETY IN THE FIELD OF LAW

Abstract

This article highlights the legal mentality and its functions. The article reveals the reforms carried out in the political and legal sphere in subsequent years in our state, the activities of the People's reception and the Virtual reception of the President of the Republic of Uzbekistan, the modern expression of the principles "human interests above all", "man – society – state". At the same time, the issues of corruption and the fight against it, which are deeply rooted in our mentality, are analyzed.

Keywords: Legal mentality, functions of mentality, human rights and freedoms, corruption vices.

ПРАВОВОЙ МЕНТАЛИТЕТ И РЕФОРМА ОБЩЕСТВА В ОБЛАСТИ ПРАВА

Аннотация

В данной статье освещается правовой менталитет и его функции. Раскрываются реформы, проведенные в политико-правовой сфере в последующие годы в нашем государстве, деятельность Народной приемной и Виртуальной приемной Президента Республики Узбекистан, современное выражение принципов "интересы человека превыше всего", "человек – общество – государство". В то же время анализируются вопросы коррупции и борьбы с ней, которые глубоко укоренились в нашем менталитете.

Ключевые слова: Правовой менталитет, функции менталитета, права и свободы человека, коррупционные пороки.

ҲУҚУҚИЙ МЕНТАЛИТЕТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада ҳуқуқий менталитет ва унинг функциялари ёритилган. Давлатимизда кейинги йилларда сиёсий ва ҳуқуқий соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилганлиги, "инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", "инсон – жамият – давлат" тамойилларининг амалдаги ифодаси очиқ берилган. Шу билан бирга менталитетимизда чуқур ўрнашиб қолган коррупция иллати ва унга қарши курашиш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқий менталитет, менталитет функциялари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, коррупция иллати.

Кириш. Мамлакатимизда барпо этилаётган очиқ, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятини – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш ташкил этади. Бундан кўзланган мақсад – "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан фуқароларнинг ҳуқуқий менталитетини шакллантириш, ҳуқуқий жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: "Биз жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданиятни шакллантиришимиз керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга амал қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт".

Ўзбек фалсафа қомусий луғатида "менталитет (лот. *mens*-ақл, *идрок*) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланадиган ақлий қобиляти, руҳий қуввати" [10], – деб таъриф берилган.

Менталитетни чуқурроқ билиш учун уни бир қанча шаклларга бўлиб ўрганиш мумкин. Сиёсий менталитет, ҳуқуқий менталитет, диний менталитет, иқтисодий (меҳнат) менталитети, ахлоқий менталитет,

эстетик менталитет, этник менталитет, миллий менталитет, глобал менталитет ва ҳоказо.

"*Ҳуқуқий менталитет*" – тарихий жиҳатдан ўзига хос, муайян ижтимоий ёки миллий-этниқ жамоа учун энг типик ва барқарор, дунёқараш тасаввурлари тизимлари, давлат-ҳуқуқий воқелик объектларига баҳо ва муносабатдир.

Ҳуқуқий менталитет жамият маънавий олами соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳодисалари каторида мавжуд ҳуқуқий воқеликни чуқур акс эттиради. Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий дунёқараш, ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий менталитет ўртасида узвий бирлик мавжуд бўлиб, улар ўзаро яқин алоқада намоён бўлади ва ҳуқуқий менталитет ҳуқуқий онг, ҳуқуқий дунёқараш, ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши ва намоён бўлиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий менталитетни тизимли таҳлил қилиш унинг моделини, таркибий элементларини (ҳуқуқий ғоялар, ҳуқуқий стереотиплар, қадриятлар ва ҳуқуқий йўналишлар, ҳуқуқий муносабатлар) шакллантириш имконини беради. Улар икки даражада – онгли (онгли) ва онгсиз (онгсиз) даражада мавжуд бўлади. Шу билан бирга, онгсиз даражада структуравий элементлар барқарор (озгина ўзгарувчан), онгли даражада эса улар ўзгариши мумкин.

Ҳуқуқий менталитет мураккаб кўп функцияли ҳодиса бўлиб, унинг когнитив, баҳолаш, барқарорлаштириш ва ҳуқуқий онгни сақлаш,

коммуникатив, сақловчи (ҳимоя), тартибга солиш функциялари, шунингдек, туркумлаштириш ва интеграция функцияларини ажратиш кўрсатиш мумкин [9].

Хуқуқий менталитетнинг билиш функцияси шахс эркинлиги, унинг манфаатлари ва ҳуқуқи, қонунчилик, давлатчилик билан боғлиқ сиёсий-хуқуқий жараёнларни ўрганишдан иборат бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири, жамиятда мавжуд қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини таҳлил этишни ташкил этади [8].

Хуқуқий менталитетнинг барқарорлаштириш ва хуқуқий онгни сақлаш функцияси хуқуқий механизмларини таъминлашга қаратилган.

Хуқуқий менталитет миллатнинг руҳий таркиби барқарорлигини таъминлайди, хуқуқий яхлитлиқни барқарорлаштирувчи ролини ўйнайди, унинг йўқолиши хуқуқ асосларини бузиш билан таҳдид қилади. Менталитет миллий хуқуқни барқарорлаштиради, унинг ўзига хослигини сақлайди, миллий хуқуқий маданиятга ёт унсурларнинг йўлини тўсади, янги элементнинг бутун хуқуқ тизимига мос келишини талаб қилади. Бу функцияни хуқуқий ғносеологик ва генетик стереотипларни сақлаш функцияси сифатида аниқлаш мумкин.

Коммуникатив функцияси. Хуқуқий менталитет ижтимоий ҳодисадир, шунинг учун у жамият аъзолари ўртасидаги коммуникатив алоқалардан ташқарида мавжуд бўлолмайди. Жамият нафақат бутун жамият, балки унинг ичида мавжуд бўлган турли хил ижтимоий жамоаларга ҳам эга бўлганлиги сабабли, у жамиятда коммуникатив функцияни бажариб, шахсларнинг мулоқоти ва ўзаро бойишига ҳисса қўшади.

Хуқуқий менталитет доимий равишда авлоддан-авлодга, кейинги авлодга ўтиб боради. Менталитетни ўтказиш усулларида бири (инсоннинг моддий маданияти ютуқлари ва маълум шахсларро ижтимоий муносабатлар билан бир қаторда) кенг маънода тил (ижтимоий ахборот тушунчаси доирасида), шунингдек, турли хил тилдан ташқари семиотик воситалардир. Улар яратган тил, белги ва образ менталитетнинг шаклланишида, асосий шахсий кадрият муносабатларининг авлоддан-авлодга ўтишида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Сақлаш (ҳимоя қилиш) функцияси. Менталитетни ташкил этувчи белгилар учта аниқлаш манбасига эга: генотип, табиий ва ижтимоий муҳит ва субъектнинг янги маданий маъноларни яратиш учун ўз ижодий фаолиятidir. Дастлабки иккита ҳал қилувчи омил, генотип ва атроф-муҳит, менталитетнинг сақланиши ва узатилишини, психик хусусиятларнинг авлоддан-авлодга ўтишини белгилайди.

Учинчи омил - ижодий маънавий фаолият - менталитетнинг ривожланишини сифат жиҳатидан ўзгариш ва такомиллаштириш сифатида белгилайди. Хуқуқий менталитет ўтмишда орттирилган этник-тарихий хуқуқий кадриятларни, уларнинг ўзига хослигини сақлаш функцияларини ўз зиммасига олади. У кадриятлар, қарашлар, этикодлар, урф-одатлар, қолиплаган ҳуқуқ-атвор намуналари ва бошқаларнинг энг муҳим “тўпловчи”ларидан биридир. Бу хуқуқ таракқиётининг миллий йўналишини олдиндан белгилаб беради. Бунда фикрлаш фаол роль ўйнайди.

Хуқуқий менталитетнинг нисбатан мустақил ва энг оқилона таркибий қисми сифатида тафаккур аввалги барча ижтимоий-хуқуқий (сиёсий) тажрибани тўплайди, маълум даражада сақлайди, уни хуқуқий амалиётда, фан ва касбий таълимда тузатади ва такрорлайди.

Тартибга солиш функцияси. Менталитет инсоннинг бутун руҳий олами каби тартибга солувчи функцияни бажаради. Фаолиятни тартибга солиш мавжуд

ижтимоий муносабатлар ва нормаларни сақлаб қолиш ёки уларни ўзгартиришга қаратилган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда, менталитет одатий фаолият шакллари такрорлайди, иккинчидан, у янги дастурларни яратади. Менталитетнинг тартибга солиш функцияси жамият аъзоларининг ҳуқуқ-атвори ва репродуктив фаолиятининг барқарорлиги орқали жамиятнинг изчил мавжудлигини ва унинг бирлигини таъминлашни назарда тутаяди.

Бу функция жамиятнинг маълум бир хуқуқий менталитетига хос бўлган камчиликларни англаш ва уларни бартараф этиш орқали маънавий даражада ҳам, қонунчилик даражасида ҳам содир бўлиши мумкин бўлган хуқуқбузарликларни, суистеъмоликларни бартараф этишга қаратилган аниқ хуқуқий нормаларни жорий этиш орқали амалга оширилиши мумкин бўлган хуқуқий менталитетнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. “Хуқуқий нормаларнинг шаклланиши ва ҳаётга жорий қилинишида демократизация тамойили ўзига хос жиҳати шундаки, хуқуқий нормаларни амалиётга тадбиқ қилишда ҳалқ депутатлари, жамоат ташкилотлари, нодавлат, ноижорат ташкилотлар меҳнат жамоаларининг турли сиёсий партиялар ва фуқароларнинг фаол катнашчиларидан иборат” [8].

Жамият хуқуқий менталитетидаги ўзгаришлар фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлатни барпо этишнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юртимизда хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, мамлакатимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Фуқароларнинг хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти бекиёс” [4], – эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Жамиятимизда қонун ва адолат устуворлиги таъминлаш – Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Кейинги йилларда демократия тамойиллари, қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Суд-хуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ишлари ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли оширилмоқда.

Конституция ва қонун нормалари сўзсиз ишлаши учун ишончли хуқуқий қафолат яратилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” [1].

Хусусан, халқ қабулхоналари, очиқ маълумотлар портали, виртуал мулоқот марказлари, ягона дарча, электрон ҳукуматнинг ўрнатилиши жамиятни янги босқичга кўтарди.

2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланди. Бу мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилаётганлигида ўз аксини топмоқда. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” [2], деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг

мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Фуқаролар бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилиб келмоқдалар.

Сўнгги беш йил мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз кундалик ҳаётида теран ҳис этадиган бекиёс ўзгариш, янгиланиш ва туб ислохотлар даври бўлди.

Жамиятни сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий модернизация қилиш, маънавий жиҳатдан тиклаш ва юксалтириш, мавжуд қонунларни, давлат бошқаруви, иқтисодий тизимни қайта қўриб чиқиш, бу борада таъсирчан ва самарали механизмларни яратиш, демократик тамойил ва меъёрларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича кенг қўламли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунда одамларни ҳаётдан рози қилиш, фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг ҳаётини муаммоларини ҳал этиш ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш олий мақсад этиб белгиланди.

“Давлат – жамият – инсон” тамойили, “инсон – жамият – давлат” тамойилига ўзгартирилди. Юртимизда “Давлат – инсон учун” ғояси амал қила бошлади.

Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича мутлақо янги тизим – *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси* фаолияти йўлга қўйилди. Давлат ташкилотлари фаолиятида “*маҳаллалар кесимида ишлаш*”, “*халқ ичига кириш*”, унинг “*дардига қулоқ солиш*”, *ташвишига шерик бўлиш*” ва “*муаммоларни жойида ҳал этиш*” тамойиллари ўрнатилди.

Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва қўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат тубдан ўзгарди. Давлатимизда *мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатининг* тўлиқ бартараф этилганлиги, Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланганлиги бу соҳада олиб бораётган сиёсатнинг юксак халқаро эътирофидир.

“Халқимизнинг бу борадаги тараққиёт стратегияси нафақат ички ва ташқи сиёсатдаги ислохотлар сари ташланган қадамда, балки энг аввало, давлатнинг инсонга, халққа, халқнинг давлатга бўлган муносабати ўзгараётганида ҳам намоён бўлмоқда” [6].

Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига хизмат қилмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер ишчи-хизматчилари ўзлари етиштирган ҳосил ва маҳсулотнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда.

Кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони икки баробар кўпайди, ушбу тармоқдаги бизнес субъектларининг 50 фоиздан зиёди кейинги 3 йил ичида ташкил этилди. Тадбиркорлик субъектларига 2016 йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп кредитлар ажратилди. Зеро, “тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш – фуқаролар, халқимиз фаровонлиги ошириш, ўрта синфни мустаҳкамлашнинг энг самарали йўлидир” [6].

“Маҳаллий кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий ҳал этилгани, ўз вазифасини масъулият билан адо этмаётган

раҳбарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар қўрилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир” [7].

Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олийжаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланмоқда. Бу борада ҳар йили, Наврўз байрами, Мустақиллик байрами, Конституция куни арафасида шу тоифага мансуб шахслар муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилмоқда.

“Биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, қутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак” [5].

Афсуски, жамиятимизда коррупция иллоти ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлиб келмоқда. Бу иллатнинг олди олинмаси, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш бўлмади, умуман жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланиши қийин кечади.

Тадбиркорлар ханузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётгани кўплаб мурожаатларда, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бугун ижтимоий менталитетга чуқур ўрнашган коррупцияга қарши курашиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” [3], – деб уқтирган эдилар. Зеро, йиллар давомида Ўзбекистонда ривожланган коррупция бир томондан менталитетнинг таркибий қисмига айланган бўлса, иккинчи томондан у айнан давр руҳи таъсирида ривожланди. Бугун “ҳалоллик вакцинаси”нинг ҳар бир фуқаро онгига сингиши бу иллатни давр руҳидан сиқиб чиқаришининг энг муҳим омили бўлади.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий менталитет шахснинг муайян ижтимоий шароитларда ҳулқ-атворини тартибга солади. Шахс менталитети жамият менталитети билан уйғун бўлиши керак. Инсон менталитетининг жамиятда қабул қилинган меъёр ва қоидаларга мувофиқлиги унда ўзининг ижтимоий фойдалилиги туйғусини яратади, бу нормал ижтимоий ўзини ўзи англашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқий менталитет жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлайди, инсоннинг бутун фаолиятини тартибга солиш функциясини бажаради.

“Бизнинг энг асосий ютуғимиз – кўп миллатли халқимизнинг вужудга келаётган қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга бепарво бўлмасдан, аксинча,

дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир. Бу ўзгараётган Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари онгида шахсий масъулиятнинг ошаётганлигида ўз ифодасини топомқда” [4].

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 5.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б. 6.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил. – Тошкент: Тасвир, 2020. – Б. 58.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. Жилд 1. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018. – Б.103; 46.
5. Мирзиёев Ш.М. Конституция ва қонун устуворлиги–ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. // Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Жилд 4. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – Б.111-112.
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Тошкент: Ўзбекистон”, 2021. – Б. 47, 50.
7. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриги. // <https://kun.uz>.
8. Тўйчиев Б.Т. Ҳуқуқ фалсафаси. – Тошкент, 2021. –Б.144-145; 211.
9. Меняйло Д.В. Правовой менталитет: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Волгоград, 2003. – С. 23.
10. Фалсафа қомусий луғат. –Тошкент: Шарқ, 2004.- Б.257.



УДК 330.142.23:297 (575.1)

Гулнорахон МАМАДИЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: gkamalova@gmail.com

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти, и.ф.д Б.Валиев тақризи асосида

APPROACH TO USURY (RIBA) IN FINANCIAL RELATIONS OF THE IGNORANCE PERIOD

Abstract

This article describes the formation of economic relations and the growth of usury and ribo in the period of the so-called, jahiliya. Views and differences in usury in Hinduism, Buddhism, Judaism, Christianity and Islam are presented. The definition of wastefulness and the period of jahiliyah are described on the basis of the scriptures of Judaism, Christianity, Buddhism, Hinduism and Islam with a historical outline and features.

Key words: Jahiliyah, pre-Islamic period, usury, ribo, debt, interest, Sharia norms, Hinduism, Judaism, Christianity.

ОТНОШЕНИ К РОСТОВЩИЧЕСТВУ И ПРОЦЕНТУ В ФИНАНСОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ ЭПОХИ "ДЖАХИЛИЯ"

Аннотация

В данной статье описывается формирование экономических отношений и рост ростовщичества и рибо в период т.н. джахилия. Представлены взгляды и различия в ростовщичестве в индуизме, буддизме, иудаизме, христианстве и исламе. Описаны определение расточительству и периода джахилия на основе священных писаний иудаизма, христианства, буддизма, индуизма и ислама с историческим очерком и особенностями.

Ключевые слова: Джахилия, доисламский период, ростовщичество, рибо, долг, проценты, нормы шариата, индуизм, иудаизм, христианство.

"ЖОҲИЛИЯ" ДАВРИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИДА СУДХЎРЛИК ВА РИБОГА МУНОСАБАТ

Аннотация

Мазкур мақолада жоҳилия даврида иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва рибо ҳамда судхўрликни авж олиши ёритиб берилган. Ҳиндийлик, Буддавийлик, Яҳудийлик, Насронийлик ва Ислом динида рибога бўлган муносабат ва фарқлар келтирилган. Судхўрликнинг таърифи ва жоҳилийлик даври яҳудийлик, насронийлик, буддизм, ҳиндуизм ва исломнинг муқаддас китоблари асосида тарихий нуқтаи назарда ва хусусиятлар билан тавсифланади.

Калит сўзлар: Жоҳилия, исломгача бўлган давр, рибо, қарз, фоиз, шариат нормалари, Ҳиндийлик, Яҳудийлик, Насронийлик.

Кириш. Инсониятнинг бугунги кунга қадар бўлган цивилизациясида молиявий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, дастлаб товар айрибошлашга асосланган иқтисодий муносабатлар бугунги замонавий бозор иқтисодиётига тамал тоши бўлиб хизмат қилгани табиий.

Албатта, ҳар бир тарихий даврдаги молиявий муносабатлар ва уларнинг ривожланиши бевосита ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий воқеалари таъсирида шаклланиб боради. Ислом иқтисодиёти ва молиясини тадқиқ қилар эканмиз, дастлаб ислом дини пайдо бўлган минтақа – Арабистон ярим ороли аҳолиси дунёқараши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш талаб этилади. Маълумки, ислом дини тарқалишига қадар мазкур ҳудудда тарқоқ қабилалар феодал давлат тузими асосида ҳаёт кечиришган. Шу нуқтаи назардан, мазкур даврни ислом уламолари "жоҳилия давр", деб аташади.

Эътироф этиш жоизки, ислом иқтисодиёти айнан Арабистон ярим оролида истиқомат қилган аҳоли, хусусан, бир неча қудратли қабилалар ва улар қаторида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) оиласи тааллуқли бўлган "Қурайш"иларнинг анъанавий молиявий муносабатлари негизида шаклланиб боради. Қолаверса, бу ҳудуд Яқин Шарқ савдо йўллари орқали бошқа минтақа халқлари билан ўзаро савдо-сотик алоқалари трансформацияси асосида доимий ривожланиб борган.

Шу боис замонавий ислом иқтисодиётининг ривожланиш жараёнини тадқиқ этиш учун генетик,

тарихий ва қиёсий методларга таянган ҳолда кенг камровли тадқиқ этиш талаб этилади.

Қуйидаги мақолада исломгача бўлган молиявий муносабатларда "рибо" тушунчаси ва унинг келиб чиқиш тарихи ҳамда Жоҳилия даври иқтисодиёти таҳлил этилади.

Асосий қисм. "Жоҳилия" араб тилида ("жаҳула" — "билмаслик") яъни, жоҳиллик, билимсизлик, нодонлик маъносини беради. Чунки бу даврда араблар орасида ал-Васанийя – кўпхудолик ҳукм суриб, халқ орасида турли бидъат амаллар ҳамда ахлоқий-маънавий бузуқликлар урчиб кетган эди.

Шу нуқтаи назардан, Қуръони каримнинг бир неча сураларида "жоҳилия" сўзининг келиши бежиз эмас. Ушбу сураларнинг маданий суралар жумласидан эканлиги "Жоҳилия" сўзи 622 йилдан сўнг, яъни мусулмонларнинг Маккадан Мадинага ҳижратида олдинги даврга тааллуқли эканлигини кўрсатади. Қуръони каримнинг 33 оят, 33 сурасида "Жоҳилия" тушунчаси учрайди.

"Ўйларингизни ичида (ҳам) ўзингизни виқорли тутинглар. Аввалги жаҳолат давридек ноз-у жилвали ҳаракат қилманглар, намозни пухта адо этинглар, закот беринглар, Аллоҳ ва Расулига итоат қилинглар. Эй (пайғамбар) хонадонининг эгалари! Аллоҳ сизлардан гуноҳ-у ёмонликни кетказиб, сизларни пок-покиза ҳолатга келтиришни истади" (33.33) [1].

Жоҳилия атамасининг пайдо бўлишига объектив сабаблар бор. Зеро, исломдан олдинги арабларнинг

кўпчилигига “жаҳл” туйғуси хос бўлиб, ўзгаларга нисбатан бешафқат ва ваҳшиёна муносабатда бўлишда ўз ифодасини топган. Масалан, қасос олиш зарурати, ўзга қабила вакилига душман сифатида қараш... Арабистонда исломдан аввалги даврда қонунсизлик, ахлоқсизлик ва зўравонлик қаби ҳолатлар юз берган. Жоҳилия даврида аксарият халқларнинг диний тасаввурлари хато бўлган.

Шунга қарамай, бу даврда ўзига хос иқтисодий муносабатлар ҳам мавжуд бўлган. Қадимги Арабистон тарихини аксар Ғарб, рус ва собиқ совет шарқшунослари ислом вужудга келган аср араб жамиятини ижтимоий қолоқ, патриархал муносабатлар ҳукм сурган деб, гўёки у бадавийлар орасида зуҳур бўлган, дея талқин қилишади.

Жоҳилия даврида Арабистон ярим оролининг барча ҳудудларида ривожланган давлатлар мавжуд бўлган. Ислом дини 610 йилда Маккадаги Хиро тоғида, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га биринчи илоҳий ваҳий нозил бўлиши билан дунёга келди. Ислом дини юзага келгунга қадар Макка савдо шаҳри ҳисобланиб, ислом дини кенг ёйила бошлади ва ўз мақомини сақлаб қолган. Бу даврдаги пул маблағлари ва бойликларни сақлаш фаолиятини банк амалиёти билан боғлаш мумкин. Пул маблағлари ва қимматбаҳо буюмлар давлат депозитар муассасалари йўқлиги сабабли сақлаш учун ишончли кишиларга топширилган. Жумладан, ислом тарқалишидан аввал ва кейин Маккадаги омонатлар ҳам. Пул маблағларини сақлашга масъул кишилар томонидан олинган мулклар қайтарилиши шарт бўлган. Ушбу даврда Макка савдо маркази ҳисобланиб, савдогарлар учун Ямандан Сурияга ва Эфиопиядан (Ҳабашистон) Ироққа транзит йўли сифатида хизмат қилган. Бундай географик ҳолат унинг иқтисодий тараққиётига таъсир қилди. Депозит (омонат) ва кредит амалиётлари тез суръатда ривожланди, пул алмаштириш билан боғлиқ битимлар эса энг асосий фаолият турларидан бири бўлиб қолди. Мазкур фаолият Макка ва Мадинада илдиз отгандан сўнг ҳам давом этди [2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Иқтисодий ривожланиш билан бир қаторда бу даврни рибо ва судхўрликни авжига чиққан даври, деб атасак ҳам муболага бўлмайди. “Рибо” луғатда “зиёда” маъносини англатади. Шариатда эса молни молга алмаштиришда эвасиз, ортиқча мол олишга айтилади. Ислом жоҳилиятдаги номаъқул ишлардан ҳеч бирига қарши рибого қарши ўт очгандек ўт очмаган [3].

Айрим бошқа адабиётларда, хусусан, “Ҳалол тижорат сирлари” деб номланган рисолада “рибо” сўзининг луғавий ва истилоҳий маънолари қуйидагича изоҳланади: Рибо сўзи луғатда “мутлақ зиёдалиқ”, деган маънони англата, истилоҳда икки қисмга бўлинади:

1. Савдо рибоси - товар ва маҳсулотлар айирбошлаганда намоён бўлади;

2. Қарз рибоси - пул олди-бердиси ва молиявий муносабатларда учрайди [4].

Жоҳилия даврида маҳаллий тадбиркорлик, давлатлар ва элатлараро савдо муносабатлари орқали гуллаб яшнаган. Бу даврда рибого асосланган молиялаштиришлар амалиёти молиявий эҳтиёжларни қондиришнинг асосий манбаи ҳисобланган. Маккалик тадбиркорлар ва мадиналик деҳқонлар ўзларининг молиявий эҳтиёжларини фақатгина фоизли молиялаштириш орқали қондиришган ҳамда бу турдаги судхўрлик рибо ал-жоҳилия деб аталган. Жоҳилия рибоси амалиётда қарз микдорининг қарз юзага келган даврдан ёки қарз тўлов муддати келиши билан унинг муддатини узайтириш ҳисобига ортиши билан изоҳланади.

Судхўрликни танқид қилиш ва тақиқлаш тарихини очиб бериш учун бошқа динлар доирасида унга бўлган муносабатни қўриб чиқиш кифоя. Судхўрлик ҳам савдо

қаби қадимийдир. Инсоният тарихида илк қарздорлик фойда олиш учун эмас, эҳтиёж туфайли юзага келган. Одамлар ерга экин экиш ишларини бошлаганда даврий ҳосилсизликдан азият чекканлар ва йил давомида озиқ-овқатсиз қолишдан ҳимояланиш мақсадида ўша давр бойларидан кейинги ҳосилга қадар қарз олганлар. Гаров сифатида эса қарздорнинг оила аъзоси, чорваси, мулки ёки бирон моддий мулки хизмат қилган.

Судхўрлик борасида Ҳиндийлик ва Буддавийлик динида бир неча қарашлар мавжуд. Кўхна Ҳинд диний кўлёмаларидан бири “Веда” матнларида (эр. ав. 2000–1400 йй.) “судхўр” (қусиди) бир неча марта эсга олинган ва “судхўрлик” фоиз остидаги ҳар қандай қарздорлик сифатида талқин этилган. Фоиз тўлаш бўйича янада тўлиқ ва батафсил маълумотлар “Сутра” (эр. ав. 700–100 йй.)нинг сўнгги, шунингдек, буддавий “Жатаки” (эр. ав. 600–400 йй.) матнларида ҳам учрайди. Айнан мана шу сўнгги даврда судхўрликка нисбатан дастлабки нафратланиш ифода этилган [5].

Пулни фоиз эвазига бериш тамойили исломдан аввалги араблар орасида Арабистон ярим оролида яшаган яҳудийлар ўртасида ҳам кенг тарқалган эди. Зеро, буни яҳудийлик ва насронийлик дини ман қилган бўлса-да.

Яҳудийликда рибо ва судхўрликдан сақланиш фақатгина ўз халқи доирасида таъсир қилган.

“Агар қавмимдаги мискинларга қарз берсанг, уларга зулм қилма ва улардан фоиз олма” (Таврот, Шмот, Мишпатим, 22:24) [6].

“Сиз мусофирга зулм қилишингиз мумкин аммо, биродарингиз қарзини кечиринг” (Таврот, Дварим, 15:3) [7].

“Кўпайишга беради ва наф олади: унда у ҳаётми? Йўқ у ҳаёт эмас. Ким бундай қабихликларни қилса, у ўз қонига қўмилади”. (Таврот, Иезекиил. 18:13) [9].

Яъни, юқоридаги матнлардан яҳудийлар бегоналарга фоиз эвазига қарз бериши, ўз диндошига эса бундай амални қўллашни ман қилинганлигини кўриш мумкин. Яҳудийларнинг икки китоби “Шмот” ва “Ваикра”да қарзни ўсишига бўлган тақиқ фақат фақирларга тегишли дейилган бўлса, “Дварим” китобида “ўсишни” (судхўрлик) батамом тақиқлайди.

Манфаатни яъни фоизни ифода этувчи яҳудийча «нешех» (neshekh) сўзи сўзма-сўз “тишлаб олиш” деб таржима қилинади ва қарздор нуқтаи назаридан, манфаатни ундиришга доир деб тахмин қилинади. Яҳудийлар судхўрликни ўлим жазосига лойиқ бўлган энг оғир жиноятлардан бири деб ҳисоблаган. Бироқ, кейинчалик бу ёндашув яҳудийлар ва насронийлар томонидан яҳудийларнинг пулга нисбатан бўлган ҳаддан зиёд муҳаббатини инобатга олган ҳолда буни илоҳий жазо сифатида талқин қилганлар [12].

Насронийлик динида ҳам меҳнатсиз олинган фойда гуноҳ деб айтилган. Дастлаб насороларга ссуда фоизи ундириш тақиқланган эди. Эски Аҳдда фоиз олиш бўйича бир қанча битиклар бўлса-да, насороларнинг Битиги - Янги Аҳдда мазкур ҳаракатни тақиқловчи ҳеч қандай кўрсатмаларни топа олмаимиз. Аммо Лука Инжили 6-боб 34-35-битикларида фоиз амалиётини, шунингдек, ҳеч қандай фойда келтирмаган ҳолда жамоат пулини таъма қилгувчиларни қораловчи баъзи бир фикрлар бор [8].

“Агар қарзни улардан (ошиғи билан) ундиришни кўзлаб берсанг, сенга нима учун хайр етиши керак? Гуноҳкорлар ўзлари шуни (ортиқчасини) олиш учун гуноҳкорларга қарз беради. Лекин сиз душманни севасиз, хайр қилинг ва эвасиз қарз беринг: шунда сизга буюк муқофот бор, Олий зотнинг ўғиллари бўлинг, У золимлар ва хайрсизларга ҳам меҳрибондир” [11].

Судхўрлик нафақат черков томонидан балким, Муқаддас битикда (Священное Писание) ҳам аниқ ва тиниқ тақиқланган ва қуйида аниқ кўрсатмани кўришимиз мумкин.

“Биродаринга на кумуш, на нон ва на бошқа ўсиши мумкин бўлган нарсани фоиз эвазига қарзга берма” [11].

Ислом дини келиши билан рибо амалиёти ман этилди. Қуръони каримнинг бир нечта оятларида рибодан очик-ойдин қайтарилган. Ислом фойда олишни рағбатлантиради, лекин соф пул фоизлари ундиришни тақиқлайди, чунки меҳнат асосидаги фойда муваффақиятли тадбиркорлик ва қўшимча бойлик яратиш рамзи ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Қуръони каримда рибoga алоқадор оятлар тўртта алоҳида жойларда келган. Нозил бўлиш вақтлари бир биридан узоқ бўлишига қарамасдан, бу Қуръон оятлари рибонинг ман қилинишида муайян тадрижийликка эга эканига иқрор бўламиз. Бинобарин, мазкур оятларда, дастлаб, рибовий фаолиятга қарши кескин тақиқлар бўлмаган, балки унинг зарари ҳақида огоҳлантириш ва тавсиявий характерга эга давлатлар бўлган, холос. Кейинчалик нозил бўлган оятларда эса рибoga қаршилик кучайиб бориб, пировардида, қатъий тақиқ билан яқун топганининг гувоҳи бўламиз [4].

Макка даврида рибодан тийилиш маъносидаги бир нечта оят нозил бўлган бўлса-да, унинг очик тақиқланиши Уҳуд жангидан олдинги давр – ҳижрий 3 йилга тўғри келади. Яқуний ва тақрорий огоҳлантириш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан бир неча ҳафта олдин ҳижрий 10 йилда нозил бўлган дейилади. Қуйида рибoga доир оятларнинг Қуръони каримда нозил бўлиш кетма-кетлиги келтирилган:

“Одамлар моллари ичида зиёда бўлсин, деб рибо учун (яъни кўпайсин деб рибо сифатида) берган молинигиз

Аллоҳ ҳузурида зиёда бўлмас. Аллоҳнинг юзини (яъни розилигини) кўзлаб берган закотингиз эса, бас, ана ўшалар, бир неча баробар қилиб олгувчилардир” (яъни шундай закот берувчининг савоблари кўпайтириб берилади). (Рум сураси, 39-оят) [1:47];

“Ва қайтарилган бўлсалар ҳам, рибо олганликлари ва одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлари учун. Ва уларнинг кофирлари учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик”. (Нисо сураси, 161-оят) [1].

Учала самовий динларда рибо ва судхўрлик масаласи қораланган. Ислом нозил қилингандан сўнг эса Арабистон ярим оролида молиявий тузилишларида сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлаган. Жумладан, рибо билан шугулланишни, маълум маҳсулотлар истеъмоли ва савдосини тақиқловчи Қуръон оятлари ислом молиясини шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Натижада, ушбу тамойиллар Макка ва Мадинада қўлланилиб, асрлар давомида дунёнинг бошқа давлатларида ҳам кенг тарқалди.

Хулоса. Шуни айтиш мумкинки, судхўрлик, рибо, фоиз ундириш номланиши ҳар хил бўлса-да, моҳияти жиҳатидан бир хил фаолият тури ҳар бир замон ва маконда тақиқ остида бўлган, гарчи бу моддий барқарорликка эришишнинг осон йўли бўлса-да. Шунга қарамай бу фаолият ривожланиб турли хил шаклда ўз ривожини топган. Ислом дини пайдо бўлгунга қадар ўзининг юқори чўққисига чиққан.

Ислом пайдо бўлгач эса муқаддас динимиз фойда олишни рағбатлантирди, лекин соф пул фоизлари ундиришни тақиқлади. Чунки, меҳнат асосидаги фойда муваффақиятли тадбиркорлик ва қўшимча бойлик яратиш рамзи ҳисобланади. Бундан фаркли равишда, рибо – меҳнат эвазига келмаган, фаолият натижасига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаводан келган бойлик ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Шайх Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маъноларининг таржимаси ва тафсири”. Т.: Тошкент ислом университети”, (2009).
2. Жўраев Б., “Ислом молиялар ва банк тизими”.-Т.:”Ўзбекистон”, (2014).
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва Ҳаёт. Савдо, зироат ва вақф”. Тошкент, (2016).
4. Абдуллаев Р.В., “Ислом иқтисодиётида савдо ва тадбиркорлик” (Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик).. – Т.: (2021).
5. Байдаулет Е.А., “Исломи молия асослари”. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, (2019).
6. Таврот, Шмот, Мишпатим, боб 22: 24
7. Таврот, Дварим, боб 15: 3
8. The Catholic Encyclopedia, Vol. 15, (1912).
9. Таврот, Иезекиил. Боб 18:13
10. Евангелие от Луки, Глава 6, стихи 34-35
11. Библия, Второзаконие 23 глава -19.
12. <https://jeteraconte.livejournal.com/291912.html>



УДК 372: 212.2

Zamira MAMIROVA,
Guliston davlat universiteti o'qituvchisi
E-mail: z.mamirova1969@gmail.com
Gulnoz TAYLAKOVA,
Guliston davlat universiteti o'qituvchisi
E-mail: z.mamirova1969@gmail.com

Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent, A.A.Bolibekov taqrizi asosida

THE CONTENT OF NATURAL HISTORY EDUCATION IN PRESCHOOL EDUCATION

Annotation

It is important for a preschool teacher to have theoretical and methodological knowledge for teaching preschoolers through nature. In order for children to correctly understand the phenomena of nature, it is necessary to guide their process of understanding nature. Nature can be considered as a key factor in all aspects of preschool education - mental, aesthetic, moral education, acquaintance with nature in physical development. According to the theory under study, modern aspects of acquaintance with nature among preschoolers are revealed.

Key words: Educational process, mental education, acquaintance with nature, knowledge of natural sciences, environment.

СОДЕРЖАНИЕ ПРИРОДОВЕДЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация

Воспитателю дошкольного образования важно владеть теоретическими и методическими знаниями для обучения дошкольников через природу. Чтобы дети правильно понимали явления природы, необходимо направлять их процесс понимания природы. Природу можно рассматривать как ключевой фактор во всех аспектах дошкольного воспитания - умственного, эстетического, нравственного воспитания, знакомства с природой в физическом развитии. Согласно изучаемой теории раскрываются современные аспекты знакомства с природой у дошкольников.

Ключевые слова: Учебный процесс, психическое воспитание, знакомство с природой, познание естественных наук, окружающая среда.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA TABIAT BILAN TANISHTIRISHNING MAZMUNI.

Annotatsiya

Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachisi maktabgacha yoshdagi bolalarga tabiat bilan tanishtirish orqali bilimlar berish uchun nazariy va metodik bilimlarni egallashi g'oyat muximdir. Bolalar tabiat xodisalarini to'g'ri idrok etishlari uchun ularning tabiatni idrok etish jarayonini yo'naltirish zarur. Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni har tomonlama - aqliy, estetik, axloqiy tarbiyalash, jismoniy rivojlantirishda tabiat bilan tanishtirish - tabiat asosiy omil sifatida qarash mumkin. O'rganilgan nazariyaga binoan, maktabgacha yoshdagi bolalarda tabiat bilan tanishtirishning zamonaviy tomonlari ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Ta'lim-tarbiya jarayoni, aqliy tarbiya, tabiat bilan tanishtirish, tabiatshunoslik bilimlari, atrof-muhit.

Kirish. Jahon ta'lim tizimida maktabgacha yoshdagi bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish belgilangan. Shu ma'noda maktabgacha ta'limning turli muammolariga oid tajribalar, tadqiqotlarning natijalarini tanqidiy-tahliliy o'rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizda ta'lim tizimi doimo davlatning e'tiborida bo'lmoqda. O'tgan davr mobaynida sog'lom va har tomonlama rivojlangan avlodning shakllanishini ta'minlashga qaratilgan samarali maktabgacha ta'lim tizimini tashkil qilish bo'yicha kompleks tashkiliy-huquqiy chora-tadbirlar amalga oshirildi. Jumladan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 29-dekabrda "2017-2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2707-son qarori qabul qilindi. Shu qaror bilan tasdiqlangan «Maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish bo'yicha 2017-2021-yillarga mo'ljallangan dastur»ning asosiy maqsadli, vazifalari va yo'nalishlari qatorida ilg'or xorijiy tajribani xisobga olgan holda bolalarni har tomonlama intellektual, ahloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratish belgilangan. Shuningdek maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-sentyabrda PF-

5198-son farmoni, O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida 2019-yil 8-maydagi PQ-4312-sonli qarorlarida ta'kidlagandek, maktabgacha ta'lim soxasi uzluksiz ta'lim tizimining dastlabki bo'g'ini hisoblanib, u har tomonlama sog'lom va barkamol bola shaxsini tarbiyalash va maktabga tayyorlashda g'oyat muhim ahamiyat kasb etadi [1-4].

Qabul qilingan me'yoriy hujjatlar maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ilg'or xorijiy tajribani hisobga olgan holda bolalarni har tomonlama intellektual, tabiat bilan tanishtirish orqali ahloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratish; maktabgacha ta'lim sifatini oshirish, maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalarni maktabga sifatli tayyorlashni tubdan yaxshilash, ta'lim-tarbiya jarayoniga jahon amaliyotida keng qo'llaniladigan zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini joriy etish imkoniyatini yaratadi.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O'rta asrlarda o'rta Osiyoda yashab ijod etgan olimlardan Muxammad Muso al-Xorazmiy, Abu Nasr Farobiy, Abu Rayxon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino va boshqalar tabiat fanining rivojlanishiga ulkan xissa qo'shganlar. Ular hali ekologiya fani dunyoga kelmagan davrda tabiat va undagi muvozanat, o'simliklar va hayvonot dunyosi, tabiatni e'zozlash haqida qimmatli fikrlar aytganlar.

Fapb mutafakkirlaridan Ya.A.Komenskiy, J.J.Russo, I.G.Pestolotsii, K.D.Ushinskiy kabi olimlarning ilmiy asarlarida bola tarbiyasida tabiatning tutgan o'rni haqidagi bilimlarni keltirishimiz mumkin [7].

Respublikamizda maktabgacha ta'lim tashkilotlari ta'lim tarbiya jarayonini rivojlantirishga oid quyidagi O.To'raeva, O.Hasanboeva, D.Babaeva, M.Umarova, N.Egamberdieva, N.Djamilova, G.Djanpeisova, P.Yusupova va boshqa olimlar ilmiy tadqiqotlar olib borgan [7].

Tadqiqot metodologiyasi. Tabiat vositasida tarbiya berish umumiy tarbiyaning bir qismi bo'lib, u o'z oldiga bolalarning yosh xususiyatlarini, bilish jarayonlari, qobiliyatlarini yaxshi bilgan holda tarbiya berishni vazifa qilib qo'yadi. Maktabgacha tarbiya ishida uning ko'p qirralari borki, bu pedagogika fani qonuniyatlarini o'rganish bilan shug'ullanadigan juda keng ijtimoiy hodisadir.

Biz bolalarni tabiat bilan tanishtirar ekanmiz, avvalo, pedagogika fanining asoschilarini aytib o'tgan fikrlariga asoslanamiz. G'arbning ilg'or pedagoglaridan Ya.A.Komenskiy bolalarga beriladigan bilim hayotiylikka va ko'rgazmalilikka asoslanishi kerak; - degan edi. Bolalarga tabiat orqali beriladigan bilimlar turlicha metod va usullar bilan olib boriladi va ekskursiya, sayr, ta'limiy o'yinlar orqali mustahkamlanib chuqurlashtiriladi. Bolalar yoshiga mos jonli va jonsiz tabiat haqida oddiy tushunchalar berish bolalarga beriladigan bilimlar oddiy bo'lishi bilan birga ilmiy aniq bo'lishi kerak. Masalan: o'simlikni yorug'likka, suvga, issiqlikka bo'lgan ehtiyoji.

Bolalarga beriladigan bilimlarning barchasi ko'rgazma asosida berilishi shart. O'z o'lkasi tabiati haqida chuqur bilim berish. Tabiatshunoslikning barcha sohaları (botanika, zoologiya, astronomiya) haqida bilim berish. Beriladigan tabiat haqidagi bilimlar ilmiy bo'lishi bilan birga bolalar tushunadigan bo'lishi zarur. Masalan: Erta bahorda kunlar isiydi. Kunlar isigani sababli daraxtlar kurtak chiqaradi. Osmon ko'm-ko'k tus oldi biz endi bog'cha er maydonchasiga ekin ekishimiz mumkin. Mana shunday oddiy misollar orqali bolalar aniq va ilmiy asosda tushunchalarga ega bo'ladi [5].

Kuzatishlarning tasdiqlashicha, bolalarning atrof-muhitdagi faoliyati asosan o'z-o'zidan, kutilmagan tarzda kechadi va buni ulardagi tabiatga bo'lgan bunday munosabatning asosiy sababi deb hisoblash to'g'ri bo'ladi. Oila, mahalla, bir so'z bilan aytganda, tevarakdagilarning, ayniqsa maktabgacha ta'lim muassasi tarbiyachilarining pedagogik ta'siri bilan bunday nojoiz faoliyat tuzatib boriladi. Mana shuning uchun ham maktabgacha yoshdayoq bolalarning tabiat haqida ishonarli ma'lumotlarni egallashlari juda muxim.

Bolalar tabiat xodisalarini to'g'ri idrok etishlari uchun ularning tabiatni idrok etish jarayonini yo'naltirish zarur. Bolalarni tabiatga oshno etmasdan va maktabgacha ta'lim tashkilotidagi ta'lim-tarbiya ishlarida undan keng foydalanmasdan, maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarni har tomonlama - aqliy, estetik, ahloqiy, jismoniy jihatdan tarbiyalash vazifasini muvafaqqiyatli xal etib bo'lmaydi [6].

Mamlakatimizda qabul qilingan maktabgacha ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasiga ko'ra bolalarni tabiat bilan tanishtirish jarayonida o'zaro bir-biriga bog'liq ta'limiy-tarbiyaviy vazifalar amalga oshiriladi.

Aqliy tarbiyadagi asosiy vazifasi - bolalarda notirik tabiat, o'simliklar, hayvonlar haqida ma'lumot berish, ularning tabiat voqea- xodisalarini etarlicha idrok eta olishlariga imkon berish.

Aqliy tarbiyaning ajralmas qismi - sensor madaniyatdir. U analizatorlarni takomillashtirish, bolalarda keyingi umumlashmalar uchun asos bo'ladigan xisssiy tajribani mustaxkamlash, tabiatshunoslikka oid dastlabki tushunchalarni shakllantirishga yo'naltirilgan.

Bolalarning tabiat haqidagi bilimlarni egallashlari ularning bilish qobiliyatlari - sensor apparati, mantiqiy fikrlashi, diqqat, nutq, kuzatuvchanlik, bilishga qiziqishi kabilar bilan mustahkam bog'langan bo'lishi kerak. Fikrlashni rivojlantirish va ilmiy dunyoqarashni shakllantirish uchun bolalarning tabiat narsa-xodisalari bilan tanishtirish, ularni kuzatilayotgan narsa-xodisalarini tushunishga o'rgatish va ular orasidagi aloqa va munosabatlarni anglashlariga olib kelish kerak. Anglash jarayonidagi tabiat hodisalari orasidagi sababiy aloqalar va munosabatlar fikrlashni rivojlantiradi.

Bola o'zini o'rab turgan atrof-muhit va tabiatning muayyan xossalari: havoning issiq-sovuqligini terisi bilan, suyuqliklarning ta'mini tili bilan, havodagi xidni burni bilan, tabiatdagi xilma-xil ob'ektlarning rangini ko'zi bilan, tovushlarni qulog'i bilan sezib, ya'ni mazkur xossalar bolaning besh turli sezgisiga ta'sir etib, shu a'zolarida joylashgan asab xujayralari orqali bosh miyasiga borib etib, natijada miyada tabiatning ayrim xossalari to'g'risida bilim paydo bo'ladi, ularning ko'rinishlari, qiyofalari, tasvirlari, manzaralari vujudga keladi [6].

Tahlil va natijalar. Tabiatshunoslik bilimlarini oddiydan - murakkabga tizimli ravishda yaqindan - ya'ni o'z o'lkasi tabiatidan boshlab uzoq ya'ni boshqa o'lkasimliklar rivojlanishidagi o'zgarishlar aniq ko'rinadigan vaqtda o'tkaziladi. Tarbiyachi bolalarga o'simlikni tomosha qilib, belgilarini qayd qilishni (birinchi barglarning chiqishini, o'simtaning urug' qobig'ini yorib chiqayotganini kuzatishni) tavsiya etadi. Yakuniy kuzatishda bolalar kuzatilayotgan o'simlik rivojlanishining butun tasvirini tiklashi lozim. Buni kuzatishlar kundalik daftari, turlicha rasmlar, gerbariyalar, katta yosh guruhlarida esa chizmalik jadvallar asosida tashkil etish mumkin.

Tarqatma materiallardan foydalanib kuzatishlar o'rta yosh guruhlardan boshlab o'tkaziladi. Bunday kuzatishni tashkil etish birgina obyektini kuzatishdan ko'ra ancha murakkabroqdir. Bu o'rinda tarbiyachi o'z diqqat-e'tiborini taqsimlay bilishi, bolalardagi harakatni uyushtira olishi talab qilinadi, bolalar esa tarbiyachining barcha ko'rsatmalariga aniq rioya qilishlari, bir-birlarini tinglashlari, boshqalarning kuzatishlarini o'zlarining kuzatishlari bilan taqqoslashlari kerak bo'ladi. Kuzatishning bu usuli katta rivojlantiruvchi ahamiyatga egadir. Bolalar turli xil tadqiqotchilik harakatlardan foydalanib, o'quv ko'nikmalarini takomillashtirish imkoniga ega bo'ladi. Bu esa o'z navbatidai ularda aniqroq tasavvurlarning shakllanishiga yordam beradi [8].

Tarqatma material sifatida o'simliklar hamda ularning bargi, mevasi, urug'i, shoxchalari, shuningdek, sabzavot va mevalardan keng foydalaniladi. Kuzatishda qatnashgan har bir bolaning va tarbiyachining qo'lida tarqatma material bo'lib, kuzatish davomida tarbiyachi bolalarga savollar berib, narsalami tekshirishni tashkil etadi. So'ngra olingan tasavvurlarni qiyoslab, bolalarni xulosa chiqarishga o'rgatadi. Kuzatish jarayonida tarbiyachi barcha bolalarning yuqori faolligini ta'minlaydi.

Xulosa va takliflar. Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilaridan bolalarni tabiat bilan tanishtirish uchun tabiat haqidagi turli fan sohalaridagi katta bilim zaxiralariga ega bo'lishlari, ularning rivojlanish qonuniyatlarini tushunishlari, aql sohasining imkoniyatlarini to'g'ri baholay olishlari, tabiatda yuz beradigan narsa-xodisalar orasidagi aloqadorliklarni izoxlay olishlari talab etiladi.

Umuman olganda, tarbiyachi maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiat bilan tanishtirish jarayonida quyidagi vazifalarni xal etishi zarur:

- jonli va jonli tabiat haqida aniq bilimlar berishi, ularning o'zaro aloqadorligini ochib berishi;
- inson organizmi va uning salomatligi haqida ma'lumot berishi;

- maktabgacha yoshdagi bolalarni tabiatdagi o'zgarishlarni kuzatishga doir xulq-atvor ko'nikma va malakalari bilan qurollantirish;

- tabiatdan oqilona foydalanish va uning boyliklarini ko'paytirishga yo'naltirilgan inson mehnat faoliyati bilan tanishtirish;

- ona-tabiatga muxabbat, uning asrab-avaylashga doir ishtiyoqni tarbiyalash.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2017 yil 9 sentyabrdagi PQ-3261-sonli qarori
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi 2017 yil 30 sentyabrdagi PQ-3305-sonli qarori.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimini boshqarishni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 2017 yil 30 sentyabrdagi PF-5198-sonli farmoni.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 2019 yil 8 maydagi PQ-4312-sonli qarori.
5. Djanpeisova G.E., M.A.Rasulxo'jaeva. Tabiat bilan tanishtirish. O'quv qo'llanma/ Toshkent: "Innovatsiya-Ziyo", 2020, 224 b.
6. Djanpeisova G.E., M.A.Rasulxo'jaeva. Tabiat bilan tanishtirish metodikasi. O'quv uslubiy majmua. TDPU: 2018 y, 120 b.
7. Sodiqova Sh., M.A.Rasulxo'jaeva Tabiat bilan tanishtirish metodikasi. O'quv qo'llanma. "Fan va texnologiya". T.: 2013 yil
8. Umarova M. "Maktabgacha ta'lim yoshidagi bolalarda atrof-muhitga mas'uliyatli munosabatni shakllantirish". - T.: 2008.
9. www.tmetod.uz/



Tahmina MANSUROVA,
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute
E-mail: siyovush.t@mail.ru

Chirchik State Pedagogical Institute Alexandra Valerevna Candidate of Philological Sciences, docent on the basis of review

ON THE STATE OF TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE IN SCHOOLS OF THE JIZZAK REGION OF THE ARNASAI REGION

Abstract

Practical knowledge of a language is the ability to use this language in speech, that is, in speech communication with people. It follows from this that mastering a second language as a means of communication is possible only through the assimilation of speech in this language, based on speech practice. Russian language teaching in a national school should therefore be understood as the teaching of Russian speech, as the process of speech formation in the language being studied.

Key words: speech, language, linguistic means, linguistics, methodology, communication.

JIZZAX VILOYATI ARNASOY TUMANI MAKTABLARIDA RUS TILINI O'QITISHNING HOLATI TO'G'IRISIDA

Annotatsiya

Tilni amaliy bilish bu tilni nutqda, ya'ni odamlar bilan nutqiy aloqada ishlash qobiliyatidir. Bundan kelib chiqadiki, aloqa vositasi sifatida ikkinchi tilni o'zlashtirish faqat nutq amaliyotiga asoslanib, ushbu tilda nutqni o'zlashtirish orqali mumkin. Shuning uchun milliy maktabda rus tilini o'qitish rus nutqini o'qitish, o'rganilayotgan tilda nutqni shakllantirish jarayoni sifatida tushunilishi kerak.

Kalit so'zlar: nutq, til, lingvistik vosita, tilshunoslik, metodika, kommunikatsiya.

О СОСТОЯНИИ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА В ШКОЛАХ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ АРНАСАЙСКОГО РАЙОНА

Аннотация

Практическое знание языка - это умение использовать язык в речи, то есть в речевом общении с людьми. Отсюда следует, что овладение вторым языком как средством общения возможно только путем овладения речью на этом языке, основанной на речевой практике. Поэтому преподавание русского языка в Национальной школе следует понимать как процесс обучения русской речи, формирование речи на изучаемом языке.

Ключевые слова: речь, язык, языковые средства, языкознание, методология, общение.

Introduction. The study of the practical experience of teachers and the state of teaching the Russian language in schools in the Jizzak region of the Arnasai region encourage us to try to approach certain issues of the content of education and the basic principles of the methodology in a slightly different way than in the traditional methodology, and in this regard make some proposals for improving programs, textbooks and the educational process.

When considering the methodology and practice of primary teaching of the Russian language in the national school (meaning rural schools operating in a homogeneous national environment), we proceed from the following theoretical provisions:

Literature review. In the teaching method, it is necessary to distinguish language and speech. "Language and speech are not the same. Language is a historically developing social phenomenon. Creators and native speakers are people. Speech is an individual psychological phenomenon. The development of speech has "age features." Creators and speech bearer are an individual person.

A language exists and a separate person develops. The language exists and develops independently of the life of an individual person and his speech, while the speech of a person is formed and develops under the influence and depending on his linguistic environment "[1].

Speech is a practical proficiency in language, the use of language by a person in order to communicate with other people. In other words, speech is language in action, communication of people with the help of language, practical use of language means for receiving and transmitting

information, for expressing one's own thoughts and understanding of other people's thoughts[2].

But language and speech are inseparable: speech as human activity is possible only in a language, any language as a means of communication comes into play only in people's speech and only through their speech activities.

Practical knowledge of any language is the ability to use this language in speech, that is, in speech communication with people. It follows that mastering the second language as a means of communication is possible only through the assimilation of speech in this language, based on speech practice. Therefore, the teaching of the Russian language in the national school should be understood as teaching Russian speech, as the process of forming speech in the studied language. At the same time, the main goal of teaching Russian speech, and the main means of teaching is the speech practice of students in Russian.

Research Methodology. A person's speech activity is inextricably linked to his thought activity. To speak the language means to be able to think and speak it. Thoughts can arise, exist and be transmitted in speech only in language design. Speech communication of people is the process of exchanging thoughts, transmitting and receiving thoughts using language, the act of forming and expressing thoughts by means of language. Therefore, teaching speech in the language studied is also teaching thinking in this language.

Analysis and results. To teach children Russian speech is to teach them to express their thoughts and feelings in Russian, to exchange thoughts, impressions, to express their

attitude to certain phenomena, to influence each other, using the means of the Russian language

From the point of view of the teaching methodology, two components are needed for speech communication: (a) language material and (b) the ability to freely use it in speech, i.e. speech skills and skills.

Therefore, teaching the Russian language at school involves, first, assimilation of a certain volume of language material - a small part of language material - a small part of language wealth; integral and quite suitable for communication (a certain reserve of words and speech turnover, ready-made speech samples, the ability to build proposals according to the laws of grammar), secondly, it involves at the same time instilling speech skills and skills: the ability to listen and understand, answer and ask, tell, read and write, using learned language material in speech. The concept of "language material" is a kind of "microlanguage," which includes all the elements of the language system without which the language ceases to be a language, that is, this is a small part of the linguistic wealth that is capable of assimilation at each given moment of learning and is quite suitable for speech communication[4].

For the successful mastery of oral and written speech in school conditions, targeted training in all types of speech activities is necessary: listening and speaking, reading and writing. But at the same time, the teaching of oral speech - listening and speaking - should be ahead of written speech. Reading and writing training should be based on oral speech, and not vice versa.

When they talk about practical mastery of the language, they mean mastery of the language as a whole (since this is impossible), but only a certain amount of language material.

To achieve a serious increase in academic performance and improve the quality of knowledge and skills of students in the Russian language is to win a big victory. This would mean much more - creating conditions for the training of local personnel of all the necessary specialties, especially technical, secondary and higher qualifications, which the region urgently needs, creating favorable conditions for the further recovery of the economy and culture of the Uzbek people[5].

The teacher of the Russian language at the national school should proceed from the fact that exercises are crucial when teaching a non-native language. The correct system of all kinds of exercises - this only way to master a non-native language - should become the main method in the work of our teachers of the Russian language. The study of grammar facilitates the assimilation of the language, introduces a well-known regularity and system into the work of the teacher, directs and regulates it, but is not the decisive, main means of teaching the language. Therefore, in each grammar lesson, you need to allocate most of the time to performing the exercises of the students themselves, make them think more, speak and write in Russian.

Some teachers do not know how to show activity and work ability of students in the lesson. For this reason, students show little interest in the lesson, and the lessons are often

sluggish, at a slow pace, uniformly, very low "productivity." The learning process is a two-way process, and without the activity of the trainees it is impossible for the teacher to succeed in work. To activate the class is to arouse interest among the children and make them work more in the lesson, that is, to ensure that continuous, intense, useful mental work is done in their heads. For practical mastery of a non-native language and increasing the culture of speech, it would be much more useful to write and learn individual phrases, whole phrases and speech turns, the most common expressions in speech, to teach how to use them in speech practice. Instead of dictionaries, it would be necessary to have a dictionary-phraseological minimum for each class, which should contain a list of such words, phrases and the most common expressions that the student of this class should master.

The work to correct the speech errors of students made in writing and oral speech also does not give due effect. If the student made an error in the oral speech, the teacher makes an oral comment himself corrects, and this is limited. On errors in written works, the teacher sits out for long nights, checking notebooks, diligently corrects errors, counts them and puts grades.

This work also has little effect: it turns out that he worked for a long time mainly only for what assessment to give the student for work. In both cases, the teacher is likened to a doctor who is. having diagnosed the patient and explaining about his illness, considers his function complete, without treating the patient, does not help him to be treated. But there are no such doctors. So teachers need to "treat and cure" their students from speech errors, achieve both grammatical errors that the student made, in about 4th grade, move to 5th grade and then from class to class "wander" with him, sometimes follow him to the eleventh grade and even enter the institute with him.

The work of correcting errors is one of the difficult problems in teaching the Russian language at the national school, which is a single whole with the process of improving the speech culture of students. To eliminate speech errors, students can be given the following tips:

a) more often correct errors by the forces of students, relying on their activity;

b) to make a student who made a mistake repeat this word or a whole phrase in the correct form several times, and in the necessary cases - to write them on a board or on a notebook in the corrected form;

c) if the error is characteristic of many, for example, to build a sentence, then you need to make the whole class write this phrase or phrase in notebooks under the heading "Speak correctly" or "Write correctly." Recorded in notebooks in such cases should be learned, remembered. In the next lessons, you need to check whether the student does not make yesterday's mistakes, make them repeat the recorded phrases by heart, make sentences, etc.

Conclusion. Work on errors should be carried out persistently, systematically. Only such work will achieve the full development of the speech of students, the enrichment of their vocabulary and phraseological reserve and the general improvement of their speech culture.

REFERENCES

1. Barkhin K. B. Speech development in elementary school. - M., 1934.
2. Barkhin K. B. Creative work in the native language. - Ukraine, 1924.
3. Shakirova L.Z. The scientific foundations of the method of teaching the type and time of the Russian verb in a Turkic-speaking school. - Kazan, 1994 - 216s.



UDK 372.8

Saodat MAXKAMOVA,*Toshkent Davlat Pedagogika universiteti dotsenti v.b**e.mail: saodat_mahkamova@mail.ru**O'zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali professori, p.f.n. S.Usmanov taqrizi asosida***ПОДГОТОВКА БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ К ХУДОЖЕСТВЕННОМУ АНАЛИЗУ ПЕЙЗАЖНОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ В ШКОЛЕ**

Аннотация

В этой статье автор рассматривает актуальные вопросы подготовки будущих учителей изобразительного искусства к деятельности по художественному анализу произведений пейзажного жанра в изобразительном искусстве. Для раскрытия актуальности темы статьи в первую очередь были использованы работы не только узбекских ученых, но и работы зарубежных ученых.

Ключевые слова: Графика, декоративно-прикладное искусство, творческое воображение, эскиз, этюд, наброски, гармония, художественный образ.

PREPARATION OF FUTURE TEACHERS FOR ARTISTIC ANALYSIS OF LANDSCAPE WORK IN SCHOOL

Abstract

In this article, the author examines the current issues of training future teachers of fine arts to work on the artistic analysis of works of the landscape genre in the visual arts. Not only the works of Uzbek scholars, but also the works of foreign scholars were used to reveal the relevance of the topic of the article.

Keywords: Graphics, decorative and applied art, creative imagination, sketch, etude, sketches, harmony, artistic image.

БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАКТАБДА МАНЗАРА ЖАНРИДАГИ АСАРЛАРНИ БАДИЙ ТАХЛИЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШ

Annotasiya

Ushbu maqolada muallif bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarini tasviriy san'atda manzara janridagi asarlarni badiiy tahlil qilishga tayyorlashning dolzarb masalalarini ko'rib chiqadi. Maqolaning mavzusi dolzarbligini ochib berish uchun neng avvalo nafaqat o'zbek olimlarining ishlaridan balki, xorijlik olimlarning ishlaridam foydalanildi.

Kalit so'zlar: Qalamtasvir, amaliy san'at, ijodiy tasavvur, eskiz, ranglavxa, eskiz, garmoniya, badiiy tasvir.

Введение. В XXI веке в мире образование признано в качестве основного фактора обеспечения устойчивого развития, в Международной концепции образования определена актуальная задача – “создания возможности для получения образования на протяжении всей жизни”, что расширило возможности повышения уровня профессиональной подготовки педагогов, в частности, будущих учителей к педагогической деятельности, использования методик, направленных на совершенствование системы развития их профессионально-художественной компетентности. В условиях глобальной информатизации интенсивное развитие альтернативных (компьютерных) и цифровых технологий диктует необходимость обращения международными организациями внимания в частности на овладение, специалистами, в том числе будущими специалистами ИКТ-компетентностью. Так, в стратегических проектах ЮНЕСКО, как “Структура ИКТ-компетентности учителей. Рекомендации ЮНЕСКО. План 2.0 на 2011 год”, “Квалифицированные учителя для всего образования (2012-2015 годы)” особый акцент уделяется на наличие всех условий в инновационной образовательной среде для проявления способности свободно, эффективно работать с ИКТ на основе художественной компетентности в облике современного специалиста. Потребность в применении современных технологий, в частности в процессе преподавания учебной дисциплины “Изобразительное искусство” повышает актуальность и значимость развития такого качества будущих учителей изобразительного искусства, как эффективная работа с ИКТ. Проводится масштабная работа по реформированию системы непрерывного образования нашей страны, уверенно продвигающейся по пути прогресса, внедрению

образовательных технологий и повышению эффективности образования, уделяется особое внимание планированию содержания образования, структурированию компетенций к анализу произведения изобразительного искусства, созданию новых методологических моделей обучения и их применению на практике.

В кредитно-модульной системе необходимо развивать самостоятельные творческие способности студентов, формировать у них навыки и умения самостоятельно решать существующие проблемы, связанные с их профессией. В частности, в подготовке будущих учителей изящных искусств, наряду со всеми предметами, немаловажно и преподавание профильных предметов на необходимом уровне.

Важное значение имеют также все дисциплины изобразительного искусства, особенно композиция, которые обеспечивают профессиональную подготовку будущих учителей изящных искусств в высших учебных заведениях.

Литературный обзор. Для системы образования, в частности, в системе высшего педагогического образования, зарубежные А.Д.Алексин, В.С.Кузин, Н.М.Неменский, З.Н.Новлянская, Н.Н.Ростовцев, Т.Я. Ряд ученых, таких как Шпикалова, Б.П.Юсов, провели собственные исследования. С.Абдуллаев, Б.Азимов, Б.Бойметов, Н.Толипов, Н.Ойдинов, У.Нуртаев, Н.Юлдашева и другие провели много исследований по проблемам преподавания изобразительного искусства в высшей педагогической школе, особенно среди узбекских ученых. Однако на сегодняшний день проблемы ландшафтной композиции в изобразительном искусстве изучены недостаточно. В этом смысле в последние годы


научные исследования пытаются найти новые пути решения этой проблемы. Например, В. Н. Банников о композиции в профессиональном становлении будущего учителя изящных искусств, исследования Н. Н. Долгих о педагогических условиях обеспечения непрерывности процесса формирования профессиональной компетентности читателя изобразительного искусства.

Методология исследования. Пейзаж, один из интереснейших жанров изобразительного искусства, используется практически всеми художниками. Потому что природа многое дает творцу. Будущие молодые художники и учителя, которые только учатся рисовать, также получают много знаний, навыков и умений, изображая пейзажи. Они также сталкиваются с определенными проблемами в своей работе. Сюда входит вопрос о том, как вода в ландшафте отражает окружающую среду и как объекты в ней выражаются.

Все мы знаем, каким красивым может быть пруд посреди реки, озера, бассейна или дороги. Поэтому

художники-пейзажисты, например: русские художники А.Перов, В.Серов, И.Шишкин, узбекские художники Г.Абдурахмонов, А.Мирсоатов, О.Козаков, А.Джамолов, часто работают в местах, где есть вода. На эту тему написано много учебников и статей, например, Г.Абдурахманов «Композиция», Б.Тоджиев, Н.Исаходжаева «Карандаш, основы живописи и композиции», Н.Орипова «Живопись», С.Абдирасилов «Методы рисования». Преподавание изобразительных искусств не затрагивает эту тему. Вот несколько распространенных проблем и способы их решения.

Отражать пейзаж – интересно, но непросто. Это особенно актуально, когда художнику приходится изображать предметы в воде. Обычно спокойная вода отражает на своей поверхности то, что находится на противоположной стороне от человека, который всегда на нее смотрит.




Приложение 1. Противоположностью береговой линии является MN-береговая линия; Объект, перпендикулярный краю AB; GB-наклонный объект; VB и DB – это отражение вещей в воде.

В этом случае он дает четкое изображение, как в зеркале. Резкость изображения в ряби на воде искажена. Они кажутся «сломанными». По мере повышения уровня воды их разрыв может увеличиваться и со временем вообще исчезнуть.

Чтобы правильно нарисовать изображения, нужно знать, как они устроены и построены. Поэтому полезно проанализировать следующие основные случаи с помощью диаграмм; Отражение падающих прямо у воды предметов нарисовать несложно – если художник стоит по отношению к ним на высоком уровне воды. Достаточно следить за размером и положением предметов на берегу, размером и положением их отражения в воде. (Приложение 1) В этом случае размеры оси объекта AB и GB должны быть равны размерам самих объектов, т.е. VB

= AB и DB = GB. Угол VBD, отраженный в воде, должен быть равен углу ABG. Теперь посмотрим на ситуацию, когда объекты находятся не на линии MN на берегу, а на линии OP подальше. (Приложение 2) Чтобы найти правильное изображение в воде, которое здесь видит художник, изображение должно быть нарисовано так, как оно должно быть в случае береговой линии OP. В этом случае объекты SRT будут отображаться как U1RF. Однако из-за того, что реальная береговая линия ближе и занимает позицию MN, художник не может видеть изображение в целом, поскольку часть его заблокирована береговой линией. (Между OP и MN) Ему видны только U1D и UF части изображения.



Приложение 2 Отражение объектов вдали от береговой линии: MN- Береговая линия; OP- линия, где расположены вещи; СП – объект, перпендикулярный

берегу; TR – наклонный объект. Отражение объектов U1R и FP-SP и TR: видимая часть осей U1D и FU в воде

Размер и внешний вид изображения также зависят от того, насколько высоко глаз художника находится над

3. Bakhtiyarovna, S. M., Dildora, A., Markhabo, T., & ToshpulatovaSabina, I. Z. (2020). CREATIVITY OF PEOPLE ARTIST GAFUR ABDURAKHMANOV IN THE DEVELOPMENT OF MODERN PAINTING OF UZBEKISTAN. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8*(2).
4. АБДИРАСИЛОВ, С. Ф., & МАХКАМОВА, С. Б. (2019). ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ШКОЛЬНИКОВ-АКТУАЛЬНАЯ ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА. In *Высшее и среднее профессиональное образование как основа профессиональной социализации обучающихся* (pp. 282-286).
5. Абдирасилов, С. Ф., Назирбекова, Ш. Б., & Махкамова, С. Б. (2016). Художественно-культурные традиции узбекского народного искусства на уроках изобразительного искусства. *Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии*, (11 (68)), 32-42.
6. Нуртаев, У. Н., & Махкамова, С. Б. (2016). Вопросы подготовки студентов к художественно-творческой деятельности. *Молодой ученый*, (7), 687-691.
7. Абдирасилов, С. Ф., Толипов, Н. Х., & Толипов, Н. Н. (2017). Эффективность исторического подхода в художественном обучении. *Молодой ученый*, (20), 417-421.
8. Абдирасилов, С. Ф., & Исахожаева, Н. А. (2017). Изобразительные умения и навыки в процессе выполнения набросков будущих дизайнеров. *Молодой ученый*, (7), 411-414.
9. Абдирасилов, С. Ф. (2016). Художественные традиции как основа профессионального мастерства. *Наука и образование сегодня*, (2 (3)).



УДК 17.035.3

Nargiza Mirsagatova,
“AL-Bukhari University” oliy ta’lim tashkiloti katta o’qituvchisi
E-mail: mirsagatovanargiza_70@mail.ru

Pedagogika fanlari doktori, professor Sh.T.Xalilova taqrizi asosida

THE IMPORTANCE OF THE NOVELS OF ALISHER NAVOI IN THE DEVELOPMENT OF PERSONAL SPIRITUAL AND MORAL QUALITIES

Abstract

This article reflects the role of "Alisher Navoi's works in the development of moral and ethical qualities in students.". It discusses the importance of the work of Alisher Navoi in the development of spiritual and moral qualities.

Key words: Mature person, highly educated person, development, upbringing, spiritual values.

ЗНАЧЕНИЕ ТРУДОВ АЛИШЕРА НАВОИ В РАЗВИТИИ ЛИЧНЫХ ДУХОВНО-ПРАВСТВЕННЫХ ДОСТОИНСТВ

Аннотация

В данной статье отражено использование инновационных технологий в преподавании модуля «Роль произведений Алишера Навои в развитии духовно – нравственных качеств у студентов». Обсуждается значение работ Алишера Навои в развитии духовно-нравственных качеств и особенности.

Ключевые слова: Всесторонне развитая личность, высокообразованный человек, развитие, воспитание, духовные ценности.

ALISHER NAVOIY ASARLARINING SHAXS MA'NAVIY-AXLOQIY FAZILATLARINI RIVOJLANTIRISHDAGI AHAMIYATI

Аннотация

Mazkur maqolada «Talabalarning mahnaviy-axloqiy fazilatlarini rivojlantirishda Alisher Navoiy asarlarining ahamiyati» masalalari o'z aksini topgan. Alisher Navoiy asarlarining mahnaviy-axloqiy fazilatlarini rivojlantirishda ahamiyatining o'ziga xos xususiyatlari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: Barkamol shaxs, yuksak ma'naviyatli inson, rivojlantirish, tarbiyalash ma'naviy qadriyatlar.

Kirish. Butun turk dunyosi Alisher Navoiyni «shams ul-millat» — millat quyoshi deb hamma davrlarda e'zoz bilan tilga oladi. Butun umrini turkiy til mavqeyini ko'tarish, turkiy adabiyot imkoniyatlarini dunyoga tan oldirish, turkiy davlatlilik asoslarini mustahkamlashga, jamiyatda haqiqat va adolat mezonlarini qaror toptirishga bag'ishlagan bobokalonimiz bu e'tirofga to'la-to'kis munosib va haqlidir. U haqidagi biografik ma'lumotlar, yozmishlarining deyarli barchasi to'liq saqlanib qolgan. Xalq ichida bu zotning hayoti va faoliyati bilan bog'liq rivoyat va afsonalar ham talaygina. Chunki odamlar o'zlariga va kelgusi avlodga yashash tarzi, qilmishlari ibrat, aytimish va yozmish so'zlari haqiqat bo'lgan zotlar to'g'risida ham hurmat, ham hikmat ma'nosida mana shunday og'zaki irod namunalarini to'qib oladilar.

Alisher Navoiy 1441-yil 9-fevralda Xuroson o'lkasining poytaxti Hirotida tug'ildi. Zamondoshlari uni «Nizomiddin Mir Alisher» deb ulug'laganlar. «Nizomiddin» — din nizomi deganidir. Ko'pincha, mansab egalari nisbatan aytilgan «mir» — amir demakdir. Chunki u Husayn Boyqaro saroyidagi eng nufuzli amir bo'lgan. Alisher bolalikdan ma'rifatli oila muhitida tarbiya topdi. Navoiyning otasi G'iyosiddin Muhammad (uni «G'iyosiddin kichkina» ham der edilar) temuriylarga yaqin amaldorlardan bo'lib, o'z davrining obro'li va ma'rifatli kishilaridan sanalgan. Adabiyotshunos Davlatshoh Samarqandiyning yozishicha, u o'g'li Alisherning tarbiyasiga, kelajakda fazilatli odam bo'lib yetishmogi uchun astoydil harakat qilgan.

Alisher Navoiy Sharq mumtoz adabiyotining barcha janrlarida mislsiz mahorat ko'rsatib, o'lmas badiiy durdonalar yaratdi. U - adolat, xaqgo'ylik va poklik timsoli bo'lib, butun umri davomida adolatni, inson huquqlarini hammadan ko'ra ko'p va xo'p kuyladi. SHuning uchun ham, uning sermazmun

hayoti va ijodi bizni hamisha rostgo'ylik va halollikka, adolat va sofdillikka da'vat etadi. Navoiy ijodida ham zamondoshlari, ham kelajak avlodni komillikka, yuksak ma'naviyat sohibi bo'lishga da'vat etadi. Ulug' shoir xalq hayotida muhim o'rin tutgan qadriyat va an'analarimiz haqida kuylashni o'zining burchi deb biladi va bunga bir umr sodiq qoladi. Uning adolatparvarligi, insoniy tuyg'ularni ijtimoiy masalalar bilan qo'shib tarannum etishi va talqin qilishi faqat Navoiygagina xos bo'lgan fazilatdir. Navoiy xazratlari so'z mulkining sultoni, donishmand olim, el-ulus obodonchiligi, tinchligi uchun yonib yashagan yirik davlat arbobi ham edi. Uning raxnamoligida Xirof va Astrobod shaharlari chiroy ochib, jafokash xalq adolat shabadalaridan baxramand bo'ldi.

Tadqiqot metodologiyasi. Xususan, ulug' mutaffakir va adib Alisher Navoiyning buyuk asarlari o'quvchi-yoshlarda milliy fazilatlarini shakllantirishda muhim manba bo'lib hisoblanadi. Zero, Alisher Navoiyning nomi, uning badiiy merosi saron va makon sarhadlari osha insoniyatni adolat, ezgulik sari da'vat etib kelmoqda. Ulug' alloma asrlar davomida xalq bilan hamnafas, zamon bilan hamqadam, ul zotni har bir davr uchun zamondosh deyilsa mubolag'a bo'lmaydi.

Haqiqatdan ham Navoiy ijodi inson qalbining quvonchi va qayg'usini, ezgulik, odamiylik va hayot mazmunini teran ifoda etgan adibdir. Ushbu asardagi axloqiy-falsafiy g'oyalarni o'rganib, undagi ma'naviy-axloqiy tarbiyaga oid qarashlarni yoshlar ongiga yetkazish bugungi kunda juda ham muhimdir. Alisher Navoiy asarlarining yoshlar ma'naviy-axloqiy ta'lim-tarbiyasidagi o'rni va ahamiyati tobora ortib borayotganligi barchamizga ma'lum.

Tahlil va natijalar. Alloma tomonidan yaratilgan asarlar mazmunidan anglanadiki, ularda ilgari surilgan

qarashlarning markazida inson va uning kamolotini ta'minlash g'oyasi turadi. Mazkur o'rinda navoiyshunos olim V. Zohidov quyidagi fikrni ifoda etadi: "Navoiy ijodi hamda amaliy faoliyatining eng asosiy, markaziy masalasi, yo'nalish nuqtasi har narsadan oldin inson, uning taqdiri, baxti, saodati, uning yaxshi yashashi, bu uchun zarur jamiyat masalalaridir"[1].

Alisher Navoiy insonni nixoyatda ulug'laydi, uni yashashga, baxtli saodatli bo'lishga, dunyoni obod qilishga, o'zidan yaxshi iz qoldirishga chaqiradi.

"Olam ko'rki bo'lgan inson vujudi tabiatdagi boshqa narsalardek,- deydi Alisher Navoiy,-o'tdan, suvdan, xavodan, tuproqdan tashkil topgandir" [2]. Navoiyning yana ta'kidlashicha, insonda his, ruh, aql bordirki, uning bu ruhiy hayoti o'sha to'rt unsurdan tarkib topgan badanlar-jismlar tomonidan harakatga keltirib turiladi. Don va ruhni tan va jismdan ajratib bo'lmaydi, ular o'zaro bir bo'lganliklari uchun tirikdir.

Alisher Navoiy insonga yuksak baho beradi. Insonning xulq-atvori, dunyoqarashi, odob-axloqi, madaniy-ma'naviy qiyofasi, uning ta'biricha, ijtimoiy muhitga bog'liq. Inson ijtimoiy muhit mahsuli sifatida shakllanib, kamolotga erisha boradi. Boshqacha aytganda, insonni ijtimoiy mavjudotga aylantiradigan hal qiluvchi omil jamiyat, tashqi muhit, ijtimoiy sharoitlardir.

Navoiyda inson oliy mavjudot deb ta'riflanadi: inson olamdagi butun narsalardan ustun turadi, dunyoda unga teng keladigan hech narsa yo'q. Navoiy asarlarida halollik, poklik, rostgo'ylik, iymon-e'tiqodlilik singari insonga yarashliqlari axloqiy-ma'naviy fazilatlar e'zozlanadi.

Navoiy xalq manfaati uchun ishlaydigan, xalqning baxt-saodati yo'lida kurashadigan, o'zi pok, dili pok odamlarni haqiqiy inson deb biladi. Xudbin, qora ko'ngil,

hasadchi, xalqqa nafi emas, zarari tegadigan

kishilardan hazar qiladi. Navoiy inson odobini, xulq-atvori birinchi o'ringa qo'yadi. Inson uchun eng muhim narsa oltin-kumush, mol-dunyo emas, balki uning odob-axloqi ekanligini quyidagicha ifodalaydi:

Oltin kumush etma kasb davlat kunidin,

Kim tortar adab ulusi mehnat to'nidin.

Gar yo'qtur adab ne sud oltinidin,

Elning adabi xushroq erur oltinidin[2].

Odob-kichik yoshlarni kattalar duosiga sazovor etadi; yoshlar u duo barakasidan umrbod bahramand bo'ladi. Odob-ulug'lar ko'nglida yoshlarga mehr uyg'otadi va u odobli yoshga bo'lgan muhabbat ko'nglida abadiy qoladi. Yoshlarni ko'zga ulug' qilib ko'rsatadigan fe'l-atvori odobdir, odoblilarning yurish-turishlarida xalq ulug'vorlik ko'radi. Odob-kishilar tarafidan qilinishi mumkin bo'lgan hurmatsizlik eshigini bekitadi... Odob urug'ini ekan odamning hosili javohir bo'ladi."

Alisher Navoiyning e'tirof etishicha, mamlakatning obod, iqtisodiy, moddiy jihatdan mustahkam, elu-yurtning tinch-osoyishtaligi, odamlarning farovon hayoti ko'p jihatdan shohga, uning adolati, halol-pokizaligi, insofu-diyonatiga bog'liq. Adolatli podsho Xaq taoloning xaloyiqiga ko'rsatgan marhamatidir, bunday shoh mamlakat uchun tinchlik va farovonlik sababchisidir. Podshohning butun fikri zikri, asosiy e'tibori elning osoyishtaligi, farovonligi, yurtning obodonligiga qaratilishi zarurligi haqida gapirib, eslatib o'tganimiz "Mahbub ul-qulub" asarining birinchi faslida muallif shunday deydi: "Odil shoh quyosh bilan" bahor yomg'iridek qora tuproqdan gullar ochadi va mamlakat xalqi boshiga oltin bilan durlar sochadi. Kambag'al va bechora odamlar uning yaxshi, muloyim muomalasidan rohatda; zolim amaldor va mirshablarning siyosati tig'ivudan qo'rquvda. Adolatli shoh shunday qo'riqchiki, uning soyayi davlatida qo'y-qo'zilar bo'ri xavfidan omon; yomonlarga shafqatsizligidan yo'ldagi musofirlar yo'lto'sarlar vahimasidan eson... Haybatidan yo'llarda qaroqchilar yo'q va

xalq qo'li o'z moli bilan to'liq. Zabtidan amaldorlar qalami sinig' va zolimlar bayrog'i yiqiq... Qasoskor tig'idan o'g'ri qo'li el moliga yetmaydi... Savdo qilish uchun tun bo'yi do'konlarda sham o'chmaydi, oldi-sotdi qiluvchilar ko'chalarda bezorilar daydoshidan qo'rqmaydi... SHaharda ko'chalar posboni u, dalada qo'yalar cho'poni u. Aholining hovli-bog'i uning sharofatidan obod... Kampirlar ip yigirarkan, charx ovozig'a jo'r bo'lib, uning xaqiga duo o'qiydilar... Faqirlar unga duo-tahsin o'qib, erkaliq qiladilar. SHoh esa, ochiq qo'llilik bilan fuqaroga saxovat qiladi va uni siylaydi... Adolatparvar shoh xalqni rozi qilsa, Xaq taolo shohdan rozi bo'ladi..." [3].

Alisher Navoiy o'z asarlarida adolatli, insofli, diyonatli xukmdorlarni xalq g'amini o'z g'ami deb bilmaydigan zolim, johil, fosiq podshohlarga qarama-qarshi qo'ydi. U adolatli podshoh yorqin ko'zga bo'lsa, zolim, johil, fosiq podshohlar uning teskarisidir, unisi yorug' tong bo'lsa, bunisi-qorong'u kechadir, deydi.

Alisher Navoiy yomon illatli qozilarni islom dini qo'rg'oniga rahna soluvchi sifatida qattiq tanqid qilib undaylarni jazolamoq kerak, deydi. Uning ta'kidlashicha, qoz adolat yo'lidan chiqmasligi lozim. Modomiki, hukmi elning moli va joniga taalluqli ekan, qozining shiori to'g'rilik va adolat bo'lmog'i kerak. Adolat peshvolari hisoblangan qozilar va qonunshunos muftilar xalollik, insof diyonatli bo'lishi, qonun yo'lidan bir qadam ham toymasligi haqida Navoiy tomonidan yuqorida eslatib o'tilgan adolat g'oyalari milliy istiqlol mafkuramiz g'oyalari va qadriyatlarini uchun ham muhim ahamiyatga ega.

Qing'ir ishning qiyig'i qirq yildan keyin ham chiqadi, degan xikmat bor xalqda. Oyni etak bilan yopib bo'lmaganidek, nopoklikdan sir saqlab g'irromlikni el-yurtdan bekitib yurish mumkin emas. Nopoklik, firibgarlik, g'irromlikni siri bugun bo'lmasa, ertaga, bu joyda bo'lmasa, boshqa joyda, albatta oshkor bo'ladi.

Navoiy lirikasi hayot taronasi va inson madhiyasidir. Navoiy hayotni e'tirof qiladi, uni sevadi, insonni sharaflaydi va ulug'laydi. Zero, olamning olam bo'lib yaratilishi ham, asosan, hayot guli bo'lgan inson uchundir, deydi.

Binobarin inson hayotini, o'zligini, umrni sevishi, qadriyatlashi kerak degan qarashlar quyidagi misralarda jo bo'lgan:

Jondin seni ko'p sevarmen, ey umri aziz,

Sondin seni ko'p sevarmen, ey umri, aziz.

Har neniki sevmak andin ortiq bo'lmas,

Ondin seni ko'p sevarmen, ey umri aziz[2].

Ushbu ruboiy hayotga, insonga muhabbat, umrni g'animat bilib qadrlash g'oyalarini aks ettiradi. Misralarda hayotga, insonga muhabbat misrama-misra kuchayib boradi. Birinchi misrada shoir yorining aziz umrini jondanda ko'proq sevajagini izhor etadi. Lekin buni kam deb biladi va miqdor tushunchasiga murojaat qiladi. SHoir dunyoda qanchadan qancha son bo'lsa, yorga, hayotga bo'lgan muhabbat o'shandan ham ortiqligini aytadi. Lekin bunday miqdor hisoblangan insonga muhabbat salmog'ini ifodalay olmaydi. Nihoyat, shoir umrga bo'lgan muhabbat cheksiz va o'lchovsiz ekanligini anglaydi va ajoyib tarzda bayon etadi: "Ey umri aziz, eng oliy darajada sevish mumkin bo'lgan biror narsa bo'lsaki, boshqa bir narsani undan ortiq darajada sevish mumkin bo'lmasa, men seni o'shandan ham ortiq, ya'ni imkondan ortiq darajada sevaman",- deydi.

Navoiy insonni hayotsiz, hayotni insonsiz tasavvur qilmaydi, bularning har ikkisini birlikda ko'radi. Uning "Hayot gulshan, bog'u-bo'ston bo'lsa, inson shu gulshan va bog'u-bo'stonning guli, samaridir. U shu gulshan va bog'u-bo'stonda fayz va kamol topish kerak,"- degan fikrlarini quyidagi misralarda ko'ramiz:

Dahr bog'inda necha kunkim, aysh qil,

Kim yana topmog' emas ma'lum bu bo'ston kibi.

Quyidagi misralarda esa insonning hayoti abadiy emas. U tug'iladi, qazo qiladi, ota-bobolar o'rnini farzandlar va nabiralari egallaydi. SHunday ekan, kishi hayotdan to'la foydalanishi, har bir daqiqaning qadr-qimmatini bilishi kerak. So'nggi pushaymon esa foydasizdir, degan g'oya ilgari suriladi:

Ey Navoiy, umr o'tar yeldek, o'zingni shod tut,
Elga yetmas mumkin ermastur chu sur'at ko'rguzub.

Biroq inson hayotining mohiyati uning qisqa va uzunligi bilan emas, balki mazmuni bilan belgilanadi. Hayotdan murod faqat aysh-ishrat emas, hayotning mezonini insonning faoliyati, xatti-harakati, sifati va fazilatidir. Inson hayotini o'zi uchun ham, butun jamiyat uchun ham foydali bo'lgan xizmatga bag'ishlashi, kasb-hunar o'rganishi, ma'rifatli bo'lishi, yaxshi fazilatlarni egallashi kerak. Shundagina u o'z insoniy burchini ado etgan komil inson bo'ladi, degan g'oya quyidagi misralarda tarannum etiladi:

Kamol et kasbkim, olam uyidan,
Sanga farz o'lmag'ay, g'amnok chiqmok,
Jahondin notamom o'tmak biayni,
Erur hammomdin nopok chiqmoq [3, 62.b].

Quyidagi misralarda inson dunyodan o'tib ketadi, lekin el-yurtga yaxshilik boqiy bo'lib qoladi, deyiladi:

Bu gulshan ichraki yo'qtur baho guliga sabot,
Ajab saodat erur chiqsa yaxshilik bila ot [3, 46.b].

Hilm inson vujudining xushmanzara bog'idir va odamiylik olamining javohiriga boy tog'idir. Yumshoq ko'ngillik hodisalar to'la dengizdagi kishilik kemasining langari desa bo'ladi va insoniyat qadrini o'Ichaydigan tarozining toshiga tenglashtirsa ham bo'ladi. Hilm axloqi odamning qimmatbaho libosi va u kiyim turlarining eng chidamli matosidir. U yomon nafsni daydi shamol uchirishidan asraguvchi va ikkiyuzlama munofiqlarning behuda harakatidan himoya qiluvchi. Hilm natijasida odam xaloyiqning izzat-hurmatiga sazovor bo'ladi; hilm tufayli kattalardan kichiklarga iltifot va marhamat yetishadi.

Katta kishilar yoshlarni masxara va kulgi qilsa, ular qoshida o'zi shuncha obro'siz va bachkana tuyuladi; yoshlar ham kattalarga nisbatan hazil va yengiltaklik qilsa, uning qoshida uyatsiz va e'tiborsiz bo'ladi. Bu davr bog'ining xasxashak singari odamlari shamoldek betayin, yengiltak kishilari oldida hilm ahli go'yo og'ir tabiatli va yomon fe'lli, deb kamsitiladi. Ularning o'zlari esa, quyundek tuproqni havoga to'zitadilar va yengiltabiatlilari bilan boshlarini go'yo ko'kka yetkazadilar. Tog' jussasini oyoq osti qilmoq — odatlari; dala-dashtlardagi zarralarni havoga sovrarmoq — bularning salobatlari. Bunday odamlar yeldek har eshikdan kirishga or qilmaydi; o'tdek otashdonni qizdirishdan o'zga ishni bilmaydi. Yel — garchi lolaning tojini uchiradi, ammo tog' qoyalari kamariga qanday ta'sir qila oladi? o't tog' etagidagi xas-xashaklarni kuydirishi mumkin, lekin quyosh uchquniga qanday tenglasha oladi?

El, agar ko'kka yetsa ham, baribir yengil va qadsiz; tog' agar tuproqqa botsa ham salobatlidir. Yelning orasida

o'tga yoqiladigan xas-xashaklar bor; hilm mazmunida esa, shoh tojiga qadalgudek cho'g' kabi qizil la'l bor.

So'z mulkining sultoni, shoirilar peshvosi — Alisher Navoiy bobomizning ijodlarini o'rganish, undagi axloqiy — ma'rifiy qarashlar bilan yosh avlodni muntazzam tanishtirib borish zarur. Birinchi Yurtboshimiz ta'birlari bilan aytganda, «Agar bu ulug' zotni avliyo desak, u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak, mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak, shoirilarning sultonidir». Navoiy asarlarining manguliklarga daxldor va umrboqiy bo'lishining sabablaridan biri shundaki, u o'z asarlarida «barcha maxluqotlarning toji» bo'lgan insonni kuyladi, uning quvonchlarini tashvishlarini, muammolariyu orzu-umidlarini tarannum etdi. Inson qalbining quvonchu qayg'usini, ezgulik va hayot mazmunini Navoiydek teran ifoda etgan shoir jahon adabiyoti tarixida kamdan-kam topiladi. Ona tiliga muhabbat, uning beqiyos boyligi va buyukligini anglash tuyg'usi ham bizning ongu shuurimiz, yuragimizga, avvalo Navoiy asarlari bilan kirib keladi.

Xulosa va takliflar. Navoiy asarlari yosh avlodning ma'naviy kamol topishida beqiyos katta ahamiyatga ega. Uning asarlarida ota-ona, ustoz, yoshi ulug'larni hurmat qilish ilm-ma'rifatni egallash, yaxshi axloq egasi bo'lish, yomonlik va yomonlardan uzoq bo'lish singari masalalar qalamga olinganki, bular, shubhasiz, barcha zamonlar uchun birday orzu bo'lib kelgan komil inson g'oyasi bilan chambarchas bog'likdir. Birinchi Yurtboshimiz ta'birlari bilan aytganda, «Biz bu bebaho merosdan xalqimizni, ayniqsa, yoshlarimizni qanchalik ko'p bahramand etsak, milliy ma'naviyatimizni yuksaltirishda, jamiyatimizda ezgu insoniy fazilatlarni kamol toptirishda shunchalik qudratli ma'rifiy qurolga ega bo'lamiz».

Alisher Navoiy o'z hayotida ijodiy faoliyat bilan birga, davlat ishlarini ham olib borgan siyosiy arboddir. U jamiyatda farovonlik va me'morchilikka juda katta e'tibor qaratib, davlat tomonidan 16 ko'prik, 20 ga yaqin suv saqlash inshooti, 52 rabot va ko'pgina madrasa, masjid, xonaqoh va hammomlar bino qurdirganini tarixchi Xondamir o'z asarida keltirgan.

Mir Alisher Navoiy hazratlarining bizga qoldirgan boy adabiy va ma'naviy merosi odamlarning, ayniqsa, o'sib kelayotgan yosh avlodning ma'nan va ruhan barkamol bo'lib tarbiya topishlarida muhim o'rin tutadi.

Alisher Navoiy butun hayoti va foliyatini insonning baxt-saodati, xalqining farovonligiga bag'ishladi. Navoiy dinu diyonatni mahkam ushlagan, bu yo'ldan aslo adashmagan ulug' siymo edi. U iymon, insof, diyonat, saxovat, muruvvat kabi insoniy qadriyatlariga hamisha amal qilib yashadi va e'zozladi. Boshqalarni ham shunga da'vat qildi.

Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy ijodining, uning amaliy faoliyatining markaziy, yo'nalish nuqtasi ham hamma narsadan oldin — insondir. Ana shu inson Navoiy talqinida ijodkor, qobiliyatli, dono, bilimli, sabru qanoatli, sahiy, himmatli, rostgo'y, adolatli, insonparvar, do'stga sodiq, va'dasiga vafodor, kamtar shaxs kabi sifatlarni mohiyatini anglab yetishga o'rgatish kerak.

ADABIYOTLAR

1. Donishmanlar tuhfas. — Toshkent, 2009.
2. Alisher Navoiy. "Maxbub ul-qulib. T. G'.G'ulom nashriyoti. 1993 y.
3. Navoiyga armug'on. 5-kitob. — Toshkent: O'zbekiston, 2006.



УДК 159.9.02

Нозима МУЛЛАБАЕВА,
Ўзбекистон Миллий университети доценти
E-mail: noz1978@mail.ru

псих.ф.д. Қодиров К.Б тақризи асосида

МАКТАБДАГИ ХАВФСИЗЛИК МУҲИТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР (СМОВ СЎРОВНОМАСИ АСОСИДА)

Аннотация

Ушбу мақолада мактабдаги психологик хавфсизлик муҳитни аниқлаш сўровномаси бўйича таҳлиллар келтириб ўтилган. Х.Каспернинг СМОВ (Schülermobbing) “Мактаб моббинги” сўровномаси орқали олинган маълумотларнинг статистик таҳлили келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Моббинг, буллинг, ўқувчилар, қизлар, ўғил болалар, мактабдаги буллинг.

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА УСЛОВИЯ БЕЗОПАСНОСТИ В ШКОЛЕ (НА ОСНОВЕ АНКЕТЫ СМОВ)

Аннотация

В данной статье представлен анализ анкеты для определения психологической среды безопасности в школе. Статистический анализ Х.Каспера СМОВ (Schülermobbing) данных, полученных с помощью упомянутого вопросника "Школьный моббинг".

Ключевые слова: Моббинг, буллинг, школьники, девочки, мальчики, буллинг в школе.

FACTORS AFFECTING THE SAFETY ENVIRONMENT IN SCHOOL (BASED ON SMOB QUESTIONNAIRE)

Abstract

In this article, the analysis on the questionnaire for determining the psychological safety environment in the school is presented. X.Kasper's SMOB (Schülermobbing) statistical analysis of the data obtained through the questionnaire "School mobbing" mentioned.

Keywords: Mobbing, bullying, pupils, girls, Boy children, bullying in school.

Кириш. Психология фанида хавфсизлик масалалари XX асрнинг ўрталарига келиб кенг таҳлил қилина бошланди, биринчи бўлиб бу муаммо психологиянинг гуманистик йўналишлари вакилларида (А.Маслоу, Э.Фром, К.Хорни) кузатилди. Собик совет психологиясида хавфсизлик масалалари XX асрнинг 70 йиллар охири ва 80 йиллар бошларида алоҳида ўрганила бошланди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Психологик хавфсизлик кўринишлари аксарият ҳолатларда ахборот хавфсизлиги, ташкилий хавфсизлик масалалари таркибида ўрганила бошланди (Г.В.Грачев, В.Е.Лепский, Т.С.Кабаченко). Ахборот психологик хавфсизлиги алоҳида шахслар ёки алоҳида гуруҳлар хавфсизлиги сифатида тушунилади. Бу аксарият ҳолатларда жамият учун муҳим бўлган шахс ёки кичик гуруҳлар олинади. Психологик хавфсизлик деструктив маданият ва тоталитар секталар (Е.Н.Волков) ҳимояланиш назарда тутилади. Тадқиқотларда хавфсизликни ижтимоий психологик жиҳатлари таҳлил қилинади, уларнинг асосида эса низога мойиллик йўналиши (А.Н.Сухов) ётади.

Таҳлил ва натижалар. Мактабдаги хавфсиз муҳитни аниқлаш мақсадида мактабда психологик хавфни вужудга келтирувчи омиллар таҳлил қилинди. Биринчи методика Х.Каспернинг СМОВ (Schülermobbing) “Мактаб моббинги” сўровномаси ҳисобланади. Мактабдаги зўравонлик ҳолатлари жуда кўп маротаба такрорланганлиги сабабли Х.Каспер Х.Леман билан

биргаликда буллингга қаршилик кўрсатиш усуллари таҳлил қилишга ҳаракат қилган.

Сўровнома қурбонларнинг ҳиссиётларини таҳлил қилиш имконини бермайди, агар ҳиссиётлар ҳам инобатга олинганда таҳлил имконияти пасайган бўлар эди.

Ўзбекистон шароитида бу саволнома умуман ўтказилмаганлиги сабабли биз ҳар бир саволни маълум бир туркумларга бўлиб таҳлилин амалга оширишга ҳаракат қилдик.


«Бошқалар сизнинг эркин гапиришингизга йўл қўймадилар» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги таҳлили (1-жадвал) амалга оширилганда қуйидаги жинс тафовутлари аниқланди. Биз саволномани таҳлил қилиш жараёнида айнан сўзлашиш имкониятига нисбатан умумий таҳдидларни таҳлил қиламиз, синалувчиларимизнинг сони 2696 нафарлигини инобатга олсак жами 1968 маротаба (72,99%) ўқувчиларда сўзлашишга нисбатан таҳдид амалга оширилиши кузатишимиз мумкин. Таҳлил натижасини кузатадиган бўлсак бундай таҳдидлар фоиз ҳисобидан жуда юқорилиги билан ажралиб туради. Қизларга нисбатан сўзлашишга нисбатан таҳдид 1107 та (74,24%) вазиятларда намоён бўлар экан, ўғил болаларда бу ҳолат 861 (71,45%) маротаба амалга оширилиши кузатилди. Мен бирон бир нарсга айтмоқчи бўлганимда, бошқа болалар доимо мени гапимни бўлишади мазмунидаги жавоблар қизларда 574 (51,9%) маротаба, ўғил болаларда эса 395 маротаба (45,9%)ни ташкил қилди.

1-жадвал.

«Бошқалар сизнинг эркин гапиришингизга йўл қўймайдилар» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги таҳлили

		Жинси		Жами
		Қиз болалар	Ўғил болалар	
Бошқа болалар менга атрофдагилар билан эркин гаплашишимга ҳалақит беришади	Сони	397	322	719
	Фоизи	35,9%	37,4%	
Мен бирон бир нарса айтмоқчи бўлганимда, бошқа болалар доимо мени гапимни бўлишади	Сони	574	395	969
	Фоизи	51,9%	45,9%	
Бошқа болалар менга ҳеч қачон сўз бермайдилар	Сони	124	106	230
	Фоизи	11,2%	12,3%	
Ўқитувчим мени тингламайди ёки гапиришимга йўл қўймайди	Сони	191	139	330
	Фоизи	17,3%	16,1%	
Жами	Сони	1107	861	1968

Сўзлашишга нисбатан таҳдиднинг энг кам фоизи «Бошқа болалар менга ҳеч қачон сўз бермайдилар» тушунчасида келтириб ўтилган, бу кўрсаткич қизларда 11,2% (124), ўғил болаларда 12,3 %ни (106) ташкил қилганлигини кузатишимиз мумкин.



1-расм. «Бошқалар сизнинг эркин гапиришингизга йўл қўймайдилар» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги таҳлили

«Бошқалар сизни рад этишади» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги таҳлилини кузатиб, қуйдаги ҳолатларни аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал.

«Бошқалар сизни рад этишади» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги таҳлили

		Жинси		Жами
		Қиз болалар	Ўғил болалар	
Бошқа болалар мен билан гаплашишмайдилар	Сони	140	110	250
	Фоизи	16,9%	15,8%	
Бошқа болалар менинг улар билан гаплашишимни хоҳламайдилар	Сони	105	112	217
	Фоизи	12,7%	16,1%	
Бошқа болалар мени жойимдан ҳайдайдилар	Сони	67	93	160
	Фоизи	8,1%	13,4%	
Баъзи болалар бошқаларга мен билан гаплашишни тақиқлашади	Сони	154	91	245
	Фоизи	18,6%	13,1%	
Мени ўйинларга қабул қилиш майди	Сони	95	121	216
	Фоизи	11,5%	17,4%	
Менга худди ўзим йўқдек, бўш жой каби муносабат билдиришади	Сони	120	82	202
	Фоизи	14,5%	11,8%	
Менга ёзма таҳдидлар юборишади	Сони	62	38	100
	Фоизи	7,5%	5,5%	
Мени мулоқотдан четлаштирадиган бошқа шакллар мавжуд	Сони	221	149	370
	Фоизи	26,7%	21,4%	
Жами	Сони	827	696	1523

«Мени мулоқотдан четлаштирадиган бошқа шакллар мавжуд» жавоби қизларда 26,7% (221 та), ўғил

болаларда 21,4% (149 та) ни ташкил қилди. Энг кам такрорланувчи тахдид сифатида “Менга ёзма тахдидлар юборишади” жумласига нисбатан айtilгани ҳисобланди. Қизларда бу натижа 7,5% (62 та)ни, ўғил болаларда эса 5,5 % (38 та) ни ташкил қилганлигини кузатишимиз мумкин. Демак, ҳозирги кунда ёзма тахдидларга нисбатан очик тахдид қилиш ҳолатлари юқори бўлиб, ўқувчилар тахдид

қилиш вақтида ёзма сўзлардан кўра уларни маълум бир фаолиятидан четлаштириш самаралироқ деб ҳисоблашлари кузатилади экан.

«Бошқаларнинг салбий муносабатда бўлишлари» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги тахлилини кузатиб, қуйидаги ҳолатларни аниқладик (2-расм).

Бошқаларнинг салбий муносабатда бўлишлари



2-расм. «Бошқаларнинг салбий муносабатда бўлишлари» туркумидаги фикр-мулоҳазаларнинг жинс кесимидаги тахлили

«Юқорида ўқиган ҳаракатларингиз сизга нисбатан қанчалик вақтда қайта содир бўлади?» саволига берилган жавобларнинг жинс кесимидаги тахлили бу зўравонлик, буллинг ҳолатлари ўқувчиларга нисбатан такрорланиш частотаси тахлил қиладиган жавоблардан бири ҳисобланади. Бунда синалувчилар фақат битта жавобни танлашлари керак. Биз 2696 нафар синалувчиларнинг жавобларини тахлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бизни қувонтирган жавоблардан бири бу “ҳеч қачон” жавоби эди. Қизларнинг 62,4% (930 нафар), ўғил болаларнинг 58,8% (709 нафари)ни айнан шу жавобни қайд этганлар.

Демак, қизлар ҳамда ўғил болаларнинг кўпчилигида буллинг билан боғлиқ вазиятлар содир бўлмаслигини кузатишимиз мумкин. Бироқ 70 нафар қиз болалар ва 82 нафар ўғил болалар буллинг вазиятининг ҳар куни содир бўлишини келтириб ўтишган. Умумий фоиз ҳисобида бу 5,6 фоизни ташкил қилса ҳам мактабларда барибир бундай ҳолатларнинг содир бўлиш эҳтимолини йўқотмайди. Натижалар тахлилини кузатадиган бўлсак, 39,2% ўқувчиларда буллинг ҳолатлари маълум бир вақт оралиғида содир бўлишини кузатишимиз мумкин. Демак, 40%га яқин ўқувчиларда барибир буллинг ҳолатлари

содир бўлар экан. Бу албатта катта кўрсаткич билан ишлаш, уларни тинглаш мақсадга мувофиқдир. ҳисобланади. Бундай вазиятларда албатта ўқувчилар

3-жадвал.

«Юқорида ўқиган ҳаракатларингиз сизга нисбатан қанчалик вақтда қайта содир бўлади?» саволига берилган жавобларнинг жинс кесимидаги таҳлили

		Жинси		Жами
		Қиз болалар	Ўғил болалар	
Ҳар куни	Сони	70	82	152
	Фоизи	4,7%	6,8%	5,6%
Деярли ҳар куни	Сони	108	105	213
	Фоизи	7,2%	8,7%	7,9%
Тахминан, ҳафтасига бир марта	Сони	118	116	234
	Фоизи	7,9%	9,6%	8,7%
Ойига бир неча марта	Сони	88	90	178
	Фоизи	5,9%	7,5%	6,6%
Ойига бир неча мартадан кам	Сони	177	103	280
	Фоизи	11,9%	8,5%	10,4%
Ҳеч қачон	Сони	930	709	1639
	Фоизи	62,4%	58,8%	60,8%
Жами	Сони	1491	1205	2696
	Фоизи	100,0%	100,0%	100,0%

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Х.Каспернинг SMOB (Schülermobbing) Мактабдаги моббинг сўровномасини Ўзбекистон шароитида қўллаш самарали натижалар беради ва мактабдаги буллинг

вазиятларини батафсил таҳлил қилиш ва объектив хулосалар чиқариш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

АДАБИЁТЛАР

1. Волкова И.В. Характеристика подросткового буллинга и его определение. Вестник Мининского университета. 2016. № 2 (15). С. 26.
2. Гришина Т.Г. Исследование буллинга среди школьников: обзор зарубежных исследований. Современная прикладная психология: теория и практика: сборник статей Международной научно-практической конференции: в 2 т. / под ред. Т.Н. Мельникова, Н.Т. Колесник. Т. 2. М.: ИИУ МГОУ, 2017. С. 14-17.
3. Джимерсон С.Р. и др. Справочник по вопросам школьного насилия и школьной безопасности: международное исследование и практика. Нью-Йорк, 2012.
4. Екимова В.И., Залалдинова А.М. Жертвы и обидчики в ситуации буллинга: кто они? Современная зарубежная психология, 2015. т. 4. № 4. С. 5-10.
5. Муллабаева Н.М. Буллинг тушунчаси ва уни вужудга келтирувчи омиллар таҳлили. ЎзМу хабарлари, 2021 й 1/6/3.
6. Муллабаева Н.М. Мактабдаги хавфсизлик ўсмир шахси таракқиётининг омили сифатида. ЎзМУ хабарлари, 2021/1/6
7. Петросянц В.Р. Психологические характеристики старшеклассников, участников буллинга в образовательной среде // Письма в Эмиссия. Оффлайн (The Emissia. Offline Letters): электронный научный журнал. Ноябрь 2010, ART 1479. - СПб., 2010 г. – URL
8. Mullabaeva N. M., Kadirov K.B., Boymirzaeva D.D., Bondareva E. V. Relationship Between Propensity To Risky Behaviorand Psychogeometrical Types Of Personality// European Journal of Molecular & Clinical Medicine ISSN 2515-8260 Volume 07, Issue 01, 2020



Инобат МУСТАФӨЕВА,

Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси

E-mail.inobatmустаfoyeva@mail.ru

Псих. бўйича фалсафа доктори (PhD) Ф. Чориев тақризи остида

PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE TEACHERS

Abstract

The article is devoted to the psychological characteristics of the manifestation of professional competence in future teachers. Also in the text of the article the phenomenon of professional competence and its psychological significance, psychological factors influencing the formation of professional competence, professional knowledge and skills, professional knowledge and skills. Also, such issues as determinants, psychological aspects of professional competence of future teachers are considered in detail.

Key words: Profession, education, professional competence, professional skills and competencies, professional training, psychological identity, professional self-development, professional reflection, successful education, skill level, motivation, cognitive factors.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ

Аннотация

Статья посвящена психологическим особенностям проявления профессиональной компетентности у будущих учителей. Также в тексте статьи феномен профессиональной компетентности и его психологическая значимость, психологические факторы, влияющие на формирование профессиональной компетентности, профессиональных знаний и умений, профессиональных знаний и умений. Также подробно рассматриваются такие вопросы, как детерминанты, психологические аспекты профессиональной компетентности будущих учителей.

Ключевые слова: Профессия, образование, профессиональная компетентность, профессиональные навыки и компетенции, профессиональная подготовка, психологическая идентичность, профессиональное саморазвитие, профессиональная рефлексия, успешное образование, уровень мастерства, мотивация, когнитивные факторы.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК НАМОЁН БЎЛИШИНING ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мазкур мақола бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентлик намоён бўлишининг психологик хусусиятлари мавзусига бағишланган. Шунингдек, мақола матнида касбий компетентлик феномени ва унинг психологик моҳияти, касбий компетентлик шаклланишига таъсир этувчи психологик омиллар, касбий билим ва кўникмалар, касбий маҳорат, касбий муҳим сифатлар, касбий компетентликни таъминловчи психологик детерминантлар, бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигининг психологик жиҳатлари каби масалалар ҳам батафсил ёритилган.

Калит сўзлар: Касб, касбий компетентлик, касбий кўникама ва малакалар, касбий тайёргарлик, психологик ўзига хослик, касбий ўз-ўзини ривожлантириш, касбий рефлексия, муваффақиятли таълим, ўзлаштириш даражаси, мотивация, когнитив омиллар.

Кириш. Психологик мазмунга кўра, инсоннинг бирор соҳага бўлган назарий ва амалий тайёргарлиги касбий компетентлик саналиб, у касбий компетентлик билан кенгрок тушунилади. Ҳозирга қадар компетенция ва касбий компетентлик борасида кўплаб назарий қарашлар мавжуд бўлиб, аксарият тадқиқотлар психология ва педагогика фанлари доирасида амалга оширилган изланишлар ҳисобланади. Гарчи, педагогика фанида ҳам компетентлик муаммоси кенг қамровли тадқиқ этилсада, бироқ касбий компетентликка оид психологик билимлар ўта аҳамиятли саналиб, уларни ўрганиш муаммо борасида кўплаб қизиқарли ва аҳамиятга молик маълумотларни бериши табиийдир. Моҳиятан қаралганда, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда компетенциявий ёндошувнинг роли, ўз мазмунида компетентлик, касбий компетентлик, касбий-психологик тайёрлаш каби масалалар билан узвий боғлиқ саналиб, уларни тадқиқ этиш бўлажак педагог ходимларни касбий фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ муаммоларга ечимлар олиб келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

“Касбий компетентлик” моҳиятан, кенг қамровли психологик тушунча саналиб, унда шахсга хос рефлексив,

прогностик, аналитик, ташкилий, коммуникатив, проекцион ҳамда ташкилий жиҳатлар мужассамдир. Демак, касбий компетенция – инсоннинг қадриятлар оламига кириши ҳисобланиб, айнан унда инсон мутахассис сифатида ўзини англайди ва янгилик яратади. Шунингдек, касбий компетенция инсондаги соҳага оид билим, кўникама, малака, тажриба, қобилият, истеъдод, касбий фазилятлар, мотивация ҳамда қатор характерологик сифатлар мазмунига ҳам жавоб берувчи феномен ҳисобланади. Уни тадқиқ этиш касб ва шахс ҳақида ўта аҳамиятли, қизиқарли маълумотларни аниқлашга имкон бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Катта психологик луғат китобида келтирилишича, касбий компетенция қуйидагича изоҳланади: “касбий компетентлик бу – билим, касбий ўз-ўзини англаш, тажриба тўплаш, касбий истикболни баҳолай олиш, ҳатти-ҳаракатлар стратегиясини танлаш қобилияти, касбий вазифаларни самарали бажариш тажрибасидир” [1,417]. Мазкур таърифга мувофиқ, касбий компетенция-фаолият самарадорлигини таъминловчи психологик хусусият саналиб, унда касбий вазифаларни ҳал этишнинг индивидуал услуби ҳам мавжуд.

Юқоридагилардан фарқли ўлароқ, Э.Г.Исламгалиевнинг айтишича, касбий компетентлик феноменининг мазмуни фаолият жараёнига хос билим, кўникма ва усуллар тизимида таҳлил этилиши лозим яъни[2,77]:

- Шахс фаолияти сифатида;
- Шахснинг ўзига хос хусусияти сифатида;
- Мустақил, самарали, масъулиятли хатти-ҳаракат тури сифатида;
- Акмеологик тушунча сифатида;
- Касбий маҳоратнинг муҳим таркибий компоненти сифатида.

Мавзунга оид адабиётлар таҳлили. Психология фанида касбий компетентлик ва касбий мувофиқлик масалалари тадқиқотчилардан Г. Гнедина, С.А. Попов, Н.А. Цветкова, Е.В. Снегова, А.П. Рожкова, А.А. Жданович, И.Ю. Кузнецов В.В. Богданова, А.К. Марковой, Л.М. Митиной, В.Д. Шадрикова, И.А. Зимней, Э.Ф. Зеера, В.И. Байденколар томонидан кенг тадқиқ этилган бўлиб, мазкур муаллифлар томонидан олиб борилган изланишларнинг мазмуни кенг миёсда мазмунида акс этган.

Бундан ташқари, касбий компетентлик феномени кенг қамровли категория саналиб, унда психологик, социологик, педагогик, фалсафий ёндошувлар ҳам фаркланади. Куйида ушбу ёндошувларда акс этган ўзига хос қарашлар ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Психологик ёндошувга кўра, касбий компетенция – ҳозирги замон талаблари асосида касбий вазифаларини мохирона бажара олиш, ўз билим, кўникма ва малакаларни амалиётга қўллаб олиш қобилиятидир. Бунда, билим касб учун олинган барча керакли маълумотлар тизими саналади. Малака эса, олинган билимларни амалиётга қўллаш тажрибаси сифатида қаралади. Шунингдек, мазкур ёндошувга биноан, касбий компетенцияни таҳлилида инсондаги ишлаш қобилияти, мотивация даражаси, ҳаётий вазиятларга тез мослаша олиш кўникмаси кабилар ҳам, эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ саналади.

Тадқиқот методологиси. Компетенция тушунчасининг илк методологик асослари, замонавий психологик тадқиқотларга мос ҳолда, илмий омма ихтиёрига ҳавола этилди. Бундан ташқари, XX аср охири – XXI аср бошларида амалга ошган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳодисалар шунингдек, соҳалараро амалга оширилган илғор тадқиқотлар ва замонавий жамиятнинг касбларга бўлган эҳтиёжи кабилар ҳам кенг таъсир этди. Қолаверса, 19 аср охири ва 20 аср бошларида психология ва педагогика фанларида яратилган, касбий фаолиятнинг ўзига хосликлари борасидаги назариялар ва концепциялар, “касбий компетентлик” феноменини кенг тадқиқ этиш заруратини янада ошира борди. Касбий компетентликка оид ёндашувлар ичида психологик қарашлар ўзига хос саналиб, унда касб ва шахсга қўлаб характерологик сифатлар, касбий муваффақиятни таъминловчи психологик омилларнинг мазмуни акс этган. Мазкур ёндашувда кўра, муаммони ўрганишнинг қўлаб услубий жиҳатлари эътироф этилиб, уларга касбий фаолиятда шахс имкониятларини текширувчи методикалар, сўровномалар, тестлар кабиларни мисол қилиш мумкин. А.М.Новиковнинг сўзларига кўра, шахснинг фаолиятга нисбатан мослашувчанлик қобилияти, вазифаларни бажаришга бўлган ижодийлик даражаси, ҳамкорлик қилишга нисбатан истакнинг юқорилиги кабилар касбий компетентликни тушунтирувчи психологик унсурлардир[3]. Дарҳақиқат, ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлиги учун аввало, хоҳиш-истак ва ижодкорлик ўта аҳамиятлидир. Тадқиқотчилар Дж.Равен, К.Куртларнинг

хулосаларига кўра, касбий компетенция бу-шахснинг қадриятлар тизими, шахс ва жамият муносабатлари, шахснинг ўзини тута билиш стратегияси, фаолиятда жамият талабларини тезда идрок этиш, ўз ролини англаш, қулай вазиятларни кутиш, шахслараро муносабатларни етарли даражада тушуна олиш, хулқ-атвор меъёрларига тўлиқ амал қилиш, касбий билимлардан мохирона фойдалана олиш қобилияти кабиларда ҳам аниқ намоён бўлади[4,42]. Демак, қадриятлар тизимига содиқлик, жамиятда ўз ролини англаш касбий компетентлик шаклланганлигининг яққол ифодаси ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар бир шахсда меҳнат функцияларини бажаришга ва жараёнларни ташкил этишга қобилият бўлиши лозим. Агарда, ушбу сифатлар бўлмаса, фаолият самарадорлиги ҳақида ўйлаш ҳақиқатдан холи саналади. Касбий компетенциянинг шаклланганлик даражаси бу – бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлик ҳолати билан узвий боғлиқ саналиб, унда малака, ишлаш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш, касбий камолотга эришиш каби жиҳатлар ажратилади. Синалувчиларнинг сўровнома бўйича тўплаган натижалари ўзаро ўрта даражадаги қийматни қайд этган. Шунингдек, Краскал-Уоллис мезонига кўра, биринчи шкала ижтимоий-ахлоқий етуқлик педагогика университети талабаларида 120,70, техника университети талабаларида 150,40 ва 115,70 натижа билан ўртача фарқни намоён қилган. (* – $p \leq 0,05$; ** – $p \leq 0,01$; *** – $p \leq 0,001$). Маънавий етуқлик шкаласи педагогика йиғналиши талабалари 125,30, техника йўналиши талабалари 143,90 ва бошқа текширилувчилар 128,50 каби даражалар билан ўзаро юқори фарқларни намоён этган. Кейинги шкала, ижтимоий интеллект бўйича, педагогика йўналиши текширилувчиларида 126,70, марказий округ ҳарбий хизматчиларида 150,40 ва

Шу боис, кўпчилик тадқиқотчилар касбий компетенциянинг таркибий элементлари мавзусидаги илмий ишида, касбий компетентликнинг қадриятли-семантик, мотивацион, инструментал, индивидуал-психологик, конатив (ташқи дунёни ўзлаштиришга бўлган муносабат) каби таркибий қисмлар ўртасида ўзаро алоқалар мавжудлигини алоҳида таъкидлайди. Масалан, Е.В.Попова касбий компетенциянинг ўзгарувчан табиятини тавсифлаб, уни касбий тайёргарлик даври ҳамда касбий фаолиятнинг мазмуни билан асослашга ҳаракат қилади. Бизнингча, касбий компетентлик масаласини психологик жиҳатдан ўрганиш куйидаги компонентлар билан ҳам узвий боғлиқ саналади[5]:

– Мотивацион – қадриятли компонент - бу бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятга шахсий муносабати, унинг ўқув мотивацияси, шахсий мақсадлари ва қизиқишлари кабилар билан боғлиқ. Бундан ташқари, мазкур компонент фаолиятга бўлган ижобий ҳиссий муносабат, муваффақият ва муваффақиятсизликка етарлича даражада жавобнинг намоён бўлиши, ҳиссийлик, касбий фаолиятнинг аҳамияти тўғрисида хабардорлик, касбий ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тарбиялаш ҳамда ўзини такомиллаштириш ҳаракатларида яққол намоён бўлади;

– Когнитив компонент, бу ҳар бир бўлажак мутахассиснинг соҳа ҳақидаги тушунчалари, касбий тасаввурлари, қобилияти билимларни ўзлаштиришдаги ютуқлари, ўз келажагига бўлган муносабати кабилардан иборат;

– Фаолиятга асосланган компонент – бу мутахассисларда шаклланган кўникма ва малакалар даражаси билан тавсифланиб, унда умумий касбий махсус билимлар шунингдек, мавжуд кўникма ва қобилиятлардан самарали фойдалана олиш қобилияти, касбий фаолиятни янада ривожлантириш ва

такомиллаштиришга тайёргарлик кабилар орқали тушунтирилади;

– Шахслилик компонент – бу шахсга хос индивидуал психологик хусусиятлар тўпламидан иборат бўлиб, у ўқиш услуби, фаолият суръати ҳамда ўзаро муносабатлардаги сифатлар ва бошқалар билан тавсифланади.

Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда, касбий тайёргарлик ишларида, самарадор таълимни ташкил этиш, инновацион усулларни қўллаш, ўз вақтида соҳага оид топшириқларни бажариш, илғор назарий ва амалий билимлар билан танишиш кабиларга эътибор бериш эмас, балки шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари ҳам касбий компетенциялар шаклланиши учун муҳим

психологик асослар саналиб, улар орқали биз инсонларни ўзлаштиришда ўрта, юқори, паст даражадаги кишилар сифатида баҳолашга ҳаракат қиламиз. Юқоридагилардан келиб чикиб, касбий компетентлик масаласини ўрганиш юзасидан қуйидаги таклифларни келтириб ўтиш мумкин:

– Шахснинг касбий компетентлиги баҳолашда унинг когнитив имкониятларини ҳисобга олиш;

– Касбий компетентлик тадқиқ этишда шахснинг психологик хусусиятлари ҳамда шахсга хос типларнинг мавжудлиги юзасидан ёндашиш;

– Касбий компетентлик – динамик характердаги ходиса бўлиб, унинг шаклланиш шарт-шароитлари интеграцион таҳлилга таяниши лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Большой психологический словарь / Авдеева Н. Н. и др. ; под ред. Б. Г. Мещерякова, В. П. Зинченко. - 4-е изд., расш. - Москва : АСТ ; Санкт-Петербург : Прайм-Еврознак, 2009. – С.417.
2. Исламгалиев Э.Г. Профессиональная компетентность педагога (социология, анализ): Дисс. канд. соц. наук Екатеринбург, 2003. – С.77.
3. Новиков А.М. Интеграция базового профессионального образования // Педагогика. 1996 № 3. С. 3-8
4. Равен Дж. К Курт. Руководство к прогрессивным матрицам Равенна и словарным шкалам. М., 1996. – С.42.
5. Попова Е.В. Психолого-педагогическая компетентность учителя как условие повышения педагогической культуры: Дисс...канд. пед. наук. – Ростов н/ Д. – 221 с



УДК 372.881.111.1

Erkin MUKHAMMEDOV,
Senior Lecturer, Global Education Department,
School of Law, Technology and Education
Westminster International University in Tashkent
E-mail: emukhammedov@wiut.uz

Reviewed by Saida Akbarova, PhD, SOLTE, WIUT

ASSESSMENT LITERACY: FUNDAMENTAL CONSIDERATIONS IN COMPILING READING ITEMS

Abstract

Reading is one of the important skills at any level of education. It is vitally important to teach reading properly. However, assessing reading skills correctly is even more crucial. This article explores the factors that should be considered while designing a reading test. Factors considered in the article may be relevant to most levels of education. The article also attempts to improve teachers' assessment literacy by raising their awareness of various matters related to the assessment of reading.

Key words: Reading test, test taker characteristics, context validity, reading types, specifications

БАҲОЛАШ САВОДХОНЛИГИ: ЎҚИБ ТУШУНИШНИ БАҲОЛАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ТЕСТ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТУЗИШДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНИШИ МУҲИМ БЎЛГАН МАСАЛАЛАР

Аннотация

Ўқиш ҳар қандай таълим босқичидаги муҳим кўникмалардан биридир. Тўғри ўқишни ўргатиш жуда муҳимдир. Бироқ, ўқиш қобилиятларини тўғри баҳолаш янада муҳимроқдир. Ушбу мақола ўқиб тушуниш тестини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши керак бўлган омилларни ўрганади. Мақолада кўриб чиқилган омиллар таълимнинг кўп босқичларига тегишли. Мақолада, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўқиб тушунишни баҳолаш билан боғлиқ турли масалалар бўйича хабардорлигини ошириш орқали уларнинг баҳолаш саводхонлигини оширишга катта урғу берилади.

Калит сўзлар: Ўқиб тушуниш тести, тест олувчининг хусусиятлари, контекстнинг валидлиги, ўқиш турлари, спецификациялар

ОЦЕНОЧНАЯ ГРАМОТНОСТЬ: ОСНОВНЫЕ СООБРАЖЕНИЯ ПРИ СОСТАВЛЕНИИ ТЕСТОВЫХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ ОЦЕНКИ НАВЫКОВ ЧТЕНИЯ

Аннотация

Чтение является одним из важных навыков на любом уровне образования. Чрезвычайно важно правильно обучать чтению. Однако правильная оценка навыков чтения еще более важна. В этой статье рассматриваются факторы, которые следует учитывать при разработке теста на чтение. Рассмотренные в статье факторы могут быть актуальны для большинства уровней образования. В статье также предпринята попытка повысить грамотность оценивания учителей путем повышения их осведомленности о различных вопросах, связанных с оцениванием чтения.

Ключевые слова: тест на чтение, характеристики испытуемого, контекстная валидность, типы чтения, спецификации.

Introduction. Assessment literacy of the teachers at any level of education is crucial. This article attempts to raise English languages teachers' awareness of compiling reading tests and highlights the factors that should be carefully

considered in making reading items. The article first explores the designing process of the reading test, then discusses test taker characteristics. It further learns the issues around context validity, test specifications and other factors.

Process for the design of reading test




Figure 1 A Model of the Test Development Process (Saville, 2003)

Test design is not linear, but it is a cyclical process. Saville's (2003) Test Development Process model (Figure 1) best depicts that [1]. As can be seen the graph, the design process

commences with perceived need for a test which is followed by several phases such as planning, preparing initial

specifications, development, operational and monitoring phases.

Another important factor that should be carefully considered is the test takers and their characteristics.

Test Takers and Their Characteristics

It is vitally important to know the target population for the test, their age, first language, and their purpose of taking test. For example, many test takers of IELTS are over the age of 16 and their first language is other than English and one reason they take it is to fulfil visa requirements to enter the UK and

show that they are proficient enough to study at a university with English medium-instruction. Arguably, test takers' characteristics should be considered in early stage of test design. "Although success in language learning and assessment is mainly dependent on the individual's ability in the intended construct, variables which are related to personal characteristics may also impact on test performance" (Khalifa and Weir, 2009, p.18) [2]. O'Sullivan (2000, pp.71-72) proposes the following three test taker characteristics: physical/physiological, psychological and experiential (cited in Khalifa and Weir, 2009, p.18) [2]:

Physical/Physiological	Psychological	Experiential
Short-term ailments (e.g. toothache, cold)	Personality	Education
Long-term disabilities (visual impairment)	Memory	Examination preparedness
• Age	Cognitive style	Examination experience
Gender (originally sex)	Affective schemata	Communication experience
	Concentration	Target language country residence
	Motivation	
	Emotional state	

Figure 2 Test taker characteristics

Any organizations or teachers that deal with preparation of tests, especially high-stakes proficiency tests should bear these characteristics in mind and be ready to accommodate them where relevant. As of the first bullet point of column one on the left of the table, although short term ailments are most likely to affect test performance, nothing could be done by the test-making organization or individuals. However, long term disabilities must be considered carefully. For example, candidates with dyslexia will be given extra time to be fair to them. A special Braille version of the test will be prepared for those who are visually impaired. Moreover, enlarged print versions of the test will be provided for visually challenged candidates. Khalifa and Weir (2009, p.23) also propose a reader, an independent person who is appointed by a testing organization to read aloud to a candidate who is visually impaired and not very good at Braille [2]. As for psychological and experiential categories, giving test takers enough information about the test, how it is structured and assessed, some sample tests to practise will help to cater those characteristics.

Context Validity

Context validity is another crucial element that should be taken into account. According to Weir (2005, p.19), "context validity is concerned with the extent to which the choice of tasks in a test is representative of the larger universe of tasks of which the test is assumed to be a sample" [3]. It is quite difficult to say that most reading tasks form part of the daily lives of test takers. For example, we do not do a *True/False/Not Given* type of task. However, the types of reading (see the discussion below) they do to answer the questions are very common.

Test Specifications

Test specifications contributes to context validity. "A test should always be constructed on an explicit specification, which addresses both the cognitive and linguistic abilities involved in activities in the language use domain of interest, as well as the context in which these abilities are performed" (Weir, 2005, p.14) [3]. Test designers should make the test specification for the reading test as explicit as possible. However, as Cronbach (1984, p. 122) rightly argues 'no test can put all desirable qualities into one test' [4]. Despite this, every effort should be made to accommodate everything in the test specifications.

Purpose of the reading test

Any test specifications should clearly present the purpose of the test. "A test that does not have an explicitly defined purpose creates *validity chaos*" (Chalhoub-Deville & Fulcher cited in Fulcher and Davidson, 2009, p.125) [5]. A test may have a gatekeeping function, in other words, it must discriminate those who have the ability to study at certain level from those who do not have a sufficient level of reading ability to pursue a course. Carefully considering what has been discussed so far will help provide priori evidence. Also test designers ensure that they compile enough number of items to be able to make valid inferences about the reading abilities of test takers. As Hughes (2003, p.44) mentions, "the more items that you have on a test, the more reliable that test will be" [6]. Test designers' ultimate goal is to make the test not only reliable but also valid.

Before starting to discuss the response format, different types of reading should be explored. Based on Khalifa and Weir (2009), here are various types of reading [2].




Figure 2 Types of Reading (Based on Khalifa and Weir, 2009)

As can be seen from Figure 3, there are two types of reading: expeditious and careful. Khalifa and Weir (2009) define expeditious reading as "reading quickly, selectively and efficiently to access desired information in a text" (p.46) [2]. Skimming, scanning and search reading are the techniques used in expeditious reading. "Careful reading is intended to

extract complete meanings from presented material" (Khalifa and Weir, 2009, p.46) [2]. Both careful and expeditious reading can happen at the local and global level.

Response format

While designing a test, different test methods can be employed as they may test different reading types and skills.

One of the commonly used methods is *multiple-choice questions* (MCQ). Multiple-choice items are widely used in testing receptive skills (reading and listening) because they lend themselves to objective marking and tend to have high reliability. Furthermore, a computer can mark these types of items easily. Khalifa and Weir (2009, p.83) point out another two advantages of MCQs [2]. They believe that well-constructed MCQs usually discriminate between strong and weak candidates very well [2]. Another advantage is that "difficulty can be increased or lessened appropriate to the level through careful selection of text and manipulation of distractors" (Khalifa and Weir, 2009, p.83) [2]. However, multiple-choice items are also criticised for not reflecting the real world and therefore considered meaningless (Fulcher and Davidson, 2007, p.63) [7].

MCQs can be used to test reading for main ideas. Here, to speak the same language with the reader, what's meant by 'main ideas' should be clarified. Any text has a gist (the main topic/subject) and usually many main ideas that contribute to the gist. A candidate can use expeditious reading skills at global level. It is not easy to come up with plausible distractors for MCQs. For example, if one of the distractors is a negative sentence and the other three are positive, this may not be the best practice. Test designers should make sure the consistency in distractors by offering two negative and two positive options. Another matter is the length of distractors which should be identical; one should not be longer than others.

True/false is one of versions of multiple-choice questions in fact. The only difference here is two options not four unlike MCQs. Alderson (2000) states that chances for guessing is 50%, as one of the options is right and other one is wrong [8]. Khalifa and Weir (2009, p.85) also argue "there may be less discrimination between candidates across the ability range" [2]. Considering those comments, like other international tests, the third option - Not Given should be added. This method can be used to test the candidate's ability to infer the meaning by carefully reading at the global level.

The next test method which can be used in the reading test is *multiple matching*. Again, this is widely used because it is easy to mark objectively. However, Alderson (2000) points out that "matching is subject to the (same?) criticism as multiple-choice, in that candidates may be distracted by the choices they would not otherwise have considered" [8]. This is also a valid argument; in the real world, people are not always distracted. To be able to do this task type, careful reading at the global level is required.

Short-answer questions can also be used in the reading test. To answer these types of questions expeditious reading at the local level will be sufficient. Alderson (2000) points out some disadvantages of this type test method [8]. Although answers are limited to a certain number of words, it is not always possible to predict what test takers will come up with. Thus, the answer key must be prepared carefully including all answers, if possible. Unlike the MCQs, short-answer questions cannot be checked objectively. At times, test takers answers can be interpreted differently. In addition, a computer cannot check this effectively.

Gapped summary completion is another test method used in the reading test. A test taker will carefully read at the global level to complete this type of test. One thing that makes this task difficult is that the candidate is not just required to lift the words from the text and fill in the gap but the candidate needs to understand the text and complete the gap with synonyms given in the bank of words.

Weighting and Knowledge of Criteria

Weighting and knowledge of criteria are other factors which should be carefully considered in test design. All the items in the reading test should ideally be weighed equally. Every correct answer carries certain point(s). There should not be penalty for the wrong answer. As for the criteria for marking the items, one of them is spelling, which is important. If the word is not spelt correctly and it does not impede meaning then this answer should be accepted as correct and the candidate will be awarded certain point(s) for that answer. However, if the misspelt word impedes meaning, then the candidate will not be given a mark for that certain answer.

Text Length and Administration of the Test

Test specifications document should clearly indicate length of reading texts and time spent on completing reading test.

Linguistic input and output

Text purposes. Khalifa and Weir (2009, p.105) discuss five purposes of the texts (based on Jakobson, 1960) "referential (intended to inform), conative (intended to persuade or convince), emotive (intended to convey feelings or emotions), poetic (intended to entertain) and phatic (intended to keep in touch)" [2]. Test specifications document should also clearly indicate the types of text used in the reading test.

The readability difficulty level is indicated in Flesch Kincaid. For example, CAE is 9.6 in Flesch-Kincaid (Khalifa and Weir, 2009, p.122) [2]. Test specifications document should clearly show the readability difficulty.

Avoidance of Test Bias. Another factor is test bias. Bachman (1990) argues that the test should "consider four potential sources of test bias: cultural background, background knowledge, cognitive characteristics, native language/ethnicity/ age and gender" [9]. Test designers should avoid all those sources of test bias.

Washback. Washback contributes to Consequential Validity. Test designers ensure the reading test will have a positive washback. However, Messick (1996) argues "a poor test may be associated with positive effects and a good test with negative effects because of other things that are done or not done in the educational system" (p. 242) [10].

Conclusion. A test design and achieving test validity are complex processes in which test designers should thoroughly examines the factors discussed above. Teachers and professionals working for testing organizations who are assessment literate could be able to compile a reading test that well-discriminates a good reader from the poor one. Only by following various matters discussed in the article, a solid foundation can be laid towards making a good reading test.

REFERENCES

1. Saville, N. (2003). The process of test development and revision within UCLES EFL. In Milanovic, M. & Weir, C. (Eds.), *Continuity and Innovation: Revising the Cambridge Proficiency in English Examination 1913-2002* (Vol.15, pp.57-120). Cambridge University Press.
2. Khalifa, H. & Weir, C. (2009). *Examining reading*. Cambridge, UK: Cambridge University Press.
3. Weir, C. (2005). *Language testing and validation*. Basingstoke: Palgrave Macmillan.
4. Cronbach, L. J. (1984). *Essentials of psychological testing*. Fourth edition. New York: Harper and Row
5. Fulcher, G., & Davidson, F. (2009). Test architecture, test retrofit. *Language Testing*, 26 (1), pp.123-144.
6. Hughes, A. (2003). *Testing for language teachers*. Cambridge: Cambridge University Press.

-
7. Fulcher, G., & Davidson, F. (2007). *Language testing and assessment*. Abingdon: Routledge.
 8. Alderson, J. C. (2000). *Assessing reading*. Cambridge: Cambridge University Press.
 9. Bachman, L. (1990). *Fundamental considerations in language testing*. Oxford: Oxford University Press.
 10. Messick, S. (1996). Validity and washback in language testing. *Language Testing*, 13(2), 241-256



UDK [37.091.33:621.3/38.004].001.76

Laziz NEMATOV,
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti stajyor-tadqiqotchisi
E-mail: laziznemat@mail.ru

Buxdavlrat universiteti professori, p.f.d. Olimov Shirinboy Sharofovich, Taqrizchi:

TEXNIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA “ELEKTROTEKNIKA VA ELEKTRONIKA” FANINI O'QITISHNI TAKOMILLASHTIRISH METODIKASI

Annotatsiya

Maqolada texnika oliy ta'lim muassasalarida “Elektrotehnika va elektronika” fanini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o'qitishni tashkil qilishning maqsadi va vazifalari, o'qitish metodikasi, fanining predmeti, qonuniyatlari, tamoyillari, ularning o'ziga xosliklari, o'qitish jarayonlari va teskari-alloqa – bilim olish haqida bayon qilingan.

Kalit so'zlar: Ta'lim, “Ta'lim to'g'risida”gi Qonun, Davlat ta'lim standarti, o'quv rejasi, mutaxassislik fanlari, maxsus fanlar, ta'lim berish jarayoni, didaktika, didaktik jarayon, texnik fanlar, ta'lim, tarbiya, predmet, qonuniyat, tamoyil, o'qitish jarayoni, tizim, tasnif, sifat, belgilovchi ko'rsatkichlar, o'qish, uslubiy, yondoshuv.

МЕТОДИКА УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА «ЭЛЕКТРОТЕХНИКА И ЭЛЕКТРОНИКА» В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ

Аннотация

В статье описаны цели и задачи организации преподавания предмета “Электротехника и электроника” в технических вузах на основе современных педагогических и информационных технологий, методы обучения, предмет, закономерности, принципы, их специфика, процессы обучения. и обратная связь - информация.

Ключевые слова: Образование, Закон об образовании, Государственный образовательный стандарт, учебная программа, специальности, специальные предметы, учебный процесс, дидактика, дидактический процесс, технические науки, образование, воспитание, предмет, закон, принцип, учебный процесс, система, классификация, качество, определение показатели, чтение, методологический, подход.

METHODOLOGY FOR IMPROVING TEACHING THE SUBJECT “ELECTRICAL ENGINEERING AND ELECTRONICS” IN TECHNICAL UNIVERSITIES

Annotation

The article describes the goals and objectives of the organization of teaching the subject “Electrical Engineering and Electronics” in technical higher education institutions on the basis of modern pedagogical and information technologies, teaching methods, subject, laws, principles, their specifics, teaching processes. and feedback - information.

Keywords: Education, Law on Education, State educational standard, curriculum, specialties, special subjects, teaching process, didactics, didactic process, technical sciences, education, upbringing, subject, law, principle, teaching process, system, classification, quality, defining indicators, reading, methodological, approach.

Kirish. Yangi O'zbekistonda amlga oshirilayotgan islohatlar, chunonchi – yangi tahrirda 2020 yil 23 sentyabr kuni qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi “Ta'lim to'g'risida”gi Qonunida bayon etilgan qoidalarni amalga oshirish va tayyorlanayotgan yo'nalishlar bo'yicha mutaxassis bakalavr, magistrlar sifatini jahon ta'limi andazalari talablariga mos tushishini taminlash, oliy talim oldiga qo'yilgan eng dolzarb masalalardan hisoblanadi.

Mamlakatimizda hozirgi paytda yoshlarga ta'lim va tarbiya berishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ta'lim-tarbiya hamisha jamiyat taraqqiyotining asosi bo'lgan. Chunki, inson jamiyatdagi barcha munosabatlar va aloqalarning markazida turadi. Fan-texnika va axborotdagi revolyutsiya inson va uning ilmiy-ma'rifiy potensialini ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning hal qiluvchi omiliga aylantirdi.

Asosiy qism. Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichi uchun iqtisodiy o'sish omillarining sifat jihatdan takomillashtirish borish jarayoni xosdir. Fan-texnika taraqqiyotining ilg'or natijalarini qo'llash, ishlab chiqarishni intensivlashtirish, yuqori samarali texnika-texnologiyalardan foydalanish bilan bir qatorda, eng muhimi yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash bu boradagi muhim yo'nalishlardan biri hisoblanadi.

Barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlash, xalqaro mehnat taqsimotida munosib o'rin egallash, milliy iqtisodiyotning

raqobatbardoshligini ta'minlash muammolari ko'p jihatdan ish kuchining bilimi, malakasi, vaziyatga qarab ish tuta olishiga bog'liq. Kelajakda erishishimiz lozim bo'lgan buyuk maqsadlarga yetishish uchun eng avvalo yuqori malakali, zamon talabiga javob beradigan mutaxassis kadrlar tayyorlashimiz kerak.

“Biz oldimizga qanday vazifa qo'ymaylik, qanday muammoni yechish zaruriyati tug'ilmasin, gap oxir-oqibat baribir kadrlarga borib taqalaveradi. Mubolag'asiz aytish mumkinki, bizning kelajagimiz, mamlakatimiz kelajagi o'rnimizga kim kelishiga yoki boshqacharoq aytganda, qanday kadrlarni tayyorlashga bog'liqdir” [4] Shuning uchun ham ta'lim tizimiga alohida diqqat qaratilib uni isloh qilishga kirishildi.

Ma'lumki, hozirgi kunda butun dunyoda ta'limga e'tibor bergan sari kuchayib bormoqda. Chunki, bugungi kunda eng ko'p talab qilinadigan va o'zini oqlaydigan sarmoya “inson kapitali”ga investitsiya ekanligini hamma anglab yetdi. Respublikamizda ham ta'lim tizimi xususan oliy ta'limni isloh qilish va bu borada yer yuzidagi rivojlangan mamlakatlarning dasturlari asosida o'quv rejadagi fanlarni o'qitishni takomillashtirish muhim vazifa sifatida qaralmoqda.

Texnika oliy ta'lim muassasalarida ham “Elektrotehnika va elektronika” fanidan dars mashg'ulotlarini

olib boradigan pedagog-xodimlar zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida ta'lim berish, noan'anaviy o'qitish metodlaridan foydalanishga oid masalalarga alohida e'tibor berish va tushunib yetishdan iborat bo'lmog'i lozim.

“Elektrotexnika va elektronika” fanining maqsadi nafaqat texnik fanlarni o'qitishda, elektrotexnika va elektronika qurilmalarini ishlash jarayonini tahlil qilish, ularni qayerlarda va qanday maqsadlarda foydalanish, hamda bu fanni bo'lajak muhandislarda o'qitishdagi zamonaviy pedagogikaga oid metodika, uslubiyotni o'qitish shakllari va usullarini o'rgatishdan iboratdir. Bu fanidan dars beradigan pedagog-xodimlar bu fandan nazariy va amaliy bilimlarni egallashi bilan birga, turli mashg'ulotlarni o'tkaza bilish qobiliyatiga ega bo'lishi shart.

Ta'lim va tarbiyaning umumiy maqsadlaridan texnika oliy ta'lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida ta'lim berish jarayonini tahlil qilishda, ushbu fanning fan sifatida o'ziga xosligi, uning zamonaviy fanlar tizimida tutgan o'rnini va rolidani, hozirgi jamiyat hayotidagi ahamiyatidan kelib chiqqan holda, ushbu fanni o'qitish metodikasini o'qitishning maqsadlarini quyidagicha belgilash mumkin:

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars mashg'ulotlarini olib boradigan pedagog-xodimlar bu fanni o'qitishda:

- “Elektrotexnika va elektronika” fanidan o'qitish qonuniyatlari va tamoyillari;

- ta'lim mazmunini tanlash mezonlari, o'qitish metod va vositalari;

- o'qitishning axborot texnologiyalari, dars mashg'ulotlarini tashkil etish;

- o'qituvchining o'quv me'yoriy hujjatlari va metodik ishlari, ularni rejalashtirish, tashkil etish va tayyorlash metodikasi to'g'risida tasavvurga ega bo'lishi;

- “Elektrotexnika va elektronika” fanidan o'qitish jarayonining tuzilishi, qonuniyat va tamoyillari;

- talabalarining diqqatini jalb qilish va mashg'ulot samaradorligini oshirish metodlari va vositalari, o'qitish shakllari, ma'ruza, amaliy va tajriba mashg'ulotlari, mustaqil ta'lim, hisob-grafik ishlari, mustaqil ta'limni tashkil etish va o'tkazish metodikasini bilishi va ulardan foydalana olishi;

- “Elektrotexnika va elektronika” fanini o'qitish jarayonida talabalarining bilimi, ko'nikma va malakalarini tahlil etish turlari, shakl va metodlarini, o'qitishning multimedia va interfaol ta'lim texnologiyalarini bilishi va ulardan foydalana olishi;

- didaktik ta'minotni ishlab chiqish, mashg'ulot ishlanmalarini tayyorlash, o'quv-uslubiy majmualarini ishlab chiqish, o'qitish jarayonida baholash tizimini qo'llash;

- o'qitishda mashg'ulotlarning rejasini tuzish va ma'ruza matnini tayyorlash, ochiq mashg'ulotlarni o'tkazish va hujjatlarni rasmiylashtirish, yil, semestr bo'yicha o'quv ishlarining tashkil etilishini rejalashtirish, auditoriyadan tashqari ish shakllariga rahbarlik qilish;

- hayotida axborot texnologiyalardan ongli va oqilona foydalanish ko'nikmalarini shakillantirish;

- o'qitish jarayonida axborot texnologiyalari va interfaol texnologiyalarini qo'llash ko'nikmalariga ega bo'lishi kerak.

Texnika oliy ta'lim muassasalarida pedagog-xodimlari “Elektrotexnika va elektronika” fanini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o'qitish metodikasini egallash uchun mutaxassislik fanlarini egallash va ularni tafakkurini rivojlantirish lozim. Bu vazifa zamonaviy pedagog oldida turgan birinchi vazifadir.

Ilmiy dunyoqarash asoslarini shakillantirish. Bu muhim vazifani hal etishda butun pedagogik jamoa barcha o'quv predmetlarini o'qitish jarayonida ishtirok etadi.

Talabalarni amaliy faoliyatga, mehnatga, ta'lim olishni davom ettirishga tayyorlash.

Malumki, ta'lim – ikki yoqlama jarayon. Bu jarayonda pedagog ham, talabalar ham faol bo'lishi kerak. Agar pedagog o'z ishida muvaffaqiyatga erishishni istasa, u albatta, talabalarining faolligini to'g'ri yo'lga solishga intiladi. Pedagog berayotgan axborot talabalar tomonidan qanday qabul qilinayotganini, boshqacha qilib aytganda “Teskari aloqa – bilim olish” yuzaga kelayotganligiga ishonch hosil qilishi kerak. Teskari aloqa ta'lim berishning asosiy maqsadi va shartidir.[7]

Ta'lim va tarbiya berishning didaktik prinsiplarini oydinlashtirishda, barcha fanlarni ilmiy asoslarini yaratishda ko'plab olimlar o'zlarining faoliyatlari va asarlarida bayon etganlar. Olimlarning nomlarini bayon etishdan avval didaktika-didaktik jarayon, didaktik so'zlari nima degan savolga javob berish kerak. Ta'lim berish jarayonida pedagog va talabalarining harakatlari bir butun bo'lib birlashadi, mana shu jarayonni didaktik jarayon deb ataladi. Didaktik jarayon bilim berish va bilim qabul qilishning hamohang tizimidir.

Didaktika – pand nasihatnoma bo'lib, u pedagogikaning ta'lim va uning mazmuni, umumiy metod va shakllari haqidagi bo'limi.

Didaktik – 1. Didaktikaga oid, didaktik prinsiplarga asoslangan, masalan, biron bir asar yoki boshqa hisoblanadi.

2. Ibrat bo'ladigan, o'git-nasihat beradigan tushuncha tushuniladi.

Ushbu yo'lda zahmat chekkan pedagoglar qatorida avvalo, Sharq ta'limi durdonalarini yaratgan buyuk allomalar: Farobiy, Al- Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino va boshqalarni sanash mumkin.[6]

“Elektrotexnika va elektronika” faniga oid ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borishda quyidagi yo'nalishdagi mavzularni, ya'ni texnik qobiliyatlarni shakillantirish, konstruktiv texnik masalalar yechimini topish, texnik tafakkurni o'rganish kabi sohalarda faoliyat olib borgan o'zbek olimlari: A.S. Karimov, M.M. Mirhaydarov, G'R. Shoyoqubov, B.A. Abdullayev, S.G. Bleyxman, O.M. Burxonxo'jayev, A.A. Qashqarov, N.U. Tureunxo'jayeva, S.A. Karimov, Sh.E. Begmatov, S.F. Amirov, A.I. Xonboboyev, M.M. Tulyaganov, I.U. Raxmonov va boshqalarni keltirish mumkin.

Keyingi vaqtlarda dunyo miqyosida “Elektrotexnika va elektronika” fanini o'rgatish va o'qitishda John Bird, G. Charls, S.J. Chapman, G. Rizzoni, V.G. Gerasimova, Yu.M. Muzin, G.A. Kardashev, M.V. Nemsov, M.L. Nemsova kabi olimlar tomonidan yaratilgan ilmiy ishlariga katta ahamiyat berilmoqda va boshqalarni ko'rsatish mumkin.

Aytish kerakki, zamon standartlari va kvallifikatsiya tavsif talabalariga muvofiq muhandis xodimlarni tayyorlash va takomillashtirishga qaratilgan psixologiya va pedagogikaga oid adabiyotlar tahlili maxsus fanlarning tashkiliy uslubiy va nazariy metodologik asoslari, texnika fanlaridan o'quv mashg'ulotlarini o'tkazishning o'ziga xos tashkiliy asoslari, zamonaviy talablari oydinlashtirilganligi, mutaxassislik va tanlov fanlardan dars o'tishda didaktik vositalarni unumli qo'llash, foydalanishining optimal shartlari aniqlanmaganligi oldindan ma'lum.[8]

“Elektrotexnika va elektronika” fanini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o'qitishni takomillashtirish metodikasi bo'yicha yaratilgan didaktik adabiyotlar tahlili, oliy ta'lim sohasidagi pedagogik va psixologik muammolarning so'nggi davrdagi yechimida fanning metodologiyasiga oid masalalar yetarli darajada tadqiq etilmaganligini, shuning uchun ularni tadqiq qilish kerakligini ko'rsatmoqda.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar, ishlab chiqarish korxonalarining zamonaviy kompyuterlar, energiya tejovchi texnologiya bilan jihozlanishi, qo'shma

korxonalarning tuzilishi va ularning ishga tushirilishi, fan va texnikaning rivojlanib borishi, ularda ishlaydigan mutaxassislarining har tomonlama bilimdon va yuqori malakali bo'lishini taqazo etmoqda.

“Elektrotexnika va elektronika” fanini zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida o'qitishni takomillashtirish metodologiyasini yaratishda quyidagi muammolar mavjud:

Respublikamiz oliy ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarni davom ettirgan holda, yangi tahrirdagi 2020 yil 23 sentyabrda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni asosida jahon andozasi talablariga mos tushuvchi mutaxassis xodimlarni tayyorlash;

Mutaxassislar tayyorlashdagi sifatni oshirish;

Mutaxassis tayyorlashda ko'p pog'onali ta'lim tizimiga o'tib, 4 yil davomida fundamental fanlar bo'yicha ta'lim berib, bakalavr va boshqa mutaxassislar tayyorlash;

Tadqiqot qilinayotgan mutaxassislikka xos, dunyo ta'lim andozalari talablariga mos tushuvchi ta'lim standartlarini ishlab chiqarish va ularni hayotga tatbiq etish;

Oliy ta'limda o'qitishning ko'p bosqichli tizimiga o'tish uchun zarur bo'lgan o'qitishning tashkiliy metodikasini va nazariy metodologiyasini ishlab chiqarish va sohalarga xos adabiyotlarni yaratish va boshqalar.

O'zbekiston Respublikasining “Talim to'g'risida”gi Qonuni shaxsni birinchi o'ringa qo'ydi. Faqat yuksak bilim va malakalarni mustahkam egallagan, shu bilan birga yuksak ma'naviyatli va milliy o'zligini chuqur anglagan mutaxassislariga O'zbekistonni kelajakda har tomonlama ilg'or mamlakatlar qatoriga olib chiqishi muqarrar.

Hozirgi sharoitda Texnika oliy ta'lim muassasalarida “Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars mashg'ulotlarini olib borayotgan pedagog-xodimlar va bu fandan bilimlarni o'zlashtirayotgan talabalarni tayyorlashga bo'lgan ijtimoiy talablar bilan ularning mutaxassis sifatida o'z vazifalarini yuqori darajada bajarishi va amaliy tayyorgarligi o'rtasida nomunosiblik mavjud.

Bu nomunosiblik:

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars mashg'ulotlarini olib borayotgan o'qituvchilarni tayyorlashga xos o'quv jarayonining yetarlicha metodik qo'llanmalar bilan ta'minlanmaganligi va o'qituvchilar tayyorlashda moddiy-texnik bazaning yetarli darajada emasligi;

o'quv jarayonini tashkil etishdagi shakl va metodlarning kam variantlilik va boshqalarda namoyon bo'lib turibdi.

Xulosa va takliflar. “Elektrotexnika va elektronika” fanidan dars mashg'ulotlarini olib boradigan o'qituvchilarni tayyorlashni takomillashtirishdagi mavjud kamchiliklarni bartaraf qilishni quyidagi asosiy yo'nalishlarda:

“Elektrotexnika va elektronika” fani mazmunini integratsiyalash,

amaldagi dastur va rejalarni zamon talablariga mos ravishda qayta ishlash va to'ldirish,

“Elektrotexnika va elektronika” fanidan berilayotgan ta'limning samarali shakl va uslubi, metodlarini izlab topish,

Texnika oliy ta'lim muassasalarida tayyorlanayotgan muhandislarning “Elektrotexnika va elektronika” fani bo'yicha zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalari asosida mustaqil o'quv-metodik faoliyatini kuchaytirish kabi olib boriladigan ishlarda o'z aksini topishi mumkin.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni. Toshkent sh., 2020 yil 23 sentyabr. <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Mirziyoev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent, – “O'zbekiston” NMIU, 2017. – 485 b.
3. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini
4. birgalikda barpo etamiz. Toshkent, – “O'zbekiston” NMIU, 2017. – 29 b.
5. Karimov I. A. Barkamol avlod orzusi. T.: Sharq, 1998, - B. 83.
6. G'ulomov S.S. va boshqalar. «Oliy ta'lim. Me'yoriy hujjatlar to'plami», - Toshkent, 2004 y.
7. Azizxodjaeva N.N. – Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. - Toshkent, 2003. 120-b.
8. Ishmuxamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar. Ta'lim muassalari pedagog-o'qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar / - Toshkent, Iste'dod, 2008. – 180 b.
9. Olimov Q.T., Uzoqova L.P., Halimova Z., Rustamov R.M., Ashurova S.Y. Maxsusfanlarni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. – Toshkent, - «Fan», 2004, - 120 b.
10. Qosimova A.X., Xoliqova F.A. // Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – Toshkent, - 2004. 52-b.
11. Aripov M., red. Mansurov SH. Axborot texnologiyalari. O'quv qo'llanma. - Toshkent, Noshir, 2009. - 368 s.
12. Internet saytlari
13. <http://www.gov.uz> – O'zbekiston Respublikasi hukumat portali.
14. <http://www.lex.uz>. – O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi.
15. Telefon: +998-90-732-37-31



УДК 53.37.015.36

Олия НУРОВА,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси
davronismoilov864@gmail.com

ҚарМШИ доценти PhD. Исмоилов Д.М. тақризи асосида

DEVELOPMENT OF DESIGN AND CONSTRUCTION COMPARTMENTS ON THE BASIS OF TEACHING THE SUBJECT "RESISTANCE OF MATERIALS" IN TECHNICAL HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS

In this article, the science of "resistance of materials" is one of the first engineering disciplines that is studied by students in small courses at technical universities, during its development, the student will encounter real calculations and design elements of machine parts and structures. Therefore, along with theoretical material, organization and conduct of practical classes, it is also of great importance for students to perform independent computational tasks.

РАЗРАБОТКА КОНСТРУКТОРСКИХ И КОНСТРУКТОРСКИХ РЕШЕНИЙ НА ОСНОВЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ПРЕДМЕТА "СОПРОТИВЛЕНИЕ МАТЕРИАЛОВ" В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ

В этой статье наука "сопротивление материалов" является одной из первых инженерных дисциплин, которая изучается студентами на небольших курсах в технических вузах, в ходе ее освоения студент столкнется с реальными расчетами и элементами проектирования деталей машин и конструкций. Поэтому наряду с теоретическим материалом, организацией и проведением практических занятий также большое значение имеет выполнение студентами самостоятельных вычислительных задач.

ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА "МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШ АСОСИДА ЛОЙИХАВИЙ-КОНСТРУКТОРЛИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ушбу мақолада "Материаллар қаршилиги" фани техника олий таълим муассасаларида талабалар томонидан кичик курсларда ўрганиладиган биринчи муҳандислик фанларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши давомида талаба машина қисмлари ва иншоотларининг реал ҳисоб-китоблари ва лойиҳалаш элементларига дуч келишади. Шунинг учун назарий материал билан бирга амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш, талабаларнинг мустақил ҳисоблаш топшириқларини бажариши катта аҳамиятга эга.

Кириш. Ўзбекистон Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида (2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон) олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилятларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича чора тадбирлар амалга оширилмоқда [1].

Олий таълимда ўқитиш тажрибасининг кўрсатишича, талабаларни қўп сонли ҳисоблаш схемалари ва уларга сонли маълумотлар бўйича материаллар қаршилигини индивидуал ҳисоблаш топшириқларини бажаришга йўналтириш энг самарали ҳисобланади. Материаллар қаршилиги учун ҳисоблаш вазифаларининг хусусияти катта миқдордаги арифметик ҳисоб – китоблардирни ўзида жамлайди. Конструктив элементларнинг ҳажми ҳақидаги якуний ҳулоса ҳисобланган қийматларни нормативлар катталиклар билан таққослашга асосланади [2, 3, 4].

Фанни ўрганишда ва ҳисоблаш-график ишларини бажаришда талабалар қуйидаги қобилиятларга эга бўладилар:

- ❖ кучланиш-сиқилишни ҳисоблаш: бўйлама кучлар, кучланиш ва қўчишни аниқлаш;
- ❖ сиқилиш булакларида доиравий кесим чокларини лойиҳалаш: конструкцион элементларнинг ўлчамларини мустақамлик чегарасини аниқлаш;
- ❖ ясси рамкалар эгилишини ўрганиш: реакция кучларни аниқлаш;
- ❖ дастлабки параметрлар усули билан эгилишни ҳисоблаш;
- ❖ Максвелл-Мор интегралини қўллаш ва уни Симпсон усулида сонли интеграллаш;
- ❖ буралиш билан эгилиш комбинациясини ҳисоблаш;
- ❖ эритма турини танлашни олдиндан таҳлил қилиш билан эластиклик кучи бўйича ҳисоб-китобларни бажариш;
- ❖ валда айланувчи моментни ҳисоблаш;
- ❖ зичланган массалар (дисклар) билан вални эгувчи тебранишларини тадқиқ қилиш ва бошқалар [5, 6].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. "Материаллар қаршилиги" курсини ўрганиш ва ҳисоблаш-график ишларини бажаришдан сўнг талабалар қуйидаги тадқиқот қўникмаларини ўзлаштиришлари керак: тадқиқот мақсадлари, вазифалари ва усулларини аниқлаш; назарий механика ва материаллар қаршилиги бўйича назарий билимларни интеграциялаш; муаммоларни ҳал қилиш учун асосий қонунлар ва илмий-техник

назарияларни қўллаш; ҳодисаларни ўрганиш жараёнини моделлаштириш (буралиш, егилиш, чўзилиш, сиқилиш ва бошқалар); тадқиқот натижаларини расмийлаштириш; математик ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва бошқалар[7,8].

Курс лойиҳаси

Курс лойиҳаси умумкабий фанларни ўрганишда талабаларнинг илмий ишларининг асосий шакли ҳисобланади. Унинг атрофида ўқув материали ўқув режасидаги барча умумкабий фанлар билан бирлаштирилган бўлиб, у курсни лойиҳалаш асосларини кўяди[9].

Курс лойиҳаси "Механизмлар ва машиналар назарияси" ва "Машина деталлари" каби умумкабий фанлар таркибида мавжуд. Курс лойиҳаси ўрганилаётган умумкабий фанларни, олий математика, муҳандислик графикасини бирлаштирган ва изчил ҳал қилинган вазифалардан иборат индивидуал вазифадир[10].

Механизмлар ва машиналар назарияси бўйича курс лойиҳаси талабалар томонидан курсни ўрганиш жараёнида олинган назарий асосларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, шунингдек турли хил механизмларни лойиҳалаш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш усулларини ўзлаштириш мақсадида амалга оширилади[11].

Ҳар бир фан бўйича алоҳида курс лойиҳаларни бажариш методологиясини кўриб чиқамиз.

Механизмлар ва машиналар назарияси бўйича курс лойиҳаси.

Механизмлар ва машиналар назарияси бўйича курс лойиҳасининг асосий мақсади турли мақсадлар учун махсус машиналар ва қурилмаларни яратиш учун механизмларни лойиҳалаш ва тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланиш қўникмаларини оширишдир. Талаба лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашнинг турли босқичларида муҳандислик муаммоларини ҳал қилиш учун аналитик ва график усуллардан фойдаланган ҳолда компютер ёрдамида ҳисоб-китобларни қандай бажаришни ўрганиши керак [12].

Курс дизайни қуйидаги асосий йўналишлар бўйича талабалар томонидан ишнинг муайян усуллари ва қўникмаларини ўзлаштириш вазифаларини кўяди:

- механизмнинг тухилмавий схемасини машина ёки қурилманинг асосий иш шароитларига мувофиқлигини баҳолаш;

- белгиланган асосий ва қўшимча шартларга мувофиқ восита механизмнинг таркибий ва кинематик схемаларини лойиҳалаш;

- белгиланган кучлар таъсирида механизмнинг ҳаракат режимини таҳлил қилиш;

- тезланиш билан ҳаракатланганда боғланишларни ҳисобга олган ҳолда механизмни таҳлил қилиш;

- кинематик жуфтларда ишқаланиш кучларини кўриб чиқиш ва самарадорлигини аниқлаш;

- тишли оддий механизмларини лойиҳалаш;

- динамик юкларни пойдеворга босимини мувозанатлаш;

- механик тебранишлардан механизмлар ва машиналарни ҳимоя қилиш;

- қувватни аниқлаш ва электр двигател турини танлаш [12].

Курс лойиҳасини яқунлашда талаба қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

Лойиҳанинг биринчи варағи.

1. Механизмнинг таркибий ва кинематик схемасини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш, кинематик узатиш функцияларини аниқлаш.

2. (Двигател танлаш, шу жумладан)- механизмнинг ҳаракати қонун аниқлаш.

Лойиҳанинг иккинчи варағи

3. Боғланишлар массалари геометриясини ва уларнинг тезлаштирилган ҳаракатини ҳисобга олган ҳолда механизмнинг кинематик жуфтларидаги кучларни аниқлаш.

Лойиҳанинг учинчи варағи

4. Тишли узатиш механизмларини лойиҳалаш, шу жумладан тишли геометрияни ҳисоблаш ва синтез қилиш.

Лойиҳанинг тўртинчи варағи

1. Механизмнинг циклограммларини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаш.

Талабанинг курс лойиҳаси бўйича ишнинг асосий босқичлари мазмуни:

- ✓ Ричаг механизми лойиҳаси.

- ✓ Лойиҳа учун дастлабки маълумотлар.

- ✓ Механизмнинг кинематик схемаси параметрлари синтезнинг мақсадли йўналишига таъсирини таҳлил қилиш.

- ✓ Белгиланган шартлар ва чекловлар бўйича механизм синтези муаммосини ҳал қилиш усулини танлаш.

- ✓ Механизм синтези алгоритминини ишлаб чиқиш. Боғланишларнинг асосий ўлчамларини шахсий компютер ёрдамида аналитик усулда ҳисоблаш ёки уларни график усулда аниқлаш.

- ✓ Танланган узунлик масштабида кинематик схема чизиш.

- ✓ Синтез шартларининг бажарилишини текшириш.

2. Белгиланган кучлар таъсирида механизмнинг ҳаракатини аниқлаш.

- ✓

Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар: механизм диаграммаси ва ўлчамлари: массалар, инерция моментлари, масса марказларининг жойлашувлари; ташки юкларнинг графиклари (қаршилик кучлари, ишқаланиш кучлари, ҳаракатлантирувчи кучлар); иш режими ва двигателни танлаш бўйича қўшимча маълумотлар ва кўрсатмалар.

- ✓

Ҳисоблаш учун динамик моделни танлаш. Ҳақиқий механизмдан моделга ўтиш шартларини шакллантириш.

- ✓

Механизмнинг кинематик хусусиятларини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш, шахсий компютерда ҳисоблаш дастурини тузиш ёки график усулдан фойдаланиш, механизмнинг нукталари ва йўналишларининг режаларини ва тезлигини яратиш.

- ✓

Механизм динамик модели параметрларини аниқлаш ва алгоритминини ишлаб чиқиш; шахсий компютерда ҳисоблаш дастурини тузиш, амалий дастурлар пакетидан фойдаланиш, компютерда ҳисоб-китобларни олиб бориш.

- ✓

Механизмнинг кириш боғланишини айланиш ўқиға кучлар ва жуфт кучлар камайиши. Графигини чизиш.

- ✓

Массалар ва инерция моментларининг камайишини аниқлаш.

- ✓ Механизм барқарор ҳаракатини таъминлаш. 2. Ўтиш режими (тезланиш, тормозланиш, қўшиш-ўчириш).

- ✓ Кинетик энергия графигини чизиш. 2. Умумлашган координата функциясида динамик модел бурчак тезлигини аниқлаш.

- ✓ Моховикнинг массасини аниқлаш. 2. Ҳаракат қонунининг таърифлаш. Механизмнинг ҳаракатланиш графигини чизиш.

- ✓ Механизмнинг бурчак тезлиги графигини чизиш.

2. Ўтиш режимининг ишлаш давомийлигини аниқлаш.

- ✓ Механизмнинг бурчак тезланишини аниқлаш.

Тадқиқот методологияси. "Механизмлар ва машиналар назарияси" фанини ўрганиб, курс лойиҳасини яқунлагач, талабалар қуйидаги қобилиятларга эга бўладилар: мақсад, тадқиқот усулларини аниқлаш;

назарий механика, материаллар қаршилиги, механизмлар ва машиналар назарияси бўйича назарий билимларни бирлаштириш; механизмларни кинематик ва динамик таҳлил қилиш ва синтез қилиш; асосий қонунлар ва илмий-техник назариялар асосида моделларнинг хусусиятларини ўрганиш; техник объектларни лойиҳалаш; лойиҳани ҳимоя қилиш [6, 7].

Машина деталлари бўйича курс лойиҳаси

Курс лойиҳасининг мақсади:

- назарий билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда талабаларнинг ҳисоблаш-график қобилиятларини ривожлантириш;
- талабаларни стандарт қисмлар ва конструкцияларнинг лойиҳаси билан таништириш ва муҳандислик-техник муаммоларни мустақил ҳал этиш, табиий фанлар ва умумқасбий фанлар бўйича олинган билимлар асосида умумий механизмлар ва қисмларни ҳисоблаш ва лойиҳалаш қобилиятларини шакллантириш;
- лойиҳалаш ва конструкциялашнинг турли

босқичларида лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш техникасини ўзлаштиришга ёрдам бериш;

- мустақил техник ечимни ҳимоя қилишга ўргатиш.

Лойиҳа қуйидагича бажарилиши керак:

- технологик, монтаж, жараён ва иқтисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир қисмнинг жойлашувидан мақсад ва шартларни лойиҳавий ечимини таҳлил қилишни таъминлаш;

-Таҳлил ва натижалар. Кинематик ҳисоб-китобларни амалга ошириш, таъсир қилувчи кучларни аниқлаш, материални танлаш ва энг илғор технологик шакллари билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш, алоҳида қисмларни ва умуман машинани йиғиш жараёни ҳақида ўйлаш [11, 12].

Лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар 14та кетма-кетликдаги таҳлил қилинган вазифалардан иборат бўлиб, улар мазмунига кўра уч тоифага бўлинади: ҳисоблаш, график ва ҳисоблаш-график.

Муаммоларни таҳлил қилишда қуйидаги кетма-кетликда ҳал қилинади	
Электр двигателни танлаш. Тишли узатмаларни ҳисоблаш. Валларни дастлабки ҳисоблаш. Узатмалар қутиси корпусининг ўлчамларини лойиҳалаш. Редуктор қутиси биринчи босқичини йиғиш. Мустаҳкамлик чегарасини текшириш. Уловчи жиҳозларни танлаш.	Тишли узатма материални танлаш. Рухсат етилган кучланишларни аниқлаш. Тишли ва гилдирак ўлчамларини аниқлаш. Подшипникнинг мустаҳкамлигини текшириш. Вални ҳисоботини олиб бориш. Мойлаш материалларини танлаш. Лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг тўлиқ ҳужжатлари.

Муаммоларни тавсия этилган кетма-кетликда ҳал қилиш лойиҳалаш жараёнининг тўғрилигини ва лойиҳалаш малакаларининг шаклланишини таъминлайди. Барча ҳисоблашлар СИ бирликларида бажарилади. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларнинг қулайлиги учун олинган узунлик (мм) ва кучланиш $\frac{H}{mm^2}$ бирликлари ишлатилади. Ҳисоб-китобларнинг аниқлиги аниқланган қийматга боғлиқ ва одатда битта ёки иккита касрдан ошмаслиги керак.

Хулоса ва тақлифлар. Машина деталлари фанидан курс лойиҳасини бажаргандан сўнг талабалар қуйидаги кўникма қобилиятларга эга бўлади: вазифалар, тадқиқот усуллари мақсадини аниқлаш; эгалланган

назарий билимларни интеграциялаш, материаллар қаршилиқ, механизмлари ва машиналари назарияси, машина деталларидан тадқиқот муаммосини ҳал қилиш; илмий ва техник фактларни тизимлаштириш; механик тишли ҳисоблаш; ҳисоблаш усуллари танлаш, ҳисоблашни алгоритмлаш; ўтказилган тадқиқотлар асосида лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш; машина қисмларини лойиҳалаш; бажарилган ишнинг натижаси ва муваффақиятини тизимлаштириш ва таҳлил қилиш; тадқиқот натижаларини Низом талабларига мувофиқ расмийлаштириш; лойиҳани ҳимоя қилиш ва янги тадқиқот муаммоларини илгари суриш.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон республикаси Фармони “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси “2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон .
2. Абдуқодиров А.А., Турсунов С.Қ. Таълимда ахборот технологиялари. Дарслик. Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2019 й
3. Байденко В.И. «Болонский процесс: результаты обучения и компетентностный подход. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. 2009. – С. 482-492.
4. Беспалько В.П. Бумажная версия электронного учебника. Школьные технологии. -М.: «Народное образование», 2007. -№ 2. - С.54-55.
5. Пригожин И. Введение в термодинамику необратимых процессов. — Ижевск: НИЦ «Регуляторная и хаотическая динамика», 2001. — с. 160.
6. Николис Г., Пригожин И. Самоорганизация в неравновесных системах. — М:Мир, 1979. — с. 512.
7. Djo'rayev M. Fizika o'qitish metodikasi: o'quv qo'llanma. — Toshkent: ABU Matbuot — Konsalt, 2015. — 280 b.
8. SHermuxamedova N.A. Gnoseologiya-bilish nazariyasi. — T: Noshir, 2009. — 356 b.
9. Турсунов Қ.Ш., Тошпўлатов Ч.Х. Физика таълими технологияси. Методик қўлланма. –Қарши, Насаф, 2012.
10. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics, Scientific Bulletin of Namangan State University: 2019. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss10/55>
11. Тураев С.Ж. Формирование научно-практических навыков студентов с привлечением к научному проекту №1/1-Ф и применением технологий программирования. Преподаватель XXI век. -М.: 2018. -С. 88-92. <http://prepodavatel-xxi.ru/sites/default/files/10.pdf>.
12. Ismoilov D.M. <http://www.idpublications.org/wpcontent/uploads/2020/06/Full-Paper.Methods-of-scientific-knowledge-and-research-in-the-content-of-secondary-education.pdf>.



УДК: 911.45(575.1)

Қодиржон ОДИЛОВ,

Андижон машинасозлик институти доценти, ф.ф.н.

E-mail: qodirjon.odilov@mail

АнДМИ доценти, фалсафа фанлари номзоди М.Каримова тақризи асосида

ON THE ROLE OF THE INFORMATION AND DIGITAL ECONOMY IN THE DEVELOPMENT OF MODERN SOCIETY

Abstract

The article discusses the concept of information and digital economy, the impact of digital economy development on employment, the creation of a national system of digital economic security, the share of information and communication technologies in the gross national product, the analysis of some indicators of communication and informatization, the issues of special software used in the digital economy in our country.

Keywords: Informatization, digital economy, telecommunications, computer technologies, information society, electronic government, digital economy, artificial intelligence, automation, robotics.

О РОЛИ ИНФОРМАЦИИ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация

В статье рассматривается концепция информационной и цифровой экономики, влияние развития цифровой экономики на занятость, создание национальной системы цифровой экономической безопасности, доля информационно-коммуникационных технологий в валовом национальном продукте, анализ некоторых показателей связи и информатизации, вопросы специального программного обеспечения, используемое в цифровой экономике в нашей стране.

Ключевые слова: Информатизация, цифровая экономика, телекоммуникации, компьютерные технологии, информационное общество, электронное правительство, цифровая экономика, искусственный интеллект, автоматизация, робототехника.

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА АХБОРОТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РОЛИ МАСАЛАСИГА ДОИР

Аннотация

Мақолада ахборот ва рақамли иқтисодиёт тушунчаси, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши аҳоли бандлигига таъсири, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш, ялпи миллий маҳсулотдаги ахборот коммуникация технологиялари соҳасининг улуши, алоқа ва ахборотлаштиришнинг айрим кўрсаткичлари таҳлили, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг фойдаланилаётган махсус дастурий воситалари масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ахборотлаштириш, рақамли иқтисодиёт, телекоммуникация, компьютер технологиялари, ахборотлашган жамият, электрон ҳукумат, хуфийна иқтисодиёт, сунъий интеллект, автоматлаштириш, роботлаштириш.

Кириш. Бугунги кунда инсоният ахборотлаштириш ва рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳақиқий инқилобий ўзгаришлар даврини бошидан кечирмоқда, бунинг натижасида эса умумжаҳон ахборотлашган ҳамжамяти шаклланмоқда. Бу ўзгаришлар асосини ахборотлаштириш, телекоммуникация ва компьютер технологиялари конвергенцияси негизида ахборотни узатиш ҳамда истеъмолчига етказиб беришнинг энг замонавий ва самарали воситалари жамият тараққиётининг энг муҳим элементи айланди. Оқибатда XXI аср — ахборотлашган жамият асри деб эътироф этилиб, ахборотнинг тез ва сифатли айланишини таъминлаш мамлакат тараққиёти ва рақамли иқтисодиётнинг мезонларидан бири сифатида қабул қилинмоқда.

Жамиятда ахборот ҳам билим манбаи ҳам энг асосий мулоқот воситасига айланмоқда. Табиийки ҳар ким ҳар доим бирор ишни бажариш ёки бирор мақсадга эришиш учун ахборотдан фойдаланади. Ҳар бир инсон об-хаво прогнозини, транспорт воситалари катнови жадвалини, банк ва бизнес маълумотларини ҳамда кундалик янгиликлардан хабардор бўлишга муҳтождир. Агарда инсон кундалик ахборотлар ва янгиликлардан

хабардор бўлмас экан у жамиятдан узилиб қолиши муқаррар.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ўзи, кўпинча соф технологик жараён сифатида баҳоланишига қарамай, мазмун-моҳиятига кўра чуқур ижтимоий жараён ҳам ҳисобланади. Чунки ахборотлаштириш жамиятнинг бир шаклдан бошқа, ижтимоий тараққиётнинг янада юқори рақамли даражасига эга бўлган шаклига ўтишни англатади ҳамда жамиятнинг истикболдаги хусусиятларини белгилаб беради. Ахборотлаштириш ва истикболли ахборот технологиялари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда меҳнат тежамкорлигини оширишни, илмий билимлар ва илғор технологиялар жамиятда жадал тарқалишини, жамият интеллектуаллашуви умумий даражасини оширишни таъминлаши каби ижобий томонлари бор.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ўзбекистон Республикаси шаклланиётган глобал ахборот жамиятида муносиб ўринни эгаллашга интилоқда. Шу сабабли ҳам ахборот ва рақамли технологиялари соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг бош йўналишларидан бирига айланмоқда. Президентимиз

Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, «Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни камайтиради[1] Қолаверса, бу коррупцияга қарши самарали воситадир. Бу барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат бошқаруви ва ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда одамлар турмушини яхшилаш мумкин»

Шу билан бирга ҳозирда тараққий этган давлатлар қаторига қўшилишимиз учун аввало жамиятимиз аъзолари, авало ёшларимиз илғор замонавий ахборот-коммуникация, интернет ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги билимларни чуқур эгаллаш орқали юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориши зарур. Бунинг учун жамиятимизнинг барча қатламларида инновацион технологияларни қўллаш борасидаги саводхонликни узлуксиз равишда ошириб боришлари керак.

Тадқиқот методологияси. Замонавий жамиятда илму маърифатнинг натижадорлик кўрсаткичларига бевоқиф таъсир қилувчи кўп сонли технологиялардан асосийси рақамли иқтисодиёт технологиялари ҳисобланади. Ҳозирги кунда уни қисқача рақамли иқтисодиёт деб аталмоқда. «Рақамли иқтисодиёт» атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг «Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият» номли уч жилдли монографиясини чоп этган.

Рақамли иқтисодиёт - бу сиёсий-иқтисодий, илмий-ижтимоий, маданий ва маърифий муносабатлардаги алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш ёрдамида амалга оширувчи янги тизим ҳисобланади. Ҳозирги кунда рақамли технологиялар энергетика, қурилиш, банк иши, транспорт логистикаси, савдо, таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, оммавий ахборот воситалари ва хавфсизлик соҳасидаги иқтисодий иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ўзгартирмоқда[2].

Рақамли иқтисодиётга ўтиш албатта, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, ишлаб чиқариш корхоналари рақобатбардошлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига, янги иш ўринларининг яратилишига, янги замонавий касбларнинг пайдо бўлишига таъсир этмай қолмайди. Бошқача айтганда, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши ҳаётимизни ижобий томонга ўзгартириши мумкин. Масалан, ҳар қандай уй бекаси ҳам уй юмушларини бажарган ҳолда, уйларида чикмай туриб, онлайн савдо билан шуғулланиб, пул топиш имкониятига эга бўлишлари ёки мумкин[3]. Бундан ташқари, ушбу технологиялардан таълим соҳасида ҳам унумли фойдаланиш мумкин бўлади. Ўқувчи ва талабаларнинг давоматини назорат қилиш, дарсларни ўзлаштириш натижалари ҳамда ютуқларидан хабардор бўлиш имконияти туғилади.

Сунъий интеллект кўринишида Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётдан кенг фойдаланиш мақсадида «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» хузурида алоҳида департамент ташкил этилиб, «Рақамли маълумотлар платформаси» ишга туширилди. 2021—2022 йилларда тўққизта соҳада бир нечта пилот лойиҳалар йўлга қўйилиб банклар, қишлоқ хўжалиги, молия, солиқ, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, транспорт, энергетика, электрон ҳукумат парталлари ишга туширилди[4].

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, шу давлатдаги ривожланиш кўрсаткичларидан бири бўлиб

ҳисобланади. Табиийки, бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда юқори. Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда - 10,9 фоизни, Хитойда - 10 фоизни, Ҳиндистонда - 5,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, Ўзбекистонда 2 фоиздан ҳам ошмайди. Ушбу соҳани ривожлантириш ҳозирги замон талабига айланиб бормоқда. Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон учун, унинг дунё микёсидаги ахборот технологиялари хавфсизлигини таъминлашда етарли даражада эмаслигидир.

Маълумки, Ўзбекистонда 2020 йил «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши ҳам жамиятимиз тараққиётида рақамли иқтисодиётга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг амалий ифодаси бўлган эди.

Бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши ва ушбу қарор билан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳаларида ягона ваколатли орган этиб белгиланиб, Вазирлик қошида «Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» ҳамда «Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази» ташкил қилинганлиги Ўзбекистонни келажакда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой эгаллашда муҳим қадамлардан бири бўлди.

Таҳлил ва натижалар. Такидлаш керакки, юқорида кўрсатиб ўтилган рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига кўра қуйидаги мақсадли йўналишлар белгиланган:

- рақамли иқтисодиётни жадал шакллантириш - 2023 йилга келиб унинг мамлакат ЯИИМдаги улуши 2 бараварга кўпайиши керак;

- рақамли инфратузилмани тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий IT-хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

- 2020-2021 йилларда барча соғлиқни сақлаш муассасалари, мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллалар юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланади ҳамда алоқа хизматлари сифати оширилади;

- электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш - 2022 йилга қадар электрон давлат хизматлари улуши 60%гача етказилади;

- дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали «рақамли тадбиркорлик»ни ривожлантириш - 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 млн долларга етказиш зарур;

- 2022 йилга қадар барча ҳудудларда рақамли билимларга ўқитиш марказлари очилади.

Ахборотлаштириш тизимида асосланган «Рақамли иқтисодиёт» нисбатан янги ва ниҳоятда муҳим тушунча[5]. Мамлакатимизда сўнги ўн йилликларда ахборот ва коммуникация технологиялари (АКТ)нинг изчил равнақ топиши хўжалик тизимидаги ўзгаришлар учун янги шарт-шароитлар ҳозирлади. Бу жараён рақамли датчикларни янада кўп сонли қурилмалар («Буюмлар Интернет»)га татбиқ этиш, янги шахсий қурилмалар (смартфонлар, планшетлар, нетбуқлар, лэптоплар, уч ўлчовли босма қурилмалар)ни, янги рақамли моделлар (маълумотларни «булутли» қайта ишлаш, рақамли платформалар, рақамли хизматлар)ни ўзлаштириш, «катта маълумотлар» (BIG DATA) технологиясини қўллаган ҳолда янги автоматлаштириш ва роботлаштириш

технологияларидан фойдаланиш жадал ўсиб бориши натижасида янада ривожланиди[6].

Умуман олганда ахборот алмашуви остида рақамли иқтисодиёт тизими бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. Рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи нимада? Масалан, харидорга қўйлаб керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда маиший мисол орқали тушунтиришди[7]. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамыз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз, уйга таом буюртма қиламиз ва ҳоказо.

Шу билан бирга рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини бир неча баробар ошириб, мамлакат миллий хавфсизлиги ҳамда мустақиллигини таъминловчи асосий индикатор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади[8]. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни

ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш орқали коррупция ва “Қора яширин иқтисодиёт” илдизига болта уради. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди. Маълумотлар қўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар келиши оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсмоти очик бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўللарга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо[9].

Хулоса ва таклифлар. Замонавий жамиятда ахборотлаштириш ва рақамли иқтисод - замонавий миллий иқтисодларнинг қиёфасини ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини ва шаффофлигини таъминлайди. Оддий мисол, рақамли иқтисодда пенсия расмийлаштириш учун битта паспортнинг ўзи кифоя бўлади. Фуқаро туман ёки шаҳар пенсия фондига мурожаат қилади ва улар архивдан у қаерда ишлаган, қанча ойлик олгани ҳақида барча маълумотларни олади. Оддий фуқаролар учун бу - қулайлик дегани. Яна бир мисол – хуфиёна иқтисодиёт. Турли баҳоларга қўра Ўзбекистон умумий иқтисодида хуфиёна иқтисодиёт миқдори 45 %гача бўлиши мумкин. Рақамли иқтисод бу муаммони ҳам ҳал қилиши мумкин. Бу йўлда биринчи қадам аллақачон қўйилди – бу солиқ реформасини такомиллаштирилаётганлиги. Зеро рақамли иқтисоднинг асосий вазифаси – иқтисодиётнинг самардорлигини ошириш ва кишиларни ошқора фаровон ҳаётини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ. 2020 22 сентябрдаги видеоселектор материаллари “Янги Ўзбекистон” газетаси, 23 сентябрь 2020 йил.
2. Юлдашева Ш. Рақамли таълим технологиялари - “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастури учун пойдевор Т. 2018., 7-бет.
3. Ғаффарова З., Ғ.Ғ. Ахборотлашган жамиятдан рақамли жамият сари: фалсафий таҳлил. ЎзА Илм-фан бўлими (электрон журнали), 2020 сентябрь сони.
4. Введение в «Цифровую» экономику / Под общ. ред. А.В. Кешелава. – ВНИИГеоСИСТЕМ, 2017. – 28 с.
5. Kurbanova, N. N. (2020). Subordination of land and water relations to the colonial interests of the Fergana region. Экономика и социум, (7), 36-39.
6. Kurbanova, N. N. (2022). Subordination of land and water relations to the colonial interests of the fergana region. Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(1), 170-175.
7. Saidovna, R. D. (2021). Systematic approach to the development of students'creative abilities. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.5 Pedagogical sciences).
8. Khamidovna, P. O. (2021). The importance of the culture of communication in the pedagogical community. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(05), 703-708.
9. Ataxanov R.S. (2021). Family ceremonies in connection with funeral (on the example of thekarakalpaks of the fergana valley) Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.5 Pedagogical sciences).



Tursunoy RAVSHANOVA,
Jizzax davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi
Ravshanov@bk.ru
Nazira ISANOVA,
Jizzax davlat pedagogika instituti katta o'qituvchisi
Isanovan@mail.ru

O'zbekiston Milliy universiteti Jizzax filiali dotsenti T. Kuchkarov taqrizi asosida

USING INTERACTIVE TEACHING METHODS IN ENGLISH LANGUAGE CLASSES

Abstract

At present, a person's need is growing not only in obtaining complete, voluminous knowledge, but also in their availability, in a more understandable and interesting form of teaching, and therefore the introduction of interactive methods in teaching a foreign language, as one of the most necessary subjects of the twentieth century remains indisputable. Purpose of the article is the application and identification of the effectiveness of interactive methods in teaching a foreign language at the middle stage of education. Author describes determination of the positive aspects and advantages of interactive teaching methods. The hypothesis of the research is the assumption that the use of interactive methods in teaching English in the educational establishments will make a foreign language more accessible and interesting, as well as increase students' motivation to learn English.

Key words: Educational establishment, interactive, management, language competence, language environment, simulation, technique, method, proficiency, colloquial, motivation, sociocultural education, tolerance.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ НА ЗАНЯТИЯХ ПО АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ

Аннотация

В настоящее время растет потребность человека не только в получении полных, объемных знаний, но и в их доступности, в более понятной и интересной форме преподавания, а потому внедрение интерактивных методов в преподавании иностранного языка, как одного из самых необходимых предметов XX века, остается бесспорным. Целью статьи является применение и выявление эффективности интерактивных методов в обучении иностранному языку на среднем этапе обучения. Автор описывает определение положительных сторон и преимуществ интерактивных методов обучения. Гипотезой исследования является предположение о том, что использование интерактивных методов в преподавании английского языка в учебных заведениях сделает иностранный язык более доступным и интересным, а также повысит мотивацию студентов к изучению английского языка.

Ключевые слова: Образовательное учреждение, интерактивное, управление, языковая компетенция, языковая среда, моделир

ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация

Ҳозирги вақтда инсоннинг еҳтиёжи нафақат тўлиқ, ҳажмли билимларни олишда, балки уларнинг мавжудлигида, ўқитишнинг янада тушунарли ва қизиқarli шаклида ўсиб бормоқда ва шунинг учун XX асрнинг энг зарур мавзуларидан бири сифатида чет тилини ўқитишда интерфаол усулларни жорий этиш шубҳасиз бўлиб қолмоқда. Мақоланинг мақсади-таълимнинг ўрта босқичида чет тилини ўқитишда интерфаол усулларни қўллаш ва самарадорлигини аниқлаш. Мақолада интерфаол ўқитиш усулларида ижобий томонлари ва афзалликларини аниқлашни ҳолати тасвирланган. Тадқиқот гипотезаси таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш чет тилини янада қулайроқ ва қизиқarli қилади, шунингдек талабаларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишини оширади деган тахминдир.

Калит сўзлар: Таълим муассасаси, интерфаол, менежмент, тил компетенцияси, тил муҳити, симуляция, техника, усул, малака, сўзлашув, мотивация, ижтимоий-маданий таълим, бағрикенглик.

Introduction. Modern educational management considers increasing the efficiency of educational work in each unit of time as one of its tasks, i.e. optimum intensification of labor. Its main components include: increasing the purposefulness of training, strengthening its motivation, the information capacity of the content of education, the use of modern teaching methods, the activation of teaching methods, the activation of the pace of learning activities, the development of reflective labor skills, the use of computers and other latest information technology training tools. According to Yu.K. Babinsky, any purposeful functional self-regulating pedagogical system strives for the best optimal results of the educational process based on 2 criteria: the achievement by each student of the maximum possible level of

academic performance, upbringing and development for him in a given period and the absence of facts of systematic excess of students and teachers of time standards [1].

Main part. In English lessons, learning situations are created that help students acquire knowledge, skills and abilities in various types of speech activity.

For the formation and improvement of language competence, we use a variety of techniques and methods of interactive learning.

When studying the topic "Modal verbs", the game "Analysis of situations from practice" is used. Students take part in a group discussion and work out a solution together. Discussion of real life situations causes a keen interest and a desire to share their ideas. Tasks can be very diverse: "Your

friend is sick, advise how she can get better faster", "Develop a new school charter. Argument what can and cannot be done at school", "Give your friend recommendations on healthy eating".

To train the use of passive constructions of the future tense, the group game "Election Campaign" is used. Students in groups prepare for the election campaign by deciding what they can promise voters to get the most votes in the election.

In order to practice the skills of using interrogative, negative and affirmative forms of the times of the Past group, you can use the Alibi role-playing game. I give students the following situation:

"Your neighbors' apartment was robbed yesterday at 8 pm." The group plays the role of "detectives" and prepares questions for interrogation. Two students - "suspects" - leave the classroom and come up with an alibi for themselves. Detectives "interrogate the suspects", and they, in turn, prove their innocence. Solving a non-standard problem attracts students.

It is advisable to conduct a mini-competition "The Best Gossip" to consolidate the skills of transforming direct speech into indirect speech. Students listen to a short dialogue and work together in groups to transform it, competing to be the group's best gossip.

The "Media ABC" technique allows students to expand their active vocabulary on the topic of the lesson. The Media ABC is a comprehensive set of key concepts and issues, organized alphabetically on a specific topic, and presented in a multimedia format. Groups of 3-4 people prepare their multimedia presentations, working with a variety of vocabularies and mastering research skills. Explaining the choice of a particular word, students learn to think logically, defend and argue their point of view.

We use the "Association" technique and the "Four Corners" technique when consolidating vocabulary on the topic "World Religions". On the board I write down the topic of the lesson, and I invite students to name the words that are associated with it. Students are divided into groups, choosing a topic of interest to them, discussing it and preparing presentations.

To form and improve speech competence, we use the following techniques and methods of interactive learning:

The lesson-simulation on the topic "Environmental Problems" takes place in the form of a meeting of the members of the organization "Friends of Nature" and consists of three stages.

At stage I, each student receives a card with his role and key words, as well as an article that will help solve the problem. Students read their texts and determine the sequence of speeches.

Stage II of the lesson - simulation: the chairman opens the meeting, announces the agenda and gives the floor to each participant. Each student talks about their environmental problem and suggests ways to solve it, strives to be convincing and prove that their problem poses the greatest danger to the planet.

Stage III - summing up, reflection. The lesson helps to realize the responsibility of everyone for the future of their planet, as well as to show their oratory skills.

Reception "Openwork saw" on the topic "Is it easy to be young?". The class is divided into two groups to work with the text "Smoking" and the text "Alcohol". Each of the texts is divided into 3 logical and semantic blocks: "Causes", "Consequences", "Help". Each student in the group becomes the "expert" of their problem. The "experts" of the two groups then meet and exchange information, and then teach their team members what they have learned. Each group reports on its own text.

At the final stage of the discussion, I invite students to take part in the role-playing game "Say no to smoking!". The game makes everyone get involved in the work, helps to develop adequate forms of behavior and find their own arguments against smoking.

It is advisable to conduct role-playing discussions after monitoring the perception and understanding of speech by ear, when the text gives an emotional impetus to the search for a further solution to the problem under discussion. Role-playing discussions imitate real situations of communication, where everyone acts in accordance with a certain role. So, the role-playing discussion "Let's talk about love" takes place after the control of understanding the listened text "Love: myth or reality". I distribute roles among students with a description of their characteristics (leader, romantic, skeptic, doubter, lovers), give time for preparation and students express their opinion in accordance with their role. Such discussions require improvisation and develop spontaneous, unprepared speech.

Method "Round table". After checking the understanding of the listened text with the help of open-ended questions, which are ideal for starting a discussion, I hold a round table meeting on the topic "School of the Future: what is it like?". This form of group communication forms a culture of communication, tolerance for the opinions of others, allows you to coordinate your points of view and teaches constructive dialogue.

Talk show "Television: pros and cons" I spend in the form of project defense. Students are divided into two groups, choose a leader. Each team prepares its multimedia presentations, as well as arguments and counterarguments in defense of its position. The host indicates the rules of the talk show, provides each team with the opportunity to justify their point of view. During the game, the "viewers" call the studio and ask their questions to the members of both teams. The game is interrupted by commercials and the release of "There-there news". At the end, the results of the voting of TV viewers on the topic "Talk Show" are summed up.

This form of conducting a lesson makes the learning process personally significant for schoolchildren and allows them to reveal their creative potential.

The technique "Working with proverbs, sayings and quotes" increases the activity and motivation of students in the lesson, and the diversity allows them to be successfully included in the educational process at various stages of the lesson, to stimulate communication. A proverb and a quote can become an exposition for a lesson, a semantic support for further discussion in groups, a topic for an article in a newspaper.

The practice of work includes individual and group creative types of written work. When performing individual tasks, students can realize their desire to describe their personal experience, try themselves as a translator and a poet, a journalist. Group types of work form students' ability to argue their point of view in written polemics, to observe the culture of written speech.

In the lessons in elementary school, it is advisable to use an interactive teaching method - a game one. For elementary school children, play is the leading activity. Children are interested in games, competitions, role-playing games. Students willingly copy speech samples, imitate the intonation with which they are pronounced by the teacher, like to participate in choral work. The children enjoy singing English and American songs. Children participate in dramatization, which creates favorable conditions for the formation of the ability to communicate in English. The task of the teacher is to make each lesson interesting, exciting and to ensure that it develops cognitive interest, encourages students to actively participate in the learning process [7].

An important place in the work is occupied by project activities. The project method is one of the modern active methods that allow developing the communicative competence of students in English lessons. Project work is always popular with students of all ages. In practice, one has to deal with mixed projects, in which there are signs of research and creative projects at the same time.

There is a problem at the heart of the project. To solve it, students need not only knowledge of the language, but also the possession of a large amount of various subject knowledge, necessary and sufficient to solve this problem. In addition, students must possess certain intellectual, creative and communication skills. The formation of many of these skills are the tasks of teaching various types of speech activity. Thus, working on projects, the teacher forms, improves and develops listening, writing, reading and speaking. In the process of working on the project, the guys acquire the skills of international, intercultural communication.

Conclusion. The use of information technology in teaching English opens up new opportunities. Multimedia tools are easy to use, their role is great in intensifying the lesson and increasing its emotional impact on students. It is visual, colorful, interactive.

Analyzing the practical experience presented above on the use of interactive forms of the lesson in teaching foreign languages, we can conclude that the use of information and computer technologies and project methodology enriches not only the student, but also the teacher, stimulates search, initiative, makes him keep up with the times. The interactive teaching method forms a motivated interest among schoolchildren in the English language, contributes to a more effective assimilation of educational material by students, contributes to the development of sociocultural education, enriches communication experience, ensures adequate behavior in the context of intercultural interaction.

REFERENCES

1. Amonashvili Sh. A. The upbringing and educational function of assessing the teaching of schoolchildren. Minsk, 1984.
2. Babinsky Yu.K. Pedagogy. M.: "Enlightenment", 1983.
3. Bannov A. M. Learning to think together // Budkov A. S.: Materials for teacher training. – M.: INTUIT.RU, 2007. - P. 105.
4. Dzugaeva Zarina Ruslanovna Teaching English for specific Purposes (esp) // International scientific review. 2017. №2 (33).
5. Fidyati, F. (2018). Improving architecture students' English vocabulary through the use of architectural drawings. *Englisia Journal*. 5. 113. 10.22373/ejv.5i2.3073.
6. Gladilina I.P. Some methods of work at English lessons in secondary school // Foreign languages at school. - M.: "Enlightenment", 2003.
7. Gladilina, I.P. Some methods of work at English lessons / I.P. Gladilina // Foreign languages at school. - 2003. - No. 3.
8. Nezhivleva I.A. Interactive learning of a foreign language as a way to activate cognitive activity // Personality, family and society: issues of pedagogy and psychology: Sat. Art. by mother. XXXIII intl. scientific-practical. conf. No. 10(34). - Novosibirsk: SibAK, 2013.
9. Perinpasingam, P.Thivilojana. (2015). Needs Analysis on the Importance of English Language Skills for Workplace: Trainee Architects. *International Review of Basic and Applied Sciences*. 10. 129-137.
10. Velichko V.V., Karpievich D.V., Karpievich E.F., Kirilyuk L.G. Innovative methods in civic education. Minsk, 1999.
11. Wenzel K. N. Free education: Sat. scientific works. M., 1999.



УДК:378.147:659.1(035.3)

Адҳам РАЖАБОВ,
Қариш давлат университети тадқиқотчиси
Email: finaledition2@mail.ru;

Доцент, н.ф.д. Ш. Нуриллаева тақризи асосида

ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация

Ушбу мақолада талабаларни касбий тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш ҳамда “Бинар-диалогли маъруза” дарсларидан фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Талаба, фаолият, касбий тайёргарлик, интегратив ёндашув, касбий ривожланиш, касбий фаолият.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА

Аннотация

В данной статье представлена информация о совершенствовании профессиональной подготовки студентов на основе интегративного подхода и использования уроков “бинарно-диалоговой лекции”.

Ключевые слова: Студент, деятельность, профессиональная подготовка, интегративный подход, профессиональное развитие, профессиональная деятельность.

IMPROVING STUDENTS ' PROFESSIONAL TRAINING ON THE BASIS OF AN INTEGRATED APPROACH

Annotation

In this article, information about the improvement of professional training of students on the basis of an integrated approach and the use of “binary-dialogue lectures” lessons is presented.

Keywords: Student, activity, professional training, integrated approach, professional development, professional activity.

Кириш. Жаҳонда замонавий динамик ижтимоий-маданий шароитда кучли сармоявий ресурс – инсон салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш зарурлигини англаб етмоқда. Ушбу тенденция шахсининг касбий тайёргарлиги муаммосини айниқса долзарб қилиб қўяди. Чунки касбий тайёргарликка эга мутахассисгина таълимнинг янги сифатига эришиш учун шарт-шароитларни тақлиф этиши, илмий фаолиятни ривожлантира олади. Мазкур жараёнда энг муҳим биринчи навбатда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёргарлик даражасини назарда тутди. Зеро, ўқитувчининг касбий тайёргарлиги ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш истиқболларини белгилайди, жамиятнинг илғор ривожланишига хизмат қилади. Ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланиши, ҳалқаро баҳолаш дастурлари талабларига жавоб берадиган даражага кўтарилиши албатта бошланғич синф ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига боғлиқ. Талабаларни касбий тайёргарлигини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш бугунги куннинг зарурати ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Шу боисдан давлат ва жамият талабаларга турли вазиятларда касбий тайёргарликнинг аҳамиятини англаш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш, потенциал имкониятларни намоён этиш, талабаларнинг педагогик тафаккурини бойитиш борасида янги замонавий талаблар қўймоқда. Мазкур талабларни амалга оширишда, таълим жараёнида талабаларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда самарали ёндашувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Замонавий шароитда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий тайёрлаш сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири - бу фанлараро алоқадорликда амалга ошириладиган умумтаълим ва махсус фанларнинг тизимли бирлиги ҳисобланади. Сўнгги йилларда бир

қатор тадқиқотларда таълим жараёнига интеграциялашган ёндашув зарурлигини қайд этишди. Бўлажак мутахассисларнинг илмий билимларни самарали ўзлаштириши, уларнинг интеллектуал ва ижодий ривожланиши учун ўзаро боғлиқлик ўта муҳим. Бу ўқитиладиган фанларнинг алоҳида бўлимлари ўртасида ҳамда субъектлараро моҳиятни акс эттиради.

Тадқиқот методологияси. Интеграцияни сўзнинг кенг маъносида ҳам, тор маъносида ҳам кўриб чиқиш муҳим. Биринчи ҳолда, “интеграция” - бу таълим мазмунини илмий-техник, ижтимоий-техник, психо-физиологик хусусиятлар асосида бирлаштирилган замонавий ишлаб чиқариш ва кадрлар тайёрлашда мавжуд бўлган кенг қўламли касбларга тайёрлаш учун ягона дидактик шаклга келтириш демакдир. Тор маънода эса “интеграция” - умумий техник, махсус ўқув фанларини, барча ўқув ва ишлаб чиқариш ишларини ягона комплекста бирлаштиришни тушунади [4; 43-6].

Талабаларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантиришда интегратив ёндашувнинг аҳамияти шундаки, фанда билимларни синтез қилиш, объектив воқеликнинг умумий қонуниятларини ўрганиш тенденцияси ортиб бормоқда. Бу факат фанлараро даражада ҳал қилиниши мумкин бўлган мураккаб муаммолар сонининг кўпайиши билан боғлиқ. Дидактик жараёнининг яхлит қурилиши катта технологик имкониятларга эга. Интегратив ёндашувга асосланган таълимни тизимли амалга ошириш бўйича мавжуд тажриба олий таълим муассасалари амалиётида ҳали кенг жорий этилмаган. Шунингдек, талабаларга мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида идрок этиш асосан, кўриб чиқиладиган ҳодисаларнинг чекланган доирасига мослаштирилади.

Таҳлил ва натижалар. Интеграцион ёндашувнинг асоси унинг мантиғи ва мазмунини белгилайди. Қайсидир

маънода, мантикий-мазмунли асос бу ўқув жараёнининг дастури бўлиб, у нимага ва қайси дидактик яхлитликни таъминлашини объектив равишда аниқлайдиган реал жараёнларга мос келади (8; 20).

Жумладан, талабаларни интегратив ёндашув асосида касбий тайёргарлигини ривожлантириш ўзига хос тизим бўлиб, унда талабаларнинг касбий ва шахсий сифатлари таркиб топади. Шунингдек, мазкур тизим давлат таълим стандарти талаблари асосида умуммаданий, умумкасбий, методик билимлардан фойдалана олиш малакаларини ўзида қамраб олган мураккаб динамик характерга эгаллиги билан аҳамият касб этади. Бунда энг аввало, талабаларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш мақсади ва уларнинг касбий фаолиятининг ўзига хослигини ва ўқув жараёни тузилишининг объектив хусусиятларини аниқлаш муҳим.

Шундай экан, талабаларни касбий тайёргарлигини интегратив ёндошув асосида такомиллаштиришда қуйидаги кўникмаларга эътибор қаратамиз:

-талабада фаолият субъектларига тааллуқли кўникмалар;

-бошқа одамлар ва ҳамкасблар билан ўзаро муносабатларини белгилаб берувчи ижтимоий кўникмалар;

-таълим олиш, ўз билимларини мустақил мустахкамлаш, ўзини ривожлантиришга интилиш лаёқати;

-замонавий жамиятда зарурий ахборотлар олиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ ахборот билан ишлаш кўникмалари;

-тарбия, тараккиёт, мустақил таълим соҳаларида касб вазибаларини бажаришда қўл келувчи маданият омилларига таянган ҳолда, фаолият юритишига имкон берувчи умуммаданий кўникмалар;

-бошланғич синфларга фанларни ўқитиш жараёнини самарали йўлга қўйишга имкон берувчи илм-фанга оид замонавий билимларни ўрганиш кўникмалари.

Фикримизча, мазкур кўникмалар интегратив кўникманинг асосини ташкил қилади. У эса ўз навбатида талабаларни бошланғич синф фанларини ўқитишга тайёрлигини таъминлайди. Чунки бошланғич мактабда ўқитиладиган фанларни ўқитиш методикасини ўзлаштириш ва оламдаги бор нарсаларнинг қонуниятларини тушунишда предметлар ичидаги ва предметлараро алоқаларини ўрнатиш таълимга интегратив ёндошувнинг методик асосидир.

Интеграцион ёндошув асосида ташкил этилган таълимда ўқув дастурларини тузишнинг турли тамойилларининг комбинацияси зарур: етакчи

тузилмаларга асосланган битта ва тегишли фанлар тушунчаларининг иэрархияси ўқув жараёнининг мантикий-структурвий асоси иэрархиясига бириктирилган бўлиб, унинг атрофида таълим материаллар концентрацияланган.

Фикримизча, талабаларни касбий тайёргарлигини такомиллаштириш масаласига интегратив нуқтаи назардан ёндашиш уни ҳал қилиш бўйича қатор имкониятларни тақдим этади. Ва биз мазкур муаммо юзасидан талабаларни касбий тайёргарлигини интегратив ёндошув асосида такомиллаштиришда мутахассислик фанлари мазмунига сингдирилган мавзуларни **“Бинар - диалогли маъруза”** махсус дастур асосида ташкил этишни таклиф қиламиз. “Бинар - диалогли маъруза” ўрганилаётган муаммо доирасида, асосий таркибий қисмларни интеграциялашган яхлитликка киритиш усули бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта билим (фаолият) соҳасини таҳлил қилиш функциясига эга. Таҳлил қилиш натижасида эса интеграцион билимларни шаклланиш имконияти пайдо бўлади.

“Бинар-диалогли маъруза” дарсларида, интеграция ўртасида аниқ мазмунли изчиллик мавжуд бўлиб, икки хил йўналишлар ҳар бири алоҳида ҳаракат қилмаслиги, бир - бирини органик равишда тўлдириши муҳим ҳисобланади.

Демак, таълим жараёнида интегратив ёндошув асосида талабаларни касбий тайёргарлигини ривожлантиришда “Бинар-диалогли маъруза” да педагоглар ва талабалар ҳаракатларининг мос келишни кўзда тутати. Иккала фаолият ҳам умумий тузилишга эга: мақсадлар, сабаблар, мазмун, воситалар, натижалар, назорат. Бироқ ўқитувчи ва талаба фаолиятларининг мазмуни бир-биридан фарқланади. “Бинар-диалогли маъруза” бир қатор шартларга: бир дарсда икки ёки ундан ортиқ фанлардан материаллар синтези; турли билим соҳалари мутахассисларининг дарсда иштирок этиши; мунозара мавзусини танлаш, талабаларнинг турли хил, баъзан бир - бирини истисно қиладиган тушунчалар ўртасидаги умумий боғланиш нуқталарини топиш талабига асосланади.

Хулоса ва таклифлар. Талабаларни касбий тайёргарликни интегратив ёндошув асосида касбий тайёрлаш жараёни - бу интеграциялашган жараён, чунки ўқитувчининг касбий тайёрлиги бир қатор таркибий қисмларни - академик (турли фан соҳасидаги) билим, кўникма ва малакалар, педагогик, психологик ва методик билим, кўникма ва малакаларни бирлаштиришни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Амосова П.В. Методико-математическая подготовка студентов педагогических факультетов к развитию творческой личности школьника при обучении математике: Дисс... док.пед.наук., Астрахань, 1999. - 410 с.
2. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари: Пед. фан. док. дисс... -Тошкент: ТДПУ, 2006. - 263 бет.
3. Бордовская Н. В., Реан А. А. Педагогика. – М.: «Питер», 2007. – С. 104.
4. Беляева А. П. Дидактические принципы профессиональной под-готовки в профтехучилищах: методическое пособие / А. П. Беляева. Москва: Высшая школа, 1991. 208 с. с. 43.
5. Shadiyev R.D. Methods and Forms to Ensure Understanding in Educational Process. Eastern European Scientific Journal. DOI 10.12851/EESJ201805.www.aurisverlag.de.
6. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: пед.ф. доктори даражасини олиш учун диссертация. - Тошкент, 2007.- 337 бет.
7. Мусаев О.Қ. Компетенциявий ёндашув асосида педагогик қобилиятлар комплексини такомиллаштириш: пед. бўй. фал. док. (Phd) дисс. –Т., 2016. – Б.66.
8. Тюнников Ю.С. Существенные признаки и паспортные характери-стики интегративного процесса / Ю.С. Тюнников // Интеграционные процессы в педагогической теории и практике: сб. науч. тр. / Свердлов. Инж.-пед. ин-т. Свердловск, 1991. Вып. 2. С. 20.
9. Ражабов А. Ўқитиш жараёнида интегратив ташкил этувчиларни аниқлаш. Қарду хабарлари, 2021 йил декабр.



УДК378.3(075)

Шерзод РАХИМОВ,

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Педагогик инновациялар институти,
“Профессионал таълимни инновацион ривожлантириш” бошқармаси бошлиги, PhD
E-mail:sherikshox@bk.ru*

Ал Бухорий университети доценти, п.ф.н. М.Тошев тақризи остида

“WORLD SKILLS” СТАНДАРТЛАРИНИ МИЛЛИЙ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация

Меҳнат бозорининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, касбий билим ва қўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистонда WorldSkills стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этиш бўйича амалий ишларни амалга ошириш масалалари.

Калит сўзлар: WorldSkills стандартлари, профессионал стандартлар, электрон таълим дастурлари, электрон методик қўлланма, видеоинструкторлар, плакатлар, инфографикалар, технологик хариталар, рақамлаштирилган ўқув материаллари.

ISSUES OF INTRODUCING WORLD SKILLS STANDARDS INTO THE NATIONAL VOCATIONAL EDUCATION SYSTEM

Annotation

In order to meet the needs of the labor market for highly qualified personnel, to integrate vocational training with production practice, to introduce an international system of assessment of professional knowledge and skills, to implement practical work on the introduction of WorldSkills standards in the national vocational education system in Uzbekistan.

Keywords: WorldSkills standards, professional standards, e-learning programs, e-methodical manual, video instructors, posters, infographics, technological maps, digitized teaching materials.

ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ СТАНДАРТОВ WORLD SKILLS В НАЦИОНАЛЬНУЮ СИСТЕМУ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Аннотация

Вопросы практической работы по внедрению стандартов WorldSkills в национальную систему профессионального образования Узбекистана в целях обеспечения потребности рынка труда в высококвалифицированных кадрах, интеграции профессионального обучения с производственной практикой, внедрения международной системы оценки профессиональные знания и навыки

Ключевые слова: Стандарты WorldSkills, профессиональные стандарты, электронные учебные программы, электронные методические пособия, видеоинструкторы, плакаты, инфографика, технологические карты, оцифрованные методические материалы.

Кириш. Миллий профессионал таълим тизимидаги бугунги ислохотлар тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва кадрлар рақобатбардошлигини таъминлаш тақазо этмоқда. Халқаро (worldskills) стандартларни тизимга кенг жорий қилиш муаммоси бу тизимдаги ташкилотларни зарурий методик ресурслар билан таъминланмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Биринчи навбатда маҳаллий ва халқаро меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга алоҳида эътибор берган ҳолда мазкур касбларни халқаро (worldskills) стандартларга мувофиқ, тегишли иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда профессионал стандартлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Бу стандартлар асосида миллий профессионал таълим тизимига тегишли ташкилотлар учун фойдаланишга қулай бўлган рақамлаштирилган таълим ресурслар таъминоти базасини шакллантирилиши бугунги кунда долзарбдир.

WorldSkills International – халқаро нотижорат ташкилоти бўлиб, икки йилда бир марта ўтадиган халқаро чемпионатларни ташкил этиш орқали ишчи касблар нуфузи ва макомини, шунингдек касбий тайёргарлик

стандартларини оширишга қаратилган. Ишчи касблар бўйича жаҳон чемпионати 2022 йил октябрда Шанхайда ўтказилади. WorldSkills стандартлари халқаро даражада 85 та давлатда жорий этилган. Ўзбекистон 83-давлат бўлиб 2020 йил 17 январда аъзо бўлди. Лекин шу кунга қадар WorldSkills стандартлари Ўзбекистон таълим тизимига жорий этилмаган ва бу борада илмий тадқиқот ишлари натижалари яқунланмаган.

АҚШ, Канада, Англия, Германия, Япония, Хитой, Австралия каби G-20 давлатларида WorldSkills стандартлари асосида касб ўргатилади ва ўқитилади. Касб-хунар таълими ва ўқитиш тизимлари малакаси яхши ўрнатилган дунёда яшаш учун ишлатилади. Дастурлар номенклатурасини ўзгартириш, янги ўқув модулларининг ўз вақтида киритилиши ва тугатилиши, таълим ва профессионал таснифлагичлар ҳамда WorldSkills компетенцияларининг рўйхатини ўзаро таққослашни талаб қилади.

Бугунги кунда Ҳукуматимиз олдида турган асосий масалалардан бири бу муносиб иш ўринларини яратишдир. Ушбу соҳадаги вазифаларни ҳал қилиш

меҳнат бозори, жумладан жойларда яратилаётган йирик корхоналар ва кластерлар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали ишчи касблар мутахассисларини таёрлашнинг самарали тизимини яратиш заруратини таъқозо қилади.

Меҳнат бозорининг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, касбий билим ва кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сонли қарори[1] қабул қилиниб Ўзбекистонда WorldSkills стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этиш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6108 сон Фармонининг[2] 16-банди, учинчи сўзбошида “профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий малакасини «WorldSkills» стандартлари асосида баҳолаш тартиби босқичма-босқич жорий қилинади ва ишчи касблар бўйича «WorldSkills Uzbekistan» мусобақалари ўтказилади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4939-сон қарорининг[3] 12 б) банди, иккинчи сўзбошида: “олий ва профессионал таълимнинг таълим дастурлари WorldSkills стандартлари, касбий стандартлар ва рўйхати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланган, халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингига олий таълим муассасалари ўртасида биринчи 1 000 ўринни эгалловчи олий таълим муассасалари таълим дастурлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади” деб белгиланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 15 сентябрда «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4829-сон[4] қарорини имзолади. Унга мувофиқ 13 та коллеж ва техникумда (*жами йиллик қуввати 20,2 минг ўқувчи*) меҳнат мигрантлари учун қисқа муддатли (*3 ойгача*) касб-ҳунар ва чет тилларига ўқитиш курслари ташкил этилиши ҳамда қисқа муддатли курсларнинг ўқув дастурлари хорижий йирик иш берувчиларнинг талабларига мослаштирилиши белгиланган.

Профессионал таълим тизимига WorldSkills стандартларини жорий этиш орқали касбга ўқитишни йўлга қўйиш фуқароларимизга хорижий мамлакатларда эгаллаган квалификациясига мос равишда ишга жойлашиш ва даромад қилиш имкониятини яратади.

Мазкур вазибаларни амалга ошириш ва жараёнларни янада тезлаштириш, инновацион ривожлантириш мақсадида WorldSkills стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этишнинг ахборот таълим порталини яратиш бутунги кун заруратиға айланган.

Ҳар қандай ривожланган мамлакатнинг иқтисодиёти замонавий халқаро сифат стандартлари асосида ишлай оладиган малакали ишчиларга муҳтож. Юқори технологияли ишлаб чиқаришлар ўзига мос тайёргарлик кўрган мутахассисларни талаб қилади.

Технологияларни ривожланиш тезлиги янги технологиялар, стандартлар ва воситаларни тезкор равишда жорий этиш зарурлигини таъқозо этади.

Республикамизда малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида касб-ҳунар таълими соҳаси тубдан ислоҳ қилиниб, мутлақо янги профессионал таълим тизими жорий этилди. Профессионал таълим тизимини кадрлар тайёрлаш сифатига қуйидаги талаблар қўйилади, жумладан: жаҳон меҳнат бозорида муваффақиятли рақобатлаша оладиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш.

Бутунги кунда иш берувчилар ҳам халқаро, ҳам ички меҳнат бозорларида ишлаб чиқариш муаммоларини дарҳол ҳал қилишга кириша оладиган ходимларни ишга олишни афзал кўришмоқда. Молиявий капитал, хом ашё, ускуналар, янги технологиялар билан бир қаторда билим, касбий маҳорат, кўникма, малакалар, касбий компетенциялар, ходимларнинг ижтимоий аҳамиятга эга шахсий фазилатлари каби манбалар корхонанинг стратегик ресурслари ҳисобланади.

Профессионал таълим муассасалари битирувчиларига келсак, уларнинг малакасини ошириш касбий таълим олгандан кейин бир неча йил давом этади. Дипломни олган ёш мутахассис тажриба орттиришни бошлайди, дастлабки хатоларга йўл қўяди, таълим муассасасида олган билимларини янгилайди. Шунинг учун иш берувчилар янги ишчиларни ишга олишда мослаштиш муддатини минималлаштириш мақсадида иш тажрибаси ва касбий фаолиятининг тасдиқланган натижаларига эга бўлган номзодларга устунлик беришади, бу эса профессионал таълим муассасасини битирган ёш мутахассисларга ишга кириш ва касбий ўсиш (карьера) учун тўсиқ бўлиши мумкин.

Бу муаммони ҳал қилишнинг усулларидан бири WorldSkills стандартлари бўйича мутахассисларни тайёрлашдир. Мутахассисларнинг касбий фаолияти объектларини аниқлаш учун WorldSkills стандарт спецификациясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. WorldSkills стандартлари малакали мутахассислар ўртасида ўтказиладиган халқаро чемпионатларда қўлланилади. Бу иштирокчиларга нафақат ўзларининг профессионал савиясини баҳолаш, балки халқаро аҳамиятга молик лойиҳаларда ҳам амалга ошириш имконини беради.

Бунинг учун маҳаллий ва халқаро меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича халқаро (WorldSkills) стандартларга мувофиқ, тегишли иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда профессионал стандартлар ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида рақамли таълим дастурлари яратиш;

-Хорижий экспертларни жалб этган ҳолда профессионал стандартлар асосида таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўйича электрон методик қўлланмалар яратиш;

-Яратилган таълим дастурлари асосида мураккаб таълим олиш имкониятини берадиган видеоинструкторлар, плакатлар, инфографикалар, технологик хариталар, ўқув-методик қўлланмаларни ўз ичига олган рақамлаштирилган ўқув материаллари тўпламини яратиш;

-Профессионал таълим муассасаларида тайёргарликдан ўтган ўқувчиларнинг касбий малакасини “WorldSkills” стандартлари асосида баҳолаш тартиби (меъёрий ҳужжатлар ва синон материаллар намуналари) тайёрлаш;

-WorldSkills стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этишнинг ахборот порталини яратиш каби масалалар долзарб вазибалардандир.

Профессионал таълим тизимининг расмий

сайтларида халқаро (WorldSkills) стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган профессионал стандартлар ва улар асосида рақамли таълим дастурлари, электрон методик қўлланма, WorldSkills стандартлари асосида мустақил таълим олиш имкониятини берадиган видеоинструкторлар, инфографикалар, технологик хариталар, ўқув-методик қўлланмаларни ва мутахассислар касбий малакасини “WorldSkills” стандартлари асосида баҳолаш бўйича намунавий меъёрий хужжатлар ва синов материаллари жойлаштириш лозим.

Бугунги кунда “WorldSkills” стандартларини профессионал таълим тизимига жорий қилиш бўйича илғор тизимлардан бири бу Россия Федерациясининг Профессионал таълим тизими ҳисобланади. Сўнгги “WorldSkills” мусобақаларида ҳам мазкур давлат мутахассислари совринли ўринларни олишга эришдилар. Шу сабабли Россия Федерациясининг Профессионал Таълимни Ривожлантириш Институти (ИРПО) ва Беларуссия республикасининг «Республика Профессионал таълим Институти» (РИПО) ҳамда “WorldSkills” стандартлари бўйича халқаро ташкилотларда ишлаётган бошқа бир қатор малакали мутахассисларни жалб қилиш орқали бу каби вазифаларни амалга оширишда асосий рол ўйнайди.

WorldSkills стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этиш орқали касбий маҳоратга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш билан биргаликда таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ижтимоий шериклик деб аталмиш алоқалар динамик равишда

шаклланади.

Хулоса сифатида бугунги кунда WorldSkills стандартларини таълим тизимига жорий қилиш ва унинг профессионал таълим тизимидаги самарадорлиги бўйича илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда зарурий методик материаллари ишлаб чиқиш лозим.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш орқали куйида вазифаларни ҳал қилиш назарда тутилади:

—WorldSkills стандартларини миллий профессионал таълим тизимига жорий этиш бўйича профессионал таълим муассасаларининг зарурий методик ресурслар билан таъминоти соддалаштирилади;

—Иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро (WorldSkills) стандартларга мувофиқ профессионал стандартлар ишлаб чиқилади;

—Халқаро (WorldSkills) стандартларга мувофиқ электрон таълим дастурлари, электрон методик қўлланмалар яратилади;

—Иш берувчилар томонидан мутахассисларга қўйиладиган талабларни прогнозлаш тизими яратилади;

—“WorldSkills” стандартлари асосида таълим жараёнини баҳолашнинг янги тартиби (демонстрацион имтиҳонлар) бўйича тадқиқотлар ташкил қилиниб, намунавий меъёрий хужжатлар ва синов материаллари ишлаб чиқилади.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://lex.uz/docs/4334806>
2. <https://lex.uz/docs/5085999>
3. <https://lex.uz/docs/5203490>
4. <https://lex.uz/docs/4997972>



УЎК: 746.343.000.93:391.2(575.1)

Умида РАХМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти профессори, ф.ф.н.
Нилуфар МИРФАЯЗОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти катта ўқитувчиси
Камола ФУЗАЙЛОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ассистенти.
Комила МИРЗИЁДОВА,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти магистранти
E-mail: mirfayazovan@mail.ru

Доцент Х.М.Юнусходжаева тақризи остида

ЎЗБЕК АНЪАНАВИЙ КАШТА НАҚШЛАРИ ТАРИХИ ВА УЛАРНИНГ РАМЗИЙ МАЪНОЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек анъанавий нақшлари тарихи ва рамзий маъноларининг таҳлили келтирилган, шунингдек сўзана кашталарини тикишнинг турли хил усул ва воситалари ҳамда дизайнерлар учун ижодий манба сифатида бебаҳо эканлиги таъкидлаб ўтилган. Зеро бундай нақш ва кашта турлари бугунги кунда ҳам услублаштирилган тасвирда кенг қўлланилади.

Калит сўзлар: анъана, нақш, рамзий маъно, сўзана, палак, кашта, дизайнер, услуб, бадий безак, ижод манбаи, санъат, рассом, мато, хошия, гуллар, ранг, композиция, симметрия.

ИСТОРИЯ ОРНАМЕНТОВ УЗБЕКСКОЙ ТРАДИЦИОННОЙ ВЫШЕВКИ И АНАЛИЗ ИХ СИМВОЛИЧЕСКИХ ЗНАЧЕНИЙ

Аннотация

В данной статье проведен анализ истории и символического значения узбекского традиционного орнамента, а также различные методы и средства вышивки сюзане, как бесценный творческий ресурс для дизайнеров. Так как такие узоры и виды вышивки сегодня широко используются в стилизованном изображении.

Ключевые слова: традиция, орнамент, символика, сюзане, вышивка, дизайнер, стиль, художественное оформление, источник вдохновения, искусство, художник, ткань, линия, цветы, цвет, композиция, симметрия.

HISTORY OF ORNAMENTS OF THE UZBEK TRADITIONAL EMBROIDERY AND ANALYSIS OF THEIR SYMBOLIC VALUES

Annotation

The following article presents the historic and symbolic meanings of Uzbek traditional patterns, and also discusses the positive influence and priceless behavior of sewing methods of Uzbek embroidery. Thus, such methods of creating embroidery and pattern making is also widely implemented in today's world.

Keywords: tradition, ornament, symbolism, suzani, embroidery, designer, style, decoration, source of inspiration, art, artist, fabric, line, flowers, color, composition, symmetry.

Кириш. Дизайнер фаолиятида матога бадий безак беришнинг турли хил усуллари мавжудлиги сир эмас. Мана шундай бадий безак турларидан бири кашта билан бойитиш ҳисобланади. Ўз навбатида кашталарнинг нақши ва уларнинг рамзий маънолари мавжуд бўлиб, уй анжом ва жиҳозларини безатишда кенг қўлланилган. Дизайнер кашта ва нақшлардан ижод манбаи сифатида фойдаланар экан, албатта унинг тарихига ҳамда рамзий маъносига назар ташлайди.

Қадимдан сўзана ва палак барча ўзбек хонадониди мавжуд бўлганлиги сабабли ўзбек аёллари сўзана нақшлари ва уларни тикиш услуги ҳақида маълумотга эга бўлишган. Маълумки, ҳар бир хонадонда илк каштани қиз фарзанд беш ёшга тўлиши билан яхши ният қилиб тикишни бошлаш урф бўлган. Оиладаги қиз вояга етганда сепининг асосий қисмини каштали либос ва жиҳозлар ташкил этган. Албатта, бундай урф ва маросимлар бугунги кунда қўлланилмайди.

Каштачилик санъатини ўрганиш даврида кашта оламини калити каштачилар эмас, балки кашта нақшини чизувчи рассомлар қўлида бўлганлиги гувоҳи бўламиз. Айнан улар ҳақиқий кашта анъаналарини яратувчи ва

сакловчилар ҳисобланади. Тарихий маълумотларга кўра, сўзана нақшларини ҳамма ҳам чиза олмаган. Бунинг учун кашта рассоми ўз касбини аждодларидан мерос қилиб шуғулланувчи ёки кекса устага шогирд тушиб унинг “фотиҳа”сини олиши лозим бўлган.

Сўзана кашталарини тикишнинг турли хил усул ва воситалари қадимдан ривожланиб келган. Сўзана матога олдиндан чизилган нақш устидан тикилган. Нақш чизиш техникаси ҳам ўзига хос бўлиб аввал, хошия чизиқлар, сўнг гулларни марказлари уларнинг орасидаги масофалар қарийлаб ёки чўп ёрдамида ўлчанган. Айрим ҳолларда матони энига ва бўйига тахлаб, тахлама бурчаги гул маркази қилиб танланган. Шунда сўзанадаги гуллар нисбатан тенг тақсимланиб симметрик нақш ҳосил бўлган. Марказий гул чизилгач, унинг атрофида вертикал нақшлар жойлаштирилган. Улар нақшларни ўзаро боғловчи элемент ҳисобланган. Асосий нақш чизиб бўлингач, хошия нақшларини чизишга ўтилган. Тўлмай қолган жойларига кўз билан чамалаб иккиламчи нақшлар билан безак берилган. Бўш жойларни тўлдириш кашта рассомининг ихтиёрига боғлиқ бўлиб, у юзани хаддан зиёд тўлиб кетмаслигига ҳаракат қилган.

Турли худудлар сўзаналари бир-бирдан услубий чизиқлари, ранги, нақш элементлари, композицион ечими ва рамзий маъноси билан фарқ қилади. Шу сабабли уларни қўшни шарқий давлатлар нақши билан алмаштириб бўлмайди. Ўзбек нақшлари асосан, ўсимлик нақшларидан иборат бўлиб, у ўз навбатида ўсимлик ва ислимий нақшга бўлинади. “Палак” деб номланувчи Тошкент сўзаналари эса астрал мотивлари (осмон жисмлари, юлдуз, қуёш ва ой)дан ташкил топган. Турли худудлар нақшлари бир-бирдан яна мато юзасини нақш билан тўлдирилиши билан ҳам фарқланган. Мисол учун Фарғона водийсида фон нақш билан тўлдирилмаган, айрим туманларда нақш ўлчамлари йирик бўлса, айримларда майда тасвирда бўлган. Кашта нақшлари билан безаш асосан, жойнамошлар, сандалпўш (дастурхон), гаврапўш (бешик кўрпа), зардевор ва зебитаҳмон (хоналарнинг деворлари тепасига осилган), бугжом (тахмонларни устига ташланган)ларга безак сифатида ҳам тикилган.

Кашталар илк қўлланилган даврда умуман ўзгача тусда бўлган, яъни оқ, кизил ва сариқ матоларда ишланганлигини кўриш мумкин. Оқ фонли сўзаналар “карбос” деб аталган дағал пахта ипли матоларда тикилган. Ўзбек кашталари гулларида асосий ранг “пушти гули баланд” атиргул япроғи тўқ пушти ранг кўп учрайди. Яна миллий кашта ипларимиз ёрқин кизил – *хиноги* (хна ранг) ёки *шам* (шағамдаги олов ранги)да қўлланилганини кўришимиз мумкин. Ипак матоларини яшилга бўяш учун уни олдин сариқ рангга сўнг “нелоби” (кўк) рангга бўялиб ҳосил қилинган ва “зангор” деб номланган. “Зангор” занг сўзидан келиб чиқсада, бу ранг бундай номланиш сабаби тушунарсиз. Худди шундай галма-гал бўяш услубида кизил, сўнг кўкка бўяб, “*нафармон*” сиёҳранг ҳосил қилинган. Тошкент каштасида барг япроқлари тўқ яшил бўлса, Нуротада очроқ ва илик рангда қўлланилган.

Оқ фонда гуллар кизил сариқ, пушти ранглارнинг барча тусларида, барглари яшил рангларнинг барча тусларида келтирилса, мато ранги ўзгаришига мос равишда нақшларнинг туслари ҳам ўзгартирилган. Асосий йирик нақшлар композицияда қатъий тартибда жойлаштирилиб унинг характери очиқ берган. Умуман олганда, кашталардаги рангларда бизнинг ўлкамизга хос бўлган ёрқинлик ва илиқликни кузатиш мумкин.

Сўзаналарда турли хил чоклар ёрдамида кашта тикилган бўлиб, асосан “босма” чокда бажарилган, якунида ипни қайта-қайта чоклаб “захм” билан қотирилган. Нуротанинг “босма” чоки Самарқанд ва Бухороникдан фарқ қилган. Мағиз чок икки турда илмоқ ва занжир каштали кўринишда бўлган. Айрим сўзаналарда нақш бутунлай занжир чок билан кашталанганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Нақшлар композицияси қатъий анъанага бўйсуниб буюмнинг мўлжалига кўра белгиланган. Бу қоида барча худудларда бир хил бўлиб, фақатгина сезилмас фарқлари мавжуд бўлган. Асосий нақшлар айлана шаклида бўлиб, атрофида баргсимон нақшларга эга бўлган, бир хил шакл, ранг ва ўлчамдаги айланалар юзада бир хил тақсимланган ва хошия билан ўралган.

Руйижо ва жойнамошларда нақш композицияси уч томонлама хошиядан иборат, икки тарафдаги хошия бир хил энликда бўлиб, учинчи тарафга ингичкалашиб борган. Бир тарафи хошияланмай тугалланмаганлик эффекттини берган. Аммо бу “тугалланмаганлик”нинг ҳам ўзини рамзий маъноси бўлган. Руйижо келин-куёв ўрин тўшагига солинган. У икки ёшнинг оилавий ҳаёти бахтли ва серфарзанд бўлиши учун очик қолдирилган.

Жойнамош кашта нақши руйиждан кейин пайдо бўлгани учун уларнинг нақшлари ўхшашдир. Аммо

жойнамошга оёқ қўйиладиган қисми очик бўлиши ва саждага бош қўйиладиган қисми нақшинкор безатилиши ҳам ўзига яраша маъно кашф этади.

Сўзаналарни икки тури кенг тарқалган бўлиб, улар каштаси билан палак ва гулкўрпага фарқланган. Палакнинг нақши ва композицияси қатъий қонуниятга бўйсуниб, нақшлар билан зич қопланган. Гулкўрпа эса гуллаган буталарнинг эркин жойлашувидан таркиб топиб, ўзбек сўзаналарида ўзининг мукамал даражасига етказилган.

Хошиянинг четига тикилган учбурчаксимон шакл – тумор маъносида келган. Заргарлик буюми саналган туморга мунчоқлар осилган шаклини ҳам кашталарда учратиш мумкин. Умуман олганда Нурота кашталари Самарқанд, Жиззах, Тошкент сўзаналарининг рангларига нисбатан илиқ туслиги билан фарқланади. Нақшларнинг майдалиги, шакли ва уларнинг турли туманлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари кўза, қуш ва хатто одамларнинг ҳақиқатга яқин ифодаланиши, бошқаларга нисбатан кам услублаштирилганлиги билан ажралиб туради. Хошияни умумий композицияда кўп жой эгаллаши, ҳамда марказий қисмга нисбатан безакдорлиги ва ниҳоят композицияни хилма хиллиги ва мураккаблиги нақш турларини бойлиги ўзбек нақшларини ўрганишда таснифлашни уйдлаш кийинлиги билан фарқлидир. Бунга сабаб турли маданиятлари анъаналарининг, кириб келиши ва синтези сабаб бўлиб, уни мураккаб, уйғун ва мукамал даражада баҳо беришга лойиқдир.


Композиция нақши бир нечта алоҳида мотивлардан иборат бўлган. Улар майда ва оддий, йирик нақшлар турли бирикмаларда мураккаб элементларни ўз ичига олган. Нақшлар турли буюмларни ўсимлик нақшига айлантирган ҳолда чизилган. Шунинг учун нақшлар асосан гул ва барглardan иборат.

Ўзбек кашталарида схематик бўлсада яққол кўза ташланадиган кўза, қушлар ва хатто одамнинг қоматларини кўриш мумкин. Нақшга қатъий маъносига кўра ном бериш урф бўлган бўлсада, нақш композициясида фақатгина бир мотивни учратиш мушкул, бир бутада ҳам анор, ҳам қалампир, ҳамда заргарлик буюмининг акс этиши кашта рассомининг рамзий маънодан кўра унинг композицион мукамаллигига интилганидан далolat беради. Ўзбек каштачилиги анъаналарига кўра бир композициянинг мотивлар мантикий боғланмай, балки нақшнинг гўзал уйғунлигига эришиш мақсадида яратилган. Кашта рассомлари нуқтаи назарида кашта нақшлари шартли равишда боқий дунёни воқелигини акс эттирсада, яхлит ҳолда бир мазмунни ифода этмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оқ фон учун мўлжалланмаган нақшлар, рангли фonga тикилган нақшлардан нафақат ранг туслари билан эмас, балки, композициянинг характери билан ҳам фарқланган. Оқ матога тикилган нақшлар муҳим ва қимматбаҳо ҳисобланган. Улар изчил ва қуюқ тикилиб, ипак кўп микдорда сарфланган, шунинг учун улар нарх жиҳатдан ҳам юқори бўлган. Оқ фонда барча ранглари ёрқин кўриниб, унинг бадиий ечими ҳам юқори ҳисобланган. Оқ матода битилган нақшларнинг такомиллашининг барча босқичларида ҳам йирик нақшли ва қуюқ чокли бўлган. Йирик нақшлар ўз навбатида майда нақшлар япроқлар билан бирга композицияни бадиий характери очиқ берган. “Лола” деб номланувчи йирик нақшлар кичкиналаштирилган шакли “Лолача” айрим вилоятларда “офтоб” деб, айримлари “Оймўма” деб ҳам аталган. Вақт ўтиб, тахминан XIX асрнинг 80-90 йилларига келиб, оқ матодаги нақшларнинг ҳажми катталашиб, ички безаги соддалашиб, босиқ ранглarda бажарилган.

Ўзбек каштачилиги умумлашган ҳолда ягона характерга эга бўлсада, худудлар бўйича ўзининг


характерли фарқларига эга бўлган. Аслида кашта тикиш икки турга бўлиниб, шарқона ва ғарбий деб номланади. Йирик декоратив нақшлар асосан йирик марказлар ва шаҳарларга тегишли бўлиб, йиллар сайин такомиллашиб борганлигини кўриш мумкин. Ўзбекистон сўзана нақшларида рангли фонда қарама-қарши икки тарафга қараб турган ғажаклар кўп қўлланилган, улар кўчкор шохи деб номланиб, чорвачилик кенг тарқалган ҳудудларда урф бўлган.



1-расм. Кўчкор шохи.

“Кўчкор шоҳи” – кўчкорнинг бурама шохларини эслатувчи нақш ёмон назардан сақлаган деб ҳисобланган. Ҳар бир хонадонда чорва моллари бокилиб, норасида фарзанди бевакт ўлим топгандан сўнг, у хонадонда ўғил фарзанд туғилса исмини албатта Кўчкор қўйиш одати кенг тарқалган эди.

Оқ матода тикилган нақшлар аксарияти анор ва кўчкор гули тасвирида кўриш мумкин. Улар ёрқин қизил рангда бажарилиб, ичидаги майда дончалари – серфарзандлик маъносини англатади. Сўзананинг оқ ранги бахт –саодатни ифода этган. Бу икки йирик нақшнинг икки четида уч баргли нақш – “пойимурғ”, “куш оёғи”, яъни иккита юқорига ва битта пастга қаратилган нақшдан иборат.




2-расм. Кўшбодом ва панжа нақши.

Панжа - қўлни эслатувчи гул тасвирида ифодаланган бу нақш ёмон кўздан асрашига ишонган. Тумор қилиб болалар бўйнига осилган.

Бу нақшлар отнинг ердаги қолдирган изининг услублаштирилган тури бўлиб, гуллар билан безатилганлиги сабаби асл маъносидан узоқ нақшни эслатади ва сўзана кашталарида кам учрайди.

Бундан ташқари нақшларда “сабзи”, “шолғом”, “бақалажон” сабзавотларни услублаштирилган тасвири каби нақшларни ҳам кўришимиз мумкин.


Барча айланасимон нақшларнинг четини ярим айлана ғажаклар “жингала” ўраб турибди. Уларни “туя гардони” деб ҳам аталган.



3-расм. Рапида нақшли жойнамоz.

“Рапида” – тандир тиғидан қўлни асровчи ёстикли энг. Рапида ўз навбатида таом боши – нон, тўкин сочинликни англатади.


Чироки нақшлардан фарқли ўлароқ “ошпичок” кўп қўлланилишига сабаб икки асосий нақшларнинг ўрнини эгаллайди.



4-расм. Чорчироқ ва унинг услублашган нақши.

Чорчироқ нақши тўрт томонга ёруғлик таратувчи лой ёки металдан ясалган мой чироқдан олинган бўлиб, янги келин куёвларнинг боши тепасидан ёвузликдан, ёмон назардан сақлаш мақсадида айлантирилган анъанадан олинган нақшдир.

Йирик асосий нақшларни орасини тўлдириш учун тикилган майда қўшимча нақшлар сифатида “қалампир”, “бодом” ва майда айланаларни кузатиш мумкин. Улар кўндаланг ҳар хил чизикли айланаларни ёки бир рангда ифодаланиб, четида барг ва япроқ билан ўралган.



5-расм. Бодом нақши.

Янги келин куёвларнинг сепида чироқнинг кўп ифодаланишига эса, оловнинг ёвуз кучларга қарши кучли қурол сифатида қаралиши сабаб бўлган. Қалампир ҳам ўзининг заҳри билан ёмонликдан асраган деб ҳисобланиб, ундан “қалампирмунчоқ” ясаб, яъни ипга қатор териб, эшик тепасига осилган. Аммо барча севиб истемол қиладиган “бодом” қандай қилиб ёмон кўздан асраши мумкин?! Зеро кесувчи (пичок), қуйдирувчи (чироқ) ва аччиқ (қалампир)лар ёмон кўздан асраши мантиқий. Буни изоҳи оддий, айрим ёввойи бодомлар жуда тахир бўлиб, ошқозонни заҳарланишига олиб келиши мумкин экан. Бу нақшлардан энг кучлиси пичоқ ҳисобланган. Чунки шомдан сўнг инсонларни пичоксиз кўчада юриши ҳосиятсиз ҳисобланиб, эркакларнинг белида пичоқ осиб юриш одати келиб чиқиш сабабини тушунтириб беради. Зеро шомдан сўнг ёвуз кучлар инсонга зарар етказиши мумкинлигига қаттиқ ишонишган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, қушларни услублаб бодом ва қалампир шаклида ифодаланганини ҳам учратиш мумкин.

Кашталарнинг тасвири ва уларнинг рамзий маънолари одамларнинг яшаш тарзидан келиб чиққанлигини кўриш мумкин.

Офтоб расмини лойга чизиб эшик тепасига осиш урф бўлган. Офтоб меҳмондўстлик, оташ қалб маъноларини ифодалаган.

Кучоғ нақши-меҳр-муҳаббат бағрикенглик маъносини англатади.

Шунингдек, кашталарда мажнунтол, узум бутаси ва шунга ўхшаш ўсимлик нақшларини пайдо бўлиши нақш турларини янада бойишига олиб келди. Мажнунтол ёвуз кучларни ҳайдовчи дарахт ҳисобланиб, бетобларни уни шохларига ўраб, дардидан холос этилган. Чакалоқларни биринчи сочлари олингандан сўнг айнан толнинг тагига кўмиш урф бўлганлиги унинг илоҳий кучини ифода этади.

Нурота кашталарида уй жиҳоз буюмлари “чойнак”, “офтоба” ва “чилим” каби нақшларни ҳам учратиш мумкин. Улар кичик ўлчамда 4-6 см, нейтрал кулранг ва кўк рангларда учрайди, улар кам услублаштирилганлиги учун яққол ажралиб туради. Нурота кашталари яна горизонтал қаторларда нақшларда шахмат кетма-кетлигида жойлашиши ва яна марказда катта саккиз қиррали юлдузнинг ичида катта айлана, атрофида эса саккизта бир хил ўлчамдаги турли гуллар ва чети хошия нақш монокомпозицияси билан ажралиб туради.

Товус нақшида аксарият холларда бир жуфт бир-бирига қараб турган ҳолатда учрайди. Товуслар ромб сеткасининг хошиясидаги ярим ромб ичига тикилган бўлиб, улар бутун сўзана бўйича 4 жуфтни ташкил этади, қолган катақлар буталар расми билан тўлдирилган. Марказий қисмда нисбатан катта бута жойлашган. Қушлар тасвирида товуснинг эркак ва урғочисини ажратиш мумкин. Уларнинг бўйнилари узун ва боши тепага қараган. Умумлашган ҳолда бу симметрик жойлашган товуслар жуфтлиги айланани ёки юлдузни эслатади. Шу билан бирга ўсимлик нақшига ҳам ўхшаб кетади. Товуслар бир жуфт умр йўлдошларни ўртасидаги меҳр-муҳаббат рамзи сифатида ифодаланган.

Нурота кашталарининг рамзий маъноси маълум эмаслиги ва кам ўрганилганлигига уларда ифодаланган

жисм ва образларнинг ўсимлик нақшлари билан услублаштириб яширинганлиги сабаб бўлмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, эса кашта рассомлари нақшларни атрофи оламдан олганликлари маълум бўлди. Улар кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган ҳодиса, жисм ва буюмлардир. Нурота ҳамда бошқа вилоят кашталаридаги нақшлар рамзий маъноси гуллар шаклида яширинган бўлиб, улар билан маълум ғоялар, турмушдаги анъана ва урф-одатлар билан боғлиқ бўлган.

“Оташароба” поездни акс эттириб, асосан жойнамоз ва руйижоларда композицион мослиги учун кўп учрайди.

“Самовар” нақши композицияларида кўп қўлланилган пичоқ, чирок, қалампир ва бодом, ёвуз кучларни ҳайдовчи, ёмон қўздан асровчи жисмлар билан бирга ифодалаган.



6-расм. “Оташароба” мотивли жойнамоз нақши.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, барча кашта билан безатилган палак, руйижоларни уй жиҳози ва беағи сифатида фойдаланилса ҳам уларнинг рамзий аҳамияти анча юқори бўлганлигига амин бўлдик. Зеро, буни биз уларни маросимларда кенг қўлланилишида кўришимиз мумкин. Улар одамларнинг ёвуз кучларнинг зарарларидан асраш учун совға қилинган. Бундан ташқари улар орқали инсон ўзларига яхшиликни чақириш мақсадида ҳам фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Бундай нақш ва кашта турлари бугунги кунда ҳам услублаштирилган тасвирда кенг қўлланилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Raxmatullayeva U.S. O'zbek xalqining kiyinish madaniyati: an'anaviylik va zamonaviylik (falsafiy-madaniy yondashuv). nom.dis. Toshkent, 2010 y.
2. П.А.Гончарова. Бухоро зардўзлик санъати. –Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. –Ташкент.1986 й. -110 бет.
3. Сухарева О.А. Сузани. Среднеазиатская декоративная вышивка. –Москва: Восточная литература, 2006.-156 стр.
4. Народное искусство Узбекистана.-Ташкент:Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1977. -235 стр.
5. Н.Н.Kamilova, Z.I.Rakhimova, U.S.Raxmatullayeva. O'zbek milliy libosi va an'anaviy qadriyatlar. Monografiya.- G'.G'ulom nashriyoti-matbaa ijodiy uyi. – Toshkent-2018.-330 bet.
6. Бободжанова Г. Богатство мироздания и символов поток – Т. : «Звезда Востока» № 1, 1999.
7. С.Маҳкамова. "Ўзбекские абровые ткани. –Ташкент: Государственное издательство художественной литературы Узбекской ССР, 1963 г.



УДК: 30.303(378)

Dilnura RAHMONOVA,
Andijon mashinasozlik instituti assistenti
E-mail: rdilnura70@gmail.com

ADU dotsenti M.Artikova taqrizi asosida

TALABALARDA IJODIY FIKRLASH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH VA BAHOLASH.

Аннотация

Ushbu maqolada bo'lajak mutaxassislarining ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda ijodiy fikrlash ko'nikmalarini shakllantirishning roli va ahamiyati ta'kidlangan. Ijodiy fikrlash odatiy muammolarni hal qilishda yordam beradi, ayni paytda biz uni tanqidiy fikrlash bilan chalkashtirmasligimiz kerak, aksincha, mumkin bo'lmagan muammolarni hal qilishda bir-birini to'ldiradigan "birodarlar" sifatida qarash kerak.

Kalit so'zlar: Ijodkorlik, ijodiy fikrlash, ijodiy faoliyat, moslashuvchanlik, ravonlik.

ФОРМИРОВАНИЕ И ОЦЕНКА НАВЫКОВ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ.

Аннотация

В данной статье подчеркивается роль и значение формирования навыков творческого мышления в развитии творческих способностей у будущих специалистов. Утверждается, что творческое мышление помогает находить необычное решение проблем, в то же время мы не должны путать его с критическим мышлением, а скорее должны смотреть на "братьев", которые дополняют друг друга в решении невозможных проблем.

Ключевые слова: Креативность, творческое мышление, творческая активность, гибкость, беглость.

FORMATION AND EVALUATION OF CREATIVE SKILLS STUDENTS ' THINKING.

Abstract

This article for the first time emphasizes the role and importance of the formation of creative thinking skills in the development of creative abilities of future specialists. It is argued that creative thinking helps to find unusual solutions to problems, at the same time we should not confuse it with critical thinking, but rather should look at "brothers" who complement each other in solving impossible problems.

Keywords: Creativeness, creative thinking, creative activity, flexibility, fluency.

Kirish. Yangi asrning boshlanishi jamiyatning iqtisodiy, siyosiy, moliyaviy va axborot sohalarida integrasiya jarayonlarining chinakam global xususiyatini belgilaydi. Shu munosabat bilan yosh avlodning ijodiy shakllanishi muhim ahamiyat kasb etadi, chunki uning psixologik xususiyatlaridan kelib chiqqan holda madaniyatning progressiv rivojlanishi, uni saqlab qolish va ko'paytirishning harakatlantiruvchi kuchlaridan biridir. Yosh avlodga taqqoslash va tahlil qilish, yangi aloqalarni birlashtirish va topish, nostandart g'oyalar va yondashuvlarni ishlab chiqarish qobiliyatini o'rgatish muhimdir [1].

Zamonaviy fanda irod hodisasini o'rganish va uning mohiyatini shakllantirishga turli yondashuvlar mavjud. Bular pragmatik, psixodinamik, psixometrik, monodissiplinar, fanlararo, integrativ yondashuvlardir. Eng samarali ilmiy tadqiqotning sinergetik modeliga muvofiq ijodkorlik muammosiga fanlararo echim asosida ijodkorlikning investision nazariyasi ishlab chiqilgan integrasion yondashuv yotadi.

Ijodkorlikning mohiyati, bizning fikrimizcha, fikrlash jarayonining sifat xususiyatlari (ajralish, yaqinlik, ravonlik, moslashuvchanlik, fikrlashning o'ziga xosligi, tasniflashning kengligi, muammoga sezuvchanlik, mavhum, sintez qilish, g'oyalarni qayta guruhlash qobiliyati), tasavvur, fantaziya va shaxsiy xususiyatlar (dinamizm, ijodiy yo'nalish, ijodiy faoliyat, mustaqillik). Ijodkorlik shaxsning har qanday faoliyatida zarur bo'lgan universal ijodiy qobiliyat sifatida talqin etiladi. Ijodkorlik insonning ijodiy faoliyati jarayonida namoyon bo'ladi va rivojlanadi [2].

Ijodiy shaxsning o'ziga xos xususiyatlari uning tashqi tomondan qo'llaniladigan stereotiplarni engib o'tish istagi va

ijodkorlik belgisi sifatida ishlaydigan o'z ichki ijodiy stereotipini yaratish istagi. Ijodiy shaxs har qanday ob'ektda o'ziga xoslik va yangilikni ko'rish va original mahsulot yoki natijalarni yaratish qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan harakatlarning ishlab chiqilgan va tizimlashtirilgan ketma-ketligiga asoslangan ijodiy faoliyat uslubiga ega. Bu shaxsning ijodkorligini shakllantirishni ko'rsatadigan turli faoliyat turlariga ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish va kiritishdir.

Ijodkorlikning mohiyati, bizning fikrimizcha, fikrlash jarayonining sifat xususiyatlari (ajralish, yaqinlik, ravonlik, moslashuvchanlik, fikrlashning o'ziga xosligi, tasniflashning kengligi, muammoga sezuvchanlik, mavhum, sintez qilish, g'oyalarni qayta guruhlash qobiliyati), tasavvur, fantaziya va shaxsiy xususiyatlar (dinamizm, ijodiy yo'nalish, ijodiy faoliyat, mustaqillik). Ijodkorlik shaxsning har qanday faoliyatida zarur bo'lgan universal ijodiy qobiliyat sifatida talqin etiladi. Ijodkorlikning shakllanishiga ijtimoiy muhit va atrof-muhit ta'sir qiladi, ular insonning yaratuvchanlik qobiliyatini namoyon qiladi, aktualashtiradi va rivojlantiradi. Ijodkorlikning rivojlanishi keng ma'noda inson muhiti bilan aloqa qilish jarayonida amalga oshiriladi, agar shaxsning yo'naltirilgan faoliyati ijodiy, transformasion bo'lsa [3].

Ijodiy shaxsning o'ziga xos xususiyatlari uning tashqi tomondan qo'llaniladigan stereotiplarni engib o'tish istagi va ijodkorlik belgisi sifatida ishlaydigan o'z ichki ijodiy stereotipini yaratish istagi. Ijodiy shaxs har qanday ob'ektda o'ziga xoslik va yangilikni ko'rish va original mahsulot yoki natijalarni yaratish qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan harakatlarning ishlab chiqilgan va tizimlashtirilgan ketma-ketligiga asoslangan ijodiy faoliyat uslubiga ega. Bu

shaxsning ijodkorligini shakllantirishni ko'rsatadigan turli faoliyat turlariga ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish va kiritishdir [4].

Tadqiqot metodologiyasi. Ta'limning asosiy roli talabalarni jamiyatda muvaffaqiyat qozonish uchun zarur va kerak bo'ladigan sifatli ta'lim berish hisoblanadi, kreativ fikrlash hozirgi yoshlarning rivojlanishi uchun zarur ehtiyojdir.

Maqsad, faqat ijodkor shaxslarni ajratib olish emas, aksincha talabalar g'oyalarni qidirish, ifodalashda kreativ fikrlash qobiliyatining o'qitish yondashuvi, maktab faoliyati hamda ta'lim tizimining boshqa xususiyatlari bilan qanday bog'liqligini tavsiflaydi.

Kreativ fikrlash – bu innovatsion (yangi, novator, original, nostandart, noodatiy va hokazo) va samarali (amaliy, natijaviy, tejamli, optimal va hokazo) yechimlarni topish, yangi bilimlarni egallash, tasavvurni ta'sirchan ifodalashga qaratilgan g'oyalarni ishlab chiqish, baholash va takomillashtirish jarayonida samarali ishtirok etish qobiliyatidir.

Kreativ fikrlash bizga muammolarni hal qilishda noodatiy yechim topishga yordam beradi. Biroq biz uni tanqidiy fikrlash bilan adashtirib yubormasligimiz, aksincha bizga imkonsiz muammolarni hal qilishda bir-birini to'ldirib turuvchi yechimlarni topishda yordam beradigan “akaukalar”dek qarashimiz kerak.

Kreativ fikrlashni baholashda turli g'oyalarni ishlab chiqish, kreativ g'oyalarni ishlab chiqish hamda g'oyalarni baholash va takomillashtirish kompetentligiga e'tibor qaratiladi.

So'nggi yillarda etakchi xorijiy mamlakatlarning ta'lim tizimida talabalarda bo'lajak mutaxassislar sifatida kreativlik sifatlarini shakllantirish masalasiga alohida, jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Buni Bronson, Merriyman (2010 y.), Ken Robinson (2007 y.), Fisher, Frey (2008 y.), Begetto, Kaufman (2013 y.), Ali (2011 y.), Treffinger (2008 y.) va boshqalar tomonidan olib borilgan ko'plab tadqiqotlar, ularning natijalarida ko'rish mumkin.

Salmoqli ilmiy-amaliy ishlar olib borilayotganligiga qaramay, ko'pchilik o'qituvchilar hali hanuz shaxsan o'zlarida hamda bo'lajak mutaxassislarda kreativlik sifatlarini qanday qilib samarali shakllantirish tajribasini o'zlashtira olmayaptilar.

Buning sababi nimada? Balki darslarning avvaldan o'ylab, rejalashtirilib qo'yilishi bo'lajak mutaxassislar uchun qiziq bo'lmayotgandir, balki ta'lim mazmunining muayyan qolipga solinganligi ular uchun hech qanday stimul bermayotgandir, rag'bat bildirmayotgandir. O'quv mashg'ulotlarining avvaldan rejalashtirilishidan voz kechish, bo'lajak hodimlarda tanqidiy, kreativ tafakkurni shakllantirish va rivojlantirish, ularni ijodiy fikrlash, yangi g'oyalarni o'ylab topishga majbur qilish ta'lim olishga bo'lgan munosabatni o'zgartirish, ularni yutuqlarga erishishga rag'batlantirishda asosiy omil bo'lar. O'quv mashg'ulotlarida etishmayotgan omil – kreativlik sanaladi.

Tahlil va natijalar. “Kreativlik otasi” nomi bilan mashhur Pol Torrans to'rtta kreativlik ko'nikmasini aniqlagan (1987). Uning olib borgan tadqiqotlari shundan dalolat beradiki, mazkur kreativ ko'nikmalarni shakllantirish va ularni baholash mumkin:

1. Ravonlik. Ko'plab g'oyalarni o'ylab topish ko'nikmasi ko'p degan so'zga asoslanadi.

2. Moslashuvchanlik. Turli g'oyalarni o'ylab topish ko'nikmasi o'zgartirish degan so'zga asoslanadi.

3. O'ziga xoslik. Boshqalarga o'xshamagan, ajralib turuvchi g'oyani o'ylab topish ko'nikmasi noyob degan so'zga asoslanadi.

4. Yaratuvchanlik. G'oyalarni kengaytirish ko'nikmasi qo'shish degan so'zga asoslanadi [6].

Kreativ ravonlikning asosiy maqsadi talabalarda bir emas, balki bir nechta g'oyalarni o'rtaga tashlash ko'nikmasini shakllantirishdan iborat. Son asosiy maqsaddir; bir qator g'oyalar ichidan bir yoki undan ko'p maqbulini topishimiz mumkin. Ko'p hollarda o'qituvchilar talabalarda ravonlik ko'nikmasini shakllantirish uchun “aqliy hujum” strategiyasidan foydalanadilar. Bu mashq og'zaki yoki yozma (g'oyalarni qog'ozga yozib, keyingi talabaga qo'shimcha g'oyalar kiritish uchun uzatishi lozim) tarzda bajarilishi mumkin. “To'xta va boshla” mazmundagi “Aqliy hujum” mashqida talabalar g'oyalarni o'rtaga tashlab, ularni tahlil qiladilar va baholaydilar, so'ng bu yana bir bor qaytariladi. Talabalar bu mashqda yaxshi natijalarga erishsalar, ularning kreativlik ko'nikmasi erkin va ravon fikrlash ko'nikmasi bilan chambarchas bog'liq bo'ladi. Agarda aksi bo'lsa, doimiy mashq va tajriba yordamida yashxi natijalarga erishish mumkin.

Talabalar kreativlikda ravonlik va erkinlikka erishmasalar, mashq va darslar jarayonida ularning miyasiga birinchi kelgan g'oyagagina tayanib qoladilar, vaholanki bunday g'oya boshqalarning g'oyasida ajralib turmaydi va talabaning keng fikrlashidan dalolat bermaydi. Qolaversa, muammoning echimini topishda qancha ko'p g'oya topilsa, to'g'ri javob yoki variantni tanlash imkoniyati shuncha katta bo'ladi. Savol qancha ko'p detallarni o'z ichiga olsa, talabalar ham muvofiq ravishda javob topishga harakat qiladilar.

Talabalarda moslashuvchanlikni ular turli nuqtai-nazar va fikrlarni inobatga olganlari va ularni tahlil qilganlarida, turli fikrlarini bir-biri bilan solishtirganda va ularning o'hash va farqli tomonlarini topganlarida va nihoyat muvaffaqiyatga erishib, yaxshi natijalar ko'rsatayotganlarida kuzatish mumkin. Moslashuvchan bo'lish uchun talabalar ma'lumotning faqat yuzaki qismini emas, balki uning chuqur mohiyatini anglab etishlari lozim. Moslashuvchanlik ko'nikmasini shakllantirishda talabalar amaliyot bilan ta'minlanishi va ularga yo'l - yo'riq ko'rsatilsa, kelgusida turli g'oyalarni topishda bu kuchli stimul bo'lib xizmat qiladi. Agarda talaba ko'plab g'oyalar topgan bo'lsa, u moslashuvchanlikni emas, balki ravon fikrlashni namoyon qilmoqda, chunki bunda barcha e'tibor bitta yoki bir turdagi javoblarga qaratiladi. Talabalarda moslashuvchanlik ko'nikmasini shakllantirishda soni jihatdan ko'p emas, balki turli mazmundagi g'oyalarni topish kerakligini alohida ta'kidlab o'tish lozim[5].

Muammoning mazmunini chuqur anglagan holda ham, talabalar turli g'oyalarni topishda qiyinaladilar yoki umuman bunga qodir bo'lmaydilar. Bu esa, o'z o'rnida, ularda moslashuvchanlik ko'nikmasini shakllantirish kerakligidan dalolat beradi.

Tajriba va doimiy mashq yordam bersada, o'qituvchi talabalarga murabbiy sifatida turli strategiyalardan foydalanishni o'rgatishi kerak. Talabalarga turli g'oyalar turli toifa (kategoriyalar)ga bo'linishini anglashida yordam berish mumkin. Masalan: “hayvonlar” kategoriyasiga talabalar hayvonlar nomlarini keltiradilar. Birozdan so'ng, “taomlar” kategoriyasiga talabalar avval milliy keyin boshqa xalqlar taomlari ro'yxatini tuzadilar. Mashq shu yo'sinda davom etadi. Bu talabalar bir kategoriya, ya'ni bir fikrdan ikkinchisiga o'tish va unga tezda moslashish ko'nikmasini o'zlashtirmaguncha davom etadi. Talabalarda bunday ko'nikma shakllangach, ulardan moslashuvchanlik bilan fikrlashni talab qilish mumkin.

Ko'p yillar avval Aleks Osborn moslashuvchanlik bilan fikrlashni kuchaytiruvchi savollar toifasini tuzib chiqqan (1963). Eberlarning 1971 yilda ishlab chiqqan SCAMPER mnemonik sxemasi substitute (almashtirmoq, o'zgartirmoq), combine (birlashtirmoq), adapt (moslashtirmoq), modify (o'zgartirmoq, boshqa shakl bermoq), maximize minimize (maksimallashtirmoq, minimallashtirmoq), put to other uses (boshqa soha, usulda qo'llash), eliminate (oldini olmoq) va

rearrange (qo'llanilishini o'zgartirish) kabi tushunchalar asosida ishlab chiqilgan. 4-guruh o'qituvchisi SCAMPER mnemonik sxemasidan talabalarda moslashuvchan fikrlashni rivojlantirishda istiqomat qilayotgan shahri, tuman, mahallasining ramzi yoki iqtisodiyot, sanoat, oziq-ovqat sohasiga tegishli ma'lumotlarni va aynan Mayn shahrining ramzi bo'lgan mashhur olmal pirogidan talabalar e'tiborini tortishda foydalanganini ko'rsatadi. Talabalar mnemonik sxemadan foydalangan holda agarda shokoloddan mashhur olmal pirogni pishirishda shokoloddan foydalanilva va pishirish jarayonida pirogning tarkibi yoki shakli o'zgartirilsa qanday natijaga olib kelishi va qanday qilib bu shokoladli pirogni Mayn shahrining mashhur pirogiga aylantirish mumkinligi tahlil qiladilar".

Xulosa: Talabalar original g'oya kontekstidan kelib chiqishi lozimligini anglashlari lozim. G'oya bir dars jarayonida, birgina sharoitlar va bir vaqt oralig'ida taqdim etilishi lozim. Talabalarda rovon fikrlash va moslashuvchanlik ko'nikmalarini shakllantirish jarayonida o'ziga xos tarzda (original) fikrlash to'g'risida ham ma'lumot berib o'tish lozim. Masalan, talabalarni "aqli hujum" strategiyasi yordamida ocharchilikka qarshi kurashish mavzusida muammoning echimi ro'yxatini tuzish (ravonlik), so'ng berilgan g'oyalarni bir necha kategoriyalarga bo'lib chiqish (moslashuvchanlik) va ulardan qay biri o'ziga xos (originallik) g'oya ekanligini aniqlash talabalarda shakllangan ko'nikmalarining bir paytning o'zida qo'llanilishini ko'rsatib beradi. Moslashuvchan fikrlash ko'nikmasini shakllantirishda talabalar qiziqishlari va madaniy qarashlaridan foydalanish ularda originallikni tarbiyalashda katta samara beradi. Mayn shahrida istiqomat qiluvchi o'rta ta'lim mavtabi o'qituvchisi mazkur strategiyani talabalarda o'ziga xos (original) tarzda fikrlash ko'nikmasini shakllantirishda qo'llagan. U ravonlik va moslashuvchanlik bo'yicha mashq va o'yinlarni o'z ichiga olgan elektron dastur ishlab chiqqan. Talabalar berilgan vazifalarni PowerPoint prezentatsiyasi, portfolio yoki boshqa shaklda bajarish tanloviga ega edilar. Talabalar natijalarni qo'shiq PowerPoint prezentatsiyasi shaklida taqdim etdilar. Bunday yondashuv asosida ishlab chiqilgan keyinchalik o'qituvchi va talabalar orasida mashhur bo'lib, u vazifa mazmunini chuqur anglash va natijalarni original tarzda ko'nikmalarini shakllantirishda o'z samarasini ko'rsatdi.

"Yaratuvchanlik" tushunchasi boshqa bir g'oyani rivojlantirish va uni kengaytirishga asoslanadi, ya'ni berilgan vazifalar anu shu g'oya asosida bajariladi. Bir g'oyani kengaytirish uchun talabalar mavzu, muammo yoki vazifa mazmunini chuqur anglab etishlari va talab etilgan darajada bilimiga ega bo'lishlari lozim. [7. 234]

Talabalarga "yaratuvchanlik" tushunchasi haqida gapirganda, ularga hayotiy misollar keltirish maqsadga muvofiqdir (masalan, kompyuterlar, rekonstruksiya, kino va adabiy asarlar, ilmiy tushunchalar va nazariyalar, insonlar hayotida yuzaga keladigan muammolarni echish maqsadida tashkil etilgan tashkilotlar). Talabalarda ishlab chiqish ko'nikmasini shakllantirishda adabiy yoki asarlarni bir-biri bilan taqqoslash (ba'zan ko'p betli asarlar kichkina kam betli asarlar kabi ko'p ma'lumot bermaydi) mashqi katta samara beradi".

Tavsiyalar: Olib borilgan ilmiy-pedagogik tadqiqot natijalarining tahlili va yakunlariga asoslangan holda quyidagi xulosalarga keldik:

1. Interfaol ta'lim metodlari va texnologiyalari talabalarda kreativlik qobiliyatlarining shakllantirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Talabalarda kreativlikni rivojlantirishga yo'naltirilgan interfaol o'qitish jarayoni o'zining muayyan mazmuni, vositalari, pedagogik shartsharoitlari, xususiyatlari va usullariga ega.

2. Talabalarda kreativlik qobiliyatlarini rivojlantiruvchi omillar: kreativ fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirish, kreativ faollikni shakllantirish, o'quv jarayonini izlanuvchilik hamda muammoli tadqiqotchilik yo'nalishlarini kuchaytirish; talabalarining muammolarni ijodiy echish va yaratuvchilik faoliyatlarini rivojlantirish vaziyatlarini tashkil etish; talabalarining kreativ faoliyat tajribasiga kasbiy zaruriyat va istiqboldagi kasbiy faoliyat mazmunining tarkibiy qismi sifatida yondashishlariga erishish; talabalarining kasbiy ko'nikma va layoqatlarini rivojlantirish jarayonini interfaol metodlar va texnologiyalar ustida ishlash asosida rivojlantirishga yo'naltirish, ularda mustaqil ijodiy faoliyat ko'rsatish, mustaqil bilim olish, o'z-o'zini tarbiyalash, o'z-o'zini bilish, o'z mavqeiga ega bo'lish, talabalarining mustaqil ishlash layoqatlarini faollashtirish, bu jarayonda ularning kreativ fikrlashlariga erishish; talabalarining kreativ layoqatlarini namoyon qilishlari uchun qulay ijodiy hamkorlik muhitini vujudga keltirish kabilardan iboratligi aniqlandi.

3. Talabalarining pedagogik ehtiyojlari, qiziqishlari, alohida ahamiyatga ega bo'lgan yo'nalishlarini tizimli tarzda o'rganish, bunda ularning kreativ faoliyatni tashkil etishida uchraydigan kontrastsuggestiv, tezaurus va interaksion barerlarning bartaraf etishning samarali yo'llarini belgilash lozim.

4. Talabalarining kreativ qiziqishlari va ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladigan g'oyalar, kontsepsiyalar hamda ilg'or pedagogik tajribalar asosida o'qitish jarayonini tashkil etish kreativlikni rivojlantirishga nisbatan mazmunli-faoliyatli yondashuvni shakllantirishga xizmat qiladi.

5. Talabalarining kreativlik ko'nikmalarini rivojlantirish asosida ulardagi ixtisoslashgan ya'ni pedagogik kreativlik kompetentligini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratish, bunda zamonaviy axborotkommunikasiya texnologiyalari, innovation strategiyalar, interfaol ta'lim metodlari va texnologiyalaridan keng foydalanish maqsadga muvofiq.

6. Oliy ta'lim muassasalarida talabalar kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirishning reproduktiv, ijodiy-izlanish va novatorlik bosqichlari samaradorligini ta'minlashga xizmat qiluvchi ijodiy yo'naltirilgan ta'lim dasturlarini ishlab chiqish va talabalarining kreativ ko'nikma va malkalarini rivojlantirishining o'zgarishini baholab borish lozim.

7. Oliy ta'lim muassasalarida pedagog kadrlarining kreativ kompetentligini uzluksiz rivojlantirishga yo'naltirilgan o'qitish dasturlarini va texnologiyalarini takomillashtirib borish, shuningdek talabalarining kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirishga xizmat qiluvchi zamonaviy axborot-metodik ta'minotni yaratish jarayon samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Boshqa har qanday sifat (fazilat) kabi kreativlik ham birdaniga shakllanmaydi. Kreativlik muayyan bosqichlarda izchil shakllantirib va rivojlantirilib boriladi. Talabaning kreativlik sifatlariga ega bo'lishi uning shaxsiy qobiliyatlari, tabiiy va ijtimoiy quvvatini xamda kelajakda kasbiy faoliyatini sifatli, samarali tashkil etishga yo'naltiradi.

ADABIYOTLAR

1. Mirziyoev Sh.M.. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi farmoni. // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami. - T., 2017. – 39.
2. Ibragimova G. (2015). Pedagogical conditions for the development of the creative potential of students. Eastern European scientific journal. 1(4), 114-118.
3. Gafforov. Ya., Toshmurova. S. (2020). Ways To Increase The Effectiveness Of Education In An Integrated Environment. European Journal of Molecular & Clinical

4. Pulatova O. Importance of communication in the development of professional competence of educators ACTA NUUz 2021 1/3 114-116 pag
5. Rakhmonova D. "Creative potential of the teacher - a factor in ensuring the quality of education" Scientific article Namangan-2020 №3 454-457 pages
6. Yakubova Barno Baxtiyarovna Independent Work of Students Through the Internet Pedagogical Conditions of Organization Web Of Scientist: International scientific research journal ISSN:2776-0979 (VOLUME 2,ISSUE 5, MAY 2021)



УДК 141.32

Камола САИДОВА,

Самостоятельный соискатель Национального Университета Узбекистана

E-mail: kamola.u.saidova@gmail.com

На основе рецензии доц. филиала ФГБОУ ВО «АГТУ», к.ф.н. Кенжаевой Д.Р.

SOCIALIZATION OF THE PERSON IN THE CONTEXT OF FAMILY RELATIONS (ON THE EXAMPLE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN)

Abstract

The article is devoted to the analysis of the process of socialization of the individual as an important condition in family relations, characteristic of the Republic of Uzbekistan. The study attempted to organize and conduct theoretical monitoring of family ties, taking into account the relationship of generations, the relationship of spouses, parents and children, as well as strengthening family-kinship foundations in order to prevent conflicts between people. And on the basis of the analysis of socio-cultural and spiritual life, important provisions were grouped that contribute to the sustainable development of family relations, with the priority of the socialization of the individual in society.

Key words: socialization, personality, family, Republic of Uzbekistan, religion, mahalla, society, gender, equality, life.

ШАХС ИЖТИМОЙЛАШУВИ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР КОНТЕКСТИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)

Аннотация

Мақола Ўзбекистон Республикасига хос бўлган оилавий муносабатлар шарт-шароитларида шахс ижтимоийлашуви жараёнини таҳлил қилишга қаратилган. Тадқиқотда инсонлар ўртасида келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида оилавий алоқаларни мониторинг қилишни ташкил этиш ва амалга оширишни, шу жараёнда авлодларнинг ўзаро алоқаларини, эр-хотин, ота-она ва болалар муносабатларини ҳамда оила-қариндош асосларини мустаҳкамлаш аҳамияти ҳам ҳисобга олинган. Ижтимоий-маданий ва маънавий ҳаётнинг таҳлили асосида инсон ижтимоийлашуви устуворлигида оилавий муносабатларнинг барқарор ривожланиши учун муҳим қондалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоийлашув, шахс, оила, Ўзбекистон Республикаси, дин, маҳалла, жамият, гендер, тенглик, ҳаёт.

СОЦИАЛИЗАЦИЯ ЛИЧНОСТИ В КОНТЕКСТЕ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ (НА ПРИМЕРЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН)

Аннотация

Статья посвящена анализу процесса социализации личности как важному условию в семейных отношениях, характерных для Республики Узбекистан. В исследовании была предпринята попытка в организации и проведении теоретического мониторинга семейных уз, учитывая взаимосвязь поколений - отношения супругов, родителей и детей, а также укрепления семейно-родственных основ с целью предотвращения конфликтов между людьми. И на основании анализа социокультурной и духовной жизни, были сгруппированы важные положения, способствующие устойчивому развитию семейных отношений, с приоритетом социализации личности в обществе.

Ключевые слова: социализация, личность, семья, Республика Узбекистан, религия, махалла, общество, гендер, равенство, жизнь.

Введение. Процесс усвоения человеком социальных норм и культурных ценностей обуславливает качественное влияние общества на личность. Отмечается, что «каждая страна в отдельности, находящаяся в составе центрально-азиатского региона, так или иначе, представляет собой маленькую модель Центральной Азии. Культурное многообразие и региональное культурное единство превратилось в критическую проблему спустя годы стимулирования национальной самоидентичности и национального самосознания в таких странах как Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Узбекистан, где проживают разные этнические группы и культуры» [3]. При всём этом, в Республике Узбекистан «нормативно-правовые акты смогли обеспечить социально-экономические, правовые, психолого-педагогические условия для адаптации молодых людей к жизни в современном обществе, обдуманного выбора, освоения образовательных и профессиональных программ, воспитания граждан, сознающих свою ответственность перед обществом, государством и семьёй» [14]. И в связи с данным положением, настоятельно необходимым

становится решение проблемы, связанной с вопросами социализации личности, где особое место в этом процессе занимают семейные отношения.

Обзор литературы по теме. В контексте данного исследования обращается внимание на изыскания таких зарубежных исследователей, как Абусейтба М., Додхудоева Л. и др. Вместе с тем автор обращался к исследованиям отечественных специалистов таких, как Мирзахмедов А., Таштемиров У., Турсунова Р., Убайдуллаева Б., Дадабаев Т. и др. При этом автор опирается на национальную специфику семейных отношений, непосредственно влияющие на социализацию личности обычаи и традиции общества в Узбекистане.

Методология исследования. В процессе исследования использовались различные научно-философские методы, среди которых были теоретико-методологический, историко-культурный, системный, структурный и сравнительный анализы.

Анализ и результаты. Процесс социализации личности, учитывая роль семейных отношений, в традиционном понимании формируется в результате

определённого взаимодействия людей, учитывая условия жизни в нашем обществе. Изначально важно отметить, что «жизнь воспитала в узбекском национальном характере сугубо рациональное отношение к коллективу. И три наиболее важных составляющих коллективной жизни и деятельности узбека — это семья, ислам и махалля. И коллектив для узбека — это, прежде всего семья. Родители всегда знали, что жена необходима мужчине не только физиологически или для продолжения рода, а потому что семья побуждает его быть более сильным, умным, более способным в труде, улучшает его духовно, психически и физически. Семья всегда удержит его от скверны, лжи, воровства, жена своим поведением и ласковым словом делает его добрым, благородным, а дети — терпеливым, работоспособным и верящим в бога и будущее» [6]. При этом «стремление к выживанию и успеху делает жизненную позицию узбека полностью прагматической при полном отсутствии созерцательной философии. Узбек активен, дисциплинирован, способен терпеть сегодня, чтобы завтра было лучше. И семья помогает ему в этом сполна: жена — верный друг и помощник, она не только устраивает его быт, но и способна рядом с ним плечом к плечу работать. Дети сызмальства пасут скотину, убирают коровник, месят тесто, собирают плоды, крутят мельничные жернова или гончарный круг. Это и образ жизни узбекской семьи, и сильнейшая воспитательная установка для каждого в семье, от ребёнка до старика. Однако материальная сторона в большой степени определяет семейные задачи: ребёнку надо дать образование, построить дом для его будущей семьи, накопить для него начальный капитал, обязательно устроить хорошую свадьбу как одно из решений проблемы имиджа семьи в рамках махалли» [6]. Всё это способно существенно определять характер социальных и культурно-нравственных отношений в обществе Республики Узбекистан.

Обращает на себя внимание то, что «на Востоке вообще существует культ семьи. И узбекская семья в этом смысле — достойный образец. Строгая иерархичность по возрасту — отнюдь не подавление отцом ребёнка, братом — младшего брата. Это почитание, основанное на сочетании благородства и строгости со стороны старших и ожидания любви и помощи младшими, которая обязательно придёт от первых. Это и элемент самосохранения и семьи в целом, и каждого в семье» [6]. Важно также понимать «поговорку, которая гласит — «Ота рози — худо рози» («согласен отец — значит согласен и бог»), которая живёт в узбекской семье как принципиальная целеустановка. Ислам также позволяет узбеку ощущать себя коллективно полезным, коллективно ценным. В быту, в семье, в коллективе и махалле узбека не поймут, если он хотя бы не участвует в религиозных праздниках, не поднимает рук в знак благодарения Господу в момент встречи с друзьями или после принятия пищи, не идёт к соседу, чтобы посочувствовать случившемуся несчастью или помочь при необходимости. Таких случаев, которые обрамляются религиозной канвой, а на самом деле являются повседневными и обыденными, сплошь и рядом для узбека — это и вера, и совесть, и отношения с людьми, и гуманистическая доминанта, и необходимые человеческие отправления, связанные с рождением и смертью, радостными и горестными событиями, трудом и отдыхом. Многие века религия для узбека была образованием и просвещением, правом и культурой. При этом всегда признавалось именно то, что шариат — это величайший и незыблемый кодекс обязанностей человека перед богом, обществом и природой. Кроме всего этого, Коран направлен и на охрану индивидуального (душевного и физического), семейного, общественного и

государственного порядка» [6], что и способствует качественному социокультурному насыщению личности на всех этапах её жизнедеятельности.

Махалля, являясь, как известно, уникальным структурным подразделением общества Узбекистана, оказывает серьёзное влияние на процесс социализации личности. Подчёркнём, что именно махалля предоставляет жителям определённые возможности в решении имеющихся социальных проблем. При этом отмечается, что «махалля, ранее функционировавшая как рабочая структура на неофициальном уровне, теперь становится официальным и становится под управление административного крыла государства... Махалля является местным административным органом и более не воспринимается как часть «личной, приватной» сферы. Члены махалли всё менее воспринимают махаллю как «продолжение» семьи и больше рассматривают их как государственный институт» [13]. Однако, тем не менее, «содействие махаллинских органов самоуправления граждан является попыткой примирить конфликтующие стороны, защитить интересы детей и сохранить семью» [6], что, безусловно, является важнейшим фактором в условиях развития гражданского общества.

Становится очевидным, что «махалля создаёт идентификацию иного типа. Она функционирует не только как социальный институт, но и как культурный. В отличие от других НПО, махалля рассматривается как действенный механизм сохранения и развития узбекских национальных ценностей и традиций. И так как она наблюдает за ежедневной жизнью людей, махалля является центральным местом социализации» [4], с особым влиянием на семейные отношения. В данном аспекте «следует также отметить и то, что существует взаимоотношения семьи с махаллём, т.е. соседями по одной улице. Авторитет же семьи в махалле в системе взаимоотношений определяется, как правило, теми отношениями поколений и почётом старшего поколения, которые высоко ценятся в махалле как условия социальной стабильности данного населённого пункта. Махалля, как своеобразная коммуникация семьи с общими интересами социальной жизни, связана не только материальной, но и духовно-нравственной гарантией, социализирует личности. Таким образом, именно махалля является своеобразной школой воспитания культуры личности. Это особая нравственная культура и красота восточной цивилизации» [5], что способствует активизации процесса постепенной положительной трансформации восточных ценностей.

Сохранение традиций и культурного наследия общества считается естественным явлением в противодействии глобальным вызовам и угрозам. Однако важно понимать то, что «ожидается деформация устоявшихся в консервативных обществах традиционных социальных связей и ролей. Например, в ряде стран Центральной Азии уже вырастает поколение «безотцовщины» (в тех семьях, где отцы уехали на долгосрочные заработки за рубеж). Кроме того, по данным международных организаций — значительно изменяется роль женщин в исконно восточных обществах. И сегодня, в условиях активной миграции мужского населения, женщины начинают играть всё более активную социальную роль, осваивать мужские профессии и через некоторое время это может привести к эмансипации и выходу на повестку гендерного вопроса» [12], тем самым, место и роль женщины в узбекской семье начинает получать значительное внимание.

Таким образом, «постепенно всё более серьёзное влияние на общественную жизнь будут оказывать женщины. Однако уже сейчас можно говорить о

тенденции к изменению роли женщин в обществе, связанной как с распространением в Центральной Азии современного «городского» образа жизни, так и с трудовой миграцией. А ведь, как известно, миллионы мужчин, уезжая в поисках работы, на полгода или же год оставляют своих жён самостоятельно вести хозяйство и решать семейные проблемы. Тем самым, женщины всё больше вовлекаются в социальные и экономические процессы, в том числе и в трудовую миграцию» [12], что, в большей степени, содействует важным решениям и поступкам в процессе социализации семейного человека.

Однако полноценное «участие женщин в принятии решений может носить различные формы – от расширения представительства в структурах государственной власти до организации консультаций с женскими группами, лидерами женского движения или же просто рядовыми жительницами местного сообщества. Оно должно иметь место на всех этапах обеспечения готовности к бедствиям, восстановления и долгосрочного развития» [2], что, несомненно, влияет на поведение людей, при формировании культурно-нравственных норм, постоянно влияющих на воспроизводство социокультурных ценностей нашего повседневного бытия.

Но хотелось бы отметить и то, что «несмотря на достижения женщин во многих сферах, прочное восприятие того, что женщины преимущественно ассоциируются с индивидуальной и семейной сферой, превалирует и часто ограничивает возможности женщин к самореализации в общественной жизни» [10]. При всём этом, «некоторые семьи считают, что среднего образования достаточно для девочек, которые будут заняты семейной жизнью и ведением домашнего

хозяйства» [10]. А это, по нашему мнению, абсолютно недопустимо, ведь девочка – это будущая мать уже своих детей, и уровень её образования напрямую отразится на её потомках.

Заключение. Повседневная деятельность человека и общества определяет важные критерии в социализации личности в условиях семейных отношений, что может рассматриваться в качестве системы социально-психологических рекомендаций, среди которых мы можем выделить:

-необходимо пропагандировать важность семейных отношений, с признанием ценности здоровья, как своего собственного, так и других людей, при оптимизме и радужии восприятия окружающего мира;

-важно уважать личность и её достоинства, учитывая доброжелательность в отношении к окружающим, при нетерпимости к любым видам насилия и готовностью противостоять им;

-гендерные нормы и стереотипы могут оказывать существенное влияние на восприятие ролей женщин и мужчин в обществе. Однако они зачастую, непреднамеренно, могут усиливаться посредством различных программ и социально-политического воздействия.

-в процессе социализации, для человека важно формировать свою моральную самооценку и душевные чувства, что должно соответствовать культурно-этическим нормам поведения в обществе.

-для каждой семейной личности важно умение строить особые жизненные планы, учитывая характерные социально-исторические, политические, экономические и культурные условия.

ЛИТЕРАТУРА

1. Абусеитова М. Общность истории и культуры Центральной Азии в контексте трансформации обществ / Трансформации обществ Центральной Азии: социокультурные аспекты. Материалы международного семинара ЮНЕСКО. - Алматы: Дайк-Пресс, 2013. – 264 с.
2. Гендерная специфика в системе мер по снижению риска стихийных бедствий в государствах Европы и Центральной Азии / Практическое руководство для проведения семинаров. - Программа развития Организации Объединенных Наций (ПРООН), 2018. – 129 с.
3. Додхудоева Л. Диалог и обмен духовными ценностями в Центральной Азии в условиях глобализации / Трансформации обществ Центральной Азии: социокультурные аспекты. Материалы международного семинара ЮНЕСКО. - Алматы: Дайк-Пресс, 2013. – 264 с.
4. Махалла – узбекский прототип гражданского общества? / ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ - 25: Мысли о прошлом, проекция будущего. Сборник эссе из Центральной Азии. Март 2017. – 127 с.
5. Семейная жизнь в Центральной Азии: Проблемы отцов и детей / А.М. Мирзахмедов и др. "CHRONOS" Общественные науки №2(22), 2021. – С. 20-29.
6. Стратегия развития Узбекистана. Гражданское общество / Учебно-методический комплекс. –Ташкент, 2019. –302с.
7. Таштемиров У. Современная семья и тенденции её развития. – Т.: Фан, 1982. – 345 с.
8. Турсунова Р.Ю. / Теоретические аспекты исследования духовности / Новейшая история Центральной Азии: Проблемы теории и методологии: сб. статей / вступ. ст., подгот., отв. ред.-сост. А.К. Аликберов, М.А. Рахимов / Российская акад. наук., Ин-т истории АН РУз. — М.: Институт востоковедения РАН, 2018. — 304 с.
9. Убайдуллаева Б.М. Роль и статус отцов в узбекских семьях // Историческая этнология. 2018. Т. 3, № 2. – С. 198–208.
10. Узбекистан. Гендерная оценка по стране Гендер и Развитие / Центральная и Западная Азия / Азиатский банк развития, 2014. — 116 с.
11. Формирование жизнестойкого поколения в Центральной Азии и Европе: Взгляды молодёжи на обучение в течение всей жизни, социальное включение и переход на «зелёную экономику» является результатом сотрудничества Регионального офиса ЮНИСЕФ в Европе и Центральной Азии (РО ЮНИСЕФ в ЕЦА) и Европейского фонда образования (ЕФО). Ноябрь 2021. – 40 с.
12. Центральная Азия 2027: меняющийся стратегический ландшафт. Вероятные сценарии на 10 лет вперёд. / Шаймергенов Т.Т., Абишева М.А., Рахимжанова А.Ж. и др. – Астана: Издательство Библиотеки Первого Президента РК – Елбасы, 2017. – 100 с.
13. Dadabaev T. Community life, memory and a changing nature of mahalla identity in Uzbekistan / Journal of Eurasian Studies 4, 2013. - pp. 181-196.
14. <https://yuz.uz/ru/news/nasha-samaya-prioritetnaya-zadacha---sozдание-shirokix-vozmoghnostey-dlya-molodeji> от 14 января 2021.



УДК 53.35.014.48

Фурқат САНАҚУЛОВ,
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги
Қариш ирригация ва агротехнологиялар институти ўқитувчиси
sirojiddin@umail.uz

ҚарМНИИ доценти PhD. Исмоилов Д.М. тақризи асосида

METHODS OF USING PROGRAMMING LANGUAGES IN THE EDUCATIONAL PROCESS BASED ON MODELING OF PHYSICAL PROCESSES FOR FUTURE ENGINEERS

Abstract

This article discusses the preparation of students for design, construction, research and professional activities using software, as well as in addition to the types of software tools and their types, the direction of education is studied software engineering for the creation of pedagogical software products.

Key words: software tools, electronic resource, animation, software package, software product, professional activity, technology, project, construction.

МЕТОДЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЯЗЫКОВ ПРОГРАММИРОВАНИЯ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ НА ОСНОВЕ МОДЕЛИРОВАНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ДЛЯ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРОВ

Аннотация

В данной статье рассматривается подготовка студентов к проектированию, конструированию, научно-исследовательские профессиональной деятельности с использованием программных средств, а также помимо видов программных средств и их видов, изучение направление образования программный инжиниринг для создания педагогических программных продуктов.

Ключевые слова: программных средств, электронный ресурс, анимация, программный пакет, программный продукт, профессиональная деятельность, технология, проектирования, конструкторский.

БЎЛАЖАК МУҲАНДИСЛАР УЧУН ФИЗИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ДАСТУРЛАШ ТИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастурий воситалардан фойдаланиш орқали лойиҳалаш, конструкциялаш, илмий-тадқиқот каби касбий фаолият турларига тайёрлаш келтириб ўтилган, бундан ташқари дастурий воситалар ва уларнинг турлари, техника олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналиши талабаларини педагогик дастурий маҳсулотлар яратишга ўргатиш амалга оширилган.

Калит сўзлар: дастурий восита, электрон ресурс, анимация, дастурий пакет, дастурий маҳсулот, касбий фаолият, технологиялар, лойиҳалаш, конструкторлик.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақола муайян даражада хизмат қилади[1].

Таълимда дастурлаш тилларидан фойдаланишнинг аҳамияти шундан иборатки, улар нафақат маълум педагогик вазифаларни ҳал қилиш воситалари сифатида қўлланилади, балки дидактик ҳамда методик ривожланишга туртки беради, таълимнинг замонавий ва янги шакллари яратишга имконият яратади. Таълимда дастурлаш тилларидан фойдаланишнинг аҳамияти шундан иборатки, улар нафақат маълум педагогик вазифаларни ҳал қилиш воситалари сифатида қўлланилади, балки дидактик ҳамда методик ривожланишга туртки беради, таълимнинг замонавий ва янги шакллари яратишга имконият яратади.

Таълимнинг методик ва дидактик жиҳатдан ривожланишида дастурлаш тиллари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижасида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, талабаларни лойиҳалаш, конструкторлик, яратувчанлик ва илмий-тадқиқот каби касбий компетенцияларини ривожланишини таъминлайди.

Техника олий таълим муассасалари таълим йўналиши малака талабларида бакалаврлар касбий фаолият турларининг барчасида дастурий таъминот ишлаб чиқиш кўникмасига эга бўлишлари шарт эканлиги келтириб ўтилган. Шунинг билан олиб бўлажак муҳандисларни амалий маҳсулотлар жарёнида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда энг содда масалалар ечимини топишда дастурлаш тилларидан фойдаланиш методикасини келтириб ўтамыз.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Дастурлаш тиллари асосан икки гуруҳга бўлинади: қуйи даражали дастурлаш тили ва юқори даражали дастурлаш тили. Қуйи даражали дастурлаш тиллари микропроцессорларни дастурлашда ишлатилиб анча мураккабдир. Ҳозирги кунда юқори даражали C++, Delphi, Python, Java каби дастурлаш тиллари, Махмадиев Б.С., Хамидов В.С., Шошгаева Е.Б. адабиётлардан фойдаланилмоқда. Бунга сабаб дастур тузишда соддалиги,

визуал компоненталарга эгаллиги ва интерфейсининг мукамаллигидир[4,5,12].

Borland C++ builder6 дастурлаш тили объектга йўналтирилган визуал дастурлаш тили бўлиб Borland фирмаси томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозирги кунгача ишлатилиб келинмоқда. Borland C++ дастурлаш тили C ва C++ дастурлаш тилларининг узвий давоми бўлиб юқори имкониятларга эга, яъни инновацион муҳити мавжуд. Borland C++ дастурлаш тилини яхши ўрганиш учун аввало математик ва табиий-илмий фанларга доир оддий ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, визуал компоненталарини формага жойлаштириш ва ўзаро боғлаш, хоссаларини аниқлаш зарур. Бўлажак муҳандисларни дастур компоненталари таркибига дастур кодларини киритиши ва мукамал дизайнга эга бўлган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиши уларни касбий фаолиятга йўналтиради. Турли касб эгалари учун зарур бўлган дастурий маҳсулотлар яратиш ва компьютер технологиялари соҳасида техник хизмат кўрсатиш техника олий таълим муассасаларитаълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятининг асоси ҳисобланади. Исталган турдаги дастурлаш тилидан фойдаланиб дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш учун оддийликдан бошлаш ва аниқ бир йўналишда режа асосида натижага эришишга интилиши керак бўлади [1, 2].

Тадқиқот методологияси. Физика фанидан амалий машғулотлар жараёнида талабаларга C++ дастурлаш тилида ҳодиса ва жараёнларни визуаллаштиришни ўргатиш методикасини кўрсатиб ўтадим.

Амалий машғулотларда талабаларни ҳодиса ва жараёнларни дастурлаш тиллари ёрдамида визуаллаштиришга ўргатишда ФСМУ методидан фойдаланиш самарали натижалар беради. Бунда талабалар:

- ✓Ўз фикрларини билдирадилар;
- ✓Фикрларини асословчи сабаб кўрсатадилар;
- ✓Мисол келтирадилар;
- ✓Фикрларини умумлаштирадилар.

Амалий машғулот дарси қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

✓Амалиёт ўқитувчи талабаларга динамик жараёнга доир масалани аналитик ечимини топиш вазифасини беради.

Горизонтга бурчак остида отилган жисм ҳаракатида учини узоклиги, кўтарилиш баландлиги ва учини вақтини аниқлаш формулалари келтирилган.

✓Амалиёт ўқитувчиси талабалар берган фикрларга асосланиб аналитик ечилган масалани дастурлаш тили формасига визуал компоненталарини жойлаштиради;

Borland C++ дастурлаш тилида визуаллаштириш қуйидагича бўлади: Дастурлаш тили ишга туширилади *Borland C++->File->New->Application*. Янги формага компоненталар палитрасидан керакли компоненталарни формага жойлаштирилади. *Standard* таркибидан *label* ва *button* тугмачаларни формага кетма-кет жойлаштирилади. Сўнгра *System* таркибидан *TPaintBox* формага жойлаштирилади. Функцияга доир аргументларни киритишда кадам бериш ва отилиш бурчак катталиклари алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

✓Амалиёт ўқитувчиси талабалар иштирокида дастур кодларини киритади;

✓Дастурлаш ишлари якунига етгач компиляция жараёни амалга оширилади ва отилиш бурчаги ва тезлик қийматларини кетма-кет киритилгандан сўнг тегишли натижаларга эга бўлинади;

✓Талабалар ишлаб чиқилган дастур бўйича ўз фикрларини берадилар;

✓Фикрларига сабаб кўрсатадилар;

✓Масалада берилган катталикларни ўзгартириб мисол келтирадилар;

Формага отилиш бурчаги ва бошланғич тезликнинг исталган қийматини киритилса аниқ натижа келиб чиқиши билан биргаликда график тасвирлари ҳам намойён бўлади.

✓Амалиёт ўқитувчиси талабалар фикрларини умумлаштиради ва якуний хулоса беради.

Borland C++ дастурлаш тилида горизонтга бурчак остида отилган жисм ҳаракатида учини узоклиги, учини вақти, максимал кўтарилиш баландлигини ҳисоблаш, ҳаракат траекториясининг визуал дастурини тузиш амалга оширилди. Бундай дастурларни ишлаб чиқиш талабаларни касбий фаолият турларига тайёрлашда ва ундан амалий машғулотларида фойдаланиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади [3].

Математика, сонли усуллар ва дастурлаш фанларидан амалий машғулотлар жараёнида юқорида келтириб ўтилган таълим методикасини қўллаган ҳолда C++ ва Delphi дастурлаш тиллари ёрдамида ҳодиса ва жараёнларни визуаллаштиришни кўрсатиб ўтадим.

Delphi7 муҳитида ишлаш Turbo Paskal дастурлаш тилида ишлашга қараганда қулай ва юқори имкониятларга эга ҳисобланади ҳамда визуал компоненталардан фойдаланилиши билан ажралиб туради. Агар талаба Pascal дастурлаш тилини яхши ўзлаштирган бўлса қийинчилик бўлмайди. Визуал дастурлаш дастур тузишни осонлаштиради ва талабада дастурий воситалар яратишга бўлган қизиқишини оширади [5].

Амалий машғулот жараёнида кўрсатиб ўтилган услублар бўйича талабалар ўз фикрларини билдиради, сабаб кўрсатади, мисоллар келтиради. Амалиёт ўқитувчиси фикрларни умумлаштиради ва якуний хулосага келинади.

Физика фанидан амалий машғулотларда Delphi 7 дастурлаш тилида ишлаб чиқилган ахборот алмашинувчи маълумотлар базасини ёрдамида графиклар ҳосил қилиш, электр занжирларига доир масалаларнинг ечимини топиш методикасини келтириб ўтадим.

Амалиёт ўқитувчиси ўқитишнинг кўргазмалли методи ёрдамида талабаларнинг назарий эгаллаган билимларини амалиётда қўллай олишга ўргатади.

- 1.Масала шарти билан таништиради;
- 2.Масалани ечимини келтириб чиқаради;
- 3.Дастурлаш тилида жараённи визуал дастурини ишлаб чиқади;
- 4.Графиклар ҳосил қилинади;
- 5.Графиклар таҳрир қилинади;
- 6.Якуний хулосага келинади;
- 7.Талабаларга қўшимча топшириқлар берилади.

Масала. Тўғри чизикли текис тезланувчан ҳаракат

тенгламаси $x = x_0 + g_0 t + \frac{at^2}{2}$ кўринишда берилган

бўлсин. $x_0 = 5\text{ м}$, $g_0 = 1\text{ м/с}$, $a = 4\text{ м/с}^2$ бўлган ҳол учун ҳаракатни график тасвирини ҳосил қилинг.

Ечилиши: Берилган катталикларни ўрнига қўйсак ҳаракат тенгламаси $x = 5 + t + 2t^2$ кўринишда

келади. Тезлик $g = \frac{dx}{dt} = 1 + 4t$, тезланиш

$$a = \frac{d^2x}{dt^2} = \frac{d^2g}{dt^2} = 4\text{ м/с}^2 = \text{const} \quad . \quad x = x(t) ,$$

$g = g(t)$, $a = a(t)$ графикларини маълумотлар

базасини шакллантириш орқали ҳосил қиламиз. Аргумент

t га ихтиёрий қийматлар бериб функциянинг x , g , a

қийматларини қуйидаги жадвалда туширамыз (1-жадвал).

1-жадвал

Масофа, тезлик ва тезланишнинг вақтга боғланиши

t	1.	1	2	3	3.5	3.8	4	4.7	5	5.3	5.9
x	8	15	26	33	37.68	41	53.88	60	66.48	80.52	
g	5	9	13	15	16.2	17	19.8	21	22.2	24.6	
a	4	4	4	4	4	4	4	4	4	4	


Borland Delphi7 дастурлаш тилини ишга тушириб аргумент “ t ” ва функция “ x ”, “ g ”, “ a ” номли майдонлардан иборат маълумотлар базасини тузилади ва графиклар ҳосил қилинади (1-расм).

1. DataBase DeskTop утилитаси ишга туширилади. Пуск=> Программы=> Borland Delphi=>DataBase DeskTop.

2. DataBase DeskTop ойнасининг бош менюсидан қуйидаги буйруқ берилади: File=>Working Directory.

3. Жадвал номини mbgr1 каби сақлаб DataBase DeskTop ойнаси менюсидан File=>Open->Edit Data орқали жадвалдаги маълумотлар киритилади.

4. Маълумотлар базасини бошқариш алгоритми тузилади.



1-расм. Delphi7 муҳитида график тасвир

Ушбу ойнада берилган функцияларнинг жадвал қийматлари ўзгарса график ҳам мос равишда ўзгаради [6].

Талабалар ишлаб чиқилган дастур ёрдамида кинематика қонунларига доир бир нечта масалаларнинг ечимини топадилар.

Талабаларга амалий машғулоти якунида ишлаб чиқилган дастурларнинг имкониятларини янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берилади.

Таҳлил ва натижалар. Таълим жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган педагогик дастурий воситалар, математик дастурий пакетлар ва дастурлаш тилларининг турлари бугунги кунда старлича кўп, шунга қарамай улардан фойдаланиш имконияти ҳам чегараланмаган. Математик ва табиий-илмий фанларнинг ҳар бир бўлимига ижодий ёндашган ҳолда методик нуқтаи-назар билан замонавий дастурий воситаларнинг имкониятларидан фойдаланиб илмий-амалий, ижодий ишларда узлуксиз равишда фойдаланиш замонавий таълим методикаси ва замонавий дастурлаш тилларининг бир хилда ривожланишини таъминлайди [8], [9].

Хулоса ва таклифлар. Шудай қилиб биз техника олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналиши талабаларига математик табиий-илмий фанлардан амалий машғулотлар жараёнида ўқув режага ва касбий фаолиятига мос дастурий воситаларни танлаб олдик ва тадбиқ этдик.

Microsoft Excel дастурининг жадвал ва имкониятларидан фойдаланиб физикавий жараёнларни математик моделлаштириш, биринчидан сонли усулларда жадвал имкониятидан фойдаланиб график усулида ечимини топиш, иккинчидан дастурлаш орқали жадвал катталикларини ҳосил қилган ҳолда муаммоли масалаларнинг ечимини топиш усуллари кўрсатиб ўтдик.

Matlab ва MathCAD математик дастурий пакетлари ёрдамида динамик жараёнларни, функция графикларини моделлаштириш орқали физикавий масалалар ва математик мисоллар ечимини топишда фойдаланилди. Қўшимча равишда Matlab дастурининг дастурлаш имкониятидан ҳам фойдаланилди.

Кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, педагоглар ва муҳандисларнинг ўзаро ҳамкорлигида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишларида айрим тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бунга сабаб муҳандиснинг тегишли фан бўйича билимининг пастлиги ёки педагогнинг дастурий тилларига доир маълумотларга эга эмаслигидир. Ушбу муаммони бартараф этиш учун бўлажак муҳандисларга таълим бераётган ҳар бир педагог фаннинг барча бўлимларига дастурлаш тилларини қўллаши ва талабаларни касбий фаолиятга йўналтириши лозим. Бундай ёндашув бўлажак муҳандисларни мукамал педагогик дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиши билан бирга касбий фаолиятга тайёргарлик кўникмаларини шакллантиради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.
2. Покасов В.Ф. Управление качеством образования современной школы (методические материалы) // автор-состав. – Ставрополь. 2012. – 145 с.
3. Гомулина Н.Н. Применение новых информационных и телекоммуникационных технологий в школьном физическом и астрономическом образовании: Дисс. канд. пед. наук: 13.00.02. – М.: МГПУ, 2003.-332 с. РГБ ОД, 61:03-13/1698-6.
4. Хамидов В.С. Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. «Infocom.uz», - Тошкент. 2010, №1, -54-57 б.
5. Шоштаева Е.Б. Интегральная технология обучения как основа повышения качества образовательного процесса: автореф. дис. канд. пед. наук. //Е.Б. Шоштаева. – Карачаевск: 2003. – С. 23.
6. Хамидов В.С. Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. «Infocom.uz», - Тошкент. 2010.
7. Turaev S.J. Methods of the using of software program Microsoft Excel in practical and laboratory occupation on physics, Scientific Bulletin of Namangan State University: 2019.
8. Смолкин, А.М. Методы активного обучения: [Метод. пособие для преподавателей и организаторов проф. и экон. обучения кадров] / А. М. Смолкин. – М.: Высш. шк.,1991. – с. 175
9. Психология и педагогика /Под ред. Абульхамовой К.А., Васиной Н.В., Лаптева Л.Г., Слостенина В.А. – М.: «Совершенство», 1998.
10. Махмадиев Б.С. MathCAD тизимида ишлаш асослари. Ўқув қўлланма. – Қарши. 2012. – 144 б.
11. Тураев С.Ж., Хўжаев Л.Х., Пардаев Б.А. Matlab/Simulink муҳитида динамик системаларни моделлаштириш ва Borland Delphi7 дастурлаш тилида графигини ўрганиш.
12. Аладьев В.З., Харитонов В.Н. Программирование: Maple или Mathematica. – Таллинн , 2011. -415 с.



Мухлис САФАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
эл.почта: m.safarov@cspi.uz,

ЎзМУ профессори, сиёс.ф.д. И.Эргашев тақризи асосида

PROSPECTS FOR MODERNIZATION OF YOUTH POLITICAL CONSCIOUSNESS AND THE POLITICAL LIFE OF SOCIETY

Abstract

The article discusses the features of the political life of society and the prospects for the modernization of the political consciousness of young people. The author also expresses his opinion about the views of researchers conducting research on the political life of society and the formation of the political consciousness of young people. The article provides an opportunity to scientifically study the political life of society and the prospects for the modernization of the political consciousness of young people.

Key words: Political life, political consciousness, modernization, political system, trends, political party, political institution, political value, liberal value.

ПЕРСПЕКТИВЫ МОДЕРНИЗАЦИИ МОЛОДЕЖНОГО ПОЛИТИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ И ПОЛИТИЧЕСКАЯ ЖИЗНЬ ОБЩЕСТВА

Аннотация

В статье рассматриваются особенности политической жизни общества и перспективы модернизации политического сознания молодежи. Также автор высказывает свое мнение о взглядах исследователей, проводящих исследования политической жизни общества и формирования политического сознания молодежи. Статья дает возможность научно изучить политическую жизнь общества и перспективы модернизации политического сознания молодежи.

Ключевые слова: Политическая жизнь, политическое сознание, модернизация, политическая система, тенденции, политическая партия, политический институт, политическая ценность, либеральная ценность.

ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ҲАЁТИ ВА ЁШЛАР СИЁСИЙ ОНГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация

Мақолада жамият сиёсий ҳаётини ўзига хос хусусиятлари ҳамда ёшлар сиёсий онгини модернизациялашиш истиқболлари ўрганилган. Шунингдек, муаллиф жамият сиёсий ҳаёти ва ёшлар сиёсий онгини шаклланиши бўйича илмий тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар қарашларига ўз муносабатини билдирган. Мақола жамият сиёсий ҳаёти ва ёшлар сиёсий онгини модернизациялашиш истиқболларини илмий ўрганиш имкониятини беради.

Калит сўзлар: Сиёсий ҳаёт, сиёсий онг, модернизациялашиш, сиёсий тизим, тенденция, сиёсий партия, сиёсий институт, сиёсий кадрлар, либерал кадрлар.

Кириш. Мамлакат сиёсий ҳаётидаги узлуксиз ўзгаришлар давлат сиёсий тизимининг мақсадлари ва тамойилларида акс этиши билан бирга унинг йўналишларини ҳам олдиндан белгилаб беради. Бу каби ўзгаришлар жамият сиёсий ҳаётини модернизациялашишининг ички тузилишига, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, бундан бугунги кунга келиб ёшларни ижтимоий фаолиятга ва сиёсий ҳаётга жалб қилиш ҳамда уларнинг сиёсий онгини модернизациялашиб ўзгариб бораётганлигида қўришимиз мумкин. Зеро, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, янги Ўзбекистон стратегияси, олижаноб ниятларни амалга ошириш, янги ҳаёт қуриш йўлидаги бекиёс ўзгаришлар ҳаммамиздан фидойилик ва бунёдкорликни, янада катта жонбозликни талаб этмоқда[1].

Жамият сиёсий ҳаётини янада эркинлаштиришнинг замонавий шароитида эса турли хил ижтимоий гуруҳларни, шу жумладан, ёшларни сиёсий муносабатлар соҳасига олиб кириш имкониятлари анча кенгайди. Шу билан бирга, либерал ўзгаришлар ўзининг устун йўналишини сақлаб, аста-секин ўзининг ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг янги шаклларини барпо этишга интилоқда. Бу эса ўз навбатида жамият сиёсий ҳаётини янгича ислохотлари шароитида ёшларнинг сиёсий онгини шакллантириш масалалари долзарб

аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида жамият сиёсий ҳаёти ва ёшлар сиёсий онгини модернизациялашиш истиқболларини назарий жиҳатдан ўрганиш, унинг механизмларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий-маданий тартибга солиш усулларини асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси. Жамият сиёсий ҳаётини модернизациялашиши ва ёшлар сиёсий онгини шаклланиши ўрганилган бир қатар илмий тадқиқотлар [2] мавжуд. Бироқ бугунги кунда жамият сиёсий ҳаёти ва ёшлар сиёсий онгини модернизациялашиш истиқболларини ўрганган илмий тадқиқот ишлари мавжуд эмас. Шу боис мақоламазда мавжуд илмий тадқиқотларни қиёсий таҳлил қилиб, далиллари асосланган ҳолда анализ ва синтез методи орқали муаммонинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Таҳлил ва натижалар. Янги Ўзбекистон жамиятининг барча соҳаларида давом этаётган ўзгаришлар, жамият сиёсий ҳаёти ва ёшлар сиёсий онгининг шаклланиш жараёнини модернизациялашиш нуқтаи назаридан таҳлил қилишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистон жамияти сиёсий ҳаётини модернизациялашишининг ҳозирги босқичи ёшлар сиёсий онгини ўзгартириш билан боғлиқ барқарор ривожланиш истиқболлари билан тавсифланади.

Хозирги шароитда ёшларга мақсадли таъсир фаоллашмоқда, лекин аввалгидан кўра кўпроқ унинг сиёсий онгини шакллантиришда ўзини ўзи тартибга солувчи омиллар ҳам намоён бўлмоқда[3]. Бизнингча, ёшлар гуруҳини ўзига хослигининг намоён бўлиши ва уларнинг онгини ижтимоий тартибга солиш усуллари билан боғлиқ характерли тенденциялар замонавий ўзбек ёшларининг сиёсий онгининг ижтимоий-маданий моделларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиришимизга имкон беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон жамияти тараққиётидаги барқарорлик тенденцияси ёшларнинг сиёсий онгини шакллантиришнинг қадриятли-меъёрий ва ўзини ўзи бошқариш механизмларини муваффақиятли ишлаши учун шароит яратди[4]. Қолаверса, сиёсий-фалсафий ва социологик фанларда шаклланган ёшларнинг сиёсий онгининг асосий тушунчаларини таҳлил қилиш ушбу ижтимоий гуруҳнинг муҳим хусусиятларини: таркибий даражалари, элементлари, шакллари ва бошқаларни кўриб чиқишга имкон беради. Бошқа ёш гуруҳлари билан таққослаганда ёшларни сиёсий онгининг ўзига хослиги ушбу ҳодисанинг таркибий элементларининг мазмуни, барқарорлиги даражаси ва ривожланиши билан белгиланади. Ёшларнинг сиёсий онги таркибида иккита асосий даража ажратилади: оддий, сиёсий ҳақиқатни билишнинг эмпирик услубига мос келадиган ва қадриятлар, афсоналар, назариялар ва бошқаларнинг сиёсий идеалларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган назарий даража[5]. Ёшларнинг оддий сиёсий онг даражаси кўпроқ сиёсий воқеликнинг ўз-ўзидан акс этишининг маҳсули бўлиб, назарий даражани сиёсий ижтимоийлашувнинг ижтимоий институтлари мақсадга мувофиқ равишда шакллантиради. Демак, ёшларнинг сиёсий онги таркибида унинг сиёсий эҳтиёжлари, қизиқишлари ва қадриятлари ўзаро таъсирининг маҳсули бўлган фаолият соҳаси мотивидир, десак муболаға қилмаган бўламиз. Шунингдек, сиёсий манфаатлар уларнинг сиёсий онгининг асосий элементидир, дейишимиз ҳам мумкин. Бу эса албатта, ушбу ижтимоий-демографик гуруҳнинг сиёсий дунёга бўлган эҳтиёжлари ва талабларини акс эттиради. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, сиёсий билимлар ва сиёсий туйғулар ҳам ёшлар сиёсий онгининг муҳим элементлари ҳисобланади.

Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича, ёшларнинг сиёсий онгини ўрганишда репродуктив ва рискологик ёндашувлардан фойдаланиш ушбу ҳодисани махсус ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида сиёсий-социологик ўрганиш концепциясини ишлаб чиқишга, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар шароитида унинг муҳим хусусиятларини таъкидлашга имкон беради[6]. Аммо, биз Мертондан фарқли равишда ёшларни жамиятнинг бир қисми сифатида тавсифлайдиган, уларнинг сиёсий онги, бошқа ёш гуруҳлари онгидан фарқли равишда ўзига хос шакллариغا эга эканлигини таъкидлаймиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, ижтимоий гуруҳ сифатида ёшларнинг мустақиллиги унинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги роли ва функциялари билан белгиланади, деб аниқ айта оламиз. Бу ўринда ёшлар қуйидаги ижтимоий функцияларни бажарадилар: биринчиси, тарихий тажрибанинг узлуксизлиги, иккинчиси, уни инновацион ўзгартириш ва учинчиси, кейинги авлодларга

етказиш вазифасидир[7]. Ёшлар ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида ўз таркибида гетерогендир. У турли қатламлардан ёши, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқалар бўйича ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг сиёсий онгидаги фарқланишни ҳам юзага келтиради. Шунингдек, “ёшларнинг ўтиш босқичи уларнинг ижтимоий мавқеининг хусусиятини белгилайди” деб кўрсатади, тадқиқотчи В.Юлов[8]. Бизнингча ҳам, ёшларнинг бир ижтимоий босқичдан иккинчисига ўтишлари ёшларнинг ижтимоий позициясининг маргиналлигини белгилайди. Ушбу хусусиятлар ёшлар сиёсий онгининг муҳим хусусиятларида акс этади.

Ёшларнинг ижтимоий мавқеининг ўтиш даври табиати уларнинг сиёсий онгини модернизациялаштириш учун асос бўлиб, у сиёсий ғоялар ва позицияларнинг беқарорлигида, сиёсий воқеаларни кўп талқин қилишида намоён бўлади. Ёшларнинг сиёсий онги хавф ва маргиналлик билан боғлиқ бўлиб, сиёсий ҳақиқат ҳодисаларини талқин қилишда ўз ғояларига ҳаддан ташқари ишониб қараш ва ҳаракатларга содиқликни акс эттиради. Ижтимоий-маданий шароитдаги фарқлар ёшлар гуруҳларида трансгрессивликни шакллантиради, бу шахсларнинг ижтимоий чегараларини бузиш, ўзларини ҳозирги кунга йўналтириш учун келажакка қараш истаги билан ифодаланади[9].

Ўзбекистон жамиятида кейинги йилларда янгича тартиб-таомиллар ўрнатилди, аммо макро ва микро даражадаги ноаниқлик потенциали сақланиб қолмоқда. Бу ўзини ўзи ташкиллаштиришдаги тартибсизликда ва ижтимоий жараёнларнинг тўлиқсизлигида намоён қилади. Ушбу омиллар замонавий ўзбек жамиятини ўзгартиришнинг ҳозирги босқичида ёшларнинг сиёсий онгида зиддиятларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон жамиятидаги беқарорлик ва ижтимоий-маданий инқироз ҳали бартараф этилмаган шароитда ёшларнинг сиёсий онгида уни тартибга солишнинг деформацияланган қиймат-норматив институционал механизмлари ва ўзини ўзи бошқариш механизмларини фаоллаштириш ўртасида зиддият пайдо бўлади. Бизнинг назаримизда, ёшларнинг янги хавфли шароитларга мослашишини шакллантириш ва аксарият ёшларнинг анъанавий конформистик моделни қабул қилиш, эълон қилинган сиёсий йўналишга йўналтириш орқали содир бўлади. Баъзи олимларнинг фикрича, сиёсий соҳадаги ёшлар гуруҳлари томонидан таваккалчиликни рационализация қилишнинг турли усуллари сиёсий онгининг ички қарама-қаршилигини белгилайди[10]. Ҳақиқатдан ҳам сиёсий ҳаётни ўзини ўзи бошқаришнинг анъанавий усуллари замонавий моделлар билан ўзаро алоқада бўлганда ва ёшларнинг сиёсий онгининг қарама-қарши томонини шакллантиришда ёшларнинг билимлари муҳим рол ўйнайди.

Жамият сиёсий ҳаёти асосларини модернизациялаштириш шароитида ёшлар онгидаги ўзгаришларнинг объектив ва субъектив хавф омиллари кўпчилик соҳа олимларининг назарида ёшларнинг сиёсий онгига таъсирини кучайтиради[11]. Шундай қилиб, ёшларнинг сиёсий онгидаги яна бир қарама-қаршилиқ учун шартлар пайдо бўлади ва бу объектив фаолиятга асосланган хавф шакллари сифатида ўзини намоён этади. Шунингдек, ёшларнинг сиёсий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-маданий механизмларини аниқлаш уларни сиёсий онгидаги ўзгаришларни кузатиш имконини яратди.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичида янги Ўзбекистон жамиятининг ривожланишида барқарорлик тенденциясининг шаклланиши замонавий ўзбек ёшлари учун янги мақсадлар ва кўрсатмаларга эга бўлган қиймат-меъёрий механизмларнинг фаоллашувига ёрдам беради.

Ушбу жараёнларнинг натижаси ёшлар сиёсий онгида ижтимоий консерватив кадриятларни, сиёсий ҳокимият моҳияти тўғрисида барқарор ғояларни шакллантиришдир. Шу билан бирга, ёшлар сиёсий онгида салбий тенденциялар сақланиб қолмоқда, улар орасида давлат ва жамоат тузилмаларига ишончсизлик, экстремистик йўналишлар ва мозаикали сиёсий маданиятни шаклланиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ёшлар сиёсий онгини шакллантиришнинг кадрият-меъёрий механизмларидан фарқли ўлароқ, ўзини ўзи бошқариш механизмлари ҳам зарур. Парсонс назарида улар муҳим, керакли ва мақсадга мувофиқлиги тўғрисида индивидуал-гуруҳ ғояларига асосланади[12]. Ушбу қарашлар маълум бир ижтимоий гуруҳнинг сиёсий онгини ўзини ўзи бошқариш шакллари ва усулларининг асосий манбаи ҳисобланади. Ўз-ўзини бошқариш механизмлари фойдасига танлов ёшларнинг сиёсий онгининг мотивацион соҳасида юзага келади ва сиёсий соҳадаги эҳтиёжлар, манфаатлар, кадриятлар, муносабат, мотивлар ва идеалларнинг йўналиши билан белгиланади.

Жамият сиёсий ҳаётини модернизациялаштириш жараёни ёшлар онгида ўзгарувчанлик, индивидуализация билан боғлиқ бўлган ўз-ўзини бошқаришнинг махсус турини келтириб чиқаради. Ўз-ўзини бошқариш жараёни эҳтиёжлар, манфаатлар ва кадриятларнинг маъносини қайта тақсимлайди, шу билан сиёсий муносабатлар субъекти унинг ўзгарувчан ҳақиқатга мослашишига ёрдам берадиган янги моделларни излайди. Сиёсий онг моделларининг беқарорлиги ва долзарблиги модернизация механизмини амалга оширишга ҳисса қўшиб, ўз-ўзини бошқариш механизмларининг интуитивлигини белгилайди.

Ўтказилган тадқиқотларнинг таҳлиллари кўрсатганидек, бугунги замонавий ўзбек ёшларининг сиёсий онгидаги авторитар ва демократик муносабатларнинг таҳлили унинг номувофиқлигидан далолат беради. Ушбу карама-қаршилиқнинг оқибатларидан бири замонавий ўзбек ёшларининг сиёсий онгида ўзини ўзи бошқариш турига тақлиднинг пайдо бўлишидир. Ёшларнинг сиёсий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-маданий механизмларини ўрганиш сиёсий партияларни сиёсий институтлар ва ёшлар ташкилотларини ўзини ўзи ташкил этиш шакллари сифатида кўриб чиқишга ёрдам беради.

Жамиятдаги сиёсий партиялар гуруҳ манфаатларини тўплайдилар, бу ижтимоий-маданий даражада ҳукмрон сиёсий партия томонидан қонуний кадрият-меъёрий макон устидан монополияга эришишда ифодаланади. Ушбу сиёсий институтлар ёшларнинг сиёсий онгини шакллантириш жараёнида муҳим рол ўйнайди, чунки улар бу жараёни кадриятга йўналтирилган ва кадрият-меъёрий механизмлар орқали тартибга соладилар. Партия ҳаётига қўшилиш орқали

ёшлар сиёсий социализация объекти ва субъектларига айланишади, натижада сиёсий онгни шакллантиришга имкон яратишади.

Ўзбекистон жамиятнинг тубдан ўзгариши шароитида институционал механизмларнинг нотўғри ишлаши туфайли сиёсий партияларнинг ёшларга бўлган қизиқиши, асосан, сайлов компаниялари даврида вазиятли хусусият касб этади. Ўзбекистон жамиятини ўзгартаришнинг ҳозирги босқичида сиёсий институтлар фаолиятида ёшларга нисбатан аниқлик тенденцияси кузатилади. Сиёсий институтлар фаолиятини жонлантириш шароитида ёшлар сиёсий партиялар фаолиятига ишончсиз бўлиб қоладилар ва сиёсий партиялар томонидан ёшларнинг ўзига нисбатан улар асосан инструментал ёндашувни қўллайдилар. Шу сабабли, сиёсий партияларнинг ушбу шароитда ёшларнинг сиёсий онгини шакллантиришга реал таъсирини самарали деб ҳисоблаш мумкин эмас. Ғарб олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар маълумотларига кўра, аксарият ёшлар ташкилотларининг давлат идоралари ва сиёсий партиялардан мустақиллиги тенденциясининг пайдо бўлганлигини кўрсатади[13].

Жамиятни модернизациялаштиришнинг ҳозирги босқичида ёшларнинг сиёсий ташкилотларида иштирок этишга қизиқиши мавжуд. Ушбу ташкилотлар фаолиятига давлатнинг қизиқиши сезиларли даражада ошди. Сўнги йилларда олиб борилган тадқиқот маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, амалдаги ҳукуматни ва у олиб бораётган ислохотларни қўллаб-қувватловчи ва миллий-ватанпарварлик ҳаракатлари ёшларнинг сиёсий онгини ўзини ўзи бошқариш жараёнига энг катта таъсир кўрсатмоқда. Ёшлар ҳаракати иштирокчиларининг мотивацион таркибида биз учта асосий мотивларни ажратамиз: ўз-ўзидан пайдо бўладиган (экспрессив), инструментал ва ғоявий мотивлар. Миллий-ватанпарварлик, миллатчи ва либерал ҳаракатлар иштирокчилари асосан мафкуравий мотивларга асосланган. Вазиятли, ўз-ўзидан пайдо бўлган туртки тури кўпроқ ҳозирги ислохотлар тарафдорлари фаолиятини тавсифлайди.

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон жамиятининг барқарор ривожланишига ўтиш шароитида ёшларнинг сиёсий онгининг мафкуравий йўналишидаги аниқлик даражасини ошириш тенденцияси кузатилди. Шу билан бирга, ўз-ўзини бошқариш механизмларининг ўз-ўзидан пайдо бўлиши ёшларнинг сиёсий ижтимоийлашувида етакчи рол ўйнамоқда. Таҳлиллар натижасида шуни айтиш мумкинки, рационализация механизмлари, рационаллик турларини аниқлаш, жамият таракқиетида ноаниқликдан барқарорликка ўтишда ёшларнинг сиёсий ҳақиқати ҳақидаги билимларни социал-маданий динамикалар шароитларига мослаштириш масалалари янада чуқур ривожланишга муҳтож.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. – 20-б.
2. Ковалева, А.И., Луков, В.А., Erikson, R.S., Wright, G.C., McIver, J.P., Кравченко, С.А., Бандура, А., Гидденс, Э., Мертон, Р.К., Тощенко, Ж.Т., Юлов, В.Ф., А.И.Щербинина, Павлова, Е.Д., Чупров, В.И., Зубок, Ю.А., Парсонс, Т., Щербо, И.А., Игнатов, В.Г., Нифанов, А.Н., Беспаленко, П.Н., и др.
3. Кравченко, С. А. Социология модерна и постмодерна в динамически меняющемся мире. М. : МГИМО - Университет, 2007. - 264 с.
4. Гидденс, Э. Устроение общества: очерк теории структуризации. М. : Академический Проект, 2005. — 528 с.
5. Политическая социология. М. : ЮНИТИ-ДАНА, 2002. - 495 с.
6. Мертон, Р. К. Социальная теория и социальная структура. Социальная структура и аномия // Социс. 1992. - № 2 - 4. 29 с.
7. Тощенко, Ж. Т. Фантомы общественного сознания и поведения // Социология. М. : Академический проект, 2005. - № 1. - С. 92 - 107.
8. Юлов, В. Ф. Мышление в контексте сознания. М. : Академический Проект, 2005.- 476-496 с.

-
9. Проблемы политических ценностей в условиях трансформации режима: научный ежегодник Томского МИОН-2003 / Под ред. А.И. Щербинина. -Томск : Том. ун-т, 2004. 252 с.
 10. Павлова, Е. Д. Проблема информационного воздействия на сознание в постиндустриальном обществе // Личность, культура, общество. М., 2007. -Т. IX, вып. 1 (34). - С. 226 - 241.
 11. Чупров, В.И., Зубок, Ю. А. Молодежь в общественном воспроизводстве: проблемы и перспективы. М. : РИЦ ИСПИ РАН, 2000. - 116 с.
 12. Парсонс, Т. О структуре социального действия. — М. : Академический. Проект, 2000. 880 с.
 13. Игнатов, В. Г., Нифанов, А. Н., Беспаленко, П. Н. Региональная молодежная политика: проблемы и опыт становления. Ростов-н/Д, 1999. - С. 94.



УДК 316. ¾ ББК 60.54

Зухраҳон СЕИТОВА,
Доцент НГПИ им. Ажинияза, к.филос.н
E-mail: z.seitova62@mail.ru
Тел.: 913821962

Рецензент: (DSc) Доктор социологических наук А.П. Сеитов

СОСТОЯНИЕ НАРОДА НАПРЯМУЮ ЗАВИСИТ ОТ ОБРАЗОВАННОСТИ И ЭТИЧНОСТИ ЖЕНЩИН

Аннотация

Статья посвящена женщинам-каракалпачкам Узбекистана, где переосмысливается место и роль женщины в различных сферах общественной и политической жизни. Что наши предки главными критериями для женщин считали гуманность, чистую совесть, верность, любовь к Родине. Автор также отмечает, что каракалпакские женщины не только самостоятельное некоторых мужчин, но и во много раз успешнее их. Яркие примеры этого мы видим в политике, медицине, образовании. Острый ум, дипломатичность, находчивость и рассудительность женщины, женская интуиция делают ее незаменимым руководителем, командиром, менеджером, успешным руководителем любых структур.

Ключевые слова: Узбекистан, Каракалпакстан, Родина, гендер, Гендерный вопрос, гендерная политика, гендерное равенство.

XALQ TURMUSHI AYOLLAR SAVODXONLIGI VA AXLOQIGA BEVOSITA BOG'LIQDIR

Annotatsiya

Maqola O'zbekistondagi qoraqalpoq ayollariga bag'ishlangan bo'lib, unda ijtimoiy-siyosiy hayotning turli jabhalarida ayollarning tutgan o'rni va ahamiyati yoritilgan. Ajdodlarimizning insonparvarlik, pok vijdon, sadoqat, Vatanga muhabbatni ayollar uchun asosiy mezon sanaganligiga e'tibor qaratilgan. Qoraqalpoq ayollaridagi mustaqillik, ayrim erkaklarga qiyoslaganda ularning turli jabhalarda bir necha barobar ko'proq muvaffaqiyatga erishayotganligi ta'kidlanib, siyosat, tibbiyot, ta'limdagi lider ayollar misolida dalillangan. Ayolning o'tkir aqli, diplomatiyasi, topqirligi va ehtiyotkorligi, ayol sezgisi uni har qanday tuzilmaning muvaffaqiyatli rahbariga, boshqaruvchisiga aylantirishi mumkinligi haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: O'zbekiston, Qoraqalpog'iston, Vatan, gender, Gender masalasi, gender siyosati, gender tengligi.

STATE OF THE PEOPLE DIRECTLY DEPENDS ON THE EDUCATION AND ETHICS OF WOMEN

Annotation

The article is devoted to the Karakalpak women of Uzbekistan, where the place and role of women in various spheres of public and political life is rethought. That our ancestors considered humanity, a clear conscience, loyalty, love for the Motherland to be the main criteria for women. The author also notes that Karakalpak women are not only more independent than some men, but also many times more successful than them. We see vivid examples of this in politics, medicine, and education. A sharp mind, diplomacy, resourcefulness and prudence of a woman, female intuition make her an indispensable leader, commander, manager, successful leader of any structures.

Key words: Uzbekistan, Karakalpakstan, Homeland, gender, Gender issue, gender policy, gender equality.

Введение. Одним из приоритетных направлений государственной политики нового Узбекистана является достижение гендерного равенства, обеспечение прав, свобод и законных интересов женщин, усиление их роли в общественной и государственной жизни. Более половины населения Узбекистана составляют женщины, и сегодня они стали мощным фактором развития республики [2]. В своём поздравительном обращении к женщинам Узбекистана Президент Шавкат Мирзиёев отметил, что вопросы женщин и семьи – это ключевая задача, определяющая наш не только сегодняшний, но и завтрашний день. Каждое благое дело в поддержку наших женщин, хранительниц семейного очага, олицетворяющих любовь и беззаветную преданность, завтра, несомненно, вернется сторицей [1]. Конечно, во всех докладах, статьях, выступлениях с высоких трибун, говорится о том, что женщины Узбекистана честно и самоотверженно трудятся и участвуют в происходящих социальных преобразованиях в нашей стране, в экономических реформах во всех сферах экономики, науки, культуры и образования, о том, что наше государство создает все условия для защиты социальной -экономические интересы

женщин, укрепление семьи, воспитание подрастающего поколения гармоничными и здоровыми [3].

Литературный обзор. Г.Ж.Ганиева

останавливается на проблеме женщин в Узбекистане, где она рассматривает новый подход к проблемам женщин и пути их решения. В свою очередь, С.Ж.Алламурадова занимается вопросами социальной адаптивности женщин Каракалпакии в период Независимости в Республике Узбекистан. К.С.Камалова исследует современное состояние гендерной политики в Узбекистане, а также социально-философские аспекты гендерных проблем в Республике Каракалпакстан. Проф. Я.А.Абдуллаева, исследуя историю Каракалпакстана в своей монографии анализирует становление каракалпачек с точки зрения истории вчера и сегодня.

Современное общество требует переосмысления места и роли женщины в различных сферах общественной и политической жизни. Во всех странах мира доля женщин в экономике, политике, культуре, общественной жизни неуклонно увеличивается. Она активно участвует в демократических преобразованиях, рыночная модель экономики позволяет женщинам свободно проявлять инициативу, находиться в высших эшелонах

государственной структуры, на которую возложена функция реализации гендерной политики. Кто они, женщины, живущие в Каракалпакстане?

Каракалпаки считаются народом, резко отличающимся не только в Средней Азии, но и среди народов всего мира своей национальной культурой, традициями, обычаями, имеющими очень богатые духовные ценности. Каракалпаки – народ, глубоко почитающий женщин. Это качество отражено в каракалпакском фольклоре. Дастан «Кырк кыз» [4.-с.176] посвящен борьбе девушек в защиту родной страны, за независимость народа. Понятие о том, что «женщина – владычица мира, опора настоящего мужчины» дано в наследии наших древних предков. Наши предки главными критериями для женщин считают гуманность, чистую совесть, верность, любовь к Родине. Строго осуждают, когда женщины забывают свою страну, народ, честь и совесть, требуют от них терпения, выдержки, такта. Женщины всегда ставили на первое место служение Родине, родным людям, родителям [5.-с.256]. Один из выдающихся ученых Ризавиддин Ибн Фахруддин (XII век) когда-то сказал: «Народ, где женщины образованны, этичны, — это образованные люди, где невоспитанные женщины — это невоспитанные люди. Если женщины хозяйственны, тактичны, смелы, умелы, то и народ считается богатым. А если женщина ленива, неряшлива и расточительна, то народ считается бедным [6].

Методология исследования. Гендерное равенство в этом небольшом исследовании это единая глобальная институциональная система. Использованы анализ социологического анкетирования, методы сравнения, актуальные для данной области, а также анализ, основанный на обзоре литературы. Впервые в истории Узбекистана по итогам парламентских выборов в декабре 2019 года количество женщин в национальном парламенте достигло уровня 32%. Согласно рейтингу Межпарламентского союза «Женщины в национальных парламентах» (по состоянию на начало 2020 года), Парламент Узбекистана занимает 44 место среди 193 государств. Доля женщин в политических партиях достигла 46%, в сфере высшего образования – 47%. Соотношение женщин и мужчин на руководящих должностях в стране составляет соответственно 27 и 73%.

Женщины в Узбекистане, в частности, в Каракалпакстане очень трудолюбивы и стремятся занять достойное место в обществе. Особое место в нашем научном исследовании занимает изучение роли женщин Каракалпакстана, в отличие от узбекских женщин, исторически женщина у каракалпаков имела свое законное место в семье, свое решающее слово в решении тех или иных важных семейных вопросов. Но духовно-культурная среда наложила свой отпечаток на положение каракалпакской женщины в обществе. До установления в нашем обществе демократических отношений женщина проявляла себя лишь в роли хранительницы очага или продолжательницы рода, в лучшем случае родственного близкого круга. Никто всерьез, как правило, не воспринимал ее как человека на равных. Следовательно, гендерные различия в Каракалпакстане носят андрогенный характер [7].

Республика Каракалпакстан расположена на северо-западе Узбекистана в низовьях реки Амударья, вдоль юго-западного побережья Аральского моря. Суровый климат, холодные ветры, кочевой образ жизни - все это повлияло на образ и представление о каракалпакской женщине. Кто она - каракалпачка?

Это Ветер в пустыне, это Жаркое солнце, это холодные ночи среди бескрайних песков? Или это струна народного инструмента в руках искусного сказочника,

или она нежна и тонка, как степная лань? Или прекрасная воительница, родоначальница ее знаменитых героинь, таких как Тумарис, Гуляим, Аксынгуль, которых воспели в своих песнях и стихах известные писатели и поэты того времени [8]. История показывает, что среди древних народов этого региона женщины занимали высокое положение не только в семье, но и в обществе. У тюрков женщина продолжала занимать высокое положение и после принятия ислама, особенно после установления его господства.

Так, по преданию, когда Аббасиды обложили жителей Балха обременительной данью, женщины и дети пришли к жене правителя и стали жаловаться на свое положение. Затем она отправила халифу свое очень дорогое платье и расплатилась с жителями города. Халиф вернул ей платье и освободил жителей Балха от наложенной дани. Однако она не взяла платье обратно и приказала продать его и на вырученные деньги построить мечеть [9]. Это свидетельствует о том, что женщины-мусульманки имели собственность и свободно ею распоряжались.

Изучение роли женщин в Каракалпакстане показало, что, несмотря на то, что женщина имела право решать важные вопросы в семье, ее (женщин) социальный статус далеко не равноправен. Существует также противоречие между достижениями современного общества и реальным существованием, приводящее к крайностям женского поведения [10].

И сейчас мы живем в удивительное, уникальное время. Сегодня впервые в истории человечества женщина чувствует себя свободной. Она может распоряжаться своей жизнью - она выбирает свою роль по праву. Она имеет право высказать свое мнение любимому мужчине, может учиться на любой специальности, может путешествовать куда угодно, может заниматься политикой или бизнесом. Но поскольку любая свобода предполагает хотя бы элементарное понимание того, что с ней делать, перед женщиной встает очень важный вопрос: какова моя роль в этой жизни? Выбирая свою судьбу, я ошибаюсь? Какова реальная роль женщины в семье, на работе, в обществе, в отношениях?

Гендерный вопрос, гендерная политика, гендерное равенство... Давайте позволим женщине исполнить свою роль в жизни, сделать свой выбор... Эти лозунги звучат из уст многих и уже воспринимаются как вполне обыденные. В большинстве случаев никто и не думает ущемлять права женщины, никто не умаляет ее роли в обществе. Только представьте, что сегодня кто-то может запретить женщине голосовать на выборах только потому, что... она женщина.

История также помнит время, когда женщине не полагалось смотреть зрелища, участвовать в развлечениях, просто высказывать свое мнение при выборе мужа, а значит, и сексуального партнера на всю оставшуюся жизнь. Да, это было, но сегодня другое время.

Мы вышли на новый уровень отношений, и женщина из забытой бесправной, не имеющей ни права голоса, ни права желания, превратилась в равноправного члена общества, стоящего на одном уровне с мужчиной. Нет смысла перечислять, на что сегодня имеет право женщина. Достаточно сказать, что моральная, умственная, юридическая пропасть между сегодняшней самой простой девушкой из провинции и светской дамой, жившей 200 лет назад, огромна, как расстояние от Земли до Луны! Роли этих двух женщин в жизни семьи, общества, отношений несопоставимы по величине и качеству, такая пропасть между ними.

Однако ситуация меняется. В конце 19 века в Англии началось движение суфражисток, выступавших за

равноправие женщин с мужчинами. Эти дамы были очень скромны в своих требованиях: под равенством понималось главным образом избирательное право для женщин, а также отсутствие политической и экономической дискриминации. Их борьба, когда-то казавшаяся смешной и глупой, постепенно приносила свои плоды: в большинстве стран мира женщина хотя бы формально приравнивается к мужчине. В декабре 1979 года Генеральная Ассамблея ООН приняла Конвенцию о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Фактически этот документ подтверждает, что на женщину распространяются все права человека. Конвенция предлагает странам-членам организации принять все необходимые меры для прекращения дискриминации женщин во всех сферах жизни.

Эти рекомендации достаточно полно реализованы в развитых странах. В Европе и Америке женщины успешно занимаются политикой и бизнесом. Их права надежно защищены законом. Финансовая независимость привела к изменению положения женщины в браке. Патриархальная модель семьи, где муж — добытчик, а жена — хранительница домашнего очага, постепенно уходит в прошлое. Вклад женщины в финансовое благополучие семьи часто превышает вклад мужа. Соответственно жена начинает требовать перераспределения домашних обязанностей более равномерно между обоими супругами. Таким образом, получается, что обязанностей женщины только прибавилось: она взяла на себя роль добытчика мужского пола, но от роли домохозяйки ее никто не освобождал. Часто женщина стоит перед выбором: карьера или семья. И не всегда успешная женщина выбирает семью: многие предпочитают реализовывать свои таланты в бизнесе, искусстве, политике...

Анализ и результаты. Аналитической части исследования предшествует методология исследования, с помощью определенных методов выполняется анализ собранных данных. В XXI веке роль каракалпакской женщины сильно изменилась. Они с удовольствием примеряют на себя новую роль, и этому способствуют изменения в самом обществе. Долгое время руководящие должности занимали в основном мужчины, но в последние годы эта тенденция стала существенно меняться. Каракалпакские женщины не только самостоятельнее некоторых мужчин, но и во много раз успешнее их. Яркие примеры этого мы видим в политике, медицине, образовании. Острый ум, дипломатичность,

находчивость и рассудительность женщины, женская интуиция делают ее незаменимым руководителем, командиром, менеджером, успешным руководителем любых структур.

Примером тому могут быть женщины, занимающие высокие должности, выдающиеся женщины-историки, члены Союза писателей; заслуженные деятели науки Республики Каракалпакстан, кандидаты химических наук, известные ученые, химик-органики, депутаты Законодательной палаты, фермеры, региональный представитель Уполномоченного по правам человека Олий Мажлиса Республики Узбекистан (Омбудсман) в Республике Каракалпакстан, ректор, заместители хакимов, а также женщины-учёные, это женщины, которые придают большое значение своей квалификации и готовы тратить на это своё время.

Заключение и предложения. В заключении можно сделать вывод, что отношение и взгляды на положение женщин в обществе всегда были неоднозначными. «Положение женщины», и именно о положении женщины, а не о «положении мужчины» в обществе принято говорить. История свидетельствует о неоднозначности отношения общества к женщине, в определении ее места и роли в обществе и семье.

Например, есть известная притча о том, что когда о том или ином человеке высказываются разные, иногда очень противоречивые мнения, то очень хорошие, то третьи лица говорят, что к этому человеку повышено внимание и поэтому он хороший и достойный. человек. Таким образом, общество всегда проявляет особый интерес к женщине, либо восхваляя и превознося ее святость, либо загоняя ее в угол, превращая в рабыню, в ничтожное существо, с которым нельзя считаться. Ну, а древние философы утверждают, что степень цивилизованности, справедливости любого общества можно определить по его отношению к женщине.

Основной вывод. Таким образом, по результатам приведенного изучения, можно с уверенностью констатировать тот факт, что положение женщин и мужчин на рынке труда с каждым годом становится все сложнее. На женских плечах лежит груз «двойной занятости», от чего ее положение становится еще тяжелее. Чтобы сориентировать экономическую политику государства на решение гендерных проблем, необходимо более детально разрабатывать ряд управленческих инструментов и механизмов.

ЛИТЕРАТУРА

1. Мирзиёев Ш.М. Поздравительная речь Президента, посвященная Международному Женскому дню-8-Марта 2022. <https://rossaprimavera.ru › news>
2. Абдуллаева Я.А. Каракалпокистон хотин-кизлари: кеча ва бугун. —Т., 2004.
3. Алламуратова С.Ж. Социальная адаптивность женщин каракалпакки в период Независимости в Республике Узбекистан. Хоразм Мамун Академияси Ахборотнамаси —10/2021.
4. Бахадырова С. Каракалпак кандай халык. Ташкент: Навруз, 2017. 256 с.
5. Ганиева Г.Ж. Узбекистонда хотин-кизлар масаласи: янгича йундошув, муаммолар ва ечимлар (мустиқиллик даври 1991-2005 гг.): Автореф. дисс.
6. Гордон Л.А. Социальная адаптация в современных условиях // Социальные реалии: вчера и сегодня. Социологическое исследование. 1994. № 8-9. С.3-15.
7. Ибрагимов Н.И. Ибн Батута и его путешествия по Средней Азии. М.: Наука, 1988. С. 95-96. Ташкент, 2006. С.17.
8. Камалова Х.С., Бердимуратова А.К., Алимбетов Ю. и др. «Гендерный аспект социальной трансформации: женщина в политике, в сфере труда, семьи, бизнеса и культуры.// Сб. научные труды: «Теоретические, методологические и прикладные вопросы социально-гуманитарного знания: источники, проблемы, перспективы». - Мичуринск, 2010 - Вып.2. -С.56-70.
9. Каракалпакский фольклор.9-13т.Кырык кыз.Ташкент: Манавият, 2009.176 с.
10. Камалова К.С. Современное состояние гендерной политики в Узбекистане // Наука и инновации в современном мире: Сборник научных статей. -М.: Изд-во «Перышко», 2020. -190 с. стр. 107-117.

11. Махтумкули. Танланган асарлар. Т., 1958. 431б.
12. Роль женщины в современном Узбекистане. Политика гендерного равенства в современном Узбекистане // <http://uza.uz/posts/257250>.



Жўрабек СУЙУМОВ,
ТАТУ Фаргона филиали ўқитувчиси
E-mail: jsuyumov166@gmail.com

ФарДУ доценти, А. Мирзақулов тақризи асосида

THE USE OF COMPUTER SIMULATION MODELS TO INCREASE STUDENTS' KNOWLEDGE ON THE SUBJECT OF BIOLOGY

Annotation

In educational institutions, multimedia technologies are used even more with great success. They are able to greatly enrich the educational process, make it more effective. The article investigates the dynamic processes of the use of modern equipment in educational and scientific laboratories in the development of the subject of biology for students of general education schools, ongoing experiments in biology based on computer simulation models.

Key words: Pedagogical technology, multimedia, virtual laboratory, interactive method, mind, attention, simulation model.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОМПЬЮТЕРНЫХ ИМИТАЦИОННЫХ МОДЕЛЕЙ ДЛЯ ПОВЫШЕНИЯ ЗНАНИЙ УЧАЩИХСЯ ПО ПРЕДМЕТУ БИОЛОГИЯ

Аннотация

В общеобразовательных учреждениях мультимедийные технологии применяются еще более с большим успехом. Они способны в значительной степени обогатить учебный процесс, сделать его более эффективным. В статье исследованы динамические процессы использования современного оборудования в учебно-научных лабораториях при освоении предмета биологии для учащихся общеобразовательных школ, проводимые эксперименты по биологии на основе компьютерных имитационных моделей.

Ключевые слова: Педагогическая технология, мультимедиа, виртуальная лаборатория, интерактивный метод, разум, внимание, имитационная модель.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШДА КОМПЬУТЕР ИМИТАЦИОН МОДЕЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация

Умумтаълим муассасаларида мультимедиа технологиялари тобора кўпроқ ва мувоффақиятли қўлланилмоқда. Улар ўқув жараёнида сезиларли даражада бойитишга, уни янада самарали қилишда аҳамияти катта. Мақолада умумтаълим мактаби ўқувчилари учун биология фанини ўзлаштиришларида ўқув-илмий лабораторияларда замонавий асбоб ускуналардан самарали фойдаланиш, компьютер имитацион моделлар асосида биология фани бўйича олиб борилаётган тажрибаларнинг динамик жараёнилари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Педагогик технология, мультимедиа, виртуал лаборатория, интерфаол метод, идрок, диққат, имитацион модел.

Кириш. Ҳозирги даврда таълимни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, шу сабабли барча «янги педагогик технологиялар» атамасини ишлата бошлади. Шахсий компьютерларни яратилиши таълимнинг имкониятларини бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Республикамизда таълим тизимини ислох қилиш биринчи навбатда таълим ва тарбия тизимида илғор ахборот технологияларнинг татбиқ этиш билан боғлиқ. Таълимни ахборотлаштириш таълим тизимини модернизация қилишнинг асосий усулларида бири ҳисобланади. Педагогларнинг асосий мақсади ҳар бир боланинг қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, кучли асосий билимларга эга бўлган шахсни шакллантириш ва замонавий ҳаёт шароитларига мослаштириш учун шароит яратишдан иборат. Таълимни ахборотлаштириш мақсадга эришишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида кўриб чиқилиши керак. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Биология фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодларини яратиш, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишини таъминлаш, умумтаълим мактаб ўқувчилари учун соғлом овқатланиш тамойилларини омдалаштириш”[1] каби устувор вазифалар белгиланган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Имитация техникаси сўнгги ўн йилликда таълимда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Техниканинг афзалликлари бутун дунёда педагоглар томонидан юқори баҳоланди. 1970 йилда Германияда “Имитация ва ўйинлар” халқаро ассоциацияси ташкил этилган. Kappers, W. M., ва Cutler, S. L.лар томонидан чоп этилган “Таълимнинг реал дунёда қўлланилишини яхшилаш учун компьютерли имитацион моделлардан фойдаланиш” номли илмий тадқиқот ишида компьютер имитацияси йиллар давомида ўқитиш ва таълимда талабаларга мустақил тарзда топшириқни бажариш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлишга ёрдам бериш учун ишлатилганлиги, бироқ, талабалар имитацион модел ёрдамида ҳосил бўлган кўникмаларни реал ҳаётда қўлланилиши керак бўлган кўникмалар билан боғлашда муаммоларга дуч келишлари мумкинлиги тадқиқ қилинган[3]. Stanchik, S. Seljan ва Diana Stankovichлар томонидан чоп этилган “Simulation Models in Education” номли илмий тадқиқот ишида электрон таълим муҳитида компьютер имитацион моделларидан фойдаланиш атрофича тушунтирилган[4]. Электрон таълим тизимлари интерактивлик воситаси сифатида имитация моделларидан фойдаланиш билан биргаликда таълимда виртуал ҳақиқатни таъминлашнинг энг яхши усули ҳисобланади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки,

компьютер имитация ёрдамида ўқитиш талабаларини фанни ўзлаштиришларида энг кучли воситалардан бири бўлиши мумкин.


Тадқиқот методологияси. Ривожланаётган замонавий ахборот жамияти шароитида ўқувчиларни компьютер техникаси билан мулоқот қила олиши хозирги кунда заруратга айланиб бормокда. Умумтаълим муассасаларида мултимедиа технологиялари тобора кўпроқ ва мувоффақиятли қўлланилмоқда. Улар ўқув жараёнини сезиларли даражада бойитишга, уни янада самарали қилишда ахамияти жуда катта. Ахборот технологияларига асосланган таълим жараёнлари ўқувчининг когнитив қобилиятларини ривожлантиради, уни янги маълумотларга қизиқишини шакллантиради. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг таълим фаолиятига қизиқиши сезиларли даражада ошади, уларнинг билим даражалари ошади[5]. Мултимедиа тақдимотлари ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлашга ва тизимлаштиришга ёрдам беради; улар идрок, диққат, хотира, фикрлаш каби интеллектуал фаолият учун зарур бўлган ақлий қобилиятларни ривожлантириш учун энг самарали усул ҳисобланади.

Ахборот ва компьютер технологияларидан фойдаланиш ўқитувчи учун берилаётган мавзунинг ўқитишда янги имкониятларни очади. Ахборот ва компьютер технологиялари орқали бирор бир мавзунинг ўрганиш болаларга дарс жараёнида ўйлаш ва иштирок этиш имкониятини беради, бу мактаб ўқувчиларининг фанга қизиқишларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Ўқув жараёнига ахборот ва компьютер технологияларини жорий этиш моддий таъминотнинг кўргазмалилигини оширишга, вазифалар турларини фарқлаш, шунингдек фикр-мулоҳаза шакллари фарқлаш учун мўлжалланган. Ахборот ва компьютер технологиялари нафақат ўқувчининг ижодий фаълиятини, балки унинг таълимни тўғри англашга ёрдам беради.

Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Шунинг учун таълим муассасаларида замонавий ўқитиш методлари, интерфаол методлар, инновацион технологияларнинг

ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ахборот технологиялари асосида умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилиб, ўтказиладиган ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш учун янги турдаги, яъни электрон ўқув адабиётларни ва лаборатория машғулотларига доир виртуал лабораториялар яратиш мақсадга мувофиқдир[6].

Таҳлил ва натижалар. Компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал лабораториялардан ўқув жараёнларида фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Жумладан, биологик тажрибаларни анъанавий ўтказишда мумкин бўлмаган ноёб қўз илғамайдиган жараёнларни ёки тажрибада кузатиб бўлмас даражадаги жараёнларни кузатиш ва таҳлил этиш имконини беради. Умумтаълим мактаблари 9-синф биология фанидаги “Генларнинг бириккан ҳолда ирсийланиши” мавзуси бўйича яратилган компьютер имитацион моделда генетика [юн. *genesis* – келиб чиқиш, пайдо бўлиш] – барча тирик организмларга хос бўлган ирсият ва ўзгарувчанликни ҳамда уларни бошқариш усулларини ўрганувчи фан эканлиги, генетиканинг асосий вазифаси ирсиятнинг моддий асослари ҳисобланадиган хромосома, генлар ва нуклеин кислоталар (ДНК, РНК) тузилиши ҳамда функцияларини тадқиқ қилиш орқали организмлар белги ва хусусиятларининг ривожланиши ва келгуси авлодларга ўтишини очиқ беришдан иборат эканлиги, ҳар хил физик ва кимёвий омиллар таъсирида организмларда ирсий ўзгарувчанликнинг пайдо бўлиши ва унинг организмлар эволюциясидаги аҳамиятини тадқиқ қилиш ҳам генетиканинг вазифалари қаторига кириши, маданий ўсимликларнинг серхосил навлари, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг маҳсулдор зотлари ва штаммларини яратиш, ирсий касалликларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш асосида уларнинг олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, экологик муҳитнинг ирсиятга салбий таъсир этувчи омилларини ўрганиб, генофондни сақлаб қолишни генетик жиҳатдан асослаб бериш генетика тадқиқотларининг амалий муаммоларини ифодалаши тушунтирилган. Битта хромосомада жойлашган генларнинг ирсийланиши компьютер имитацион моделлари асосида ўқувчига намоён қилинган (1-расм).




1-расм. Генларнинг бириккан ҳолда ирсийланиши

“Ўзгарувчанлик қонуниятлари” мавзуси бўйича яратилган компьютер имитацион моделида полиплоидия генотипик ўзгарувчанликни англатишини, генотипик ўзгарувчанлик мутацион ва комбинативга бўлинишини, мутациялар ирсий белгиларнинг ўзгаришига олиб келадиган ирсият бирликлари - генлардаги кескин ва барқарор ўзгаришлар деб аталишини, “Мутация” атамасини биринчи марта де Вриес киритганлигини, табиатига кўра мутациялар доминант ва рецессивга турга бўлинишини, мутациялар келиб чиқиш жойига қараб таснифланишини, жинсий хужайраларда пайдо бўлган мутация маълум бир организмнинг хусусиятларига таъсир

қилмаслигини, фақат кейинги авлодда ўзини намён қилишини, бундай мутациялар генератив дейилишини, агар соматик хужайраларда генлар ўзгарса, бундай мутациялар бу организмда пайдо бўлиши ва жинсий кўпайиш жараёнида наслга ўтмаслигини, аммо жинсиз кўпайишда, агар организм ўзгарган - мутацияга учраган генга эга бўлган хужайра ёки хужайралар гуруҳидан ривожланса, мутациялар наслга ўтиши мумкинлигини, бундай мутациялар соматик деб аталишини тушунтиради. Мисол сифатида қарам гулини диплоид, титраплоид ва октаплоид кўринишлари намоён қилинади (2-расм). Полиплоидия организмларнинг ҳаётчанлиги,

махсуддорлигини ошириши, ўсимликларни сунъий фаркланиши КИМ асосида кўрсатилган. олинган полиплоид навлари юқори ҳосилдорлиги билан




2-расм. Ўзгарувчанлик қонуниятлари (Полиплоидия)

“Фенотипик ва модификацион ўзгарувчанлик” мавзуси бўйича яратилган КИМда ҳар бир организм ташқи муҳитнинг маълум шароитларига мос равишда яшаш ва ривожланиши, уларга ташқи муҳит омиллари-ҳарорат, намлик, озуқа миқдори ўз таъсирини кўрсатиши, ўз туридаги бошқа организм ва турларга мансуб бўлган организмлар билан ўзаро муносабатда бўлиши, бу омиллар организмнинг физиологик, морфологик хусусиятларини ҳамда фенотипини ўзгартириши


мумкинлиги айтиб ўтилади. Ташқи муҳит таъсирида вужудга келган ўзгарувчанликка мисол сифатида нилуфар гули ва сув ёнғоғининг сув ости ва устидаги барглари шаклланиши намойиш қилинган.

Нилуфарнинг сув остидаги барги ингичка лансетсимон, сув устидаги барглари воронкасимон бўлиши, сув ёнғоғида эса сув ости барглари патсимон қирқилган бўлиб, сув усти барглари яхлит бўлиши компьютер имитацион моделида кўрсатиб берилган.



4-расм. Фенотипик ўзгарувчанлик

Хулоса ва таклифлар. Ўқув жараёнида компьютер имитацион моделларини қўллаш амалиёти ўқувчиларнинг юқори даражасини, ўрганишнинг интенсивлигини, касбий компетенцияларнинг ўсишига йўналтирилганлигини кўрсатади. Компютер имитацион моделларини кенг жорий этиш касбий таълимнинг бутун тизимида “янги давр”ни очади. Компютер имитацион моделларини кенг қўламда қўллаш таълимни модернизация қилишнинг асосий вазифасини - сифатли таълимни кенг ёйишга хизмат қилади.



Модификацион ўзгарувчанлик

Мавзулаштирилган компьютер имитацион моделларнинг афзаллиги шундаки ўқувчиларда мавзуга доир тушунча тезроқ пайдо бўлади, мавзуни таҳлил қилишлари янада осонлашади. Бундан ташқари компьютер имитацион моделлар ўқувчига тегишли мавзуга оид жараёнларни кузатиш учун замин яратади ва мустақил ўқиш ва ўзлаштириши учун самарали восита ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4805-сонли Қарори.
3. Kappers, W. M., & Cutler, S. L. (2016). Simulation to Application. The Use of Computer Simulations to Improve Real-World Application of Learning. Computers in Education Journal, 7(1).
4. Stanchik H., S. Seljan, Dijana Sankovich / Simulation Models in Education / Published 2007, Computer Science.
5. Максютлова Г. Ю., 2012. Информационные технологии в иноязычном образовании успешного дошкольника [Текст] // Проблемы и перспективы развития образования: материалы II междунар. науч. конф. - Пермь: Меркурий, 2012. — С. 60-62.
6. Мингбева С.Н.. Biologiya darslarida zamonaviy ta'lim metodlarini qo'llash. «Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 24-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари. Т: 2021.
7. Мавлонов О.. Биология (Зоология): Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Далват илмий нашриёти, 2017-й.-208 б.
8. Зикиряев А., А.Тўхташев, И.Азимов, Н.Сонин. Биология. Ситология ва генетика асослари: 9-синф учун дарслик. 4-нашр. Т.: “Янгийўл полиграф сервис”, 2010-й.-152 б.
9. Суюмов Ж.Ю.«Kompyuter imitatsion modellari asosida faol o'qitish texnologiyasining nazariy asoslari» Scientific Progress Volume 2, Issue 3, 2021

-
10. Суюмов Ж.Ю., Г.Мамадалиева, К.Хакимова «Imitation modeling technologies in higher educational process» Теория и практика современной науки №5(71) май 2021



Аббос ТЕШАБОВЕВ,

Наманган давлат университети Ўқув-услубий бошқарма услубчиси
E-mail:abbos030494@mail.ru

Сиёсий фанлар доктори, доцент Н.Б.Дехканов тақризи асосида

МАҲАЛЛА ТУШУНЧАСИ: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАНИШ НЕГИЗЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Маҳалла қандей шаклланганлиги, у қандей маъноларда учраши ва бу ҳусусида юртимизда етиштирилган алломалар ва саркардалар фикрлари ҳамда ҳозирга қунда маҳаллага берилаётган эътибор ҳақида фикрлар баён этилган.

Kalit so'zlar: Маҳалла, мутафаккирлар, ўзини-ўзи бошқариш, қадрият, стратегия, бошқарув, Темур тузуқлари, институт

THE CONCEPT OF MAHALLA (NEIGHBORHOOD COMMUNITY): THE ESSENCE AND BASICS OF FORMATION

Annotation

This article describes the formation of the mahalla (neighborhood community), its meanings, the views of scholars and commanders who grew up in our country, as well as the attention paid to the mahalla today.

Key words: Neighborhood, thinkers, self-government, value, strategy, management, Timur regulations, institute

ПОНЯТИЕ МАХАЛЛЯ: СУЩНОСТЬ И ЕГО ОСНОВЫ ФОРМИРОВАНИЯ

Аннотации

В данной статье раскрывается о становлении махалли, мнения великих мыслителей и полководцев о махалле, а также о том внимании, которое уделяется махалле сегодня.

Ключевые слова: махалля, мыслители, самоуправление, ценность, стратегия, управление, Тимуровский устав, институт

Кириш. Мамлакатимиз мустақиллиқни қўлга киритганидан сўнг қисқа вақт ичида асрга татигулик қўллаб ишлар амалга оширилди. Шу йиллар мобайнида мамлакатимизда қўллаб ишлар амалга оширилди. Шунингдек, маҳаллалар фаолияти бутунлай янги мазмун кашф этиди, жаҳон тажрибасида маҳалла деб аталувчи ягона, бетакрор бошқарув институти фақат биздагина мавжуд [1].

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев "... бугун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши зарур. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан бигалиқда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, ҳато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодирдир [2], деган сўзлари бу соҳани янги даврга олиб чиқди десак муболаға бўлмайди.

Маҳалла, ўзини - ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айна пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга ҳисобланади.

Шунингдек, Президентимизнинг ташаббуси билан Жорий йил "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниб, бу бўйича давлат дастури лойиҳаси ҳам янги стратегиядан келиб чиқиб тайёрланган. Очик муҳокамалар жараёнида аҳолидан 17 мингдан зиёд тақлифлар олинган. Улар таснифланиб ва умумлаштирилиб, дастур лойиҳаси 300 дан ортиқ ташаббуслар билан тўлдирилган. Давлатимиз раҳбари халқимизга бундай фаоллиги, илоҳотларга ишончи ва дахлдорлиги учун миннатдорлик билдирди. "Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва ҳавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил

этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёдаги ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировард натижада маҳаллани жамиятимизнинг ҳал қилувчи бўғинига айлантириш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз. Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакат обод бўлади", - деди Президент [3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. "Маҳалла"нинг шаклланиши, ривожланиши ва такомиллашуви халқимизнинг узок тарихи, маънавияти ва турмуш кечириш жараёнлари билан уйғунлашиб кетган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида кўрсатилишича "маҳалла" атамаси арабча бўлиб, "ўрин-жой" деган маънони англатган. У турли минтақаларда маҳаллот(жой)гузар, жамоа, элат, элод номларда аталиб келинган. Адабиётларда маҳаллаларнинг кўпминг йиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг "Бухоро тарихи"асарида Бухорода бундан 1101 йил илгари бир қанча маҳаллалар бўлганлигини қайд этиб ўтган. Алишер Навоий ўзининг "Ҳайрат ул-аброр" асарида маҳаллани "маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча"дир деб таърифлайди. Ҳирот шаҳри юз шаҳарча аҳамиятига эга бўлган маҳаллалардан ташкил топганлигини айтиб ўтади. Маҳаллалар айниқса, Амир Темур даврида раванқ топган. Маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи ва ҳ.к.[4].

Баъзи бир маълумотларда, маҳалла эрамиздан аввалги II асрда пайдо бўлган бўлиб, у асосан катта тепаликларни ҳимоя деворлари билан ўралган кўрғон шаклида мавжуд бўлган. Кўрғоннинг қуйи қисмида аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғилланган. Кичик маҳалла шаклидаги аҳоли истикомат қилувчи масканлар

ишлаб чиқариш суръатининг ривожланиши туфайли кейинчалик катта шаҳарларга айланган дейилади. Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Махмуд Қошқарий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида маҳалла тўғрисидаги маълумотлар кўплаб учрайди. Масалан, Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Берунийнинг “Уй хўжалигини юритиш тўғрисида”, Махмуд Қошқарийнинг “Девони лугати турк” асарларида маҳалла аҳолиси, уларнинг касби-кори, урф-одатлари, анъаналари, диний этиқоди, хўжалик юритиши ва умуман ўзига хос турмуш тарзи ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтганлар[5].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Энг қадимий қадриятларимиздан ҳисобланган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзбек халқининг яшаш тарзини ўзида тўла-тўқис мужассам этган маҳалла жамиятдаги муносиб ўрнига тиклаб қўйилди. Ўзбек маҳалласи - халқимизга хос донишмандлик тимсоли. У тарихда ҳам ўз жозибаси, ҳаётийлиги, халқчиллиги, бетакрорлиги билан дунё ахли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган. Мозийдан тортиб ҳозиргача давлатлар ўзининг қўпгина эзгу амалларини, хосиятли, баракатли тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларини маҳаллада оқсоқоллар, фаоллар ақл заковати, адолатли назорати билан амалга ошириб, хал қилиб келадилар[6].

Чиндан ҳам ўзбек маҳаллалари узоқ йиллик тарихга эга бўлиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўзини-ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли – маҳалла азалдан мавжуддир. Одамлар тўда-тўда яшай бошлаганларида бир-бирларининг иссиқ-совуғидан, ҳол-аҳволи, ғам-кулфати-ю, хурсандчилик – шодликлари билан доимо хабардор бўлиб келганлар[7]. Тарихдан маълумки, маҳаллалар эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи, миллий удумлар, урф-одатлар ва анъаналар, шаклланган маскан бўлиб, одамларни ўзаро меҳр-оқибатли, саховатли қилиб тарбиялашда, ўзига хос жамоанинг шакллантирилишида жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи идора қилиши қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топган. Ўзбек маҳаллалари ўзида жамоатчилик руҳи, инсонпарварлик ўзаро ёрдам, инсоф, диёнат, раҳимдиллик каби инсоний туйғулар билан сўғорилган ҳолда шаклланган катта оиладир. Тарихий тараққиётнинг маълум босқичида қариндош-уруғчилик асосида ташкил топган жамоалар ўрнига келган маҳаллалар жамият ҳаётида асосий ўрин тута бошлаган. Шу билан бирга, Маҳалла хўжалик юритишни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ташкил қилишнинг асосини ташкил эта бошлади, негаки сўғориладиган ерларда деҳдончилик шароитларида жамоа бўлиб ҳаракат қилиш талаб этиларди ва иқтисодий мақсадларга эришмоқ учун гуруҳий бирдамликнинг зарурлиги англаб бошланди.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Манбаларни ўрганиш, таҳлил этиш жараёнида туғилган мантиқий ҳулосага кўра, одамлар ибтидоий жамоа тузуми давридаги қўчманчиликдан ўтрок ҳаётга ўтиб, жамоа бўлиб яшай бошлаганларида маҳалла тизимининг ибтидоий унсurlари, қадриятлари, касб-хунар малакалари, рўзгор тебратиш, ўзаро мол айирбошлаш, топилган неъматларни ўртада баҳам кўриш асослари шакллана бошлаган[8].

Шарқшунос олим М.Г.Маллицкийнинг ёзишича кейинчалик маҳаллаларнинг номи нафақат касб-кори, шунинг билан бирга маҳаллий халқнинг ўзига хос удумлари билан ҳам атайиб келинган[9].

Осиё китъаси ва мусулмон Шарқда давлат қурилиши ва бошқарув тажрибаси муайян хусусиятларга ва ўзига хос анъаналарга эга. Араблар истилоси ва ислом

дини қабул қилишидан анча илгари пайдо бўлган маҳалла муайян кичик ҳудудда истикомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан боғлангандир[10]. У – шаҳардаги анча мураккаб, жипслашиб кетган, ҳатто маълум даражада ўз қобиғига ўралашган ўзига хос кичик бир оламдир.

Тарихий адабиётда ҳам маҳаллаларнинг қўп минг йиллик тарихга эга эканлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи далиллар келтирилди. Қадимги Шарқнинг таникли мутафаккирларидан бири Абу Жаъфар Наршахий IX асрда ёзган “Бухоро тарихи” китобида Бухорода бундан 1100 йил илгари 9 та катта-катта маҳалла мавжуд бўлганлиги ва бу маҳаллалар ўзини-ўзи идора қилинганлиги, бу қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтган[11].

Файласуф олим Фаробий эса шундай деб ёзган: ҳар бир инсон табиатдан шундай тугилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун қўп нарсаларга муҳтож бўлади, аммо бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади[12].

Маҳаллалар айниқса Амир Темур тузган давлатда жадал ривожланган, гуллаб - яшнаган. Ўша вақтларда маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида ташкил қилинган. Этиқдўзлар, пичоқчилар, темирчилар бир жойда яшаб меҳнат қилишганлар. Бу ҳақда “Темур тузуклари”да ёзилишича, буюк Амир Темур ўзи барпо этган бепоён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалланинг мутасадди шахсларига таянган, улар билан яқин мулоқотда, доимий машваратда бўлган, кези келганда уларнинг фаолиятини бевосита қўллаб – қувватлаган[13].

Алишер Навоий ўзининг “Мажolisun-nafois” тазкирасида маҳаллалар хусусида қуйидаги маълумотларни ёзган: “Дўстмуҳаммад-Марғилоний маҳалласидандур. Ҳам шерьга, ҳам муаммога таъби яхшидур”. Алишер Навоий маҳалладошлар ўртасида ҳурмат, тенглик мавжуд бўлганлигини, шоху гадонинг бир-бирига муносабатида ғамхўрлик қадрланганлигини ёзган[14].

Халқимизнинг кейинги тараққиёт босқичларида ҳам “Маҳалла”нинг ривожланиб келганлиги ҳақида кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. Совет даври адабиётларида ҳам демократия хусусида гап кетганда унинг дастлабки бўғини сифатида қишлоқ йиғинлари (сельский сход) сифатидаги иборалар қўлланилгани маълум. Ўзбек халқи босиб ўтган тарихий жараён исботлайдики, маҳалла институтини ҳеч қандай истилолар, босқинчилик сиёсати, социалистик экспериментлар йўқ қила олмаган. Бу тизим тарихий ва ижтимоий нуқтаи назардан ҳам жуда барқарор ижтимоий институт сифатида ўзини сақлаб келди, мамлакатимиз давлат мустақиллиги йилларида эса қайтадан тикланди ва янгича маъно билан тўлдирилди.

Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Маҳалла иштирокчилари урф-одатларга, шариат қоидаларига асосан жамоа муаммолари ва аъзоларининг шахсий масалаларини муҳокама этган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин халқимизнинг урф-одат, анъана, қадрият ва удумларини тиклаш ҳамда мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг асосий омилларидан бири сифатида “маҳалла” институтини

тиклаш, ривожлантириш ва унинг фаолиятини изчиллик билан амалга оширишга катта эътибор қаратади.

АДАБИЁТЛАР

1. Жалилов Ш.Н. Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. -Т. Ўзбекистон, 2001. 3-6.
2. Маҳалла-тинчлик ва осойишталик, ободлик ва фаровонлик марказига айланади. "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши // Халқ сўзи. 13 февраль. № 32.- Тошкент, 2020.
3. Халқ сўзи. 2022 йил 27 январ. № 18. (8080) 1-саҳифа
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Тошкент. : Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003,548-550-б
5. Ғуломов М. Маҳалла – фуқаролик жамиятининг асоси. Т.: “Адолат”. 2003. – Б. 23.
6. Жалилов Ш.И., Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. Ўзбекистон, 2001. 11-б.
7. Қодиров Д. Маҳалла тарбия маскани. -Т.: Хаёт ва қонун, 1999. №8. 19-216.
8. Раҳмонов Р. Истиқлол ва Маҳалла. -Т.: Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 2001, №1.4-6.
9. Маллицкий М.Г . Тошкент Маҳалла ва мавзелари. (русчадан Усмон Қўчқор таржимаси) Тошкент.:Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашри, 1996,3-9-б
10. Ваҳобов А. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув ва ўзини-ўзи бошқариш органлари А.Х.Саидов таҳрири остида чиқарилган "Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат" тўплами -Т. Адолат 1995. 142-143. Б.
11. Мухаммад ибн Жаъфар аи Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос. Т.: Камалак, 1991
12. Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри”. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. 222. б.
13. Темур тузуклари. Я.Ғуломов номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. - Т. 1993. 344. б.
14. А. Навоий. Мажолисун-нафоис.



Баходир ТИЛЛОХОДЖАЕВ,
Академия МВД Республики Узбекистан,
Кафедра военной подготовки, старший преподаватель,
E.mail: 027@akadmvd.lmit

Отзыв: Доктор юридических наук, профессор, Академия МВД Республики Узбекистан, Матчанов Алимжан Атабаевич

ON THE NEED TO IMPROVE THE EDUCATION OF COURAGE AND INITIATIVE IN EMPLOYEES AND MILITARY BODIES OF THE INTERNAL AFFAIRS

Abstract

The article deals with problematic issues related to the educational process of employees and military personnel of the internal affairs bodies aimed at acquiring from them such qualities as courage, showing initiative in the performance of official duties and professional duty. Based on the priority areas of the Development Strategy of Uzbekistan indicated by the head of the country regarding the further strengthening of the state's defense capability, strengthening the combat readiness, combat capability and potential of the Armed Forces. Particular attention was paid to the mechanism for improving moral and psychological support, increasing the morale of employees and military personnel of the internal affairs bodies, and further continuing measures to instill in them a military-patriotic spirit dedicated to serving the people of Uzbekistan.

Keywords: Strategies for the development of New Uzbekistan, official duties, professional duty, education, courage, initiative, employee, serviceman of the internal affairs bodies, spiritual and educational activities.

ICHKI ISHLAR ORGANLARI XODIMLARI VA HARBIY XIZMATCHILARIDA JASURLIK VA TASHABUSNI TARBIYALASH ZARURATI TO'G'IRISIDA

Annotatsiya

Maqolada ichki ishlar organlari xodimlari va harbiy xizmatchilarining tarbiyaviy jarayonida ularda xizmat vazifalarini va kasbiy burchlarini bajarishda jasurlik, tashabbuskorlik kabi fazilatlar bilan bog'liq bo'lgan muammoli masalalar ko'rib chiqishga qaratilgan. Mamlakatimiz rahbari tomonidan belgilab berilgan O'zbekistonni taraqqiyot Strategiyasida mudofaa qobiliyatini yana-da mustahkamlash, Qurolli Kuchlarning jangovar shayligini, uning imkoniyatlari va qobiliyatini kuchaytirishga oid ustuvor yo'nalishlardan kelib chiqib, mamlakatimizda davlatning mudofaa qobiliyatini yana-da yuksaltirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Ichki ishlar organlari xodimlari va harbiy xizmatchilarni ma'naviy-ruhiy qo'llab-quvvatlashni takomillashtirish, ma'naviyatini yuksaltirish, ularda O'zbekiston xalqiga xizmat qilishga sadoqatli harbiy-vatanparvarlik ruhini shakllantirish chora-tadbirlarini yana-da izchil davom ettirishga alohida e'tibor qaratildi.

Kalit so'zlar: Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi, xizmat vazifalari, kasbiy burchi, tarbiya, jasurlik, tashabbuskorlik, ichki ishlar organlari xodimi, harbiy xizmatchisi, ma'naviy-ma'rifiy faoliyati.

О НЕОБХОДИМОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВОСПИТАНИЯ У СОТРУДНИКОВ И ВОЕННОСЛУЖАЩИХ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ СМЕЛОСТИ И ИНИЦИАТИВЫ

Аннотация

В статье рассматриваются проблемные вопросы, связанные с воспитательным процессом сотрудников и военнослужащих органов внутренних дел направленных на приобретения у них таких качеств как смелость, проявления инициативы при выполнении служебных обязанностей и профессионального долга. Основываясь на указанных руководителем страны приоритетным направлениям Стратегии развития Узбекистана касающихся дальнейшего укрепления обороноспособности государства, усиление боеготовности, боеспособности и потенциала Вооруженных Сил. Уделено особое внимание на механизм совершенствования морально-психологического обеспечения, повышению боевого духа сотрудников и военнослужащих органов внутренних дел, дальнейшего продолжения мероприятий по воспитанию у них военно-патриотического духа, преданного служению народу Узбекистана.

Ключевые слова: Стратегии развития Нового Узбекистана, служебные обязанности, профессиональный долг, воспитание, смелость, инициатива, сотрудник, военнослужащий органов внутренних дел, духовно-просветительская деятельность.

Введение. В Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы седьмым основным направлением предусмотрено укрепление безопасности и оборонного потенциала страны, ведение открытой, прагматичной и активной внешней политики. В нем одной целью определено дальнейшее укрепление обороноспособности государства, усиление боеготовности, боеспособности и потенциала Вооруженных Сил. Это касается и к обеспечению активного участия руководителей органов власти всех звеньев в повседневной деятельности войск, строительстве военных городков, совершенствовании их

инфраструктуры и воспитании молодежи в военно-патриотическом духе[1].

Действительно необходимо определить меры по дальнейшему совершенствованию морально-психологического обеспечения, а также повышению боевого духа военнослужащих, что предполагается дальнейшее продолжение мероприятий по воспитанию молодежи в военно-патриотическом духе[2, с.87]

Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отметил, что армия сильна не только вооружением и техникой, но и военными – солдатами, офицерами, генералами, не щадящими себя ради Родины.

Это главный фактор, определяющий возможности и боевой потенциал наших вооруженных сил[3].

Обзор литературы по теме исследования. Вопросы исследования о необходимости совершенствования воспитания у сотрудников и военнослужащих органов внутренних дел смелости и инициативы в образовательной системе нашей республики находят свое отражение в работах А.А. Кочкарова, Г.И. Махмуровой, Э.Ж. Нурымбетова, Г.Ж. Туленовой и др. Так А.А. Кочкаров исследовал проблемы совершенствования боевой подготовки курсантов образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан.

В странах Содружества Независимых государств исследования в области совершенствования методики воспитания у сотрудников и военнослужащих органов внутренних дел смелости и инициативы и эффективного их использования проводились работы

В.А. Морозовым по теме правовое поведение личности сотрудника правоохранительных органов, как фактор формирования авторитета, Л.А. Ашхотовой относительно коммуникативной мобильности в структуре профессиональных качеств сотрудников ОВД, О.В.Хлудова по психологическим особенностям профессионального роста личности, Н. Н. Силкина раскрыла некоторые аспекты профессиональной подготовки сотрудников ОВД к деятельности в условиях повышенного у риска, а М.В. Родионова Методы воспитания сотрудников ОВД и др.

Методология исследования. Для решения поставленных задач в процессе исследования были использованы теоретический анализ и синтез, моделирование педагогической действительности в ее перспективном варианте, обобщение педагогического опыта. Также были использованы методы связанные с изучением научной литературы, наблюдение, беседа, опрос, моделирование ситуаций, формирование статистических выборок, расчеты средних выборочных величин, определение статистической значимости результата, методы графического представления данных и другие.

Анализ и результаты исследований. Среди военнизированных государственных структур, особое место занимают органы внутренних дел (ОВД), которые наряду с вооруженными силами страны внедряют новую систему подготовки специалистов посредством обеспечения карьерного роста сотрудников в зависимости от их квалификации, а также повышению интеллектуального и профессионального потенциала руководящих кадров[4].

Среди перечисленных морально-боевых качеств особое значение имеют такие как смелость и инициатива. В их основе лежит высокая духовная сознательность, преданность Родине и беззаветное служение народу Узбекистана. Ясное понимание благородных целей и задач ОВД, надежно обеспечивающий общественную безопасность народа, беспредельная любовь к Родине. Это побуждает каждого сотрудника и военнослужащего ОВД преодолевать любые трудности и преграды, проявлять смелость и инициативу при выполнении своего почетного долга – служить интересам народа.

Это относится и к совершенствованию боевой подготовки курсантов и слушателей образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан[5, с.69].

Воспитывая личный состав в духе высокой сознательности, руководство ОВД в лице младшего, среднего и высшего командного состава должны показывать пример беззаветного служения Родине, отчетливо осознать необходимость образцового

исполнения своего служебного долга перед народом. Организация морально-боевой, воспитательной работы в ОВД основана на приоритете смелости и инициативы, связанные с повышением уровня общего мировоззрения, политического сознания, духовного и интеллектуального потенциала всех сотрудников и военнослужащих ОВД, укреплением у них патриотизма, высокой ответственности, гордости и преданности своей профессии[6, с.112].

Воспитание в себе смелости, инициативы, укрепление активной жизненной позиции, интеллектуального потенциала и ответственности сотрудников и военнослужащих за судьбу Родины, усиление их иммунитета против идейных и информационных угроз, направлению сотрудников на преданное и самоотверженное выполнение гражданского долга и конституционных обязательств составляют основное содержание данного процесса[7].

Повышение эффективности воспитания в себе смелости и инициативы осуществляется через духовно-просветительскую работу в ОВД, которая основана на концептуальной идеи «Преданно служить Родине и народу – наш высший долг!». Следовательно охрана общественного правопорядка, обеспечение общественной безопасности, охрана прав и свобод граждан устанавливаются в качестве приоритетной задачи в деятельности сотрудников и военнослужащих ОВД, которые при этом должны проявлять смелость и инициативу.

Основные суть и содержание данной работы состоят в формировании у сотрудников и военнослужащих ОВД обладание такими качествами, как патриотизм, самоотверженность, преданность и честность на пути обеспечения верховенства закона и спокойствия граждан в Узбекистане.

Важное место в развитии у личного состава ОВД смелости и инициативы при выполнении своих профессиональных обязанностей занимает систематическая пропаганда требований присяги и уставов, подвигов работников ОВД, разъяснение сущности патриотизма посредством духовно-просветительской работы. При этом важно учитывать, что беседа начальствующего состава тем убедительнее, чем больше она насыщена конкретными примерами, показывающими пути преодоления трудностей при совершенствовании служебного и боевого мастерства[8, с.74].

Смелость представляет собой способность и постоянная готовность защитников Родины, несмотря на опасность, любой ценой выполнить поставленные задачи. Она проявляется в разумных, сознательных действиях, соответствующих требованиям служебной и воинской дисциплины среди сотрудников и военнослужащих ОВД.

Основной целью для сотрудников ОВД является воспитание смелости и инициативы посредством развития их как гармонично развитой личности, служащей интересам государства и народа в любых условиях, преданной национальным ценностям, опирающейся на общечеловеческие ценности. Воспитание также направлено на борьбу с чуждыми и деструктивными идеями, имеющей стойкие убеждения и силу воли, духовно богатой, самоотверженной, опирающейся на бесценное наследие предков и погибших сотрудников, проявивших героизм, а также формирование чувства сопричастности и высокой ответственности за обеспечение безопасности государства и народа.

Результаты, совершенствования воспитания у сотрудников и военнослужащих ОВД смелости и инициативы, будут достигнуты посредством широкого

использования потенциала духовно зрелых сотрудников, глубоко освоивших профессиональную специализацию, добросовестно выполняющих служебные обязанности в любых условиях, служащих для других образцом стойкости и храбрости, примером в жизни и профессиональной деятельности[9].

Со смелостью тесно связано такое качество, как инициативность, то есть умение и способность человека проявить самостоятельный, творческий подход к выполнению поставленной задачи. Инициатива предполагает собственный почин сотрудника, военнослужащего ОВД, изыскание им самых эффективных средств и приемов для наилучшего выполнения приказа или указания.

Смелость и инициатива могут развиваться быстрее, если занятия по служебной и боевой подготовке и всю повседневную службу организовать так, чтобы у воинов постоянно повышалась личная ответственность за порученное дело, крепла вера в возможность преодоления любых трудностей, проявлялось стремление повысить – свою выучку, развить высокие морально-боевые качества[10]. А этого можно добиться только дружными и согласованными усилиями начальствующим составом ОВД, общественных формирований и организаций, направленными на улучшение качества обучения и воспитания работников ОВД[11].

Важно в каждом отдельном случае убедить сотрудников и военнослужащих ОВД в практической целесообразности и высокой эффективности смелых, инициативных и мужественных поступков. Для этого в учебно-воспитательной работе полезно приводить примеры, показывающие, как медлительность, пассивность, робость того или иного затрудняли выполнение задачи[12]. В истории почти каждой части есть немало боевых эпизодов, раскрывающих преимущества тех сотрудников и военнослужащих ОВД, которые при прочих равных условиях действовали смелее, решительнее своих товарищей и благодаря этому непременно добивались успеха. Надо чаще напоминать сотрудникам и военнослужащим ОВД об этих эпизодах. В беседах и лекциях уместно использовать и такие народные изречения, в которых сурово осуждаются трусость и малодушие. Не будет лишней и уместная шутка, например, над чрезмерной осторожностью сотрудника, который колебался и был не уверен в своих действиях на тактических занятиях[13].

Смелые и инициативные поступки совершаются, как правило, в трудных условиях, когда от способности сотрудников и военнослужащих ОВД в считанные секунды мобилизовать все свои физические и моральные силы, знания и опыт зависит выполнение поставленной задачи, достижение цели. Жизнь показывает, что молодой сотрудник или военнослужащий ОВД чаще всего склонен к преувеличению трудностей и опасностей своей служебной деятельности, над ним еще довлеет в большей или меньшей степени боязнь за собственную жизнь. Для того чтобы такой сотрудник и военнослужащий ОВД стал храбрым, инициативным воином, необходимо развить его волевые качества, умение преодолевать чувство страха[14].

Пути воспитания у сотрудника и военнослужащего ОВД в ходе служебно-боевой подготовки нужных качеств весьма многообразны. Боевые стрельбы, боевой-физической подготовки, марши в противогазах, преодоление полосы препятствий – все это, как и многое другое, требует от личного состава ОВД смелых и инициативных действий.

Опытные представители начальствующего состава всегда учитывают последовательность в усложнении,

преодолеваемых подчиненными сотрудниками и военнослужащими ОВД трудностей. Чересчур легкие и не требующие значительных усилий задания и упражнения могут задержать развитие у подчиненных волевых качеств. Например, даже такая деталь, как излишняя страховка на занятиях по физической подготовке, не развивает у сотрудника и военнослужащего ОВД смелости. Но вредно давать подчиненным и непосильные задания. Всякого рода неудачи отрицательно влияют на воспитание у личного состава умения в нужные моменты мобилизовать все свои физические и духовные силы, чтобы выполнить приказ.

Важно, чтобы личный состав повседневно приобретал привычку в любых условиях действовать смело и решительно. Необходимо только воспитывать у них правильное, разумное отношение к вопросам поведения, но еще и воспитывать правильные привычки, т. е. такие привычки, когда они поступали бы правильно потому, что они так привыкли. И воспитание этих привычек – гораздо более трудное дело, чем воспитание сознания. Нужные привычки формируются посредством многократного повторения определенных, нарастающих по сложности действий. И нужно добиваться, чтобы каждый сотрудник и военнослужащий ОВД, совершая эти действия, считал делом своей чести добиться высоких результатов в учебе и службе.

Большое воспитательное значение имеет личный пример начальствующего состава из числа офицеров и сержантского состава. Когда офицер или сержант точно и красиво выполняет сложные боевые приемы или спортивные упражнения, требующие высокой натренированности и смелости, у подчиненных невольно возникает стремление добиться таких же результатов. Подчиненные должны повседневно убеждаться, что их командир в самой сложной обстановке умеет сохранять самообладание и принимать правильное решение.

Большой вред воспитанию сотрудника и военнослужащего ОВД наносят угрозы, запугивания действительной или мнимой опасностью[15, с.160]. Это ведет к тому, что человек все чаще начинает действовать под влиянием страха, постепенно утрачивает уверенность в своих силах, становится менее смелым и стойким. Как известно страх есть самый обильный источник пороков.

Выводы. Чтобы хорошо подготовить сотрудника и военнослужащего ОВД к эффективному выполнению своих служебных обязанностей по охране общественного порядка, вся учеба должна проводиться в условиях, максимально приближенным к существующим в практической деятельности условиям. Это возможно в том случае, если на занятиях не допускаются упрощения и послабления. При этом сотрудникам и военнослужащим ОВД быть сильным, они выполняют поставленные задачи активно, смело, инициативно, с полным напряжением сил. Начальствующий состав заботится о создании такой обстановки на всех занятиях и учениях, чтобы можно было поставить перед подчиненными задачи с элементами новизны, внезапности, неизвестности и в какой-то мере опасности.

Выполнение учебно-боевых задач на различной местности, при различной погоде, в разное время суток, особенно ночью, с использованием звуковых, световых и других имитаций действия новейших боевых средств приучает сотрудника и военнослужащего ОВД к условиям и требованиям профессиональной деятельности. Тем самым подготавливает их к смелому, стойкому и инициативному поведению в действительной служебной обстановке.

В органах внутренних дел имеются благоприятные условия, чтобы развивать у сотрудников и

военнослужащих ОВД в ходе боевой, физической и духовно-просветительской подготовки, в повседневной жизни смелость и инициативу. Наиболее успешно развивают у личного состава эти замечательные качества те офицеры и сержанты из числа начальствующего

состава, которые умело сочетают идейно-духовного воспитания личного состава с образцовой организацией занятий по боевой, физической подготовке, решительно борются с послаблениями и упрощенчеством в указанной сфере.

ЛИТЕРАТУРЫ

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 г., № УП-60// URL: <http://www.lex.uz>.
2. Кочкаров А.А. Педагогическая технология профессионально-прикладной физической подготовки курсантов Высших сержантских курсов: Дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент: 2006. – 157 с.
3. <https://adolat.uz/ru/uzbekiston/shavkat-mirziyoev-armiya-silna-ne-tolko-vooruzheniem-i-tehnikoj-no-i-voennymi-neshadyashimi-sebnya-radi-rodiny>
4. <https://www.uzdaily.uz/ru/post/64665>
5. Кочкаров А.А. Совершенствование боевой подготовки курсантов образовательных учреждений МВД Республики Узбекистан// Фан-спортга. – Ташкент. 2020. – №6. – С. 69-72.
6. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий педагогик хусусиятлари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т.: 2004. – 179 б.
7. Проблемы духовно – нравственного и патриотического воспитания военнослужащих и пути их решения (под редакцией генерал-майора Камбарова А.М). - Тошкент: ABC РУ, 2001. – 137 с.
8. Кочкаров А.А. Определение эффективных средств физической, огневой и психологической подготовки курсантов// Фан-спортга. – Ташкент. 2020. – №3. – С. 74-75.
9. Нурымбетова Э.Ж. Социально-психологические особенности динамики профессионального становления сотрудников органов внутренних дел. Дис. ... докт. философии по психол. наук. – Ташкент, 2020. – 155 с.
10. Морозов В.А. Правовое поведение личности сотрудника правоохранительных органов, как фактор формирования авторитета, [текст] / В. А. Морозов// Современное право.- Москва: Министерство юстиции России, 2006. - № 10- С. 85-88
11. Ашхотова Л.А. Коммуникативная мобильность в структуре профессиональных качеств сотрудников органов внутренних дел / Л.А. Ашхотова // Современное педагогическое образование. – 2019. – № 11. – С. 84-89.
12. Туленова Г.Ж. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда маънавий омилнинг роли (Ижтимоий-фалсафий таҳлил): Фал. фан. док. ... дис. - Т.: ЎзМУ, 2006. - 317 б.
13. Хлудова О.В. Психологические особенности профессионального роста личности (на примере сотрудников органов внутренних дел). - Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2004. 24 с
14. Силкин Н. Н. Некоторые аспекты профессиональной подготовки сотрудников ОВД к деятельности в условиях повышенного у риска//Вестник СПбУ МВД России. 2000, № 1. - С. 124-131.
15. Родионов М.В. Методы воспитания сотрудников ОВД// Психолого-педагогическая подготовка сотрудников ОВД: Материалы научно-педагогических чтений слушателей факультета подготовки оперативных работников 16.06.1998 г. СПб., 1998. - С. 160 - 169.



УДК: 37.01.:141.8:378(575.1)

Умиджон ХОМИДЖОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
Email: umidjon.xamidjonov.80@bk.ru

социология фанлари доктори, профессор Ш. Содиқова таҳрири остида

ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХАЛҚАРО ИНДИКАТОРЛАРИ

Аннотация

Мақолада инсон капиталини баҳолашнинг халқаро индикаторларнинг таълим сифатини ўлчовчи мезон сифатидаги аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этилган халқаро тадқиқотлар, шу жумладан PISA тестларининг инсон капиталини ривожлантиришда аҳамияти баён қилинган. Ўзбекистон Республикасида инсон капиталига сармоя киритишда таълим тизимининг ривожлантириш ҳамда халқаро глобал рейтингларда илгор мамлакатлар қаторига қўшилиш юзасидан амалга оширилаётган чора тadbирлар тавсифланган.

Калит сўзлар: индикатор, стратегия, инсон капитали, соғлиқни сақлаш, таълим, Глобал инновацион индекс, халқаро рейтинглар, PISA, PIRLS, TIMSS, мослашувчанлик, кўникма, компетенция.

INTERNATIONAL INDICATORS OF HUMAN CAPITAL DEVELOPMENT

Annotation

The article explains the importance of human capital assessment in the quality of the criterion that measures the quality of education of international indicators. It also described the importance of International Studies organized by the organization for Economic Cooperation and development, including the PISA tests, in the development of human capital. The measures implemented in the Republic of Uzbekistan on the development of the educational system in the investment of human capital and its inclusion in the international global rankings among the advanced countries are described.

Keywords: indicator, strategy, Human Capital, Health, Education, Global Innovation Index, international ratings, PISA, PIRLS, TIMSS, flexibility, skills

МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИНДИКАТОРЫ РАЗВИТИЯ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА

Аннотация

В статье объясняется важность оценки человеческого капитала в качестве критерия, измеряющего качество образования по международным показателям. В нем также описывалась важность международных исследований, организованных организацией экономического сотрудничества и развития, включая тесты PISA, для развития человеческого капитала. Описаны реализуемые в Республике Узбекистан меры по развитию системы образования в области инвестирования человеческого капитала и ее включению в международные глобальные рейтинги среди передовых стран.

Ключевые слова: индикатор, стратегия, Человеческий капитал, Здоровоохранение, Образование, Глобальный инновационный индекс, международные рейтинги, PISA, PIRLS, TIMSS, гибкость, навыки

Кирриш. Замонавий тараққиёт даражасини унинг муайян мезонлари, индикатори ёрдамида баҳолашни талаб этувчи қўп қиррали жараёнга айланди. Глобал ривожланиш ва техноген тараққиёт тўлқинсимон жараёни ҳосил қилиб, муайян соҳа ривожига баҳо беришда индикаторлар алоҳида аҳамият касб этади.

Индикатор атамаси латинча “indico” – кўрсатаман, аниқлайман деган маъноларни англатади. Бу маънода атама бирор жараёнинг кечиши ёки кузатилаётган объект ҳолатининг идрок этиш қулайлигини таъминловчи асбоб, қурилма, элемент мазмунда қўлланилади[1]. Турли соҳа, тармоқларнинг ривожланиш кўрсаткичлари, ушбу жараёнда юзга келаётган масалалар ечими бир ёки бир неча индикаторлар орқали аниқланади ва тегишли масалани баҳолаш учун далиллар базасини тақдим этади. Индикаторлар қуйидаги уч тоифага бўлинади[2];

микродорий индикаторлар – расмий статистик маълумотлар, жумладан уй хўжалиги тадқиқотларида фойдаланилади. Шунингдек, микродорий тадқиқотлар, хусусий интернет компаниялари томонидан тўпланган маълумотларни ишончли параметрлар ва билвосита кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоб қилади;

институционал индикаторлар – конституциявий тамойиллар ижро этувчи идоралар фаолиятини ташкил этиш ва тартиблашда қўлланилади;

сифат индикаторлари – давлат органлари фаолиятининг сифат кўрсаткичларини аниқлайди. Сифат индикаторлари халқаро ташкилотлар, илмий жамоатчилик вакиллари, ОАВ манбалари, профессионал тадқиқот маълумотлари манбаларидан фойдаланиш ва мутахассислар билан суҳбатлар ва баҳолаш давомида маслаҳатлашувлар доирасида респондентларнинг жавоблари орқали аниқланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Ушбу индикатор ва кўрсаткичлар таълимнинг шахс, жамият ва иқтисодиёт учун якуний таъсирини ўлчовини англатади. Ўқувчилар мактаб даври ёки талабалик даврида эришган таълим соҳасидаги ютуқлари, эгалаган билим ва кўникмалари, уларнинг ижтимоий адаптацияси ва муваффақиятли ижтимоийлашувига ёрдам беради. Аҳолининг саводхонлик даражасини муттасил ошириб бориш мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва меҳнат унумдорлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқликда ўрганилади. Хусусан, якуний натижалар кўрсаткичлари сифатида иқтисодий ривожланиш даражаси ва меҳнат унумдорлиги (Gini index) (Jini) коэффицентидан фойдаланамиз. Бу кўрсаткичлар қийматига бошқа омиллар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Лекин иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиш ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш таълим

тизимининг асосий вазифалари бўлиб, таълим ва иқтисод ўртасидаги боғлиқликни доимий мониторинг қилиб боришни шартлайди.

Инсон учун таълимнинг энг муҳим натижаси мактабдан кейинги ҳаётга мослашиш – меҳнат бозорига муваффақиятли кириб бориши ёки таълимнинг кейинги даражасига ўтишдан иборат. Ушбу ўтиш жараёнда муваффақиятини баҳолаш учун "ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшлар нисбати" кўрсаткичидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич Г. Грайси ва С. Келлининг Лондон университетида ўтказган "Мактабгача, бошланғич ва ўрта даражадаги самарали таълим" мавзусида кагортали тадқиқотларда таълим тизимидан ташқарида қолган битирувчиларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги интеграция ва адаптация муаммолари аниқланди. Эмпирик тадқиқот натижаларига мувофиқ ОТМда ўқишни давом этмайдиган ва касб-хунар билан шуғullanмайдиган ёшлар муаммоси мактабдаги сифатсиз бошланғич таълим муаммосига тақалади. Ушбу масалалардаги алоқадорлик таълим сифатининг ёшлардаги мустақил ҳаётга мослашувчанлик ва фаолликка салбий таъсир кўрсатиши аниқлади [3].

Мамлакатимизда Учинчи ренесанс пойдеворини куриш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш бир сўз билан айтганда халқни рози қилиш, инсон қадрини улуглашга асосланган давлат сиёсати амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида қўзланган эзгу мақсадларга эришишда иқтисодий-ижтимоий, маданий ва маърифий соҳаларда тараққий этишида авваломбор инсон омили ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу мақсадларга мувофиқ инсон капиталини ривожлантиришда соғлиқни сақлаш, сифатли таълим-тарбия, муносиб яшаш ва меҳнат шароитларини яратиб бериш кун тартибидagi долзарб вазифаларга айланди. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидланганларидек: "Янги Ўзбекистонни дунёнинг тараққий топган, ижтимоий-иқтисодий барқарор ўсаётган ва инсон капитални юқори бўлган демократик давлатлари қаторига киришини таъминлаш – барқарор ривожланиш стратегиямизнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади" [4]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонида мамлакатимизда 2030 йилга келиб "PISA" рейтингини бўйича жаҳоннинг 30 та илғор мамлакатлари қаторига кириш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Халқ таълими тизимининг стратегик мақсадлари умумтаълим тизимида иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши, илғор халқаро таъриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ сифатли таълим олиш имкониятини яратишдан иборат [5].

Тадқиқот методологияси. 1950 йилларда Иқтисодий Ҳамкорлик Тараққиёти Ташкилоти давлатлари томонидан турли таълим тизимларининг статистик маълумотларини юритиш ва таҳлил қилиш ишлари бошлаб юборилди [6]. Мазкур статистиканинг юритишдан мақсад узоқ келажакни ўйлаган ҳолда саноат давлатларнинг таълимини режалаштириш орқали малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларни таъминлашдан иборат бўлган. Ушбу статистикани юритиш иқтисодий нуқтаи назардан қизиқишдан ташқари,

ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам аҳамиятли бўлиб, таълим олишда тенг ҳуқуқлилик масалаларини ҳам таҳлил қилиш учун керакли статистик маълумотларга эга бўлиш имкониятини беради.

Дунёда таълим сифати, савияси ва даражасини аниқлаб берувчи индикатор сифатида "PISA" – ўқувчиларнинг таълимдаги ютуқларини баҳолаш халқаро дастури, PIRLS – матнни ўқиш ва тушуниш даражасини аниқловчи халқаро тадқиқот, TIMSS – мактабда математика ва аниқ фанлар сифатини тадқиқ қилувчи халқаро мониторинг каби қатор халқаро дастурларни эътироф этиш мумкин. Мазкур халқаро дастур ва индикаторлар ривожланган мамлакатларда таълим сифатини ошириш, инсон капиталини янада ривожлантиришдаги асосий мезон сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда.

PISA инглизча Program for International Student Assessment – турли давлатларда 15 ёшли ўқувчиларнинг саводхонлик даражаси (ўқиш, математика, табиий фанлар) ҳамда билимини амалиётда қўллаш қобилиятини баҳоловчи дастур ҳисобланади. Бу дастур ҳар уч йилда бир маротаба ўтказилади. PISA тадқиқотларида ўқувчи дастурни ўзлаштирганлиги эмас, балки билим ва кўникмаларни ҳаётда қай даражада қўллай олиши баҳоланади. PISA бўйича баҳонинг 50 баллга ошиши йиллик ялпи ички маҳсулотнинг 1 % га ошишини таъминлайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан ташкил этилган халқаро тадқиқотлар, жумладан PISA тестларини ўтказишдан мақсад худди шу каби ўзгаришларни таълим тизимида акс эттириш, мактаб ўқувчиларида мустақил ҳаётда асқотадиган кўникма ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган. Реалликни очик-ойдин аниқлаш, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш ва улардан хулоса чиқариш, коммуникабельлик ва очиклик кўникмалари таълим тизимининг сифат даражасидан дарак беради.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирда барча соҳалардаги ривожланиш кўрсаткичларининг кўплаб индикаторлари мавжуд. Жумладан, иқтисодий, демографик, ижтимоий ривожланиш индикаторларини бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ижтимоий ривожланиш индикаторлари ичида таълим соҳасида инсон капиталини ўсиб боришига хизмат қилувчи индикаторлар алоҳида аҳмиятлидир.

PISA баҳолаш тизими бўйича муйаян мамлакатнинг энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ўқувчиси билан энг паст кўрсаткичга эга ўқувчиси ўртасидаги тафовут камлигидадир. Европанинг энг ривожланган мамлакатларидан бири Германияда 2000 йилда PISAнинг биринчи натижалари бўйича 32 та давлат ўртасида 25-ўринни эгаллади. Бу ҳолат Германияда "PISA-шок" деб номланиб, немис миллатига мансуб ўқувчиларнинг билим даражаси бўйича бошқа давлатлардаги тенгдошларидан яққол ортда қолаётганлигини очиклади. Бунинг сабаблари ўрганилганда, Германия элитаси ва мигрант оилалар фарзандларининг билим савиясидаги кучли тафовут аниқланди. Натижада, мазкур давлат ҳукумати таълим тизимида тенг имкониятлар ва тенгсизликка барҳам бериш бўйича тезкор чораларни ишлаб чиқди ва халқаро тадқиқот натижаларини яхшилашга эришди.



1-расм. PISA бўйича дунё мамлакатлари рейтинги

Дунёда мактаб таълими соҳасида Финляндия таҳсинга сазовор натижаларга эга бўлиб, бунда мактаб фанларини ўзлаштириш кўрсаткичларининг энг юқори ва паст кўрсаткичлари ўртасида тафовут деярли сезилмайди.

Хулоса ва таклифлар. Инсон капиталини ривожлантиришдаги бош мезон – таълим соҳасида сифат кўрсаткичларини баҳолаш индикаторлари ўз долзарблигини йўқотмайди. Бугунги кунда таълим тизимини баҳолаш амалиётида турли хил комбинацияларда асосан учта индикаторлар гуруҳи қўлланилади ва улар қуйидаги жиҳатларни тавсифлайди; а) талаба ва ўқувчиларнинг таълим ютуқлари даражаси; б) таълим тизими қўламини ва таълимнинг қулайлиги; в) таълим соҳасига жалб қилинган ресурсларни ўлчовчи индикаторлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг

50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодий эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш масалалари илгари суради.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, ҳар бир ўқувчи оиласидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдан қатъи назар, сифатли таълим-тарбия олиши ва таълим соҳасида муваффақиятга эришишда самарали механизмларни жорий қилиш зарур. Ривожланган давлатлар тажрибасига мувофиқ мамлакатнинг марказий шаҳарлари ва чекка ҳудудларидаги мактаб таълими сифатида тафовут минималлаштирилиши муҳим.

АДАБИЁТЛАР

1. <https://gomus.info/encyclopedia/cat-i/indikator-uz/>
2. Дэвид Сутер, Анри ван дер Спуй. Индикаторы универсальности интернета Юнеско: Основа для оценки развития Интернета. UNESCO 2021. /[http://www.unesco.org/open access/terms-use ccby-a-en](http://www.unesco.org/open%20access/terms-use%20cc-by-a-en)
3. М.Л.Агранович. Ресурсы в образовании: насыщение или пресыщение? Вопросы образования /Educational studies Moscow. 2019. №4 стр-257.
4. Шавкат Мирзиёев, Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б. 206.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.04 2019 йилдаги Фармони “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” <https://lex.uz/docs/4312785>
6. А.М.Маткаримов. “Pisa” халқаро ўқувчиларнинг саводхонлигини баҳолаш тадқиқотининг ривожланиш босқичлари, мақсад ва вазифалари. Современное образование 2020, 8 (93) 54-бет.



UDK: 372.012.5 (517.95)

Ulug'bek XONQULOV,
Farg'ona davlat universiteti dotsenti, (PhD)
E-mail: u_xonqulov@mail.ru
Farida RASULOVA,
Farg'ona davlat universiteti magistranti

Fizika-matematika fanlari doktori, professor A.Q.O'rinov taqrizi asosida

PROFESSIONAL DIRECTION OF TEACHING DIFFERENTIAL EQUATIONS IN CHEMICAL EDUCATION

Annotation

The article provides opportunities for the study of differential equations, in particular, methodological recommendations for the organization of mathematical education on the basis of professional orientation in the field of chemistry and chemical technology. The main challenge for students majoring in chemistry and chemical technology is to identify the professional aspects of mathematics in the study of differential equations. Examples are given to explain the chemical and technological processes described using mathematical models. The possibility of using both analytical and approximate methods in solving differential equations, the method of mathematical modeling - the main mathematical method of solving chemical-technological problems, the elements of problem, search and prospective study are reflected.

Keywords: Differential equation, chemistry, chemical technology, reaction, reaction rate, concentration of substances, differential equation with variables.

ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ В ХИМИЧЕСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация

В статье представлены возможности изучения дифференциальных уравнений, в частности методические рекомендации по организации математического образования на основе профессиональной направленности в области химии и химической технологии. Основной задачей для студентов, обучающихся по специальности «Химия и химическая технология», является выявление профессиональных аспектов математики при изучении дифференциальных уравнений. Приведены примеры для объяснения химико-технологических процессов, описываемых с помощью математических моделей. Отражены возможность использования как аналитических, так и приближенных методов при решении дифференциальных уравнений, метод математического моделирования - основной математический метод решения химико-технологических задач, элементы проблемного, поискового и перспективного исследования.

Ключевые слова: Дифференциальное уравнение, химия, химическая технология, реакция, скорость реакции, концентрация веществ, дифференциальное уравнение с переменными.

KIMYO TA'LIMI YO'NALISHIDA DIFFERENTIAL TENGLAMALARNI O'RGANISHNING KASBIY YO'NALTIRILGANLIGI

Annotatsiya

Maqolada differentsial tenglamalarni o'rganish imkoniyatlari, xususan kimyo va kimyo texnologiyalari ixtisosligi yo'nalishlarida kasbiy yo'naltirish asosida matematik ta'limni tashkil etish bo'yicha metodik tavsiyalar keltirilgan. Kimyo va kimyo texnologiyalari ixtisosligi talabalarini differentsial tenglamalarni o'rganish jarayonida matematikaning kasbiy ahamiyatga ega jihatlari aniqlashtirish asosiy muammo sifatida qaraladi. Matematik modellar yordamida tasvirlangan kimyoviy va texnologik jarayonlarni izohlashga misollar keltirilgan. Differentsial tenglamalarni yechishda analitik va taqribiy usullardan ham foydalanish imkoniyatlari, matematik modellashtirish usuli - kimyoviy-texnologik muammolarni hal qilishning asosiy matematik usuli, muammoli, qidiruv va istiqbolli o'rganish elementlari o'z aksini topgan.

Kalit so'zlar: Differentsial tenglama, kimyo, kimyo texnologiyasi, reaksiya, reaksiya tezligi, moddalar konsentratsiyasi, o'zgaruvchilari ajraladigan differentsial tenglama.

Kirish. Ayni paytda ta'lim tizimida fundamental aniq fanlarning rolini ortib borishi, ulardan amaliy foydalanishga ehtiyoj zarurati sifatida qaralmoqda. Ayniqsa differentsial tenglamalar - kimyo, kimyo texnologiyasi, fizika va muhandislik tadqiqotlarining ilmiy asosi xususan, kasbiy muammolarni ishonchli hal qilish, modellashtirishda hisoblash apparati sifatidagi roli, uni o'rganishning kasbiy yo'naltirilganligi ehtiyojlari o'rtasida chambarchas bog'liqliklarni anglatadi.

Oliy ta'lim muassasalari turli ixtisoslik yo'nalishlarida o'rganiladigan "Oliy matematika" kursi va uning asosiy bo'limlaridan biri differentsial tenglamalarni o'rganish amaliyoti shuni ko'rsatadiki, kursni o'rganishdagi metodik yondashuvlar ko'pincha faqat an'anaviy, barcha ixtisoslik yo'nalishlari uchun bir xillik xususiyatlari bilan bog'liq.

Xususan, kimyo va kimyo texnologiyasi ixtisosligi talabalarining matematik tayyorgarligini o'rganish tajribasi shuni ko'rsatadiki, talabalarining aksariyati matematikani bo'lajak kasbiy faoliyatida tutgan o'rini yaxshi bilishmaydi, fanni o'rganishga ishtiyoqi yuqori emas. Bu esa oliy matematika kursi va mutaxassislik fanlari o'rtasida uzviylik yo'qligini, matematikani o'rganishning kasbiy yo'naltirilganligi etarli ta'minlanmaganligini anglatadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. O'quv materiallarini kasbiy yo'naltirish orqali o'rganishni tashkilashtirish, uni metodologik aspektlarini aniqlashtirish muammosi uzoq vaqtdan beri tadqiqotchilarni qiziqitirgan. Masalan, F.K. Matsur, M.I. Maxmutova, V.M. Monaxova, A.G. Mordkovich, R.A. Nizomova, E.D. Novojilova, G.I. Sarantseva, M.F. Faxtulina [1; 2] va boshqalar ushbu

yo'nalishda samarali metodologik tadqiqotlarni amalga oshirishgan.

Masalan, F.K. Matsur fanlararo aloqadorlik masalalari asosida pedagogika universitetlari kimyo yo'nalishi talabalarini matematik tayyorlash bo'yicha didaktik tamoyillarini ishlab chiqdi [3; 4].

I.G. Mixaylov esa fanlararo aloqalarni kasbiy yo'naltirish sharoitida kimyo yo'nalishi talabalarini kasbiy tayyorlashda matematika kursi mavzularini qo'llash darajasini o'rgandi. Biroq, ushbu mualliflarning hech biri oliy ta'lim muassasalarida kimyo va kimyo texnologiya yo'nalishlari talabalariga differentsial tenglamalarni o'qitish metodikasining kasbiy yo'naltirilganligi muammosini yaxlit metodik tizim sifatida ko'rib chiqmaydi. Shu bilan birga, kimyo va kimyo texnologiya mutaxassisliklari uchun differentsial tenglamalarni o'rganishning kasbiy yo'naltirilganligi muammosini hal qilishda kompleks yondashuv va o'quv metodik ta'minot etarli darajada ishlab chiqilmagan. Kimyo mutaxassisliklari uchun kasbiy ahamiyatga ega bo'lgan differentsial tenglamalar mazmunini shakllantirish, bo'limlarni aniqlashtirish, ushbu mutaxassisliklar bo'yicha kasbiy yo'naltirilganlik asosida matematikani o'rganishni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan chora-tadbirlar tizimini tavsiflash, kasbiy yo'naltirilganlik uchun metodika ishlab chiqish zarur.

Tadqiqot metodologiyasi. Ko'pgina kimyo muhandislik jarayonlari differentsial tenglamalar bilan tavsiflanadi – aytish mumkinki, kinetik tadqiqotlardan kimyoviy muhandislik jarayonlarigacha. Ushbu jarayonlar quyidagilarga bog'liq. Kimyoviy reaksiyalarning mohiyati boshlang'ich moddalaridagi bog'lanishning uzilishi va reaksiya mahsulotlarida yangi bog'lanishlarning paydo bo'lishiga qadar kamayadi. Bunday holda, har bir elementning reaksiyadan oldin va keyin atomlarining umumiy soni doimiy bo'lib qoladi. O'zgarmas hajmda t vaqt birligida reaksiyaga kirishuvchi moddalardan birining konsentratsiyasini o'zgarishi kimyoviy reaksiya tezligi deyiladi va u quyidagi formuladan topiladi: $v = \frac{\Delta c}{\Delta t}$. Bu yerda Δc – moddaning

konsentratsiyasi o'zgarishi, t – vaqt. Shu bilan birga, reaksiyada ishtirok etuvchi moddalarning qaysi biri haqida gap ketayotgani muhim emas: ularning barchasi reaksiya tenglamasi bilan bog'langan va moddalardan birining konsentratsiyasini o'zgartirishi orqali barcha moddalardagi tegishli o'zgarishlarni baholash mumkin. Boshqa tomondan,

A va B moddalar o'rtasida $\sum_{i=1}^n A_i \rightarrow \sum_{i=1}^n B_i$ formulaga

muvofiq kimyoviy reaksiyani amalga oshirish uchun ularning molekularini (zarralarini) to'qnashuvi zarur. To'qnashuvlar qanchalik ko'p bo'lsa, reaksiya shunchalik tez boradi. To'qnashuvlar soni qanchalik ko'p bo'lsa, reaktivlarning konsentratsiyasi shunchalik yuqori bo'ladi. Demak, keng ko'lamli eksperimental materiallar asosida massa ta'siri qonuni shakllantiriladi: kimyoviy reaksiyalarning tezligi reaksiyaga kirishuvchi moddalar konsentratsiyasining tarkibiga proporsionaldir. Ushbu qonun quyidagi tenglama

bilan ifodalanadi: $v = k \prod_{i=1}^n c_{A_i}$. Bu yerda c_{A_i} – A_i

moddalarning konsentratsiyalari, $i = 1, n$, k – reaksiya tezligi konstantasi deb ataladigan proporsionallik koeffitsienti. Reaksiya tezligini konsentratsiyaga va uning hosilasiga bog'liqligini oldik. Bunday bog'liqliklar oddiy birinchi tartibli differentsial tenglamalar bilan bog'langan. Kimyoda reaksiyalar ko'pincha kimyoviy tenglamaning chap

tomonidagi molekularning umumiy soni bilan ajralib turadi, bu kimyoviy reaksiya tartibi deb ataladi. Demak, $A \rightarrow B$ birinchi tartibli reaksiya, $A + B \rightarrow C + D$ esa ikkinchi tartibli reaksiya. Quyidagi misollarni ko'raylik.

1-misol. A modda B moddaga aralashtirildi.

Reaksiya boshlanganidan 1 soat o'tgandan keyin A moddaning 44,8 g qismi qolsa, A moddaning dastlabki miqdori va shu moddaning yarmi qolish vaqtini aniqlang.

Yechish. Bu yerda birinchi tartibli reaksiya sodir

bo'ladi, $n = 1$. Belgilashlar kiritiladi: a – A moddaning boshlang'ich miqdori, x – reaksiya boshidan t vaqt ichida reaksiyaga kirgan moddaning miqdori. Jarayonning

differentsial tenglamasi reaksiya tezligi formulasi $v = \frac{\Delta c}{\Delta t}$

va $v = k \prod_{i=1}^n c_{A_i}$ tengliklarga ko'ra quyidagicha ko'rinishda

bo'ladi:

$$\frac{\Delta x}{\Delta t} = k(a - x).$$

O'zgaruvchilari ajraladigan differentsial tenglamani yechimiz:

$$\frac{\Delta x}{a - x} = k \Delta t,$$

$$\int \frac{\Delta x}{a - x} = \int k \Delta t, \quad \int \frac{dx}{a - x} = \int k dt, \\ -\ln(a - x) + \ln c = kt,$$

$$\ln \frac{c}{a - x} = kt. \text{ Agar } x = 0, t = 0 \text{ bo'lsa,}$$

$c = a$ kelib chiqadi. Demak,

$$\ln \frac{c}{a - x} = kt, \quad \frac{a}{a - x} = e^{kt}, \quad a = (a - x)e^{kt}$$

$$, xe^{kt} = a(e^{kt} - 1),$$

$$x = a(1 - \frac{1}{e^{kt}}) = a(1 - e^{-kt}) \quad (1)$$

Masala shartid a berilganlardan foydalanamiz: $t = 1$

, $x = a - 44,8$ va $t = 3$ bo'lsa, $x = a - 11,2$. Bu qiymatlarni (1) tenglamaga qo'yamiz:

$$a - 44,8 = a(1 - e^{-k}),$$

$$a - 11,2 = a(1 - e^{-3k}).$$

Natijada quyidagi tenglamalar sistemasi kelib chiqadi:

$$\begin{cases} ae^{-k} = 44,8 \\ ae^{-3k} = 11,2 \end{cases}$$

Tenglamalarni hadma-had bo'lamiz: $4 = \frac{ae^{-k}}{ae^{-3k}},$

$e^{2k} = 4$ va bundan $e^{-k} = \frac{1}{2}$. Bu qiymatni sistemaning

tenglamalaridan biriga qo'yib A moddani boshlang'ich miqdorini topamiz: $a = 89,6$. Endi ushbu modda yarmining parchalanishi uchun kerak bo'lgan vaqtni topamiz,

yani $x = \frac{a}{2}$ miqdor uchun noma'lum vaqt topiladi.

$$x = a(1 - \frac{1}{e^{kt}}) = a(1 - e^{-kt}) \quad \text{tenglama} \quad \text{va}$$

$$e^{-k} = \frac{1}{2} \quad \text{tenglikka ko'ra} \quad \frac{a}{2} = a(1 - 2^{-t}), \quad \frac{1}{2} = 2^{-t}$$

va bundan $t = 1$. Demak, A moddasining dastlabki miqdori 86,9 g va 1 soatdan keyin bu maddaning yarmi qoladi.

Olingan natija radioaktiv parchalanish nazariyasida qo'llaniladi, bunda masalan, parchalanish ko'pincha k konstanta bilan emas, balki mavjud atomlar yarmining parchalanish vaqti *yarimparchalanish davri* bilan tavsiflanadi. (1) tenglama 1905 yilda Fon Shvaydler tomonidan kashf etilgan radioaktiv parchalanish qonuniga zid emas, unga ko'ra tabiiy radioaktiv parchalanish vaqtida parchalanmagan atomlar soni vaqt o'tishi bilan eksponensial ravishda kamayadi.

2-misol. Sirka etil efirining natriy gidroksid bilan sovuqlanishi (organik birikmalarni suvda yoki ishqorda parchalanishi) reaksiyasida ko'rsatilgan moddalarning boshlang'ich konsentratsiyasi mos ravishda $a = 0,01$ va $b = 0,002$ ga teng. 23 daqiqadan so'ng sirka etil efiri konsentratsiyasi 10% ga kamaydi. 15% ga kamayishi uchun qancha vaqt kerak bo'ladi.

Yechish: Reaksiya quyidagi shaklda natijalanadi:



Bu yerda ikkinchi tartibli reaksiya sodir bo'ladi,

$n = 2$. Belgilashlarni kiritamiz: a – sirka etil efirining boshlang'ich miqdori, b – natriy gidroksidning boshlang'ich miqdori, x – reaksiya boshlanishidan boshlab t vaqt ichida reaksiyaga kirishgan ikkala moddani miqdori bo'lsin, bu yerda ($x < a$, $x < b$). Jarayonning differentsial

tenglamasi reaksiya tezligi formulasi $v = \frac{\Delta c}{\Delta t}$ va $v = k \prod_{i=1}^n c_{A_i}$

tengliklarga ko'ra quyidagi ko'rinishda bo'ladi:

$$\frac{\Delta x}{\Delta t} = k(a - x)(b - x).$$

O'zgaruvchilari ajraladigan differentsial tenglamani yechimiz:

$$\frac{dx}{(a-x)(b-x)} = k dt,$$

$$\frac{1}{b-a} \left(\int \frac{dx}{x-b} - \int \frac{dx}{x-a} \right) = \int k dx,$$

$$\frac{1}{b-a} (\ln |x-b| - \ln |x-a|) = kt + C,$$

$$\frac{1}{b-a} \ln \frac{b-x}{a-x} = kt + C.$$

$$\text{Agar } t = 0, x = 0 \text{ bo'lsa, } C = \frac{1}{b-a} \ln \frac{b}{a}.$$

Topilgan qiymatni oxirgi tenglikka qo'yilsa,

$$\frac{1}{b-a} \ln \frac{b-x}{a-x} = kt + \frac{1}{b-a} \ln \frac{b}{a}$$

va

$$kt = \frac{1}{b-a} \ln \frac{a(b-x)}{b(a-x)} \quad (2)$$

topiladi.

Proporsionallik koeffitsienti k ni masala shartida berilganlar bo'yicha topamiz: $t = 23$ minut, $x = 0,01 \cdot 0,1 = 0,001$. Shunda (2) tenglikka ko'ra

$$23k = \frac{1}{0,002 - 0,01} \ln \frac{0,01(0,002 - 0,001)}{0,002(0,01 - 0,001)},$$

$$k = \frac{125}{23} \ln 1,8.$$

Endi sirka etil efiri konsentratsiyasi 15% ga kamayishi uchun qancha vaqt kerak bo'lishini aniqlaymiz. Buning uchun proporsionallik koeffitsienti k ning topilgan qiymatini (2) qo'yamiz:

$$\left(\frac{125}{23} \ln 1,8 \right) \cdot t = \frac{1}{0,002 - 0,01} \ln \frac{0,01(0,002 - 0,0015)}{0,002(0,01 - 0,0015)}$$

CH_3COOH	$\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$
Sirka etil	Etil
natriy 23	spirti
$\ln 3,4$	$\ln 1,8$

$$\approx 47,9 \text{ minut.}$$

Demak, sirka etil efiri konsentratsiyasi 47,9 minutda 15% ga kamayadi.

Yuqori tartibli reaksiyalar uchun ham xuddi yuqoridagi misollar kabi ko'rib chiqiladi.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, kasbiy yo'naltirish asosida differentsial tenglamalarni o'rganish kimyo va kimyo-texnologiyalari mutaxassisliklari talabalarining matematik tayyorgarligini oshirishda istiqbolli yo'nalishlardan biridir. Oliy ta'lim muassasalarida "Oliy matematika" fanini ichki aloqadorlik va fanlararo aloqadorlik asosida o'rganish, kasbiy masalalarni yechish usullari, kasbiy yo'naltirilgan topshiriqlar majmuasidan tizimli foydalanish, kasbiy yo'naltirilganlik asosida mustaqil ta'lim mexanizmlarini rivojlantirish bo'lajak mutaxassisning matematik tayyorgarlik darajasini oshiradi. Mustaqil ish, jumladan, maxsus tuzilgan, kasbiy yo'naltirilgan didaktik materiallardan hamda nazariy, amaliy, test va nazorat materiallarini o'z ichiga olgan elektron o'quv qo'llanmasidan foydalanish talabalarining bilimlarni ongli o'zlashtirishdagi faolligiga ijobiy ta'sir etadi hamda bo'lajak mutaxassislarning matematik, kasbiy, axborot kompetentsiyasini shakllantirish imkonini beradi.

ADABIYOTLAR

1. Полохович, Н. В. Схема решения прикладных физических задач с использованием обыкновенных дифференциальных уравнений. // Математический вестник педвузов и университетов Волго-Вятского региона. Выпуск 10: Периодический межвузовский сборник научно-методических работ. – Киров: Изд-во ВятГГУ, 2018. – 256 с.

-
2. Зайниев, Р. М. Задачи и упражнения по математике с практическим содержанием: учебное пособие для студентов, обучающихся по направлениям и специальностям техники и технологии. – Набережные Челны: Изд-во Камской гос. инж.-экон. акад. , 2020. – 95 с.
 3. Филиппов А. Ф. Сборник задач по дифференциальным уравнениям. Ижевск: РХД, 2005.
 4. Wellin P., Kamin S., Gaylord R. An introduction to programming with Mathematica. NY: Cambridge University Press, 2005.



UDK 55.41.012.52

Javlonbek HAMRAYEV,
Toshkent kimyo texnologiyalar instituti Shahrisabz filiali katta o'qituvchisi
everest_neytral@bk.ru

TKTI Shahrisabz filiali t.f.n.dotsent A.T.Norqobilov taqrizi asosida

TA'LIMDA ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARI – YANGI IMKONIYATLAR

Annotatsiya

Ushbu maqolada Oliy ta'lim o'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning o'rni, talabalarda o'quv-biluv motivlarini shakllantirishda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari haqida so'z yuritilgan. O'qitishning zamonaviy usullari va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini o'z o'rnida qo'llashdagi takliflar keltirib o'tilgan.

Kalit so'zlar: Informatika, pedagogika, ta'lim sifati, algoritm, o'qitish metodlari, baholash, kommunikatsiya, innovatsiya.

MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION - NEW OPPORTUNITIES

Annotation

This article discusses the role of innovative technologies in the organization of the educational process in higher education, the possibilities of using information and communication technologies in the formation of learning motives in students. Suggestions are made for modern teaching methods and the appropriate use of information and communication technologies.

Keywords: Informatics, pedagogy, quality of education, algorithms, teaching methods, assessment, communication, innovation.

СОВРЕМЕННЫЕ ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ОБРАЗОВАНИИ - НОВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ

Аннотация

В данной статье рассматривается роль инновационных технологий в организации образовательного процесса в высшей школе, возможности использования информационных и коммуникационных технологий в формировании учебных мотивов у студентов. Вносятся предложения по современным методам обучения и надлежащему использованию информационных и коммуникационных технологий.

Ключевые слова: Информатика, педагогика, качество образования, алгоритмы, методы обучения, оценивание, общение, инновации.

Kirish. Jahon mamlakatlari kelajak kadrlarni tayorlashda talabalarni zamonaviy bilimlar bilan o'qitish, mustaqil ta'lim olish ko'nikmalarini shakllantirish, egallangan bilimlarini ijodiy tarzda qo'llash zamonaviy ta'limning asosiy masalalaridan biri bo'lib hisoblanadi[1].

Oliy ta'lim o'quv jarayonini tashkil etishda innovatsion texnologiyalarning roli kun sayin ortib bormoqda. Masofaviy texnologiyalardan foydalanish zamonaviy ta'limning imkoniyatlarini yanada kengaytirdi. Bugungi kunda Yer kurrasining istalgan joyidan turib, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) imkoniyatidan foydalangan holda ta'lim olish mumkin. Zero an'anaviy ta'lim o'z mavqeini saqlab tursa ham, keyingi paytlarda masofaviy o'qitish texnologiyalari kundan-kun ommaviylashib bormoqda.

Bugungi kunda mamlakatimizda yangi jahon axborot-ta'lim muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan ta'lim tizimi barpo etilmoqda. Bu ta'lim jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan sezilarli o'zgarishlar bilan kuzatilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim sohasiga kirib kelishi ta'lim usullari va o'qitish jarayonini yangicha yondashuv asosida tashkil etish shakllarini sifatli ravishda qulaylashtirib, o'zgartirish imkonini bermoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta'lim tizimini modernizatsiyalashtirish jarayonining eng muhim qismidir. AKT — bu turli texnik va dasturiy qurilmalar bilan axborotga ishlov berish usullaridir. U birinchi navbatda, zarur dasturiy ta'minotga ega bo'lgan kompyuterlar va ma'lumotlar joylashtirilgan telekommunikatsiya vositalaridir.

1997-yil 29-avgustda qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi «Ta'lim to'g'risidagi» Qonunining 1-moddasida

fuqarolarga ta'lim, tarbiya berish, kasb-hunar o'rgatishning huquqiy asoslari belgilab berildi hamda har kimning bilim olishdek konstitutsiyaviy huquqini ta'minlashga qaratilganligi ta'kidlandi. Hozirgi davr ta'lim bosqichining yangi talablariga ehtiyoj yuqoriligini ko'rsatmoqda. Bunda masofaviy ta'lim texnologiyalarini ta'lim jarayonida qo'llash va uni boshqarish ham muhim o'rin tutadi. Bu borada, Respublikamizda qator dolzarb ishlar olib borilmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O'quvchilarni zamonaviy bilimlar bilan o'qitish, mustaqil ta'lim olish ko'nikmalarini shakllantirish, egallangan bilimlarini ijodiy tarzda qo'llash zamonaviy ta'limning asosiy masalalaridan biri bo'lib hisoblanadi. Tajribali pedagoglar o'qitish jarayonini isloh qilish yo'llarini idirishda davom etib quymasdan, pedagogik texnologiyalari yoki o'qitish texnologiyalarini yaratishga katta ahamiyat kasb qilmoqda. «Pedagogik texnologiya» termini o'tgan asrning 60-yillari boshlarida xorijiy davlatlarda paydo bo'lib, shu kungacha «Pedagogik texnologiya» bir nechta chet davlatlarda yan'iy, AQSH, Yaponiya va Angliya nufuzli jurnallarida va YUNESKO xalqaro tashkiloti ta'lim bo'yicha xalqaro byurosi byulletenida «Pedagogik texnologiya» seriyasida nashr qilinib kelmoqda.

Rus olimi Lixachev B.T. fikricha, «Pedagogik texnologiya – bu oldindan maqsadi ma'lum, tashkil qilingan pedagogik ta'sir o'tkazish va o'quv jarayoniga ta'sir ko'rsatish»[5].

Ukraina olimi Bepalko V.P. fikricha, «Pedagogik texnologiya – o'qish jarayonini amalga oshirishning mazmunli texnikasi»[6].

Rus olimi Falin I.N. ta'kidlab o'tganidek, fan qarashidan umuman korrektli bo'lmagan, ba'zi texnologiyalarga (o'qitishning jamoaviy usuli, Ukraina olimi

Shatalov metodi, valdford pedagogikasi) yopishtirilgan Terminov-yorliqlarni qo'llanish pedagogik amaliyotda kuplab uchraydi. Ammo, tushinilishi qiyin kechadigan terminologik noaniqliklardan xolis bo'lishning doimo imkoni bo'la bermaydi [7].

Tadqiqot metodologiyasi. 2012-yildan boshlab O'zbekiston Respublikasi barcha oliy ta'lim muassasalari (OTM) o'rtasida yagona videokonferensiya ta'lim texnologiyasi amalga oshirildi va hozirgi kunda bu borada elektron ta'limga katta e'tibor qaratilmoqda. Bunda OTM larga yangi imkoniyatlar va istiqbollar ochib berish borasida rejali ishlar amalga oshirilmoqda. Masalan, hududlardagi kadrlar malakasini masofadan boshqarish bunga misol bo'la oladi. Elektron yoki masofaviy ta'limning yangi bosqichida nafaqat axborot texnologiyalarini qo'llash, balki elektron shakldagi ta'lim manbalarini bilan ta'minlashni ko'zda tutiladi.

Masofaviy ta'lim texnologiyalari — masofaviy ta'lim bu E-Learningga qaraganda kengroq tushunchadir, u interfaol mustaqil ta'limning va qo'llab-quvvatlashning intensiv maslahat sintezi hisoblanadi. Shunday qilib, elektron ta'lim masofaviy ta'limning bir bo'lagi hisoblanadi. Masofaviy ta'lim asosiy o'quv materialini o'quvchilarga yetkazib berish va o'quv jarayonida o'quvchi va o'qituvchi orasida interfaol ishlashni ta'minlaydi. Bunda qo'llanmalarni yetkazib berish kompyuter va Internetsiz ham amalga oshirilishi mumkin.

Masofaviy ta'limning afzalliklari:

Masofaviy texnologiyalardan foydalangan holda o'qitishning juda ko'p ijobiy tomonlari mavjud.

Yashash joyidan turib, o'qish imkoniyati — chekka qishloqlarda yashovchilarda katta shaharlarga borib, universitetga kirib-o'qish imkoniyati har doim ham bo'lavermaydi. Masofaviy ta'lim texnologiyalari ularga o'z shahridan ketmasdan turib, o'qish imkoniyatini yaratib beradi.

O'qish va ishini birga qo'shib olib borish o'quvchilar ishdan ajralmagan holda ta'lim olish imkoniga ega bo'ladi, bu, ayniqsa, malaka oshirish yoki ikkinchi oliy ma'lumot oluvchilarga juda qo'l keladi.

Sifatli texnologiyalar va o'quv mazmunini egallash-talaba sifatli o'quv materiallari yordamida o'qitilishi, o'qituvchi bilan muloqot qilishi va o'z individual o'quv rejasini tuzishi mumkin.

Baholashning xolisligi-masofaviy ta'lim texnologiyalari bilim sifatining doimiy nazorati, natijalarning baholanishi, inson omilidan xoli bo'lgan xolis avtomatlashtirilgan baholash joylarda moddiy manfaatdorlikni yo'qotishni ko'zda tutadi.

Ta'limda individual yondashuv-o'zgaruvchan grafik, ish va o'qishni birga qo'shib olib borish, shuningdek, o'zlashtirilayotgan materialni ma'lumotni individual o'zlashtirish tezligiga moslash masofaviy ta'limni barcha uchun qulay qilib qo'yimoqda.

Zamonaviy gumanitar akademiya-masofaviy ta'limdagi yetakchilardan biridir. Bu innovatsion OTM bo'lib, u dunyoning turli burchaklarida talabalarga o'z yashash tarzini o'zgartirmasdan, arzon narxlarda sifatli elektron ta'lim olish imkonini beruvchi elektron ta'limdir[9].

Ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish zamon talabidir. O'qitishning zamonaviy usullari va axborot — kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llamasdan turib, o'qituvchi o'z kasbiy faoliyatida samarali natijalarga erisha olmaydi. Ammo bunda ta'limning maqsad va mazmuni, usul va vositalari hamda tashkiliy shakllarini to'g'ri tanlash muhim ahamiyatga ega.

Axborotlar oqimining ortib borishi va ta'lim metodlarining murakkablashishi bilan ta'limni asosan an'anaviy usulda tashkil etish tobora qiyinlashib bormoqda. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalari o'quv

jarayonida alohida ahamiyatga ega bo'lib, ta'lim sohasi uchun nihoyatda keng imkoniyatlarni taqdim qiladi:

differential va individual o'qitish jarayonini tashkil qilishi;

teskari aloqa bog'lashi: o'quvchilarning o'zini-o'zi nazorat qilish va tuzatib borishi;

daraslarda animatsiya, grafika, multiplikatsiya, ovoz kabi kompyuter va axborot texnologiyalardan foydalanilishi;

o'quvchilarga fanni o'zlashtirish uchun ko'nikmalar hosil qilishi va hokazo.

Bilishning asosini amaliyot tashkil etadi. Axborot texnologiyalari esa ana shu jihatdan ham o'z ustunligiga ega. O'rganilgan nazariy bilimlarning texnik vositalar asosida amaliy jihatdan ham yoritib berish imkoniyatining mavjudligi o'quvchilarning ta'lim jarayonida yanada faol ishtirok etishini ta'minlaydi. Axborotni qabul qilish va o'zlashtirish, ikki tomonlama muloqot (o'qituvchi va o'quvchi, o'quvchi va o'quvchi o'rtasida)ni samarali tashkil etish o'quvchilar faolligining yuqori bo'lishini talab etadi.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari esa o'z navbatida motivlarni yuzaga keltiruvchi eng muhim omillardan biridir. Chunki, axborotlarning jamlanganligi, ko'rgazmaliligi, ya'ni turli xil taqdim etish imkoniyatlariining mavjudligi, animatsiyalardan foydalanish, ta'lim-tarbiya oluvchilarning yoshi va fiziologik xususiyatlariga mos axborotlarni taqdim etib borish o'quvchilarda ta'limga bo'lgan qiziqishni va bilim olishga bo'lgan ichki harakatlantiruvchi kuchlar(motiv)ni yuzaga keltiradi. Bu borada olib boriladigan ishlar mazmuni motivni o'stirishga, uni qo'ya bilishni o'rgatishdan iborat.

Axborotlardan samarali foydalanish asosida faoliyat ko'rsatish quyidagi vazifalarni hal etishning ma'qul yo'llarini ta'minlab beradi:

manba va unda kechadigan jarayon to'g'risidagi ma'lumotlarni qayta ishlash;

jarayonlar kechishi haqidagi davriy ma'lumotlarni muntazam olib turish va ular asosida nazoratlar olib borish.

O'qitishning axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanilgan tadqiqotchilik metodi ta'lim oluvchilarning ma'lum tematika doirasida ilmiy-texnik tadqiqot olib borish jarayonidagi mustaqil ijodiy faoliyatini ko'zda tutadi. Bu metoddan foydalanilganda ta'lim faol tadqiqot, kashfiyot va o'yin natijasi sanaladi [8].

Bizning fikrimizcha, uzluksiz ta'lim-tarbiya jarayonlariga axborot texnologiyalarini tatbiq etishda asosiy vazifalar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

- yangi axborot texnologiyalarini ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etishning zaruriy moddiy-texnika [bazasini yaratish](#);

- ta'lim-tarbiya jarayoni uchun zamonaviy axborot texnologiyalarini loyihalash va qo'llash;

- foydalanuvchilarning zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi bilim va ko'nikmalarini shakllantirish;

- zamonaviy texnologiyalar negizida ta'lim va tarbiya jarayonlaridagi samaradorlikni kafolatlash.

Ta'lim jarayonida axborot — kommunikatsion texnologiyalardan foydalanishda quyidagi bosqichlarga e'tibor qaratish kerak:

ta'lim oluvchilarda o'quv materiallarini taqdim etish va tushuntirish bosqichi,

Kompyuter bilan o'zaro muloqot jarayonida o'quv materiallarini o'zlashtirish bosqichi;

O'zlashtirilgan bilim, ko'nikma va malakalarni takrorlash hamda mustahkamlash bosqichi;

Erishilgan yutuq va natijalarini o'zini — o'zi tekshirish orqali nazorat qilish bosqichi;

Nazorat bosqichi;

O'zini – o'zi, shuningdek, nazorat bosqichlari natija va xulosalariga ko'ra o'quv materiallarining taqsimlanishi, tasniflanishini, tizimga solinishini korrektsiyalash, tuzatishlar kiritish bosqichi [10].

Texnologiyalar takomillashib borgani sari o'qituvchining roli ta'lim jarayonini boshqarish bo'lib qoladi. Lekin bu holat o'qituvchining ta'limdagi o'rni hech kamaytirmaydi va uni chetga surib chiqarmaydi. Ta'lim jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o'qituvchi vazifasini tubdan o'zgartiradi. An'anaviy ta'limda o'qituvchining vazifasi axborot berish (mavzuni tushuntirish, takrorlash, mustahkamlash va h.k.) bo'lsa, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari qo'llanganda bu vazifalarni kompyuter bajaradi (o'quv materiali kompyuter xotirasiga yoki SD diskarga kiritilgan bo'ladi), o'qituvchining asosiy vazifasi o'quvchining anglash faoliyatini boshqarish, o'quv jarayonini rejalashtirish va nazorat qilish bo'ladi.

Hozirgi fan-texnikaning rivoji bir tomondan axborotlarni, ma'lumotlarni ko'paytirsa, ikkinchi tomondan, o'quvchilarga bilimlarga barqaror qiziqishning yo'qolishiga olib keladi, chunki qat'iylik, ijodiy izlanish, irodaviy zo'r berish o'rni loqaydlik, faoliyatsizlik egallaydi.

Boshqacha aytganda, ular «tayyor axborotlarning quli»ga aylanadilar. Chunki kompyuter, displey, EHM, kalkulyatorlar inson aqliy mehnatini yengillashtiradi, ularni aqliy zo'r berishdan xalos qiladi.

Bunda ta'lim jarayonining tashkilotchisi va boshqaruvchisi hisoblangan o'qituvchi roli muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki jarayonning to'g'ri tashkil etilishi yuqoridagi kamchiliklarni **keltirib chiqarmaydi**, balki ana shu imkoniyatlarning ijobiy tomonlarini topa olish va samarali foydalana olish imkoniyatlarini yaratadi. O'qituvchi o'quvchilar jamoasi kishilardan tashkil topganligini unutmasligi har bir o'quvchi shaxsini e'tibordan chetda qoldirmasligi kerak. O'quvchilar bilan psixologik aloqaning qisqa muddatga bo'lsada yo'qolishi, og'ir oqibatlarini vujudga keltiradi. Jarayonning to'g'ri tashkil etilishi bevosida pedagogning vazifalarini aniqlab olish va bajarilishining ta'minlanishiga bog'liq.

O'qitishning elektron vositalari. O'qitish jarayoni pedagog, ta'lim oluvchi va o'qitish vositalarining o'zaro ta'siridan iborat. Hozirgi zamon kompyuter vositalari va axborot texnologiyalari imkoniyatlari o'qitish vositalariga o'qituvchi va ta'lim oluvchi vazifalarining bir qismini yuklash imkonini beradi [8].

Axborot, uni olish vositalari va o'qitish dasturlariga boy. Bunday o'quv muhitida o'qituvchining roli qanday?

Birinchidan, an'anaviy o'qitishdagi o'qituvchining bilim berish vazifasi o'rniga o'quv jarayonini boshqarish, o'quv dasturlarining barcha bosqichlarida o'quvchiga

maslahat berish, uning bilimi sifatini nazorat qilish vazifasi yuzaga keladi.

Ikkinchidan, tarbiyalash vazifasi. Ta'lim bu - professional va shaxsiy sifatlarni rivojlantiruvchi murakkab va ko'p qirrali jarayon. Shaxsni tarbiyalash jarayonidagi «jonli» muloqot insoniyat jamiyatining mavjudligi asosidir.

Darsni axborot – kommunikatsiya texnologiyalari asosida o'qitish o'qituvchi va ta'lim oluvchilar ishini ancha osonlashtiradi.

Xususan, boshlang'ich sinflarda fanlarni kompyuter vositalari asosida o'qitish quyidagi imkoniyatlarni yaratadi:

O'qituvchini takrorlanuvchi mehnatdan xalos etadi va uning vaqtini tejaydi;

Yaqin vaqt davrida natijasida o'quvchilarda fazoviy tasavvurlar shakllanadi;

O'quvchilarning ish tartibini tez o'zlashtirishini ta'minlaydi;

Fanga oid nazariy ma'lumotlar ko'rgazmali vositalar (rangli tasvirlar, ularning fazoviy ko'rinishlari) yordamida tushuntiriladi va natijada talabalarda ilmiy bilishga ehtiyoj ortadi;

O'zbekiston mustaqillikka erishganidan boshlab ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanib, xalqaro integratsiyaga qo'shilmoqda. Jamiyatimizning turli sohalarida rivojlanish ketayotganligi uchun axborotlar almashuvi masalasi tug'ildi.

Insoniyat jamiyati ba'zi bir murakkab masalalarni yechish, odamlarni ma'lum bir jamoaga to'plashni talab etadi. Bu maqsadda mukammalroq tizimlar inson muloqotining o'rni bosa olmaydi, lekin axborot texnologiyalari ular ishtirokining samarasini oshirishga va ijodiy faoliyatni avtomatlashtirishga imkon yaratadi.

Inson shaxsining o'z-o'zini boshqarish va ta'lim jarayonlarni takomillashtirish borasida axborotlar texnologiyasi tomonidan qo'lga kiritilgan yutuqlar juda muhim hisoblanadi. Ayniqsa, ma'lumotlar asri bo'lgan 20-asrda va har bir alohida ma'lumotning qadr-qimmatini oshishi bashorat qilingan. Masalan, oddiy muloqot jarayonini yanada takomillashtirish, shaxslararo munosabatlardagi ta'sirchanlikni, samaradorligini oshirishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va roli juda muhim [10].

Xulosa va takliflar. Shunday qilib, kompyuter vositalari yordamida olib boriladigan dars an'anaviy darsdan o'quv jarayonini tashkil etish va unda ishlatiladigan metodlar bilan ham farqlanadi. O'qitish jarayoni o'quvchining mustaqil bilim olishiga asoslanadi. Bu tamoyil o'qitish jarayonida ishtirok etuvchi sub'ektlarning munosabatini va o'qituvchining jarayondagi rolini aniqlaydi. Shuning uchun ham axborot texnologiyalari, kompyuter asosida darslarda qiziqish, o'zini-o'zi boshqarish, yangi bilimlarni o'zlashtirib borishga intilish dars oxirigacha saqlanib qoladi. Bunday darslarda o'quvchining bilim olish motivatsiyasi oshib boradi.

ADABIYOTLAR

1. Мирзиёев Ш.М. Таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича <https://president.uz/uz/lists/view/3924>
2. Усманов Р.Н. Интеллектуализация процесса принятия решений в условиях нечеткой исходной информации // Aloqa Dunyosi. – Ташкент, 2007.
3. Усманов Р.Н. К вопросу интеграции нечетко-множественного подхода в процесс диагностики состояний сложных систем // Химическая технология. Контроль и управление. - Ташкент, 2006.
4. Анджей Пегат, Нечеткое моделирование и управление Москва 2013
5. Лихачев Б.Т.; под ред. В.А. Сластенина. Педагогика : курс лекций /— М.: Гуманитар, изд. центр ВЛАДОС, 2010.
6. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии // Москва.: Педагогика, 1989.
7. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. – Москва.: Педагогика. 1980.
8. Сейтназаров К.К., Калимбетов К.И. Информатика фанини ўқитишда самарали методларни танлаб олиш ва қарорлар қабул қилиш дастурий таъминотини қайта ишлаб чиқиш // Fizika, matematika va informatika ilmiy-uslubiy jurnal Toshkent 2021. 88-98
9. Seytnazarov K.K., Kalimbetov K.I. The processes of organizing teaching students' algorithms and models // Academia: An International Multidisciplinary Research Journal 2021. 549-554
10. Kalimbetov K.I. The structure of the nonlinear-cumulative model of student's assessment // Science and education in Karakalpakstan 1-son issn 2181-9208 Nykyc 2020. 19-21



Миришод ҲАСАНОВ,
ТДТрУ мустақил тадқиқотчиси
E-mirshodhasanov02@gmail.com

ТДТрУ профессори, ф.ф.д. Ж.С.Раматов тақризи асосида

FARABI'S SCIENTIFIC AND PHILOSOPHICAL HERITAGE AND ITS IMPORTANCE IN MODERN HUMAN LIFE.

Abstract

In this article, Farabi's life focuses on the human mind in his scientific and philosophical views, the scholar's views on the anatomical, physiological and psychological features of man, as well as the biological basis of his cultural and social activities. Farabi's man, his recognition as the most perfect and mature end of the world's development, and the need to educate and train man in his works are analyzed.

Keywords: Farabi, human intelligence, education, cognition, methodology philosophy, dialectics, sophistry, rhetoric, poetics, logic, worldview.

НАУЧНО-ФИЛОСОФСКОЕ НАСЛЕДИЕ ФАРОБИ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В ЖИЗНИ СОВРЕМЕННОГО ЧЕЛОВЕКА.

Аннотация

В данной статье жизнь Фароби акцентирует внимание на человеческом разуме в его научно-философских мировоззрениях, в мировоззрениях ученого на анатомо-физиологические и психологические особенности человека, а также биологические основы его культурной и общественной деятельности. Фароби анализирует человека, признание его наиболее совершенным и зрелым концом мирового развития, также необходимость воспитания и обучения человека в своих произведениях.

Ключевые слова: Фароби, человеческий разум, образование, познание, методология философии, диалектика, софистика, риторика, поэтика, логика, мировоззрение.

ФОРОБИЙНИНГ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИ ВА УНИНГ БУГУНГИ ИНСОНИАТ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ.

Аннотация

Ушбу мақолада Форобийнинг ҳаёти илмий-фалсафий қарашларида инсон ақл-заковатини бирламчи ўринга қўйганлиги, алломанинг инсонни анатомик, физиологик ва психологик хусусиятлари ҳақидаги қарашлари, шунингдек, унинг маданий ва ижтимоий фаолиятининг биологик асосларини ўз ичига олади. Форобий инсон, унинг дунё тарққиётининг энг мукамал ва етук яқуни сифада этирофи, унинг асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлиги каби масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Форобий, инсон ақл-заковати, таълим-тарбия, билиш, методология фалсафа, диалектика, софистика, риторика, поэтика, мантик, дунёқараш.

Кириш. Дунё микёсидаги пандемия сабаб кўплаб ижтимоий муаммолар вужудга келдики, бундай ҳолатдан чиқишнинг ягона йўли фақат билим ва юксак тажриба эканлиги кўриниб қолди. Шу боисдан ҳам фалсафий антропология илмининг асосчиларидан ҳисобланган буюк файласуф, муаллим ас-соний “Иккинчи муаллим” мақомига сазовор бўлган Форобийнинг фалсафий қарашларида инсон ақл-заковатини бирламчи ўринга қўйганлиги, қолаверса, аллома жаҳон цивилизациясининг ривожланиш тарихи инсониятнинг табиат билан уйғун ҳолда яшаб қолишга бўлган оқилона муносабати, моддий ва маданий бойликларни онг-ақл воситасида яратишга бўлган интилишида эканлигига алоҳида урғу берган.

Форобийнинг инсоннинг анатомик, физиологик ва психологик хусусиятлари ҳақидаги қарашлари, унинг маданий ва ижтимоий фаолиятининг биологик асосларини ўз ичига олади. Инсон маънавий-ахлоқий камолотининг муҳим белгиси, нафақат ўтмиш ва келажак билан боғлиқликни идрок этиш ва тушуниш, балки ҳозирги инсоннинг ранг-баранглиги ва теранлиги билан ўлчанадиган рухий муносабатлардан иборатдир. Ана шу илк Уйғониш даврининг қомусий олими, антик юнон фалсафасини қайтадан жонлантирган, янги фалсафий назария ва ҳулосалар билан бойитган, Шарқ мусулмон фалсафасини яратган даҳо Абу Наср Форобийнинг

қарашлари асосида инсон, унинг яратувчилик фаолияти ётади. Инсон Аллоҳ томонидан яратилган барча жонзотларнинг гултожиси, сабаби унинг ҳатти-ҳаракати бошқа мавжудотларга ато этилмаган сифатда – ақлда деб кўрсатади. Шу боисдан ҳам «ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш» долзарб аҳамиятга эга [1].

Абу Наср Форобийнинг фалсафий мероси бутунги кунда бутун дунё олимлари томонидан чуқур ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида ажодларимизнинг бой маънавий-фалсафий меросини тадқиқ қилишга муносиб даражада эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланган бешинчи устувор вазифасидаги 73-мақсадда, айнан, “Буюк ажодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш” кўзда тутилган. Мазкур вазифа ажодларимизнинг бой маънавий меросини илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилиш ҳамда

ўсиб келаётган ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишни назарда тутати[2].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Абу Наср Форобий – ўрта аср шарқининг машхур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчидир. Абу Наср Форобий Сирдарё бўйидаги Ўтрор (Фороб) шаҳрида 873 йилда туркий қабилалардан бўлган ҳарбий хизматчи оиласида туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, Кейинроқ ўз маълумотини ошириш учун араб халифалигининг маданий маркази бўлган Бағдодга келди. Бағдодда бу даврда мусулмон дунёсининг турли ўлкаларидан, хусусан, Марказий Осиёдан келган кўп илм ахллари тўпланган эди. У ерга бора туриб Форобий Эрон шаҳарлари – Исфохон, Ҳамадон, Райда ва бошқа жойларда бўлди. Форобий Бағдодда ал-Мутагдил (829-902), ал-Муктафий (902-908), ал-Муктадир (908-932) халифаликлари даврида яшади [3].

Абу Наср Форобий турли соҳаларга оид илмий асарлар қолдирди. ўз даврининг файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олим сифатида шуҳрат қозонди. Аллома “Ақл ҳақидаги рисола” “Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак”, “Фалсафа манбалари”, “Масалалар манбалари” каби 160 дан ортиқ рисоалар ёзган.

Тахминан 941 йилдан бошлаб, Форобий Дамашқда яшаган. Шаҳар чеккасидаги боғда қоровул бўлиб, камтарона кун кечириб, илм билан шуғулланган. Сўнгги йиллар у Ҳалаб (Алеппо) ҳокими Сайфуддавла Ҳамдамид (943-967) илтифотига сазовор бўлди. Тадқиқотлар унинг Ҳалабдаги ҳаётини энг самарали ҳисоблайдилар. Чунки бу ҳоким ҳурфикрлилиги, илм-фанга эътибор берганлиги билан ажралиб турган. У Форобийни саройга таклиф этади, лекин Форобий бунга қўнмайди, оддий ҳаёт кечиришни афзал қўради. Форобий 949-950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқда яшаб, 950 йилда вафот этган ва “Боб ас-сағир” қабристонида дафн қилинган[4].

Форобий турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изоҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар;

2) фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлар.

Форобий қадимги юнон мутафаккирлари – Платон, Аристотель, Эвклид, Птоломей, Порфирийларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Айниқса, Аристотель асарлари (“Метафизика”, “Этика”, “Риторика”, “Софистика”) ва бошқаларни батафсил изоҳлаб, қийин жойларини тушунтириб бера олган, камчиликларини қўрсатган, айни вақтда, бу асарларнинг умумий мазмунини очиб берувчи махсус асарлар ёзган. Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин Шарқ илғор мутафаккирларининг дунёқарашини шакллантиришда, уларни Аристотель ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Абу Али ибн Сино Форобий шарҳларини ўқиб, Аристотель асарларини тушунганлигини алоҳида таъкидлайди. Форобийнинг шарҳ ёзиш фаолияти фақат Шарқнигина эмас, ўрта аср Европасини ҳам юнон илми билан таништиришда катта роль ўйнади. Бу фаолият унинг илмий тафаккури тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этади. Бу босқич, Форобий учун ўзига хос мактаб хизматини ўтаган ва янги мавзуларда тадқиқотлар олиб боришга замин ҳозирлаган.

Форобийнинг бундай асарларини мазмунига қараб, қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1) фалсафанинг умумий масалаларига, яъни, билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар;

2) инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган, яъни, билишнинг шакллари, босқичлари, усуллари ҳақидаги асарлар;

3) фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги мазмуни, тематикаси ҳақидаги асарлар;

4) модданинг миқдори, фазовий ва ҳажмий муносабатларини ўрганишга бағишланган, яъни, математика фанлари – арифметика, геометрия, астрономия ва мусикага оид асарлар;

5) модда хоссалари ва турларини, ноорганик табиатнинг, ҳайвонлар ва инсон организмнинг хусусиятларини ўрганувчи, яъни, табиий фанлар – физика, кимё, оптика, тиббиёт, биологияга бағишланган асарлар;

6) тилшунослик, шеърият, нотиклик санъати, хаттотликка оид асарлар;

7) ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишланган, яъни, ҳуқуқшунослик, этика, педагогикага доир асарлар.

Алқисса, Форобийнинг илмий мероси, умуман, ўрта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётига, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларида доир жуда бой маълумотлар беради [5].

Тадқиқот методологияси. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий-адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзади. Форобий, шунингдек, араб ва форс тилларида фалсафий мазмундаги шеърлар ҳам битган. Форобий асарлари XII- XIII асрлардаёқ, лотин, қадимги яхудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга ҳам таржима қилиниб, дунё бўйлаб кенг тарқалган. Сўнгги асрларда қўчирилган нусхалари кўп мамлакатларнинг кутубхона ва муассасаларида сақланади. Тошкентдаги Шарқшунослик институтида қадимги Шарқ файласуфлари асарларидан жами 107 рисолаи ўз ичига олган (жумладан, Форобийнинг 16 арабча рисолаи) “Ҳакимлар рисолалари тўплами” (“Мажмуат расоил ал-хукамо”, Қўлғизмалар фонди, 2385-ин.) бор. Бу ноёб қўлғизма Форобий асарларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тўпламдаги Форобий рисоалари 1975 йили қисман ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

Форобий ўз давридаёқ буюк олим сифатида машхур бўлганлигининг эътирофи шундаки, Шарқ халқларида у ҳақда турли ҳикоя, ривоятлар вужудга келган. Ўрта аср олимларидан ибн Халликон, ибн ал-Кифтий, ибн Аби Усабйя, Байҳақийлар ўз асарларида Форобий ижодини ўрганиб, унинг ғояларини ривожлантирганлар. Хусусан, Ибн Рушд Форобий асарларини ўрганибгина қолмай, уларга шарҳлар ҳам ёзди. Тараққиқпарвар инсоният Форобий ижодига ҳурмат билан қараб, унинг меросини чуқур ўрганмоқда. Европа олимларидан Б. М. Штрэншнейдер, Карра де Во, Т. У. Буур, Р. Хаммонд, Р. де Эрланже, Ф. Детеричи, Г. Фармер, Н. Ришар, Г. Лей, Шарқ олимларидан Нафисий, Умар Фаррух, Туркер, М. Махди ва бошқалар Форобий меросини тадқиқ этишга муайян ҳисса қўшдилар. Кейинги йилларда унинг ижоди ва таълимотига бағишланган бир қанча тадқиқотлар, асарлар юзага келди.

Яқин ва Ўрта Шарқда «Иккинчи муаллим» деб ном қозонган Марказий осийлик машхур олим Форобийнинг мантиқ илмига қўшган ҳиссаси ҳам бекиёсдир. Форобий ҳали ҳеч бир мутафаккир урдалай олмаган вазифани, яъни, Арастунинг ва умуман, қадимги грек мантиғини кенг тингловчилар ўрганиши учун энг оддий, тушунарли восита ва услубларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. Мантиқ тарихчиларининг таъкидлашича, Форобий бу тавсиялари билан Арастунинг мантиғига ўзгача файз киритиб, унинг китобхонлар орасидаги мавқеини янада кўтарилишига эришди. Форобийнинг мантиқка оид асарлари жумласига «Исагучи» (кириш), «Мақулот»

(Категория), «Ибора» (Хукм), «Қиёс» (Силлогизм), «Биринчи аналитика», «Бурхон» (Исботлаш-иккинчи аналитика), «Джадал» (Мунозара «Диалектика»), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поэтика), «Мантиқ илмига кириш», «Ақл ҳақида» «Силлогизм» ва «Шартли ҳукмлар» каби китобларини киритишимиз мумкин.Форобий ўзининг асарларида мантиқ илми, унинг предмети, тузилиши, вазифалари, фикрлаш жараёнининг босқич ва шакллари, мантиқий қонун-қоидалари, усул ҳамда амаллари ҳақида кенг маълумотлар берган.

Форобий мантиққа «муайян қонун-қоидалар асосида инсоннинг фикрлаш интеллектини йўналтирувчи ва такомиллаштирувчи фан» деб таъриф беради. Ушбу таърифни янада аниқлаштиради, Форобий асарларида мантиқ фанларнинг фани сифатида тафаккурнинг қонун-қоидаларини ўрганувчи бош фан, ҳатто санъат деб баҳоланади. Фақат тафаккур қонунларига бизга чин ҳақиқатни очиб бера олади. Форобийнинг таъкидлашича, уларсиз фикримиз қачон чин, қачон ёлғонлигини ёки қачон хатога йўл қўйганлигини билма олмаймиз. Қолаверса, ҳақиқат заминида ётган қарама-қаршиликлар ва уларнинг ечимларини топа олмаймиз.Форобийнинг асарларида тушунча, ҳукм ва ҳулоса каби тафаккур шакллари жуда кенг, қамровли ва батафсил изоҳланади. Айниқса, силлогизм, унинг пайдо бўлиш асослари, фигура ва модуслари кўп ўрганилган. Форобийнинг таърифлашича, тушунча – универсал табиатга эга, ҳиссий идрок қилинувчи нарсалар ҳақида билим берувчи категория. Бундан ташқари, Форобийнинг мантиқ тизимида тушунчани шакллантиришнинг усул ва амаллари, турлари ҳамда уларнинг ўртасидаги муносабат масалалари ҳам кенг ўрин олган [6].

Таҳлил ва натижалар. Форобий инсонни дунё тарққиётининг энг мукамал ва этук яқуни деб билади. Шунга қўра, у ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим-тарбия усулларидан қутилган мақсад асосий ўринни эгаллашини қайд қилади. Файласуф таълим-тарбия табиат ходисаларидан фойдаланиш ва бу йўлда бошқа кишилар билан тўғри муносабатда бўлиб, жамиятнинг ички тартиб қоидаларини тўғри ўрганиб, унинг талабларига жавоб бера оладиган инсонни қамол топтириш зарурлигини таъкидлайди.Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (хулқ-атвориға) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук ва мукамал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси- жамият талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсонни тайёрлашдир. Алломанинг “Идеал шаҳар аҳоли илмининг фикрлари” ҳамда “Бахт-саодатга эришув ҳақида” номли рисолаларида бу фикрлар янада аниқ-равшан ифодаланган.

Тарбия бериш усули, Форобийнинг фикрича, икки турли бўлади “ Аввалги усул-санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатиладиган усул. Иккинчи усул эса, мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш

учун ишлатиладиган усул. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулларида фойдаланади”.Форобий билимдон, маърифатли, етук одамларнинг образини тасвирлаб экан, шундайдай дейди:“Ҳар кимки илм- ҳикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғлиги ҳақида қайғурсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзнинг удасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин, илми ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва ахилли илмдан мол-дунёни аямасин, барча мавжуд, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин” [7].

Ҳулоса ва тақлифлар. Бу фикрлардан Форобийнинг таълим-тарбияда, ёшларни мукамал инсон қилиб тарбиялашда, хусусан, ақлий- ахлоқий тарбияга алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди. Унинг эътиқодича, билим ва маърифатсиз қутилган мақсадга эришилмайди ва бола ҳам етук бўлиб етишмайди. Олим дарахтнинг етуқлиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам таълим-тарбия билан яқунлашини айтади.Умуман, Форобий ўз давридаги ёшларнинг таълим олишлари билим эгаллашлари, ҳунар ўрганишлари, фаолият кўрсатишлари, меҳнат қилишлари зарурлиги хусусида фикрлар билдирган. Бу фикрлар ҳозирда ҳам таълим-тарбияда ғоят муҳимдир.

Инсон фаолиятининг адолатга яқинлиги ёки узоклиги унинг ақл-заковатига, таълим-тарбиясига, яшаган жамиятига боғлиқлиги, бунда жамиятда адолат асосий мезон сифатида қаралиб, Бир сўз билан айтганда, Форобийнинг инсон жамоаси тўғрисидаги таълимотининг асосини - кишиларнинг онгли ҳаракати, хулқ-одатлари, табиий-майиллари, истак ва малакалари, фаолиятлари ва турмуш даражаларини ўрганиш масалалари ташкил этади. Форобийнинг бахтли инсон ва фуқаролик жамияти хусусидаги фикрлариға яқун ясаб, шуни айтиш лозимки, Унинг ғояларида инсон бахтлиги бевосита жамият тараққиётига, жамият раванқига узвий боғлиқ эканлиги яққол акс эттирилганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Тақлифлар:1. Форобий ижодини инсон муаммоси чуқур таҳлил этилганини инobatга олиб, бугунги таҳликали даврда инсон кадр-қимматиға эътиборни янада ошириш мақсадида БМТ Бош Ассамблеясининг кейинги сессияларида Ўзбекистонда “Форобий ижодида инсон ҳамда унинг фалсафий антропологияси” мавзусида БМТ шафьелигида халқаро конференция ташкил этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

2. Бугунги глобаллашув жараёнида Форобий маънавий меросидан келиб чиқиб, ёшлар тарбиясида ахлоқнинг роли, Шарқона жамоавийликни тарбиялаш бўйича ОТМ ларда “Мураббийлик соати” учун “Форобийнинг антропология қарашлари” мавзусидан кенг фойдаланиш.

3. Янги Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширалаётган кенг қўламли ислохотлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ёшлар орасида “Ёш Форобийшунос” кўрик танловлари, тўғараклар, дебат клублар, давра суҳбатлари ташкил этиш.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.35. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонуни Тошкент ш., 2021 йил 5 июль, ЎРҚ- 699-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

-
3. Хайруллаев М. Шарқ Ренессанси ва Форобий. -Фан ва турмуш”, Тошкет. 1975, 239 –б
 4. Абу Наср Форобий. Рисолалар. – Тошкент, “Фан”, 1975.
 5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент, Абдулла қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993.
 6. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт, саодат ва камолот ҳақида . – Тошкент, “Ёзувчи”, 2001.



Бекзод ЧОРИЕВ,
Қариш муҳандислик иқтисодиёт институти
Академик лицейи ўқитувчиси
E-mail: bekzod.choriyev@internet.ru

ҚарМШИ доценти Исмоилов Д.М. тақризи асосида

PRINCIPLES OF DEVELOPING A METHODOLOGICAL FRAMEWORK FOR THE DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL COMPETENCIES OF STUDENTS IN ACADEMIC LYCEUMS

Abstract

This article discusses the principles of developing a methodological framework for the development of professional competencies of students in academic lyceums. The author clarifies the problem on the basis of available scientific and historical literature, relying on pedagogical data and sources of information technology. Comparative analysis of the existing approaches and theories on the principles of developing a methodological framework for the development of professional competencies of students in academic lyceums.

Keywords: Students, professional competence, vocational training, methodological system, continuing education, literacy.

ПРИНЦИПЫ РАЗРАБОТКИ МЕТОДИЧЕСКОЙ БАЗЫ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЕВ

Аннотация

В данной статье рассматриваются принципы разработки методической базы развития профессиональных компетенций учащихся академических лицеев. Автор уточняет проблему на основе доступной научной и исторической литературы, опираясь на педагогические данные и источники информационных технологий. Сравнительный анализ существующих подходов и теорий о принципах разработки методической базы развития профессиональных компетенций учащихся академических лицеев.

Ключевые слова: Студенты, профессиональная компетентность, профессиональная подготовка, методическая система, непрерывное образование, грамотность.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада академик лицейларда ўқувчиларни касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш тамойиллари масалалари ёритилган. Муаллиф педагогик маълумотлар ҳамда ахборот технологиялари манбаларига таяниб, мавжуд илмий-тарихий адабиётлар асосида муаммога аниқликлар киритган. Академик лицейларда ўқувчиларни касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш тамойиллари бўйича мавжуд ўзига хос ёндашувлар ва назарияларни киёсий таҳлил этган.

Калит сўзлар: Ўқувчилар, касбий компетенция, касбга тайёрлаш, методик тизим, узликсиз таълим, саводхонлик.

Кириш. Жаҳонда техника олий таълим муассасаларида қурилиш муҳандислиги йўналиши талабаларини фанлараро интеграцион ўқитиш асосида касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқишда замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Халқаро ташкилотлар ҳамда АҚШ, Япония, Россия, Хитой, Малайзия, Сингапур каби давлатлар томонидан қабул қилинган “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”, деб эътироф қилинган. Бу борада замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (RAD Studio, AutoCAD, Matlab) фойдаланиб умумкасбий ва ихтисослик фанларини фанлараро интеграцион ўқитиш орқали ўқувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда[1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Жаҳонда бир қатор таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида моделлаштириш, лойиҳалаш, дифференциал таълим бариш асосида таълимнинг сифат даражасини янги босқичга кўтариш, информатика фанини интеграцион ўқитиш асосида ўқувчиларни лойиҳалаш, конструкторлик ва тадқиқотчилик каби зарурий касбий

компетенцияларини шакллантириш, мустақил таълим бериш орқали касбга тайёрлаш механизмни такомиллаштириш, таълимда компетенциявий ёндашувларни тадбиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга ўқувчиларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришнинг таркибий, концептуал ва методик моделини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир талабага алоҳида мослаша оладиган услубий ишларни яратиш ҳамда муҳандислик таълимини лойиҳалаштириш заруратини тақозо қилади.

Мамлакатимизда ўқувчиларни фанлараро интеграцион ўқитиш асосида зарурий касбий компетенцияларини шакллантириш, ўқитишнинг концептуал ва методик тизимини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг касбга тайёрлашнинг концептуал методик тизими фанлараро интеграцион ўқитиш асосида такомиллаштирилмоқда[2]. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари

имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини давом эттириш” муҳим устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада методологик ва компетенциявий ёндашувлар асосида бўлажак курувчи муҳандисларникасбий компетенцияларини ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси. Бугунги глобаллашув жараёнида дунё миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди[3]. Бугунги кунда таълим сифати унда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг қандай билимга эгаллиги яъни, педагогларнинг касбий компетентлигига боғлиқдир. Сўнги йилларда бутун дунёда меҳнат бозоридаги талабнинг тез ўзгариши, иш берувчиларнинг фақатгина унинг билими, кўникмаси ва малакасигагина эмас, балки унинг шахсий сифатларига ҳам эътибор қарата бошлаганлиги билан белгиланади. Жумладан, ўқитувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришда касбий ва замонавий педагогик ғоялар амалга оширилмоқда. Шу боис, ўқитувчи ўқувчи учун билим олишнинг ягона манбаи бўлиб қолиши керак эмас, балки у ўқувчининг мустақил ишлаш жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси, ўқув жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиши лозим. Замон талабларига жавоб берадиган фидоий изланувчан, янгиларга интилувчан, ташаббускор касбий билимлар, кўникмаларга эга кадрларни тайёрлаш ҳозирги долзарб масалалардан ҳисобланади[4].

Узлуксиз таълим тизимида у мактабгача таълим муассасаси бўладими, умумтаълим мактаблари ёки олий таълим бўладими, барча таълим муассасалари ягона мақсад: битирувчилар компетенциясини шакллантириш, таълим ёки ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичига тез мослашувчан кадр тайёрлаш, олган билимларини ҳаётда қийинчиликсиз қўллаш каби сифатларга эга бўлишни тақозо этмоқда. Бу эса, таълим муассасаларида юқори малакали ўқитувчиларга эга бўлиш, таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва унинг сифатини оширишда асосий омил ҳисобланади[5]. Шунини инобатга олиб, кўпчилик давлатлар битирувчиларнинг касбий компетентлигига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Сабаби, бугунги замонавий таълим муассасасида ҳар бир талабгорнинг шахс эканлигини ҳисобга олиб ижобий таълим муҳитини яратиши, уларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларини аниқлаши, ундан ташқари ўқувчиларни аналитик, ижодий ва танқидий фикрлашга ўргатиши кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг устига ўқитишни самарали ташкил этиш, ўқувчиларда компетенцияни шакллантириш учун педагоглардан юқсак касбий маҳоратга эга бўлишлари талаб қилинмоқда. Шунинг учун ҳам, авваломбор мактаб ўқитувчиларининг касбий билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, сифатли таълимга эришиш учун ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш соҳасидаги малакаларини ошириш, касбий компетенцияларини ривожлантириш моделларини такомиллаштириш, мактаб битирувчиларига қўйиладиган давлат талабларини конкретлаштириш каби йўналишларда самарали ишлар олиб борилмоқда[6].

Хусусан, 2017 йил 6 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг 187-сонли қарорида умумтаълим мактаб битирувчилари учун 6 та: Коммуникатив компетенция, Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси, Ўзини ўзи

ривожлантириш компетенцияси, Ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, Миллий ва умуммаданий компетенция, Математик саводхонлик, фан ва техника янгиларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари белгиланган[7]. Мазкур таянч компетенциялар шакллантириш учун умумтаълим фанлари мазмунига мос равишда фанга оид умумий компетенциялар белгиланган асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Маълумки таълим жараёни доимо эмас, у жамият ва давлат тараққиётига монанд ҳолда доимий равишда такомиллашиб боради, унга қўйилган талаблар ҳам ўзгаради. Шу нуқтаи назардан янги ишлаб чиқилган Миллий дастур лойиҳасида эса, ўқитувчиларга қулайлик яратиш, баҳолаш имкониятларини яхшилаш ҳамда ўқувчиларни ортқича юқламалардан халос қилиш мақсадида таянч компетенциялар оптималлаштирилди, яъни уларнинг ҳар бири кўзда тутилган компетенциялар билан мазмунан мос тушган ҳолда, уларнинг сони иккитага қисқартирилди. Лойиҳага Коммуникатив компетенция, Ахборот компетенцияси, Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, Ижтимоий эмоционал ва фуқаролик компетенциялари киритилди[8].

Таҳлил ва натижалар. Фанга оид умумий компетенциялар эса, “табiiй ва иқтисодий фанлар” блок модули ўз ичига табiiёт ва география, биология, физика ва астрономия, кимё, иқтисодий билим асослари ва тадбиркорлик асослари ўқув предметларини қамраб олади ҳамда мазкур фанларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлайди. Мазкур фан блок-модулига қирувчи 7 та фаннинг барчаси учун тегишли бўлган иккита “Илмий хабардорлик” ва “Амалий компетенция”лар тақлиф қилинди. Бу айни пайтда ўқувчилар компетенцияларини баҳолаш тизимини ҳам енгиллаштиради[9].

Фанга оид “Илмий хабардорлик компетенцияси” ҳам асосан дарс жараёнида шакллантирилади ва шаклланиши асносида, “ахборот компетенцияси ва ўз-ўзини ривожлантириш” таянч компетенциялари ҳам ривожлантирилади. Даслик, ўқув қўлланмаларда хусусан, мактаб ўқувчилари учун 8 синф физика дарслиги матнда асосий формулалар алоҳида тўртбурчак ичига олиб, уларга ранг берилганлиги сабабли ўқувчининг диққатини жалб қилади[10]. Ҳар бир боб охирида ўндан ортик масалалар алоҳида машқлар сифатида берилган. Бу машқлардан иқтидорли ўқувчилар ҳам ўзларини қизиқтирган масалаларни топадилар. Бундай масалани махсус юлдузча билан белгилаб кўрсатилган. Масалаларнинг жавоблари дарслик якунида келтирилган. Лекин, айрим масалаларнинг жавоби берилганда уларни ечишга ҳожат қолмайдиган ҳолатларда, уларнинг жавоблари келтирилмаган. Ўз билимини тезкор текширишлари учун машқлардан сўнг ўндан ортик жавоби танланадиган тест топшириқлари берилган. Бундай тестларни танлашда ҳам асосан ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга йўналган топшириқлар танлашга ҳаракат қилинган[11]. Тест топшириқларининг жавобларини ўқитувчининг ўзи тайёрлаши керак бўлади. Наъмунага кўра, ўқитувчи қўшимча тестларни тузиши мумкин. Боб ниҳоясида, унда ўрганилган энг муҳим тушунча, қоида ва қонунларлар физик лугат сифатида келтирилган. Лугат асосида ўқувчилар билимларини такрор эслаши, ота-оналар эса фарзандларининг физика фанини қандай ўзлаштирганликларини текшириш имкониятига эга бўладилар[12].

Шу билан бир қаторда мавзулар матнида бевосита киритилмаган, қўшимча ўқиш учун берилган маълумотлар курсантларнинг илмий билиш ва амалий компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган. Шунингдек “Ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси”

дастурларни ривожлантириш учун кўпгина материаллар келтирилган. Бундай мисоллар ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмасини шакллантириш учун хизмат қилади[13].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, информатика дарсларини ташкил этиш методикаси олий таълим муассасасининг ихтисослигидан келиб чиқиб дарсларга қўйиладиган

талабларни ҳам қараб чиқиш зарур бўлади. Чунки, дарс жараёнида барча ўқув фаолияти ҳаракатли (фаолият билан боғлиқ) ёндашув асосида қурилиши, курсантларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга, ўтилган ҳар бир мавзунинг ҳаётий зарурати ҳамда амалий аҳамиятини англашга қаратилган бўлиши керак[14]. Шу ҳолатдагина ўқувчи таълим жараёнининг жонли иштирокчиси бўлиб шаклланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”. (2017). ЎзР қонун ҳужжатлар тўплами, 14-сон, 230 модда.
2. Арипов Х.Қ ва бошқалар. (2011) Электроника. Дарслик. Тошкент “Фан ва технология”.
3. Mirzarahimova, G. I. (2020). Pedagogical and Psychological Bases of Development of Educational Activity in Students.
4. Ramonova, S. K. (2020). The importance of information technology in teaching the basics of electrical engineering and the basics of electronics in higher military educational institutions. НамДУ илмий ахборотномаси,
5. Рамонова, С. К. (2020). Электротехника ва электроника асослари фанини ўқишни ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида такомиллаштириш методлари.
6. Рамонова, С. К. (2020). “Электротехника ва электроника асослари” фанини ўқитишда ахборот технологиялардан фойдаланишнинг методлари. “Таълимда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг инновацион усуллари”, 384-387.
7. Бадалова, Б. Т. (2020). Таълим тизими ва педагогика назарияси.
8. Утаев, А. Й., & Матъякубова, М. Б. (2019). Психологические основы развития речи. “Таълимдаги инновациялар ва ислохотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман, 1, 193-194.
9. Ўтаев, А. Й. (2019). Бўлажак ўқитувчилар сиёсий маданиятини шакллантиришнинг кластер тизими. “Таълимдаги инновациялар ва ислохотлар контекстида замонавий кластер тизими: муаммолар, ёндашувлар ва истиқболлар” мавзусидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами, 2, 50-53.



УДК 159.9.316.6

Шавкат ШОМИРЗАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Қурулми Қучлари Қичиқ мутахассислари тайёрлаш

Маркази Тактика цикли бошлиғи

E-mail: shomirzaevshavkat@gmail.com

доцент З.Р. Жаббаров тақризи асосида.

SOCIAL ADAPTATION IN THE DEFINITIONS OF VARIOUS SCIENTISTS

Annotation

Social adaptation is one of the most pressing problems facing the individual today, especially the younger generation. In the conditions of accelerated globalization, a number of scientists have spoken out about the problem of youth adaptation in society. Our article is based on analytical data and is based on the views and ideas of leading scientists in the field of social psychology and pedagogy.

Keywords. Adaptation, socialization, psychology, concept, behaviorism, needs, contradictions, behavior, psychoanalysis, individual, personality, process, cognitive dissonance, factors, approaches.

ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВ ТАЪРИФИ ОЛИМЛАР ТАЛҚИНИДА

Аннотация

Ижтимоий мослашув шахс, айниқса ёшлар учун бугунги кунда долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Глобаллашув жараёни жадаллашган вақтида ёшлар жамиятда мослашиш масалаларига бир қанча олимлар илмий асарларида мазкур муаммони талқин қилишган. Мақоламиз таҳлилий маълумотлар асосида тўзилган бўлиб, Ижтимоий психология ва педагогика фанларининг етук олимларнинг қарашлари ва ғоялари асосида баён этилган.

Калит сўзлар. Мослашиш, ижтимоийлашув, психология, концепция, бихевиоризм, эҳтиёж, зиддиятлар, хатти-ҳаракатлар, психоанализ, индивид, шахс, жаарён, когнитив диссонанс, омиллар, ёндашувлар.

СОЦИАЛЬНАЯ АДАПТАЦИЯ В ОПРЕДЕЛЕНИЯХ РАЗЛИЧНЫХ УЧЕНЫХ

Аннотация

Социальная адаптация является одной из наиболее актуальных проблем, стоящих сегодня перед личностью, особенно перед подрастающим поколением. В условиях ускоренной глобализации ряд ученых высказались по поводу проблемы адаптации молодежи в обществе. Наша статья основана на аналитических данных и базируется на взглядах и идеях ведущих ученых в области социальной психологии и педагогики.

Ключевые слова. Адаптация, социализация, психология, концепция, бихевиоризм, потребности, противоречия, поведение, психоанализ, индивид, личность, процесс, когнитивный диссонанс, факторы, подходы.

Қириш. Шахснинг жамиятга мослашуви муаммоси жуда зиддиятли. Бу муаммо билан Ёшлар психологияси, Ижтимоий педагогика, Ижтимоий психология, Педагогика ва психология, Социология каби фанлар шуғулланади. Ижтимоий мослашув муаммосини ўрганиш учун биз маҳаллий ва хорижий психологлар ва ўқитувчиларнинг асарларини кўриб чиқдик. Таҳлилимизнинг мақсади талабаларнинг ижтимоий мослашувининг турли жиҳатларини кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ижтимоий мослашув таърифи.

Хорижий психологияда мослашувнинг нео-бихевиорист таърифи кенг тарқалган бўлиб, Г.Айзенк ва унинг издошлари асарларида қўлланилади.

Бихевиоризм таълимоти асосида одам ва ҳайвон ҳулқида ташқи муҳитдан бўладиган таъсир, қўзғатувчи (стимул)га жавобан юзага келадиган хаттиҳаракат ва унга тааллуқли нутқий ва ҳиссий жавобларнинг мажмуи ётади.

Бихевиорист-олимларнинг асарларида, биринчи навбатда, мослашувнинг умумий таърифи берилди, сўнгра ушбу таъриф асосида ижтимоий мослашувнинг таърифи тақлиф этилади.

Олимлар мослашувни икки ҳил белгилайдилар: а) бир томондан ҳолат-шахснинг эҳтиёжлари, иккинчи томондан эса атроф-муҳит талаблари тўла қондириладиган ҳолат сифатида. Бу шахс ва табиий ёки

ижтимоий муҳит ўртасидаги уйғунлик ҳолатидир; б) ушбу уйғун ҳолатга эришиш жараёни[8].

Олимлар, мослашиш ҳолатини фақат умумий назарий жиҳатдан тавсифлаш мумкин, чунки амалиётда фақат нисбий мослашиш шахсий эҳтиёжларни тўла қонли қондириш ва атроф-муҳит билан муносабатларни бузмаслик маъносида бемалол бўлишини, таъкидлаганлар.

Бихевиористлар ижтимоий мослашувни муайян гуруҳ хатти-ҳаракати, ижтимоий муносабатлар ёки маданиятдаги жисмоний, ижтимоий-иқтисодий ёки ташкилий ўзгаришлар жараёни (ёки бу жараён натижасида эришилган ҳолат) деб белгилайдилар. Функционал жиҳатидан, бундай жараённинг мазмуни ёки мақсади гуруҳлар ёки шахсларнинг яшаш қобилиятини яхшилаш истикболлари ёки мазмунли мақсадларга эришиш йўлида боғлиқ. Аниқланаётган атама биологик қонуниятларга эга бўлиб, унинг эволюция назариясига яқин алоқадорлигини кўрсатади.

Хусусан, Л.Филипс томонидан ишлаб чиқилган мослашувнинг интеракционистик концепциясига кўра, мослашувнинг барча турлари ички психик ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ. Л.Филипс фикрига кўра, мослашувчанлик муҳитнинг таъсирларига икки турдаги жавоблар биланифодланади:

а) ҳар бир индивид ижтимоий эҳтиёж ва умидлар билан тукнашганда, ёши ва жинсига мувофиқ қабул қилиб

самарали жавоб беради[9]. Бу мослашувни, Л. Филипс, жамиятнинг хатти-ҳаракатларига таъсир қиладиган талаблар ва нормаларга мувофиқлиги ифодаси деб ҳисоблайди;

б) бу мослашиш ўзига хос маънода нафақат ижтимоий нормаларни қабул қилиш, балки янги ва потенциалхавфли шароитларга дуч келганда мослашувчанлик ва самарадорликни, шунингдек, воқеаларни ўзлари учун керакли йўналишни бериш қобилиятини англатади. Шу маънода мослашиш инсоннинг ўз мақсадлари, кадриятлари ва интилишларини амалга ошириш учун яратилган шароитлардан муваффақиятли фойдаланишини англатади. Бундай мослашишни фаолиятнинг исталган соҳасида кузатиш мумкин. Адаптив ҳулқ муваффақиятли қарор қабул қилиш, ташаббус ва ўз келажагининг аниқ таърифи билан тавсифланади[6].

Шахснинг ижтимоий-психологик мослашуви ҳақидаги иккинчи тушунчада шахснинг фаолияти, унинг ижтимоий фаолиятининг ижодий ва мақсадли, трансформацион табиати ҳақидаги фикр пайдо бўлади. Мослашувнинг бу шаклини асосан амалга оширувчи шахс муаммоли вазиятлардан қочмайди, балки бу вазиятлардан ўзининг интилишлари, мақсадлари ва асосий даъволарини амалга ошириш учун фойдаланади. Бундай шахслар асосан режалаштириш, ўз келажагини амалга ошириш ва бошқалардан пассив ёрдам ва йўл-йўриқ кутишга мойил эмаслар. Бундай мослашиш, ўз навбатида, шахснинг муваффақиятли ижтимоийлашуви туфайли шахснинг ижтимоий масъулияти ва ахлоқий етуклигига эришиш шартларидан биридир.

Мослашувнинг интеракционизм (инсонларнинг гуруҳда, жамиятдаги мулоқоти) тушунчасида яна бир муҳим хусусиятини таъкидлаш лозим: ижтимоий психологиянинг бу соҳаси вакиллари адаптация ва мослашишни фарқлайдилар. Масалан, ҳар бир шахс қийинчиликларни бартараф этишга имкон берадиган методларнинг комбинацияси билан тавсифланади ва бу методларни мослаштириш шакллари деб ҳисоблаш мумкин. "Мослашиш" тушунчаси инсон организми ўзига хос вазият ва талабларга ўзгаришини англатса, адаптация-мослашиш янада барқарор ечимлар англатади, муаммоларни енгилга хос йўллари, техникани ташкил этишни, ўз ичига олади[5].

Бундай ёндашув, биринчи навбатда, бихевиористик қарашлардан фарқли улароқ, адаптация ва мослашув ўртасидаги фарқни келтириб чиқаради, бихевиористлар эса барча ҳолатлар учун "мослашиш" атамасини ишлатадилар, бу уларнинг инсон ақлий фаолиятига биологизация ёндашувининг ифодасидир. Бу шахснинг ижтимоий психологиясининг концептуал аппарати ва ижтимоий-руҳий мослашув назариясини бирлаштиради. Иккинчидан, Т. Шибутани китобида келтирилганидек, интеракционистларнинг ёндашуви вазият мослашуви ва одатда муаммоли вазиятларга умумий мослашиш ўртасида фарқ қилиш кераклигини аниқ кўрсатади.

Психоаналитик мослашув концепцияси немис психоаналитиги Г. Гартманн томонидан махсус ишлаб чиқилган. Мослашув муаммосига қизиқиш "психология - мен" нинг ривожланиши, шахсга умумий қизиқиш ва унинг ташқи ҳақиқат шароитларига мослашиши туфайли ортади.. Психоанализни психологиянинг умумий назариясига айлантиришнинг энг муҳим қадамларидан бири "психология-мен" (ego-psychology) ни яратилиши, бошқа психология мактабларидан олинган кўплаб натижаларни психоанализ соҳасида иштирок этишни кўриб чиқади. Шахс ривожланишида зиддиятларнинг катта аҳамияти эътироф этилади. Бироқ, у атроф-муҳитга

ҳар қандай кам мослашиш эмас, балки ҳар қандай таълим ва фикрлаш жараёни зиддиятли эмаслигини таъкидлайди[7].

Агар муайян интеллектуал жараён (масалан, ўсмирлик даврида А. Фрейднинг фикрига кўра, шахснинг интеллектуализацияга қарши химоя механизми сифатида ишлайдиган) химоя ролини ўйнаса, бу функция унинг таърифини бекор қиладигани эмас. Худди шу жараён, шахснинг мослашувига ёрдам берадиган ташқи ҳақиқатга йўналтирилиши мумкин. Кўплаб МЕНнинг функциялари шахсий низоларда бевосита иштирок этади, аммо химоя жараёнларига билвосита таъсир кўрсатади.

Мослашув жараёни ва мослашув жараёнининг натижаси ўртасида фарқ мавжуд. Махсулдорлиги, ҳаётдан завқ олиш қобилияти, психологик мувозанати бузилмаган инсонни, психоаналитиклар яхши мослашган инсон деб ҳисоблашади. Мослашув жараёнида шахс ҳам, атроф-муҳит ҳам фаол ўзгариб боради, натижада улар ўртасида мослашувчанлик муносабатлари ўрнатилади. Шахснинг ижтимоий мослашувига бевосита катта аҳамият берилади ва бошқалар билан мослашиш вазифаси инсонни тугилган кунидан бошланади деб таъкидланади. Шунингдек, у қисман аввалги авлодлар ва ўзи фаолиятининг натижаси бўлган ижтимоий муҳитга мослашади. Инсон нафақат жамият ҳаётида иштирок этади, балки ўзини ўзи мослаштириши керак бўлган шароитларни ҳам фаол яратади. Жамиятнинг тузилиши, меҳнат тақсироти жараёни ва инсоннинг жамиятдаги ўрни биргаликда мослашиш имкониятларини, шунингдек, комплекс ривожланишни белгилаб беради.

Шунга асосланиб, инсоннинг мослашиш жараёни кўп қатламли бўлиб, мослашув даражаси ҳақидаги фикр инсон саломатлиги тушунчасининг асосидир. Ҳозирги вақтда психологик мослашувнинг энг ривожланганлари бихевиоризм, интеракционист ва айниқса психоаналитик талқинлари.

Ижтимоий мослашувни ўрганишнинг мураккаблиги шундаки, бу жараёнда иккита тизимли мураккаб тизим - шахс ва муҳит ўзаро таъсир қиладиган. Ижтимоий муҳит инсонни шу даражада яратадики, инсон ижтимоий муҳитни яратади. Ижтимоий мослашув жараёни Т. Шибутани қўйидагича тасвирлаб беради, бу жараёни интеграл деб ҳисоблаш кераклигини ва ўз ичига адаптив реакцияларнинг муайян тўпламини олишини таъкидлайди. У мослашиш оддий мослаштириш эмас, деб қайд, бу мослашиш бир қатор кетма-кет томонидан ташкил этиладиган техникаси асосида бўлади[5].

"Когнитив диссонанс" назарияси бўйича ижтимоий мослашув жараёнида шахснинг ижтимоий-психологик тузилишини ўзгарттириш жараёнининг мураккаблигига эътибор қаратилади [3]. Янги ахборот ва олдинги тасаввурлар ўртасида маълум бир мувозанат мавжуд деб ҳисоблашади. Ижтимоий сигнал ва мавзу ҳақидаги олдинги ғоялар ўртасидаги ёзишмалар идрокда "психологик қулайлик" ёки "когнитив диссонанс" ҳолатига олиб келади, бу жуда кўп ижобий ҳис-туйғуларни келтириб чиқаради, кайфият ва муносабатнинг умумий мувозанатли оҳангини сақлайди. Бироқ, агар инсон ташқаридан унинг нуқтаи назарига, эътиқодига, муносабатларига мос келмайдиган маълумотни олса, у ҳолда унинг ички мувозанатини бузадиган салбий ҳис-туйғуларнинг устунлиги яратилади. Бу эса ўзига нисбатан ишончсизлик, қоникмаслик ҳиссини, бир сўз билан айтганда, "психологик ноқулайлик" ёки "когнитив диссонанс" ҳолатини юзага келтиради. Инсонда зиддиятти бартараф этишга ички сабаблар ва ташқи вазиятнинг номувофиқлигига қаратилган мослашувга эҳтиёж бор. Бу ҳолда мослашув воситаси химоя механизмлари "психологик ёрдам"ни орқали босимни мослашувчан

бартараф этишбўлиши мумкин. Улар турли хил муносабатлар тўқнашуви хавф остида бўлган шароитда муайян яхлитлик, барқарорлик, шахсий ўзини ўзи англашнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш учун мўлжалланган[3].

Психолог ва педагогларнинг ижтимоий мослашув муаммоларига оид тадқиқотларида бир неча жиҳатларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Аввало, биз ижтимоий мослашув ва ижтимоийлашув тушунчалари ўртасидаги муносабатлар масаласига эътибор қаратмоқчимиз. Илмий адабиётларда ижтимоийлашувнинг турли таърифлари мавжуд:

1) "шахс томонидан ҳаёти давомида ўзи мансуб бўлган жамиятнинг ижтимоий нормалари ва маданий қадриятларини ўзлаштириш жараёни";

2) "шахс томонидан ижтимоий-маданий тажрибани ўзлаштириш ва янада ривожлантириш жараёни" сифатида;

3) "шахс томонидан муайян жамият, ижтимоий жамоа, гуруҳга хос қадриятлар, меъёрлар, муносабатлар, хулқ-атворнинг шаклланиши, ўрганилиши ва ўзлаштирилиши жараёни";

4) "шахсни ижтимоий амалиётда, ижтимоий фазилатларга эга бўлиш, ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва амалий фаолиятда муайян ролни бажариш орқали ўз моҳиятини англашнинг мураккаб, кўп қиррали жараёни"[10].

Ижтимоийлашувнинг кўплаб тушунчаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг барчаси социализация жараёнида шахснинг ролини тушунишда бир-биридан ажралиб турадиган иккита ёндашувдан бирига тўғри келади (гарчи бизнинг фикримизча, бундай бўлиниш биринчи навбатда жуда шартли ва иккинчидан, жуда кўпол).

Биринчи ёндашув ижтимоийлашув жараёнида инсоннинг пассив позициясини тасдиқлайди ёки қабул қилади ва ижтимоийлашувни унинг ўзига хос маданиятига мувофиқ ҳар бир аъзони шакллантирадиган жамиятга мослашиш жараёни деб ҳисоблайди. Бундай ёндашувни субъект-объект (жамият таъсир субъекти, инсон эса унинг объекти) деб аташ мумкин. Ушбу ёндашувнинг келиб чиқиши француз олими Эмиль Дюркгейм ва америкалик Талкот Пирсонга эди.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари инсоннинг социализация жараёнида фаол иштирок этиши ва нафақат жамиятга мослашиши, балки унинг ҳаётий шароитларига ва ўзига ҳам таъсир қилиши билан боғлиқ. Ушбу ёндашувни субъект-субъект сифатида аниқлаш мумкин. Бу ёндашув асосчилари америкаликлар Чарльз Кули и Джордж Герберт Мид[2].

Субъект-субъект ёндашув асосида, ижтимоийлашув, барча ёш босқичларида ўз-ўзидан, нисбатан йўналтирилган ва мақсадли яратилган ҳаёт шароитлари билан инсон ўзаро содир ассимиляция ва маданият кўпайиш жараёнида шахснинг ривожланиши ва ўз-ўзини ўзгартириш, деб талқин қилиниши мумкин. Ижтимоийлашувнинг моҳияти муайян жамиятда шахснинг мослашуви ва адаптациянинг ўйғунлигидан иборат.

Алоҳида ажралиб туриш-жамиятда шахснинг автономизация жараёни. Бу жараёнинг натижасида ўз фикр ва қарашлари (қийматли автономия) мавжудлиги, ўзининг шахсий қизиқишлари (ҳиссий автономия), шахсан ўзига доир масалаларни ҳал қилиш зарурати, ўз-ўзини ўзгартириш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз-ўзини рўёбга чиқариш, ўз-ўзини тасдиқлаш (қизиқишларига автономия)га ҳалакит берадиган турмуш вазиятларига

қарши туриш эҳтиёжи ҳисобланади. Шундай қилиб, алоҳида ажралиб туриш инсон индивидуаллигининг шаклланиш жараёни натижасидир.

Шундан келиб чиқадики, ижтимоий жараёнида "инсоннинг жамиятдаги мослашуви ўлчови ва унинг изоляция даражаси ўртасида ички, тўлиқ ҳал этилмайдиган зиддият" мавжуд[2].

Алоҳида ажралиб туриш ёки индивидуаллаштириш ижтимоий мослашув жараёнлари иккита мустақил қарама-қарши ҳодиса сифатида қаралмайди. Шахсият муаммосига таъсир қилувчи турли хил фалсафий тенденциялар инсон ҳаётидаги индивидуаллиқнинг ролини бошқача баҳолайди. Экзистенциализм нуқтаи назаридан ижтимоий мослашув ҳар доим индивидуаллиқни йўқотишга олиб келади. Ушбу фалсафий тенденция вакиллари (Сартр, Камю, Ясперс ва бошқалар) ижтимоий нормалар, қоидалар, қонунлардан озодлиқни англаувчи ҳақиқий шахсий эркинликни талаб қилади. Экзистенциалистлар фикрича, агар инсон маълум меъёрларга мувофиқ иш тутса, олдиндан маълум бўлган қонунларга мувофиқ иш тутса, у "қундалик ҳаёт" соҳасида, у ерда инсон ўз "мен"ини, юзини, индивидуаллигини йўқотади. Ўзини қайта тиклаш учун, одам экзистенциалистларга кўра, ўзини атрофдаги дунёдан ажратиши керак[11].

Бу савол замонавий Ғарб социологиясида жуда кўп учрайдиган шахс рол тушунчасида мутлақо тескари тарзда қўйилган. Роллар назариси шахсни ижтимоий муносабатларнинг функционер, ижтимоий ролларнинг ижрочи сифатида қарайди. Ушбу концепциянинг вакиллари (Сарбин, Парсонс, Шилз ва бошқалар) инсоннинг ролларга қандай муносабатда бўлиши, нима учун у баъзан улардан "сақраб чиқиши" ёки уларга зид равишда ҳаракат қилиши билан қизиқмайди[11].

Индивидуаллик инсоннинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини характерлайди, бир кишини бошқасидан ажратиш турадиган махсус, ўзига хос нарсани англатади. Индивидуаллик нафақат туғма биологик ва психологик хусусиятлар, балки онтогенез жараёнида ривожланган хусусиятлар билан ҳам боғлиқ. Шунинг учун, замонавий жамиятнинг ижтимоий шароитларига мослаш иш жараёнида шахсий хусусиятлар шаклланиши ва ривожланиши мумкин деб тахмин қилиш учун асос бўлади.

Мослашиш, одам конформал реакциялар, тақлид ёрдамида унинг ҳаёти учун мутлақо зарур бўлган стандартларни, идрок, фикрлаш ва хулқ-атвор стереотипларини ишлаб чиқади. Инсон хулқ-атворининг стереотипини муайян вазиятда унга қабул қилинган ёки энг мақбул, доминант, доимий эмас бўлган инсон хулқ-атворини тавсифлайди. Хулқ-атворнинг тақрорий ҳаракатлардан одатларга айланади, чунки ҳаётнинг тақрорий шароитлар инсонда хабардорликнинг мослашувчан заифлашишига олиб келади.

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, ҳаракатларнинг автоматлаштирилган тенденцияси мослашувнинг ўша босқичда шахснинг барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган даражада содир бўлади. Ички ва ташқи муҳит ўзгариши билан ҳаракатларни англаш даражаси ошади, янги шароитга мослашиш юз бергунча автоматизм йўқолади.

Шундай қилиб, онг мослашиш жараёнида назорат қилувчи рол ўйнайди: мослашувнинг дастлабки босқичларида ва вазиятда қутилмаган ўзгариш юз берганда регулятор ролини бажаради.

АДАБИЁТЛАР

1. Сейтхалилов Э. Рахимов Б. Маджидов И. Педагогик лўғат. Тошкент, 2011

2. Мудрик А.В. Социальная педагогика. 6-е изд., перераб. и доп. - М.: 2007. - 224 с
3. Леон Фестингер. Теория когнитивного диссонанса. – СПб: Ювента, 1999. – 320 с.
4. Философские проблемы теории адаптации / Ред. А. Б. Георгиевский и др. М., 1975.
5. Шибутани Т. Социальная психология. М., 1969
6. Налчаджян А.А., Личность, психическая адаптация и творчество. Ереван, 1980
7. H. Hartmann, Ego psychology and the Problem of adaptation.
8. Encyclopedia of Psychology / H. J. Eysenck, W. Arnold and R. Meili (eds). N.Y.
9. L. Philips, Human adaptation and his failures. Academic Press, N-Y&London,
10. Мустаева Ф.А. Основы социальной педагогики: Учебник для студентов высших педагогических учебных заведений – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Академический проект, 2001. – 416 с.
11. Милославова И.А. Адаптация как социально-психологическое явление // Социальная психология и философия / Под ред. Б. Д. Парыгина – Л., 1973.



УДК:316.344.32

Engin EVNĭ,

O'zbekiston Milliy universiteti mustaqil izlanuvchisi,

Toshkent turk maktabi direktori

E-mail: enginevni@gmail.com

Tel: 99 6381176

Farg'ona davlat universiteti ijtimoiy fanlar fakulteti dotsenti F.Ahmedova taqrizi asosida

TURKIYA TA'LIM TIZIMIDAGI TA'LIM AXBOROT TARMOG'I (TAT) SHARHI

Annotatsiya

Ushbu maqolada o'quvchilar va o'qituvchilarga bepul taqdim etiladigan onlayn ijtimoiy ta'lim platformasi bo'lgan "Ta'lim axborot tarmog'i (TAT)" tizimini o'rganishga qaratilgan ushbu tadqiqot modeli Vazirlikning Innovatsiyalar va ta'lim texnologiyalari bosh boshqarmasi tomonidan qabul qilinganligi taxlil etilgan. Milliy ta'lim va TAT tizimidagi xususiyatlar hujjat tahlili texnikasi bilan ko'rib chiqildi. TAT tekshirilganda, ko'plab ta'lim xususiyatlarini taklif qilgani ko'rinib turadi. TATdagi xususiyatlar va tarkiblar tekshirilganda, kurs, mazmun, musobaqa, ilovalar, TAT fayli, elektron kurslar, elektron uy vazifasi kabi ta'lim tizimi borligi ko'rinadi. TAT tarkibiga umuman hamma kirishi mumkin bo'lsa-da, TAT kurslari kabi ba'zi bo'limlarga foydalanuvchi nomi va parol bilan kirish mumkinligi maqolada ochib berilgan.

Kalit so'zlar: TAT, ta'lim axborot tarmog'i, ta'lim texnologiyalari, o'qitish, o'qitish usullari.

ОБЗОР ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ СЕТИ (ОИС) В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ ТУРЦИИ

Аннотация

В данной статье рассмотрены вопросы исследовательской модели, направленной на изучение системы «Образовательной информационной сети (ОИС)», представляющей собой онлайн-платформу социального образования, бесплатно предлагаемую учащимся и преподавателям, которая была принята Главным управлением инноваций и образовательных технологий Министерства Национального образования. Особенности системы были рассмотрены методом анализа документов. При изучении ОИС видно, что ОИС предлагает множество образовательных функций. При изучении функций и содержимого в ОИС видны образовательное содержимое, такие как курс, контент, конкурс, приложения, файл ОИС, электронный курс, электронное домашнее задание. Также в статье анализируется доступ к содержимому ОИС, которую в целом может получить каждый с помощью имени пользователя и пароля.

Ключевые слова: ОИС, образовательная информационная сеть, образовательные технологии, обучение, методика обучения.

EDUCATION INFORMATION NETWORK IN TURKEY EDUCATION SYSTEM

Abstract

EIN is an online social education platform offered by the Directorate General of Innovation and Technologies, primarily to students and teachers free of charge. In this study, a qualitative research model was adopted and the features included in the EIN system were examined by document analysis technique. When EIN is examined, it appears that EIN offers many features from educational care. When we look at the features and contents of EIN, it is seen that educational contents such as courses, educational content, sharing section; they can share news, video, audio, visual, document, book and magazine with other users.

Keywords: EIN, educational information network, educational technologies, training, teaching methods.

Kirish. Ta'lim Axborot Tizimi (TAT). Innovatsiyalar va ta'lim texnologiyalari bosh boshqarmasi tomonidan jismoniy shaxslarga bepul taqdim etiladigan onlayn ijtimoiy ta'lim platformasi (Education Informatics Network, 2016) sifatida belgilangan. Ko'pgina ta'lim xizmatlarini o'z ichiga olgan TATdan boshlang'ich va o'rta maktab o'quvchilari foydalanadilar. TAT 2012-yilda o'z faoliyatini boshladi va o'zgaruvchan ehtiyojlar tufayli takomillashib, dunyodagi eng yirik kontent xizmatiga aylandi [8]. Ma'lum bo'lishicha, 2020-2021 o'quv yilida 12 million boshlang'ich va o'rta maktab o'quvchilari TAT tizimidan foydalanmoqda [11].

TAT tizimi ta'lim mazmunini hamda o'qituvchilar va o'quvchilar tomonidan foydalanishi mumkin bo'lgan tizimdir. TATda matnli, ovoqli va rasmi manbalar bilan bir qatorda videoni namoyish qilish shaklidagi resurslar ham mavjud. Fayllarni yuklash va raqamli maydon bilan ta'minlash, musobaqalar tashkil etish, turli darajalarga mos darslar, e'lonlar qilish va foydalanuvchilar tomonidan ulashish TAT tizimini samarali xususiyatlardandir.

TAT tizimi ba'zi o'qituvchilar tomonidan internetga ulanish orqali ishlatiladi. Muammolar tufayli uni qo'llash qiyin bo'lsa-da, o'qituvchilar o'z darslarida TAT dan mustahkamlash yoki vizual o'lchamlarda foydalanadilar [13]. TAT o'quvchilar tomonidan ham turli maqsadlarda foydalaniladi. Maqolada o'quvchilar TAT ni mavzularni mustahkamlash, imtihonlarga tayyorgarlik ko'rish va mavzularni takrorlash uchun foydali deb bilishgan. Bundan tashqari, o'quvchilar ma'ruzalar, interaktiv o'yinlari, testlar va videolar qiziqarli ekanligini ta'kidladilar. Bundan tashqari, o'quvchilar TAT ularning ilmiy yutuqlarini oshirish, mavzuni takrorlash va test yechish ko'nikmalarini oshirishga yordam berishini ta'kidladilar [14].

Adabiyotlarni o'rganishda, ayniqsa, o'qituvchilarning TAT bo'yicha yetarli bilimga ega bo'lish va undan foydalanishda muammolar borligini ko'rsatib o'tishgan. Shuning uchun o'qituvchilar o'z darslarida va ta'lim faoliyatida bu tarmoqdan kamroq foydalanishlari mumkin. Bu sababdan TATning xususiyatlari va xizmatlari qanday ekanligini tahlil qilish va o'rganish zarurati tug'iladi. Ushbu tadqiqotning

maqsadi Innovatsiyalar va texnologiyalar bosh boshqarmasi tomonidan o'quvchilar va o'qituvchilarga bepul taqdim etilayotgan onlayn ijtimoiy ta'lim platformasi bo'lgan "Ta'lim axborot tarmog'i (TAT)" tizimini o'ziga xos jihatlarini o'rganishdan iborat.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Adabiyotlar o'rganilganda, TAT bo'yicha turli tadqiqotlarni ko'rish mumkin. Tadqiqotda u o'quvchilarda videolarni ochmaslik, saytga kira olmaslik yoki ballarni qayta tiklashda muammolar borligini aytishgan. Tadqiqotda o'quvchilar bu tizimni ta'lim olishda va ta'lim mazmunini o'rganishda yaxshi natija bermasligini qayd etishgan [14]. Bundan tashqari, o'quvchilar TAT ga kontent yuklash qiyinligini va bu o'quvchilar e'tiborini jalb qilishda samarasiz ekanligini va ular TATga tez-tez kira olmasliklarini ta'kidladilar. Boshqa bir tadqiqotda, TATdagi videolar o'rganilganda, videolarning sinflarga taqsimlanishi bir xil emasligi, videolarning davomiyligi bo'yicha yetarli emasligi, ko'rishlar soni kamligi va ba'zi videolar noto'g'ri ekanligi aniqlandi[3]. Ekici Arslan va Tüzün tomonidan olib borilgan tadqiqotda, TATga kirish jarayonida qiyinchiliklar mavjudligi aniqlandi va buning sababi, tegishli tarkib qaysi menyuda joylashganligi aniq emasligida [6].

Tadqiqot metodologiyasi. Kurtde Fidan, Erbasan Kolsuz tomonidan olib borilgan tadqiqotda, sinf o'qituvchilari TATni ko'p foydalanmasliklari aniqlandi [10]. Kayahan va Özduran tomonidan olib borilgan tadqiqotda o'quvchilarning TAT haqida ijobiy va salbiy qarashlari borligi aniqlandi [9]. TAT dan sinflarda dars berish uchun ham foydalanish mumkinligi aniqlandi [4]. Ma'lum bo'lishicha, o'qituvchilar tarmoq bo'yicha yetarli bilimga ega emaslar va ular undan kamdan-kam foydalanadilar [15]. Umumta'lim maktablari o'qituvchilari ham dars jarayonida TAT dan yetarli darajada foydalanmayotganligi haqida xulosa qilishgan[1]. Nihoyat, o'qituvchilarning bu tarmoqdan foydalanish chastotasi past ekanligi va o'qituvchilar ijtimoiy media orqali TATdan foydalanmasliklari aniqlandi [7].

Tahlil va natijalar. Bu tizimdagis xususiyatlar kurslar mazmuni, musoboqa, ilovalar, fayllar, elektron kurs bo'limlaridan iborat.


TAT kurs bo'limi. O'quvchilar, o'qituvchilar va ota-onalar <https://www.TAT.gov.tr> saytida bepul kirishlari mumkin. Tizimga kirganingizdan so'ng tegishli video, kurs, sinfni tanlab davom etishingiz mumkin (rasm 1.).



Rasm 1. Kirish

O'qituvchilar login bilan tizimga kiradilar. Sinf va kursni tanlab va tegishli videolar, interaktiv kitoblar, testlar, TV ko'rsatuvlariga kirishlari mumkin. Bundan tashqari, o'qituvchilar tarmoqda jonli darslarni o'tkazishlari mumkin. TAT kurs sahifasida "mening sahifam", "kurslarim", "mening sinflarim va guruhlarim", "mening fayllarim", "kontent ishlab chiqarish tizimi" va "yordam" bo'limlari mavjud. "Mening sahifam" menyusi yordamida o'qituvchilar va o'quvchilar birgalikda foydalanadigan hududga kirishlari mumkin. Ushbu sahifada ular xabarlar almashishlari, muhokama qilishlari va ovoz berishlari mumkin. Kurslar menyusida mavzular, imtihonlar, kurslar ro'yxati, o'qishni kuzatish va hisobotlar bo'limlari mavjud. TAT kursida o'qituvchilar faoliyati va

Rasm 2. TAT o'qituvchi ekrani




TAT tarmog'iga talaba logini va paroli yordamida kiradi. O'quvchilar sinf va kursni tanlash orqali o'zlari xohlagan bo'limning mavzu videolariga kirishlari mumkin. Ular kirishi mumkin bo'lgan menyular "Mening sahifam", "Kurslar" va "Mening sinflarim va guruhlarim" kabi ko'rinishda bo'ladi. O'quvchilar hududida "mening fayllarim" va "kontent ishlab chiqarish tizimi" menyulari mavjud emas. Yuqoridagi "Mening sahifam" menyusi yordamida o'quvchilar do'stlari va o'zlari foydalanadigan hududga kirishlari mumkin. Ushbu sahifada ular xabarlar almashishlari,

o'quv bo'limlari mavjud. Bu yerdan o'qituvchi tadqiqotlar o'tkazishi va e'lon qilishi mumkin. Mening sinflarim va guruhlarim menyusida maktab ma'lumotlarini yangilash, filiallar va guruhlar qo'shish imkoniyatlari mavjud. Bu yerda qo'shilgan guruhlar tufayli o'qituvchilar qaysi o'quvchilar guruhi bilan ulasha olishlarini oldindan belgilashlari mumkin. Mening fayllarim menyusida tarmoqga yangi fayl qo'shish maydonlari mavjud. Eski yuklangan fayllarni ham bu yerda ko'rish mumkin. Kontent ishlab chiqarish tizimi menyusida o'qituvchilar: materiallar, tadbirlar, ma'ruzalar, savollar va boshqalar haqida o'quvchilar va foydalanuvchilarga ulashish uchun yangi kontent ishlab chiqishi mumkin (rasm 2).

muhokama qilishlari va ovoz berishlari mumkin. Shu bilan birga, ular do'stlari va o'qituvchilari tomonidan ulashilgan xabarlarni ko'rishlari mumkin. O'quvchilar, shuningdek, xabarlarga izoh berish, yoqtirishlar ya'ni like yuborish, xabarni sevimlilariga qo'shish va xabarni o'z ismlari bilan bo'lishish imkoniyatlariga ega (rasm 3.).

TAT tarkibiy bo'limi. Tarmoqdagi kontent bo'limi tekshirilganda, bu bo'lim yangiliklar, video, vizual, audio, elektron kitob, elektron jurnal va hujjat bo'limlaridan iborat ekanligi ko'rinadi.



Rasm 3. TAT kursi o'quvchilar ekrani

